


84
4-38

*А*дабий дүстлик -
адабий дүстлик



Леся
УКРАИНКА

Понг отмокда

Шеърлар, достонлар,
драмалар

84
Y-38

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

A дабий дўстлик –
бадий дўстлик

Леся УКРАИНКА

Понг отшоқда

Шеърлар, достонлар,
драмалар



ТОШКЕНТ
«MASHHUR-PRESS»
2019

Масъул муҳаррирлар:
Орзиқул Эргаш, Faйrat Мажид

Украинларнинг машхур ижодкорларидан бири – мумтоз шоира, эрк ва озодлик куйчиси Леся Украинканинг ёлқинли шеърлари, поэмалари, юксак халқчиллик руҳи билан сугорилган эртаклари, пьесалари бугунги кунда ҳам нафақат ўз юртида, балки бутун эркевар дунё мамлакатларида, жумладан, бизда ҳам зўр қизиқиши билан ўқилади.

“Тонг отмоқда” номли мазкур китобдан сермаҳсул шоира асарларидан намуналар ва Леся Украинка ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақидаги таниқли олимларимизнинг айrim тадқиқотлари ўрин олган. Ўйлаймизки, улар сизни бефарқ қолдирмайди.

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
«Ижод» жамоат фонди ҳомийлигигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-5568-1-2

© Леся Украинка, 2019
© «MASHHUR-PRESS», 2019

ЭРК ФАЛСАФАСИ

Маънавий дастурхон

Украин халқининг мумтоз шоираси Леся Украинка (адабий тахаллуси, асл исми-шарифи – Лариса Петровна Косач) қуёш патиридан ушатиб олинган бир бурда умри бадалида ҳавас қилгулик катта адабий мерос қолдирди. Икки юз элликка яқин буғдой бошоқлариdek мағзи тўқ шеърлар, “Уммонга сафар”, “Етти оҳанг”, “Юлдузли осмон”, “Сонетлар”, “Романслар”, “Қрим хотиралари”, “Эрксизлик қўшиқлали”, “Садолар”, “Лаҳзалар”, “Қримнинг акс садолари”, “Куз қўшиқлари”, “Ирода ҳақида қўшиқлар”, “Мисрда баҳор”, “Сафар дафтарчасидан”, “Туш”, “Саҳро нафаси”, “Сирли эҳсон” сингари туркумлари шоира бадииятининг марварид шодаларидир. Леся Украинка шеъриятнинг деярли барча жанрларида бадиий баркамол асарлар яратди. Шоиранинг поэтик изланишларида фольклордан қониб-қониб сув ичган шеърий эртаклар (“Қарғишига гирифтор Роҳила”, “Миср хаёлоти” (“Сфинкс”¹, “Сув париси”, “Самсон”, “Ра-Менекс”, “Саул”), халқ тафаккур маданиятидан тўйиб-тўйиб баҳра олган афсоналар (“Қиролича”, “Триптих”² –

¹ Сфинкс – Қадимги Мисрда – одам бошли шер ҳайкали; Қадимги грек афсонасида – кўкрагидан юкори қисми хотинларга, танаси шер ёки итга ўхшаш қанотли махлук; яна сирли одам; ичидагини ҳеч ким билмайдиган одам каби маъноларга эга. Шунингдек, ҳашаротлар орасидаги бир хил катта капалак ҳам сфинкс деб юритилади.

² Триптих – умумий бир мазмун, сюжет билан бояланган учта мустақил расм.

“Бизга нима қувват беради”, “Орфеяниңг мүъжизаси”, “Дароз паҳлавон ҳақида эртак”, “Ой афсонаси”) файзи барокатли сағыфалардир. Достонларини айтмайсизми; ушбу силсилада ёниқ күзли тилла ҳалқалар ҳи-собланади (“Роберт Брюс – шотланд қироли”, “Эски эртак”, “Бир сұз”, “Вила – тутиңган сингил”, “Оппоқ сочли Изольда”).

Драматик достонлари билан шеърий драмаларыда тажассум топған шоиранинг нурпош истеъдо-дидан ҳайратларга чўмасан. “Вавилон тутқуни”, “Уч лаҳза”, “Руҳга йўлиққан қиз”, “Харобалиқда”, “Куз эртаги”, “Мағораларда”, “Ойша ва Муҳаммад”, “Кассандра”, “Заҳмат кулбасида, эрксизлик ҷоҳида”, “Руфин ва Присцилла” каби драматик достонлари жаҳон фалсафий шеъриятини янги мазмун билан бойитди. Инсон руҳиятининг тубсиз пучмоқларини кашф этиши жиҳатидан жаҳон достончилигини бадиий-эстетик талқинлар, ижтимоий-фалсафий умумлашма-хулосалар билан кучлантирди. Леся Українка шеърий драмаларида ҳам “Таврот”, “Инжил” каби муқаддас китоблардаги сюжетларга, қиссаларга, диний-ахлоқий мазмунга кўплаб мурожаат этди. Уларга умумбашарий маънавий-интеллектуал қадриятлар (шахс эрки, ирода-руҳ эркинлиги) нуқтаи назаридан ёндошди. Україн мумтоз шоири Иван Франко таъбири билан айтганда, аёлнинг қалб кўзи или кўриб, акс эттирган ҳаёт материалининг эстетик таҳлил маданиятига эркакларга хос мардонавор руҳ бағишилади (“Оргия”, “Тош хўжайн”, “Адвокат Мартиан”, “Ўрмон кўшиғи”, “Иоанна, Хусининг хотини”, “Қонга беланган майдонда”, “Бешбаттар азоб” ва ҳ.к. драматик саҳна асарлари).

Леся Українка ижодида ҳикоялари ҳам ёрқин бадиият шуълалари билан йўғрилган (“Капалак”, “Ёзуқида бор экан-да” – ҳаёт лавҳалари, “Кулфат-уқубат сабоқлари”, “Мактаб” – Волин лавҳалари, “Уммон узра”,

“Дўстлик” – Волин ўрмонзорлари, пасттекисликлари ҳаётидан, “Туш”, “Хато” – маҳбуснинг холосалари).

Адибанинг “Рус банди-тутқунининг овози”, “Душман-ғаним сингари эмас, хайрлик тиловчилар”, “Ким қай тахлит яшайди” рисоласининг украин тилига таржимасига сўнгсўз”, “Буковинадаги майда рус ёзғувчилари”, “Энг янги поляк адабиёти ҳақида қайдлар” сингари адабий мақолалари эстетик қарашлари хусусида тўлиқ тасаввур беради.

Адибанинг маънавият дастурхони бадиият бўстонининг сархил мевалари билан тўқис-тўқин.

Леся Українка асарларини халқимиз маънавий мулкига айлантиришда Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг серзаҳмат фаолияти гулпалақдек нақшинкор, жозибали (“Оқшомли соатда”, “Куйларим”, “Марварид ёшлар”, “Умид”, “Гоҳшундай”, “Ўтган баҳор”, “Қуюқлашди ғам”, “Ҳамиша ўйлайман” шеърлари). Бу борада Ўзбекистон халқ шоирлари Шухрат (“Ҳар ёнда кўз ёши”, “Менинг йўлим”, “Украина, ҳасратингдан”, “Исфай қизи”, “Саҳро нафаси” шеърлари), Жуманиёз Жабборов (“Эрк ҳақида қўшиқ”, “Сени интизор кутдим”), Эркин Воҳидов (“Ҳаробадаги ёзув”, “Алла”, “Дароз баҳодир ҳақида эртак”, “Бир сўз” достони, “Қиш эртаги” сингари лиро-эпик асарлари), Абдулла Орипов (“Мағораларда” драматик достон), Рауф Парфи (“Суюк диёр”, “Куёш ботар”, “Сукут аро мунис хаёлим”, “Сокин кечা”) маҳорати адаби бадииятининг умрзоқлигини таъминлаган умумбашарий боқий масалаларнинг (адолат ва зулм-залолат, ҳаёт ва ўлим, ёруғлик ва зулмат, садоқат ва хиёнат сингари) ўзбекча тажассум топишида ёрқин кўзга ташланади. Яна Сайёр (“Табиат ҳақида”, “Ўртоқларимга”, “Омилкор пан”, “Бир дам маъюслик”, “Ўз бошимга ўзим”, “Қайтиш”, “Мени сизга ожиз деган ким”), Тўлқин (“Денгиз сокинлиги”), Маъруф Жалил (“Дўстимга эсдалик”, “Романс”, “Сфинкс”, “Нега учолмайман юксак-юксакка”, “Топталган йўл-

да”, “Шонли кун”), Гулчехра Нур (“Куз эртаги”), Абдулла Шер (“Истардимки”), Маҳкам Маҳмуд (“Фожиа”), Носир Муҳаммад (“Украина”), Сирожиддин Рауф (“Үрмон қўшиғи” – шеърий драма) сингари истеъододлар кўз нури, кўнгил қўрининг сингиганлиги поэтик таржималар муваффақиятини таъминлаган.

Атоқли адабиётшунос Асил Рашидовнинг “Леся Українка” адабий портрети шоира бадиияти таҳлилига бағишиланган. Шоиранинг адабий-эстетик ғоялари табиатини ёритишга эришган.

Шеър – ҳикмат дунёси, сеҳр дарёси

Леся Українканинг буткул ижоди шахс эрки, ирода-руҳият эркинлиги ғоялари билан суғорилган. Шоиранинг “Эрк ҳақида қўшиқ”, “Менинг йўлим”, “Аччиқ кўз ёшимиз”, “Украина, ҳасратингдан”, “Менда қўрқув йўқ”, “Нега учолмайман юксак-юксакка?”, “Исфай қизи”, “Мени сизга ожиз деган ким?”, “Умид”, “Харобадаги ёзув”, “Дўстимга эсадалик”, “Фожиа” ва ҳ.к. ўнлаб шеърлари ҳикмат дунёсининг эпкинлари, сеҳр дарёсининг тўлқинлари дегинг келади. Дўстлик, меҳр-муҳаббат ҳақида ёзадими, садоқату оқибат, эътиқоду шафоат хусусида қалам тебратадими, табиат, Ватан, шаън-шавкат ва инсон қадри-қимматидан сўз юритадими, бадиий мазмун бағоят салоҳиятли, фикр қувватли, залворлидир. Зоро, шоира шеъриятидаги сўзда бекарон эркинлик бор. Эркка ташна кўнгилнинг қудратли нола-ҳайқириғи бор.

Биргина “Эрк ҳақида қўшиқ” шеъри мисолида шоиранинг бадиий тафаккур тарзи ва ижодий ўзлигининг хос хусусиятлари, поэтик образлари зими масига юкланган маънолар хусусида фикр юритсан. Шеър юрак амрини ифодалаш учун кўчага чиқсан, ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилишга ҷоғланган оломон тасвири билан бошланади. Бошлар узра байроқлар

чўғ, гулгун яллиғланади. Саф тортган одамлар тўлқинланиб, тўлғаниб ўтади. Тилларида эрк ҳақидаги қўшиқ янграйди.

*“Дўстлар, дадил бўлингиз!”
Нечун мунгли бу сўзлар,
Мотам ноласи янглиғ хаста ва маъюс бўзлар.
Бу оҳангда ҳазинлик, забунлик, ғариблиқ бор,
Бундай куй билан ким ҳам жангга киролур девкор?*

Инсоннинг маънавий-ақлий фаолияти тасвири шеър меҳварини белгилаётир. Боқийликка дахлдор ҳодисалар билан ўткинчи дамлар ҳамиша тўқнашиб туради бу дунёда. Замон саҳнида кечаётган кўплаб зиддиятларни одам шахсияти-руҳияти ўзига сингдирган ҳолда зухур топаётир. Шоира кўнглини ўртаган эрк масаласини ана шу муаммолар марказига қўйиб таєвирлайди.

*Халқум худди онасидан кўр туғилган йигитдай,
Очиқ қўз-ла, қуёш нурин кўрган эмас ҳеч қачон...
Мардлигимиз қиличдадир, аммо бағри қон бўлиб,
У занг босиб кўпдан бери ётибди қанча тутқун,
Ким ўзини муҳаббатга, халқига фидо қилиб
Яланғочлаб курашларга кирап экан эрк учун.*

Леся Українка шеъриятида шахс эрки, халқ хуррияти масаласи оламгир муаммолар кўз қорачиғини ташкил этади. Лирик қаҳрамони қалбидан отилиб чиқкан нидосини фифону нолаларга қоришиқ илтижо тусини олмаслигини истайди. Шеър мағзини белгилайлётган бадиий маъно пафос даражасидаги йўналишни таъминлаётир. Яъни шеърнинг умумий руҳида исёнкор кайфиятни вужудга келтираяпти. Ҳаётда илдиз отган ноҳақлик, адолатсизлик шахс эркини сингдирган, халқнинг озод яшашдек эркинлигини этик



пошналари остида тепкилаган зулмнинг аёвсиз хили. Шоиранинг лирик қаҳрамони ноҳақлик ҳирқасига бурканган хунукликтин-истибоддни қоралаш, инкор қилиш билан кифояланаётгани йўқ. Кўз ёши тўкиш, нолиш, афсус-надомат чекиш иродани сустлаштиради, дейди (“Йўқ, бу эрк қўшиғимас! Бу маҳкумлик нидоси: Йиглоқи дардли дилнинг фарёди, илтижоси. Эрк деган сўз маъносин англатмайди бу фифон, Фамгинлик, ҳокисорлик бу сўз остида пинҳон”).

Инсон ирода кучларини ёлқинлатиб, қилич тифини душманга санчсагина эзгу-олийжаноб истаклари ҳақиқатга етишади; тириклигини ёруғликка олиб чиқади, дейди. Бу – хунуклик кўринишидаги истибодд кучларини бир чеккага сурисб кўйиш эмас. Аксинча, ҳаётидан бутқул бартараф этсагина эзгу ниятлари ижобат топади. Эрк ташналиги тарафдорларни эмас, курашчиларни талаб қиласи. Ҳаётга, воқеликка фаол аралашсагина эзгу ниятлари ижобат топади. Ўз тириклигини, ҳаётини гўзаллаштиришга эришади. Эркинлик-курашчанлик сафарбарликдадир, деган бадиий маъно шоира шеърлари мағзини тайин этади (“Фоят оғир кунларда яшамоқдамиз ҳозир. Қизғин курашлар сари интиламиз мунтазир... Сизнинг иродангизда мужассамдир улуғ куч, Мотам нидоларининг таги бўшdir, мағзи пуч”).

Инсон иродаси мислсиз ўзгаришларни юзага чиқарувчи фаол куч, деган бадиий-фалсафий маъно шоира шеъриятининг виждонига айланәёттир. Бу – шоира шеъриятининг ижтимоий бурчи сифатида зухур топаёттир, демакдир. Ундан нур билан боғлиқ ранглар фалсафаси сизиб чиқмоқда. Ҳусусан, оқлик, оқ ранг рамзи Л.Украинка шеърида эркинлик мазмунини ўзида мужассамлаштирган ҳолда намоён бўлади. У лирик қаҳрамон қалбида ёлқинланган оловнинг шуъласи, ёруғликнинг ранги маъноларини ҳам ифодалайди.

*Ироданғиз нуридан ёлқынланар метин сағ,
Зағарлы құшиқлардан сизга йүқдір зарра нағ.
Аксинча, бундай күйлар олий ниятни тусар,
Чинакам эрк құшиғин ўзингиз түқинг, дўстлар.*

Англашиладики, фалсафий маъно шеърга дониш, ҳикмат, мутафаккирона назар бағишилар экан. Фалсафа билан шеърият қадим-қадим замонлардан бери күлни күлга бериб бақамти, ҳамкор-ҳамнафас яшаб келаётір. Леся Українка шеърида кузатилганидек, ижодкорнинг индивидуаллиги, ўзига хос нұқтаи назарі фалсафий шеъриятга давр-воқелик мазмунини олиб кириб, бетакрор мундарижасини белгилар экан. Демак, халқона ҳикмат намуналари бадий тафаккурға эврилиб, шеърнинг вужудига сингиб кетмоқда. Бир тану бир жон бўлиб зуҳур топмоқда. Айтиш мумкинки, фалсафий маъно шеърга чўнг залвор, салмоқдорлик бағишиласа, поэтик тафаккур – шеърий идрок ва ифода ҳикматли мазмунга қанот ато этаркан. Фалсафа билан шеърият кўз очиб дунё танигандан буён алоҳида, холис мавжуд. Ҳар иккиси бир-бирини инкор этадиган олов билан сув эмас. Ҳамиша камарбаста, елкадош. Бир-бирини ҳамиша жонлантириб, юксалтириб омухталиқда қовушиб келмоқда.

Фақат бир нарса бор; у – жудаям муҳим. Яъни, фикр, мушоҳадакорлик фалсафий шеърнинг мағзини ташкил этади, дедик. Тўғри, бадий баркамол асарларда ижодкор дунёқараши, эстетик принципининг муайян қирраси зуҳур топади. Шу маънода, ҳар қандай санъет асари адіб дунёқарашидан холи юзага келмайди. Хусусан, унинг ижодидаги фалсафий мазмун табиатини белгилашда бадий тафаккур тарзи ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, ижодкорнинг фикрлаш йўсини асарларининг фалсафий ёхуд ҳажвий-сатирик, лирик ёки юморга бой йўсинда намоён бўлишини таъминлайди. Айтиш жоизки, ҳар қандай шеър ҳам фикрдан холи .



эмас. Ҳар қандай шеърда у ёки бу даражада фикр мавжуд. Шеърдаги тафаккур табиати фалсафий мазмунга эга бўлиши учун, аввало, Леся Украинка шеърлари мисолида кузатилганидек, боқий мавзуларда (ҳаёт ва ўлим, эрк ва зулм-залолат, дўстлик ва макр-риё, садоқат ва хиёнат, инсон ва табиат, шахс ва жамият, гўзаллик ва хунуклик-қабоҳат) битилган, башарий қадриятлар мудофаасига қаратилмоғи лозим экан. Демак, боқий мавзу-масалалар билан умумбашарий маънавий-ақлий, ахлоқий қадриятлар фалсафий шеърият мундарижасини ташкил қиласкан.

Англашиляптики, фалсафий асар ижодкор (шоир, ёзувчи) дунёқараши билан чамбарчас уйғунлиқда тажассум топаётир. Яъни, ҳаёт материали – воқеа-ҳодисаларни танлаш, англаш ва кўрсатишдаги тафаккур табиатига боғлиқ. Шу боис ижодкорнинг барча асарларини бир хил савиядаги фалсафий мазмун билан йўғрилган, дея олмаймиз. Шоир шеъридаги фикр инсон ёхуд гўзаллик ҳақидаги концепциясининг муайян қиррасини акс эттирасагина, фалсафий қарашлари тизимини ёритишга қаратилсагина ҳикмат-дониш намунаси дея оламиз.

*Шундай куй тўқингки, жилолансин эзгу нур,
Кўнгил-байроқларингиз ҳилпираб эркин, мағрур.
Шу қўшиқ қанотида парвозлансан самода,
Ҳақиқий мўъжизани барпо этсин дунёда.*

Инсон иродасининг азмойиши шоира шеърларидаги эҳтирослар, тўлқинини жунбишга келтирган бош омил. Инсон – мўъжизакор, ноёб хилқат. Шахс эрки, ирода-руҳоний эркинлиги ҳам шунчалар муқаддас. Инсон тириклиги-тақдири учун ўзини масъул ҳис қиласди. Ҳаёт ғилдирагини ҳамиша инсон ҳаракатга олиб келган. Зулм, қабоҳат, ёлғон ёруғликнинг доимий кушандаси. Адиба бадииятининг

таъсир кучи шундаки, у украин халқининг ҳуррияти билан боғлиқ масалаларини башарий қадриятлар билан уйғунаштира билганида, ёритишга эришганинададир (“Сукунатга ғарқ бўлган денгиз – Сув юзаси гарчи тинч, аммо тубида пўртана улғаяр бу кез”; “Оҳ, оз тўкилдими тупроққа кўз ёш, Жаҳоннинг ярмини эта олур ғарқ. Бас энди! Қанча ҳам қонмаган бу оч – Дунёда кўз ёши тўқмоқдан не наф”).

Лирик қаҳрамон “На толе, на ҳурлик бермади ҳаёт, Танҳо умид қолди, мен-ла умрбод”, дер экан унинг дардлари ҳам меҳнаткаш, мушфиқ. Умидларин йўргаклайди шуълага ўраб. Қоп-қора булутлар буркаган қуёшга қараб, фақат умид-орзулари йиғлайди ўксик. Банда борки, ёруғ ниятлар билан тирик. Лекин қўл қовуштириб ўтириш билан одам ўз муддаосига етиша олмайди. Меҳнаткашнинг толеи-баҳти курашлар қучоғида гуллайди. Фақат курашлар тўлқини билан инсон баҳт қирғоғига етиб боради. Ушбу бадиий ғоя шоира шеърларидағи эрк фалсафасининг етакчи хусусиятларидан (“Мен қарши чиқаман бўронга танҳо, Чиқмоқчи бўламан курашга танҳо”).

“Нега учолмайман юксак-юксакка?” шеърида лирик қаҳрамон эзгин ҳавасларини табиат хоссалари билан ўзаро муқояса қиласиди. “Нега учолмайман нурга сероб чўққилар сари?” деб савол бераркан, қайғусида севинч яширин, ғамларидан унади умид. Кўзёшлари кўтарар исён. “Юксакда ўзгариб кетарди қалби, Тоғдан ҳам, ойдан ҳам тиниқ нур олиб”. Бадиий ғояни юзага чиқаришда юксаклик, оқ булат, нур, шуъла унсурлари ўзаро уйғунаштиралиб эрк фалсафасини намоён этаётган поэтик образга айланади. Оппоқ булутларга тўш урган тоғ чўққилари, юксакликда балқиган оппоқ шуъла, нурга йўғрилган тонг-эрк тушунчаси билан занжирсимон боғлиқ. Яхлит муштаракликда озодлик тушунчаси зухур топаёттир.

Леся Українка “Чўпни кўрсанг Хизр бил” деган шарқона ҳикматни эътиқод даражасида билган-англаган, асарлари руҳига сингдирган беназир шоира. Инсон шаъни, шахси, қадрини ниҳоятда юксак рутбаларда алқайди. Инсон шунчалар улуғ яратилган эса-да, нега қулликка маҳкум? Нега зулм-зўравонлик исканжасида вужуди пажмурда?!

*Нега қабр ичра туғилдик ахир?!
Наҳот қуллик бордир қисматда фақат?
Гар шундай бўлса биз ўлмакка ҳозир...
Нақадар оғир!..*

“Марварид ёшлар”, “Аччиқ кўз ёшимиз”, “Бир дам маъюслик” сингари шеърларида шоиранинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, айниқса, ёрқин ифодаланади. Оловда, қаҳрда қоврилган шеърияти зулмга, мутеликка қарши бош кўтаради. Сукунат ҳайқирап, уни тинглаб қол; Азимкор маҳвкор туйғулар жўшар. Нечун гулдуракни кутгандай худди... Кушлар жим қотади, туман ҳукмрон? Ҳолимиз ёмон!..

Куйинчак ўй-мушоҳадалари Ватани, халқи, замонаси ва ўзи ҳақидаги ҳақиқатни ошкор этаётир. Бу кўхна очунда эрк-хурликини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Унинг ўрнини ҳеч бир нарса тўлдира билмайди, эплай олмайди. Худди Гомер, Данте, Пушкин, Толстой ўрнини ҳеч ким боса олмагани каби. Даҳо ижодкорларни ҳаёт-ижтимоий тараққиёт вужудга келтиради. Ватан-халқ озод эмас экан, шахс ҳам эркинликка етишолмайди. Ёлғиз курашгина инсонни эрк-хурриятга элтади.

Ҳаётдаги ҳар қандай бошлама туйғу маданияти билан кўз очар экан. Фалсафий ғоя гўзаллик туйғусини ҳис этишдан ва гўзалликни ўзича баҳолашдан юзага чиққани монанд. Қачонки, орзу-умид алангаси хиралашса, тафти сусайса, кўзини қул босса – ўша

жойда мутелик илдиз отаверади, дейди лирик қаҳрамон.

*Сен қайды, эй күкнинг юлдузи – ҳурлик,
Осмонингдан пастга тушмайсан нечук?
Эркни нондай қутиб бизнинг ер шўрли
Қийналди... Ва ҳамон қуюқлашиб тун
Ҳақиқат-ла яккаш риё қилар жанг,
Аҳволимиз танг!..*

Биз нураган нуроний кексалиқдан эмас, эски дардлар асоратидан ўлиб кетамиз, дейди лирик қаҳрамон ўкинч билан. Инсон қисматида зулм ҳам шунчалар аёвсиз. Бадиий сўз ҳаётга, воқеликка фаол аралашар экан, зиммасига юклangan чўнг ижтимоий-фалсафий мазмун оғушида яшайди. Қовоқ тўлишса палагини қурилади. Зулм-зўравонлик қанчалик кучланса, унга қарши эрк ҳам ҳунчалар яллиғланади. Шоира сатрлари эркка ташна ирова қатъиятини ифодалаш баробарида ижтимоий мазмун ила чўғланади. Унинг таъсир кучи, фикр уйғотиш салоҳияти ҳам шунда. Сўз – шундай бир қудратли кучки, у инсон юрагини ғайратлантиради. Вужуд-вужудига сингиган қудратни фикрга, эҳтиросли туйғуга айлантиради. Ақли-шуурини ҳаракатга солади, курашга йўналтиради. Бу – сўз шаклини олган эрк, ҳурлик туйғусидир.

Шоира сатрларидаги ёниқ сўзларни худди нафасингдек ҳис қиласан; юрагинг зарбларидек туясан; гул ғунчасини, куртак туттган новдани ушлагандек, киприкларингни пайпаслагандек ажиб бир сезгини сезасан. Боиси, уларда салмоқли ижтимоий-фалсафий маъно бор. Хусусан, зулм-истибодд макнавий ахлоқсизликнинг аянчли кўринишидир, деган фикрни илгари суради. У жамиятни тубанлаштиради; инсон қадрини оёқости қилган ахлоқсизлик ботқоғига ботиради. Мозийдан маълумки, ҳар қандай салта-

натлар таназзули зулм-зўравонлик асосига қурилган ахлоқсизликдан бошланган. Аянчли оқибатлари шундаки, у жамият онгини жароҳатлайди; илғор тафакур кўл-оёғини кишанбанд этади. Кўзларига мил тортади. Шоира сатрларидағи фикр исёнининг бир учи ана шуadolатсизликлардан куйиб-ўртанади.

*Бутун халқ, оиласам, онам ва иним,
Занжирда инграйди суюги қақшаб.
Украинам тани тилим ва тилим,
Яллиғланиб ёнади оловга ўхшаб.
Занжирни узишга ёрдам берар ким!
Билмайман, тангрим!..
Токай шундай бўлур ё қулар тақдир?
Бу заиф қўлларга минг ва минг лаънат!*

Шоира сатрлари чақмоқдек ёниб, жангларда пўлатдек тиғдор бўлишига орзуманд. Куйлари – қиличда чархланган, оловда йўғрилган, яшиндек шиддаткор кескир. Яна, сўзларидан синиққан, эзилган, ҳокисор, ҳоки туроб мутеликнинг ўксик-ўксик йиғиси ҳам эшитилади.

Леся Українка бирники мингга, мингники туманга қабилида иш тутаёттир. Зулм-истибоддага кишанбанд халқнинг эзилган юрак зардобларини, кўз ёши селобларини сўз шаклида айтиш масъулиятини зиммасига оляпти. Халқнинг айби қуллик кишанларига занжирбандлигида, эркин яшашга ҳақ-ҳукуқи борлигини айта олмаётганида, айтса ҳам нолаларини оғзи гапирса бурни эшитади. Ўз ёғига қоврилиб жизғанак тортаётганидан, дардига даво топа билмаётганидан Тангридан имдод сўрайди. Ўзининг пажмурда ожиз қўлларига лаънатлар ёғдиради.

Лирик қаҳрамон айбсиз айбдор. Ғам-андухларига шифо топишга ожиз. Бу – зиёбахш зиёли одамнинг зиё истаб ёзфиришидир. Балки, буям бордир. Ва лекин



у чинакам христианликнинг ўзи. Аслида, христианликнинг ўзлик табиати ҳам шунда. Лирик қаҳрамон масъулиятни ўз бўйнига оляпти, елкасига ортяпти. Ҳаётни беҳад севгани учун ҳам уни бор-буди билан қабул қиласпти; ва лекин қулликни сева олмаяпти.

Мутеликда инсон шаъни, қадрини юзтубан қоришитирган иллатлар мужассам. Шахс эрки, бу – мўмин банда кўкрагига тегадиган эмин шабода эмаслигини, у курашлар самараси эканлигини англаш, тушуниш ва тушунтириш саодати ҳамдир. Ана шу туйғулар талқинида шоира шеъриятидаги шафқатсиз реализмдан, бадиий психологизмнинг кўркам кўринишидан воқиф топамиз. Ҳайратларга чўмамиз. Сатрлар замиридан ёлғизликка банди шоира руҳияти бўй кўрсатаётир. Кўзларига қўшилиб юраги ҳам йиғлаётир. Ана шундай мураккаб кечинмаларни бадиий ҳақиқатга айлантириш шоира бадииятининг нурпош хусусиятидир.

Шоира бадииятининг эстетик таъсир кучи шунчалар залворлики, ўқувчи кўз ўнгида мутелик гирдобида тўлғанаётган халқ аҳволидан тоғ-тошлару дов-дараҳтлар, барру баҳрлару жамики борлиқ ачиниб йиғлади. Афтода аҳволига чора излайди. Бахтсизликнинг мунчалар аянчли қиёфасини бадиий гавдалантириш санъати истеъдод эришган бахтдир, десак жоиз бўлармикан? Ваҳоланки, шоиранинг нуқтаи назари бу хил қарашдан анча йироқ. Истеъдод, будориломон ҳаёт қуҷоғида эланиш эмас, асло. Ирода эркинлигига етишиш учун курашда асл баҳт мужассамдир, дейди у. Шоиранинг эстетик қарашлари тизимида шахс баҳт-саодати масаласи башарий қадрият мақомида акс эттирилади, дедик. Баҳт инсоннинг тириклиги бадалида кутган, эришажак яккаю ягона истаги самарасими?! Ҳаётда инсон етишажак юксакликлар пиллапоясида баҳт бир пофона. Ҳаёт жараёнларини бадиий гавдалантиришда истеъдоднинг асл табиати намоён бўларкан.

Леся Українка эрк фалсафаси масаласига бағоят кенг ёндошади. Хусусан, зулм-залолат илдизларига чуқур назар ташлайди. Талқин ва тасвирда теранликка интилади. Тириклик инсоннинг бир умр ўз ўлими-ни излашими, унга етишиш учун талпиниб ўтишими? Ушбу издиҳомда сув келса симиради, тош келса кемиради. Охират остонасида етишгани не эрур? Туғилиш – ёруғликка етишиш фожианинг ибтидоси эдими? Эндингина эркинликка эришдим, деганди. Куллик, мутелик мاشаққатларини ҳеч бир зот ўйлаб топган эмаску! Одам насли шунчалик азоб-уқубатларни бир-бирига раво қўрадими? Бири иккинчисининг бошига соладими? Бани одамнинг бир-бирига қазиган чоҳлари охират саодатига етишиш йўлларидан бирими?

Ахир, эркинлик саодати руҳоний покланиш шаклларидан бири эмасми? Наҳотки зулм ўлим нишонаси бўлса? Ахир, ўлим дегани қулликнинг ўзгача шаклими? Бандани йўқлик чоҳига тортиб кетгувчи қора куч экан-да. Шу тахлит ижтимоий-фалсафий талқинлар шоира шеъриятида зухур топган бадиий психологизмнинг устувор хусусиятидир. Бу борада дунёвий издиҳомнинг диний-ахлоқий тафаккур билан чатишиши бадиий синтезнинг кўркам ҳосиласидир.

*Аммо бизлар қўзи очиқ фалаж бўлган кимсамиз,
Кудратли руҳ қалбимизда, вужудимиз ожизроқ...
Биз – номида тамғаси бор бузуқ қуллар авлоди,
Гурур билмас қул авлоди! Шу гап рост бўлса, демак,
Даҳшат солиб жангга кирган баҳодирлар ким эди?
Асли кимдан тузган эди қўшинини Спартак?!*

Инсон бахти, толеи курашларга киришда, ўз ҳақ-ҳукуқларига эга чиқишдадир, деган маъно бадиий-эстетик тафаккур замиридан сизиб чиқади.



Драматик достон ҳадлари

Леся Українканинг драматик асарларида шахс эрки, халқ озодлиги, инсон – миллат – Ватан тақдири масалалари лиро-эпик йўсинда янада теран тадқиқ этилади. Шоира буюк А.С.Пушкиннинг фожейй асар зиммасига юкланажак бадиий мазмун ҳақидаги фикрларини ёдга оларкан, драматург диққатидан қочирмайдиган асос хусусида ёзади: “Трагедияда ривож топадиган нимадир ўзи? Асардан кўзланган муддао нима? Инсон ва халқ – одам тақдири, омма қисматини ёритиш... Драматург учун нималар кўпроқ аскотади? Фалсафа, шафқатсиз бешавқлиқ, муаррихнинг давлат миқёсидаги тафаккури, топқирлиқ, тасвирда жонли фаҳм, тасаввур-такайюлда бекаронлик... Ва ҳеч қандай таассубга изн бермаслик лозим-лобиддир”.

Леся Українка ижодида уч омил устувор: шахс шаъни ва қадрияти, эркинлик ва Тангри таоло томонидан бандасига юқтирилган адолатга садоқат, гўзаллик-яратувчилик салоҳияти. Мазкур башарий қадриятларни кўпроқ диний мавзулар асосида таҳлил ва тадқиқ этади. Бу борада адаб ва адабиётшунос Ал Дейч қуйидагиларни таъкидлайди: “Леся Українка христианлар ва яҳудийларнинг муқаддас китоблари “Библия” билан “Таврот” ривоятлари ҳамда Евангелия афсоналаридағи сюжетларга мурожаат қиласкан, инсон ва халқ тақдири тўғрисидаги ўй-мушоҳадалар илҳомбахш куч-куvvват бағишлийди. Христианлик ва мажусийлик ўртасида юзага келган тарихий зиддиятлардан, Ўрта асрлар христианлик ҳәётидан жалб этилган образлар билан характерлардан сабоқлар олади; ибратли хulosалар чиқаради. Бироқ бу ўринда чоризм давридаги Украина чеккан ижтимоий ва миллий азоб-уқубатлар ёхуд қадимги яҳудийлик даврида Эллада – Юнонистондаги кулдорлик ўртасида ўзаро қиёсга берилиш ножоиз. Улар “Вавилон тутқуни”, “Мағораларда”, “Оргия” синтаги

драматик достонларида чуқур ёритилган”¹.

*Кимга ҳам зарур
Азиятга ўзни урмоқ ихтиёр билан.
Эркисзлик-ку қийнаётир шундайига ҳам,
Кимга керак хоч күтармоқ яна бекорга?
Мутеликнинг юкларидан сабримиз битган.
Мен черковга азоб ва хоч ахтариб эмас,
Умид билан озодликни истаб келганман.*

Неофит қулни хўжайин ва мутеин, зодагон ва қул – тириклик саҳнида ҳукм суроётган тенгсизликлар қийнайди. У ҳаётдан зулмнинг илдизини излайди. Жамиятда одамлар ўргасидаги табақаланиш қаёқдан вужудга келди? Бой ва камбағал қай йўсинда пайдо бўлди? Ўз дардларига даво истаб ибодатхонага бош уриб келишининг боиси шунда (“Пирлар ўз ҳоли-ча кўкларда учмас, Муридлари бошларида кўтаргай абас. Ҳақ-ҳақиқат деганлари топар ижобат, Худованд назаридан этма мосуво. Ҳар кимнинг енгию этаги бе-сабаб куймас” деган умидбахш каломни дилига жойлаган). “Эй, Биру Бор, қодирул Худо, Шафқату марҳаматингдан этмагил дариф”, дея юкинади, меҳробга бош уради. Бу дунёи дун нега номукаммал, деган ўйларда ўртанади (Бу осий, гуноҳкор бандангни кечир: Тошлоқ йўл бир чеккада қолиб, Балчиқдан юрарми бўлмаса сўқир?).

Леся Украинка қуллик, мутеликни маънавий зулмнинг ёзув хилларидан бири деб билади. Унинг инсон ботинидаги кечинмалар, ҳис-туйғулар шаклига кирган кўринишларини ҳам кўра олади; бадийи сўз куввати или жонлантира билади.

¹ Ал Дейч. Драматургия Леси Украинки. В кн: Леся Украинка. Собр.соч. в четырёх томах. III. Драматические произведения. – М., 1956. – С.537.

Қандай қилиб аччиқ бўлмас азият чекиши,
 Қандай қилиб оғир бўлмас ахир уқубат...
 Ўзинг асра! Кеча унинг болаларини
 Коринфлик бир грекка сотди хўжайин.

Неофит қул Биру Бор ҳузурини олий эрк даргоҳи, паноҳи деб билади. Ўша саодатга элтгувчи ҳақ йўлни топишдан орзуманд. Епископнинг таъкиди, йўриғи ўзгача: (“Озодликка эришгайсан, шубҳасиз, иним, Бош эгсанг бас дину имон азиятига. Фоний дунё уқубати ила йўл босиб Етишгайсан у мангалик, олий даргоҳга!”). Бироқ азият, уқубатнинг ўзида мутеликнинг муҳри бор, дея англайди Неофит қул: Наҳотки бандаликнинг ўзи бандилик аломати бўлса, дея ёзғиради. Изтироб алангаси тобора ловуллайди. Унинг ибтидоси бор-у, охири йўқ. Саволлар оғушида жизгинак тортаверади.

Леся Українка онасидан ажралган, қул қилиб сотилган бегуноҳ болаларнинг жолаларини, фарзандларидан ажралган она нолаларини зулмга қарши туғён тариқасида суратлантиради. Неофит қул: Тангри дилимизда, ўзимиз унинг уйи-черковда эканмиз, мансабдор руҳонийлар, хукуқсиз бандилар – қуллар бу гўшага қаёқдан келиб қолди, дейди. У зулмнинг ўчогини изларкан, шўрпешона қуллар қайси пучмоқда паноҳ топишини билгиси келади (“Биз хилқати олийдамиз сенинг сўзингча, Ундей бўлса, орамизда нега қуллар бор, Ва мансабдор руҳонийлар, хукуқсизлар бор!”).

Асарда Христиан зодагон, Кекса қул, Неофит қул, Епископ сингари бетакрор образлар яратилган. Дин ва шахс эрки, банда иродаси, дин ва зулм-ҳақсизлик психологиясини ёритишга эришади. Масалага фалсафий йўсинда жавоб ахтаради. Парвардигор ҳузурида барча баробар экан, “Худойимнинг иродаси бўйича иним, Мен қул бўлиб туғилганман, у бўлса – хожа”,

дейди кекса қул. Айнан ана шу қул ва хожа муносабатларидан мутелик кўз очаётир, болалаётир.

*Йўқ, ҳазратга фақатгина қўрққанимданмас,
Азбаройи содиқликдан хизмат қиласман.
Парвардигор иродаси буюрган буни.*

Зодагонга хизматкорлик мутеликнинг айнан ўзири, деб билади Неофит қул. Унинг кўнглини бир савол ўртайди. Зулм-мутеликни Аллоҳ буюрганими, ва ёки қуллик-итоаткорлик банданинг феъл-авторидами? Ҳаётда тенгсизлик кўринишлари беҳад кўп. Улар зулмнинг хиллари. Олам дунёвий зулм асосига қурилганмикан, деган хаёлларга ҳам берилади қаҳрамон ("Олий хилқатда ҳам қул ва хожа бор?"). Даргумонлик зулмнинг нақадар илдиз отганлигидан бир нишона. Неофит қул билан Зодагон ўртасида имон, гуноҳ, виждон, савоб шевалари хусусида баҳс кечади. Олам мукаммал, фақат банда феълига инс-жинс (шайтон) уя қургани боисидан ожиз, фаолияти ноқис.

Шу ўринда яна бир масала юзага чиқаётир. Хайрли иш ёнида фисқ-фасод, қуллик ёнида аъламбардорлик мавжуд экан, олам яралганда ана шу хил тенгсизликнинг мавжудлиги недир? Зодагоннинг иддаосида макр яширин. Аллоҳ ҳузурида тенгмиз иккимиз, дейди-ю, кекса қулга хожалик қиласди ўзи ("Модомики тенг экансиз, иккалангиз ҳам Нега фақат сен тобесан, нега у эмас"). Нур бор жойда соя бўлгани сингари Хожа билан Кул эгизакми? Леся Украинка бу хил қараашларни кескин рад этади. Ҳусусан, зулм-мутелик зарурат, эҳтиёж эмас. Бу – ёлғон ақлнинг уйдирмаси. Яхшиликни тотиб кўриш, эзгуликнинг нечоғлик беназирлигини ҳис қилиш учун албатта зулмнинг қанчалик ёмонлигини билиб қўйиш керак, деган алдамчи тасаввурларни ҳам инкор қиласди. Бойлик билан қашшоқлик эгиз туғилмаган, йўқ. Хожанинг дасти

узун, юлдузларни бенарвон уради. Қашшоқ одам – бечора. Биш кийими тушиб кетса эгилиб олишга ҳам мажоли йўқ. Яланг оёқларига чориқ-да.

Бу оламни билиш дегани, қул қилиб сотилган гўдакларнинг шашқатор кўз ёшларига арзирмикан? Эзгу амалларнинг яхшилигини билиш-у, зулм-мутеликнинг ёмонлигини ҳис этиш кимга керак? Қачонки, ён-теварагингда ноҳақлик, тенгсизлик бижғиб-болалаб ётса?! Ахир, ожизлик, тенгсизлик, ҳақсизлик заминида бахтни тиклаб бўлармикан?!

*Кўргилик деб айтса бўлар мана бу ҳолни!
Тиланчи чол бўлиб қолдим ёшлигимданоқ.
Кимни қарғай? Кимга лаънат ўқийин ахир?
Ноилождан қарзи учун мени пуллаган
Отамними лаънатлайн? Харидорними?
Ё бўлмаса ушбу бадбахт, қора дунёга
Шўрпешона бўлиб келган онни қарғайми?*

Леся Украинка, инсон ўз тириклиги учун қанчалик бурчли ва масъул экан, оиласи, атроф-теваракдагилар умри учун ҳам шунчалик жавобгар, деган фикрни илгари сураётир. Бурч-масъулият ҳисси эркинлик билан янада тугал ва тўқис. Банда ҳар бир босган қадами, қилмиши учун жавобгар. Христианлик шахс эркини эътироф этаркан, унинг зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Ўзганинг умрига дахл қилиш жиноят билан баробар. Ножӯя қилмиш-қидирмишнинг оқибати эса аянчли. Аллоҳ ноил этган эркинлигига рахна солаётир. Яъни, ўз эркини ўзи бўғиб ўлдираётир. Хато гуноҳни эргаштириб келмоқда. Гуноҳга тойилиш эса бандани маънавий эркинликдек бебаҳо ҳуқуқидан мосуво этмоқда. Гуноҳ бандани ўзлигидан, инсоний қиёфасидан ажралишга олиб келади. Шахслик маснадидан айрилган банда қулликка гирифткор. Ўзини-ўзи мутелик-бечоралик чангалига топширмоқда.



Англашиладики, инсон эркин яратилган жон. Онадан эмин туғилиш баробарида Тангри таоло кўнглига эрк нурини ҳам жойлаган. Хайрли амал инсон шаъни-шахсини қанчалар юксалтиrsa, ножӯя хатти-харакат уни тубанлик ботқоғига ботиради. Яъни, феъли фаолиятини белгилар экан. Неофит қул икки ўт орасида ёниб, адой тамом бўлмоқда. Эркинлиги ни пуллаган отасини айбласинми ёки уни қўлга киритган мулкдор-харидорними?! Ўз фарзандини қулликка маҳкум қилган ота зулм этагидан тутди-ку! Ўз айбини бирорга ағдаролмайди. Ўз гуноҳидан қочиб ҳам кутила олмайди. Қодир эгам оламни тўқис-тугал яратмаган экан, дея гуноҳини савобга йўёлмайди. Айбини бўйнидан соқит қилолмайди.

Ҳар ким экканини ўради, деган ҳикмат бор-ку! Леся Українка ижодида, шу жумладан, “Мағораларда” драматик достонида кузатилганидек, шахс эрки, озодлик масаласи дунёқарашининг меҳварини ташкил қиласди. Бир шингил озодликка етишган умрнинг кечмишини, инсон тақдирини бадиий-фалсафий тадқиқ этади. Эрк – энг олий, мубориз қадриятдир, дея баҳолайди. Неофит қул, банданинг савоб-гуноҳ ишлари эркинликка қанчалик муносиблигини белгилайди, дейди (“Бу дунёда гуноҳ нима – мен билмас эдим. Энди билсан – баҳтсизлигим гуноҳим экан. Ўлим мени азоблардан ва кулфатлардан Кутқарар деб ўйлар эдим...”). Банда ўзини қанчалик севса-эъзозласа, ўзгаларга ҳам шунчалик меҳр-шафқат, меҳрибонлик кўрсатиши лозим, дейди. Ҳаётнинг мағзи, тирикликтининг маъноси, баҳтнинг барқарорлиги ҳам ана шунда, деган тўхтамга келади. Бу – Неофит қул англаб етган ҳақиқат.

Зулмнинг ўчоғи, залолатнинг илдизи – инсондаги ўз биродарларига нисбатан меҳр-шафқатнинг сусайганида деб билади. Одам насли бир-бирига қаҳри каттиқ бўлиб кетди. Бир кўзинг иккинчисини ўя-

ман, дейди. Фариблик, бахтсизликнинг бир учи бандада ёлғизлиқда қолишида, ўз ёғига ўзи қоврилишида, деб билади. Одамларнинг ҳамнафаслиги, елкадошлиги ғам-кулфатни бирга бартараф этади. Гуноҳга ботишнинг ҳар қандай кулфатларидан асрайди. Инсон атроф-теварагидагиларга, биродару хешларига меҳр-оқибат, шафқат-муҳаббат кўрсатиши учун, аввало, озод бўлиши даркор. Ирода эркинлигига толеини забун-нигун қилгувчи ҳам, бахтини бутун этгувчи ҳам нур-ёруғлик муждаси бор, дея англатади.

*Менга нафсу нон керакмас, керакмас таскин,
Менга фақат бешубҳаю беҳасад, бедоғ
Севги керақ, муқаддас ва покиза севги.
Кўрай дейман ҳеч бўлмаса эрк шарпасини,
Ҳеч бўлмаса менинг ўғлим ёки набирам
Етсин дейман қуллик сўзи йўқолган қунга.*

Меҳр-муҳаббат эркинликдан туғилади. У - хурфикрлик фарзанди. У ҳар қандай зарурат, манфаат ва эҳтиёжмандликни инкор этади. Банданинг кўнглида гуллаган меҳр-муҳаббат алангаси Аллоҳдан иноят. У шафоат нуридир. Яратгувчининг ўзи кўнглига жойлаган нур-ёруғликнинг мевасидир. Эркин муҳаббат эгасигина мукаммалликка муносиб. Қодир Эгам оламни тўқис-тугал яратган. Банданинг қўтири феълию ножӯя қадам олишлари ҳаётини қадрсизлантиради. Ёруғ кунларини қоронғуликка чўмдириши ҳам ўз қилмишлари оқибатидир.

*Менга зарра зарурати қолмади, билсанг,
На подшо деб, на ҳоқон деб, на Олимпдаги
Мустабид деб жон беришни истамам мутлоқ,
Фақатгина одамларни муте қилмаган,
Кўл қилмаган Прометейга таъзим этаман.
У инсонни ваъда эмас, ўт-оташ билан*

*Нурлантируди, қурашларга чорлаб яшади...
 Майли, бир зум бўлса ҳамки, қул бўлиб эмас,
 Эркин бўлиб, ҳур бўлиб мен яшаб кўрайин,
 Озод бўлиб яшайин-чи, Худоларга тенг.*

Зулм – мутлоқ эмас. У банданинг ботинида, қилмиш-қидирмиш юмушлари замиридадир. Хайрли амаллар рёёби бандани ҳамиша саодатли кунларга етаклади. Эркинлик эзгуликда, баҳтга йўғрилган. Зулм – йўқлик дегани эмас. Ҳатто ўлимда ҳам зулмнинг қўли борлигини билсак-да, у бандани фоний тириклиги бадалида табиатидаги номукаммалликдан халос этади. Инсоннинг мавжудиятига рахна солаётган кемтик жиҳатларни йўқотади. Боқий саодатли ҳаётига йўл очади.

Оlam – улкан маънолар, мазмунлар маскани, деб билади Леся Українка. Фақат инсон ноқис, нотугал. Ҳамжинсларига яхшиликни раво кўролмаганлар, одамларга баҳт улашолмаганларгина қаҳрли, зулмкордир деган фикрни ёқлади. Ҳаётни, тирикликини севишда, кўнгилнинг ёруғлигига эркинлик бор. Ҳур фикрнинг саодатмандлиги ҳам шунда.

Нўймон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

■ ШЕРЛАР

* * *

Суюк диёр, алвидо, Волин,
 Қисмат бизни айирди ахир.
 Япроқ каби узилиб қолдим,
 Олиб кетар ҳайбатли темир¹.

Күз ўнгимда кўклам барқ урар,
 Чаманзорлар ялтирап ажиб.
 Қайнзорим шовиллаб турар
 Днепр, Случи бўйларида жим.

Сеҳргардир табиат – омон,
 Йўлларимга ёзадир гилам,
 Бошларимда занори осмон,
 Жимиirlайди беназир олам.

1888

ШЕРЛАР

¹ Поезд.

* * *

Күёш ботар, ул ҳам олур тин,
 Қораяди кечалик денгиз.
 Зумрад каби беғубор түлқин
 Соҳилларга сачрамас, тилсиз.

Яшил денгиз қўйнига чўкиб
 Сўниқ учқун титрарди ғариб –
 Турар эди ёниб ҳам ўчиб,
 Йироқлардан даъват сингари...

Қаршимда йўл, узун, муаммо,
 Ваҳший гирдоб узра ажойиб
 Оппоқ қайиқ боради, аммо
 Бирон ўтмай бўладир ғойиб.

Учқунлари ёнар ҳам ўчар,
 Қон рангида қўпирган макон,
 Сўнгги нурин иргитиб кечар,
 Хайр, азиз куним, қадрдон...

1888



ТАБИАТ ҲАҚИДА

Заҳматни ҳам, кувончни ҳам кўп чекдим,
Болалиқдан қучоғингда, табиат.
Бошга қўйдим, она деб этдим журмат,
Кўл кўксимда, болангман, деб энтиқдим.

Илоҳий ўт этдинг менга бахшида,
Менга йўлчи юлдуз бўлдинг ягона! –
Излаганим умид – куйим парвона,
Яхшиликни кўрсатдинг сен яхшида.

Умид нурин сўнишини сезган дам
Қабул этиб олгин ўзинг, табиат:
Қалбим сенга қолдираман мен фақат –
Унга зиё сочсин янги ёнган шам.

1889

ДЕНГИЗ СОКИНЛИГИ

Қоқ пешинда, күн қызиган чоқ
Деразамдан боқаман, ўртоқ.
Осмон тиник, тиник денгиз ҳам,
Тиник қуёш – нурафшон олам.

Бул нурафшон ўлкада, шундай,
Кечар экан умр пайдарпай –
Хаёлларга келмас ҳеч қачон –
Қайлардадир борлиги бўрон!

Денгиз сокин. Элас ва элас
Жимиirlайди мавжларни бесас.
Тиник сувда сузганда елкан,
Енгил шамол ўйнашар шўхчан.

Ҳа, тўлқинлар сапчир қирғоққа,
Томчилари марварид мисол.
Кимдир қайиқ сурар йироққа,
Мавжлар узра рақс этур ҳилол.

Кимдир қайиқ сурар йироққа –
Аста кесар сувни эшкаги.
Сув қалқийди, қалқиган каби –
Қайиқдаги инсон юраги!

Мен ҳам эшкак эшгим келади,
Қайиқ билан кетсам кўп йироқ.
Қуёш сари сузсам кўп йироқ,
Тўлқинларга бўлиб чин ўртоқ.

Қуёшчиқар томонга бориб,
Қуёшботар томонга қайтсам,
Қуёш ўтган йўллардан ўтиб,
Севинчимни нурларга айтсам.



Қоялардан чўчимасдим ҳеч,
Бўронларга қилмайин парво.
Нурафшон бир ўлкада, балки
Эсламасдим ҳеч бирин асло.

Евпатория, 16. 8. 1890

* * *

Сукут аро мунис хаёлим, –
Қафасдаги қуш каби тутқун.
Етмас озод учмакка ҳоли, –
Аламларда иқболи нигун.

Тургил энди, қўшиғим, уйғон,
Уйғон, синган қанотингни ёз.
Фалакларда чарх ур, бу замон,
Келур денгиз томондан овоз!

Ирмоқ бўлиб отил, қўшиғим,
Ирмоқ билмас қайга борур йўл.
Уч, қўшиғим, чағалай қаби,
Фарқ бўлмакни ўйламас-ку ул.

Шамол янглиғ ёза қол қанот,
Қайнаб-тошгил, эй, ташна кўнгил.
Жавоб йўқдир шамолга, ҳайҳот,
Лекин тўлқин сола олур ул.

Очиқ денгиз, 17.8.1890



МЕНИНГ ЙҮЛИМ

Илк баҳорда йўлга чиқдим ёлғиз ўзим,
Лабларимдан учар эди куй беизн.
Йўл-йўлакай кимга агар тушса кўзим,
Унга томон нидо берди қалбда сўзим;
“Адашмоғим осон, йўлдан ёлғиз юрсам,
Кўркув бўлмас бир-бировга бўлсак ҳамдам!”

Мен бораман... кўшиқ оқар нақ қуиилиб,
Бу куйлардан излама сен бир башорат.
Кўшиқларим янграмайди олам тўлиб,
Лекин кимки кўз ёш тўкиб, чекса заҳмат,
Унга дейман: “Сенинг дардинг – менинг дардим!”
Йифисини қўшиғимга қўшиб бордим.

Кўз ёшлари қурий бошлар шафқатимдан...
Эрк, саодат қўшиғини йўлда ногоҳ –
Тинглаб қолсам кўзим ёниб худди шу чоқ.
Аксу садо янграб чиқар дил қатидан!
Шунда қайғу-аламимни бир ён қўйиб,
Эрк қўшиғин янгратаман тўйиб-тўйиб.

Сокин кўкка гар ташласам кўзим қирип,
Янги юлдуз топмоқ орзум йўқдир зинҳор.
Эрку тенглик, қардошлиқнинг олтин нурин,
Кошки эди булут оша кўрсам бир бор!
Шу уч юлдуз халқнинг умид-орзусидир,
Кўпдан муштоқ ниятининг нақ ўзидир!

Наҳот йўлда умр бўйи тикан кўрсам?
Наҳот сира учрамаса бир боғу роғ?
Наҳот ёрқин мақсадимга етолмасам?
Наҳот йўлда умрим тугаб қолса, эвоҳ?!
Кўшиқ билан бошлагандим йўлни илк бор,
Кўшиқ айтиб тугатаман уни зинҳор!

ГОЛИБ

Кўп маҳал бўлмадим баҳор мафтуни,
 Сўзига, куйига солмадим қулоқ.
 Бекорга йўлимни тўсди ҳар куни,
 Очилиб-сочилиб, сўз қотиб қувноқ.
 “Чақирма бағрингга, – дедим, – эй, баҳор,
 Кудратинг етмайди олсанг сехрлаб.
 Табассум, кўркингнинг нима нафи бор,
 Юрагим лаҳаддек ётгач хувиллаб?”
 Баҳор-чи, қичқириб деди: “Ана бок,
 Ҳар нарса амримга солади қулоқ:
 Совуқни унуган ўрмону қумлок,
 Чечакка қўмилган дала-қир, ўтлок.
 Булутда қутирас момақалдироқ,
 Яшин ялт этади, қуяди сел ҳам.
 Чечаклар барқ уриб яшнар баттарроқ,
 Гўёёки нур ичра ғарқдир бу олам.
 Кел, энди яшарсин бу хаста қалбинг,
 Кўшиғим бағрингдан олсин акс садо.
 Ўзига жо қилсин борлиқни таъбинг.
 Юрагинг қўксингдан бераркан нидо!”
 Шивирлаб қатъиян десам ҳам “йўқ-йўқ!”
 Бўлмади! Юрагим ёниб ўт олиб,
 Кўз ёшим тирқираб, куйилди қўшиқ...
 Эй, баҳор! Охиран сен чикдинг ғолиб!

14.5.1893

ШЕБРЛАР

Сокин қеча, кеча сеҳргар,
 Уйқудаги қишлоқ узра тун
 Чодрасини ташлади сокин.
 Гүё ёнар фалак мунаввар,
 Гүё теран күл узра бу тун
 Қоқар оққуш кумуш қанотин.

Оққуш қанот қоққани сайин
 Ҳаприқади ятим, bemадор
 Бу жанг аро менинг юрагим.
 Бу курашда адo бўлдим мен.
 Кўшиқ айтгум келур сўнгги бор,
 Ўзим учун оққуш қўшиғин.

1894

* * *

Үз бошимга ўзим савдо солардим,
Йиқилардим болалиқда гоҳида.
Тураг эдим чиқармасдан бир садо,
Гарчи вужуд титрага қалбим оҳида.

“Қаер оғрир?” – сүраб-сурештиришар,
Сир бой бермай сақлар эдим сукунат.
Мағрур эдим мен болалик өнғида,
Йиғламаслик учун кулардим фақат.

Энди-чи, қўққисдан бир аччиқ алам
Қалтис ҳазил билан таратса овоз.
Тилимдан отилиб кетгудай бўлар
Қиличдай кескир сўз, ҳажв тўла баёз.

Кулгунинг бешафқат кучидан тондим;
Энди унга бўлгим келмайди таслим –
Аввалги ғурурим унутиб тамом,
Йиғлайман, кулишдан қўрқандан асли.

2.11.1897

* * *

Сени интизор кутдим, мени алдама, орзум,
 Ортда қолди оғир кун, уйқусиз тун карвони...
 Бутун вужудим ила сендин шу ўтинч сўзим:
 Сўнма, бедор тунларнинг эй, шами шабистоним!

Орзум, мени алдама! Қалбимдаги паймона
 Сен билан лиммо-лимдир, сен бўлдинг оби раҳмат.
 Мени сендан ҳеч бир куч этолмагай бегона,
 На бир азоб, на ўлим сололмас энди даҳшат.

Сени деб қанча-қанча орзуладардан кечдим воз,
 Бошла янги орзуга, кўнглим ром бўлмас асло.
 Вақт етди! Дилда исён тўлқинланар бекиёс!
 Бу йўлимдан узолмас бўлак ҳеч бир муддао.

Жонга – жон! Шиорим шу! Шу – мақсаднинг аниғи!
 Сўзим энди иш билан бўлажакдир муносиб:
 Ким денгиздан ўтибди, ғарқ бўлса-да қайиғи,
 Мақсадга эришмоқлик унга бўлгандир насиб.

Орзум, аввало, бошда чарх урадинг лочиндей,
 Энди ўзим учаман дил парвозга орзуманд.
 Нафасимдан ўт чақнаб, баҳорий нур сочилгай,
 Шу йўлда ўлар бўлсан, майли, ўлай, розиман.

ИСТАРДИМКИ...

Истардимки, майли, бир дам тўқмай ёш –
 Бир лаҳзага қўшиқ бўлиб яралсам.
 Шамолларнинг елкасига қўйиб бош,
 Шамол бўлиб, садо бўлиб таралсам.

Учаётган қўшиғимнинг забтидан
 Титроқ тушса юлдузларнинг розига.
 Истардимки, мен айлансан дафъатан
 Кенгликларнинг, тўлқинларнинг созига.

Янграп эди орзуларим ўшандা –
 Тушларимда аён бўлган баҳт-баҳор
 Юлдузларнинг жимиридан равшан-да,
 Тўлқинларнинг шовқинидан жарангдор.

* * *

Мени сизга ожиз деган ким,
 Ким қисматга атади муте?
 Қалтиарми ёки қўлларим,
 Наҳот сўниқ овозим ўти?

Эшитилган бўлса унда гар
 Шикоят ё бирор мунгли сас,
 Билинг, қўклам унда солар жар,
 У кузакнинг ёмғири эмас.

Гар куз бўлса...
 Йўқ бошқа илож -
 Кимдир унар, кимлардир сўнар:
 Мажнунтол ҳам ёйганича соч
 Олтин кузга монанд кийинар.

Қор қўрпаси билан ёпганда
 Қиши яланғоч ўрмонни ночор,
 Гуллар тобут узра ётгандай,
 Қиз ўзидек оппоқ гул сочар.

Илож қанча, яшаб ўтаман
 Сукутдаги мавжлардек секин:
 Сув бетидек мен сукутдаман,
 Денгиз тўлқин кутади лекин!



АЛЛА

Жонгинам, күзим,
Ой боқар хушхол,
Күзларингни юм,
Бир зум ором ол,
Кеч бўлди, күзим!

Тунинг хуш бўлсин,
Кўнглинг хуш бўлсин,
Бу кеч кўрганинг
Ширин туш бўлсин,
Кўнглинг хуш бўлсин.

Қайғурмоқ нечун?
Ким билар бу кун –
Тақдирда не бор?
Балки ёруғ кун,
Балки алам, зор –
Ким билар бу кун?

Кулфатда жаҳон,
Ғурбатда замон,
Бутун эл ношод.
Заҳматда ҳар он
Кечади ҳаёт,
Бутун эл ношод.

Бас, эгдик кўп бош,
Бас, тўқдик кўп ёш,
Шунча қилдик, бас –
Тақдирга бардош,
Йўқ, энди бўлмас!



Жонгинам, қўзим,
Ой боқар хушқол.
Кўзларингни юм,
Ухлаб ором ол.

Тин олсин бир зум –
Бу мурғак жонинг,
Ухла, жон қўзим,
Келар давронинг.

ГИЛОС

Яшил барглар остидан
 Мўралар гилос.
 Бўйинг етса, олсанг-у,
 Есанг қандай соз.

Ўралашиб болалар
 Остидан кетмас.
 Узиб олай десалар
 Бўйлари етмас.

Чўғдай қип-қизил гилос
 Тураг баландда,
 Кичкина юракларга
 Ёқар аланга.

“Эҳ, гилос, тотли гилос,
 Асал, новвотли гилос.
 Нега пастда ўсмайсан,
 Шунга ҳайронмиз, холос”.

“Баландда бўлмасайдим,
 Шохимда турмас эдим.
 Мени еб қўярдингиз,
 Пишиб улгурмас эдим”.

ҚИШ КЕЛГАНДА

Ўтиб кетди кўркам ёз,
 Оппоқ бўлди далалар.
 Мунғайишиб дарчадан
 Мўралашар болалар.
 Зерикишар қоронғу –
 Уйда ҳаддан зиёда.
 Эх, не учун совуқ бор,
 Қиш бор экан дунёда.
 Корга бурканиб ётар
 Дала, ҳовли, том бари.
 Изғирин хуштак чалиб
 Чиқма, дейди ташқари.
 Далада қор остида –
 Қолган бечора гуллар.
 Болалар қайғуришар
 Қайтмас, деб у соз кунлар.
 “Қайғурманг, тезда яна
 Эсар майин еллар ҳам.
 Қуёшнинг зар нурида
 Яна яшнайди олам.
 Ғунчалар гул очади,
 Барг ёзади куртаклар,
 Она ер узра баҳор
 Сочар минг хил чечаклар”.



ҚУШЧАЛАР НЕГА ҚУВНОҚ

Онасига дер ўғлон:
 “Қиши келмоқда, онажон,
 Қорга бурканган ҳар ён.
 Қушлар күйламас шодон,
 Бари учеб кетарми
 Узоқ ўлкалар томон?”
 “Йүқ” дер ўғлига она:
 “Юрипти-ку, хув, ана –
 Кичкина қаш – югурак,
 Унинг оти синчалак”.
 “Она, у нега кетмас,
 Совуққа парво этмас?”
 “У совуқдан қўрқмас ҳеч,
 Ташлаб кетмас диёрин.
 Аёзда ҳам эрта-кеч
 Кутар гўзал баҳорин”.
 “Қара, она, қарай қол,
 Қушчалар ўйнар хушҳол.
 Қоринлари тўқ каби,
 Ғам-ташвиши йўқ каби,
 Сакраб-сакраб ўйнашар
 Шўх қўшиқлар куйлашар!”
 “Эх, ўғилчам, ўғилчам,
 Қушлар шод эмас ҳеч ҳам.
 Сувлари, донлари йўқ!”
 “Бўлмаса нега улар
 Шод бўлиб қўшиқ куйлар?”
 “Оч бўлса ҳам қушларнинг
 Куйлашига сабаб бор.
 Чунки улар ишонар:
 Келар бир кун гулбаҳор”.

ОҚШОМГИ СОАТДА

Күёш оғиб уфқа ботди,
 Деразамда кумуш ой боқди.
 Пирпиради осмонда юлдуз,
 Атроф ухлаб... ғусса юмди күз.
 Боққа чиқиб оламан нафас,
 Ой нурида куйлайман бирпас...
 У ер қандай тоза, кенг, эркин,
 Унугилди ҳамма ғам секин.
 Теварак боғ, уйлар қордай оқ,
 Сайроқ булбул ўрмонда уйғок;
 Волиндаги ҳәётдай худди
 Ҳәёт қайда бегона юртда?
 Она қучган каби ардоқлаб,
 Уйларни тун олган қучоқлаб;
 Гүё ширин фарзанд бешигин
 Тебратгандай аллалаб секин;
 Нафас олар баҳорги ел жим...
 Юрек түлар құшиқларга лим...

МЕНДА ҚҮРҚУВ ЙҮҚ

Чақмоқлар даҳшат қилса,
Бош букарманми?
Ғамлар булути келса,
Тиз чўкарманми?

Эй, булут, қора булут,
Менда қўрқув йўқ.
Тайёрман, қара, булут,
Кўшиқларим ўқ.

Ёмғиринг гўё менга
Маржон билан тенг.
Синиб, бўлинар мингга
Чақмоқ қиличинг.

Ёполмайсан йўлимни
Тўсиқлар билан.
Шод этаман кўнглимни
Кўшиқлар билан.

Чақмоқлар даҳшат қилса,
Бош букарманми?
Ғамлар булути келса,
Тиз чўкарманми?

«МАРВАРИД ЁШЛАР»дан

* * *

Ҳар ёнда кўзёши, оху нола, зор,
 Ҳар ёнда тақдирдан нолиш ва армон.
 Ҳаммаси, ҳаммаси бефойда, бекор,
 Бекорга ғам ичра бош эгдик ҳамон.

Кўп қадим украин қайғусин эслаб,
 Ҳар куни, ҳар соат чекамиз заҳмат.
 Ҳар куни, ҳар соат ўрганиб, бўзлаб,
 Кутамиз кетар деб бошлардан зулмат.

Ярамиз қайтадан ошланар, ёнар,
 Битишга қўймайди аччиқ кўзёши.
 Кўзёшдан занжирлар баттар зангланар,
 Лекин у узилмас тугаб бардоши.

Не фойда йигламоқ зулм ичра ёниб?
 Ўтмишга боқишдан не фойда, нечун?
 Яхиси, қўлларга тиғ, курол олиб,
 Ҳужумга кирайлик порлоқ кун учун!

1890-



ТОНГОТАР МАШЬАЛЛАРИ

Хорғин бу эл узра қанотин
 Астагина ёйди қаро тун.
 Шамлар ўчган зим-зиё ҳар ён,
 Ётар ширин уйқуда жаҳон,
 Тун борлиқни қамраган бутун.

Аlam чекар ким бўлса бедор!
 Ухлаганлар қандай баҳтиёр!
 Кўзларимга келмайди уйқу,
 Атроф жимжит, атроф қоронғу,
 Сукут ичра, гўёки мозор.

Кечак узоқ, тоқатларим тоқ,
 Гўё туннинг сўнгги йўқ мутлок,
 Шу тоб бирдан кўринди зиё,
 Зулмат ичра касб этиб жило –
 Узоқларда порлади чироқ.

Чироқ! Бериб қуёшдан хабар,
 Тун бағрини тилкалаб ёнар.
 Ёнар, бўлмай уфқулар алвон,
 Ёнар, турмай уйқудан жаҳон –
 Мехнат аҳли ёқкан машъаллар.

Тўлқин ураг кўнгилда исён,
 Уйғон, сени иш кутар, уйғон!
 Ҳайдадуннинг ғафлат уйқусин,
 Ёқ тонготар машъалини сен,
 Күёш чиқмай, уйғонмай жаҳон!

ШЕВРАЛ



ҒАЛАБА

Күп маҳал бўлмадим баҳор мафтуни,
 Сўзига, куйига солмадим қулоқ.
 Бекорга йўлимни тўсди ҳар куни,
 Очилиб-сочилиб, сўз қотиб қувноқ.
 “Чақирма бағрингга, – дедим, – эй баҳор,
 Кудратинг етмайди олсанг сеҳрлаб,
 Табассум, кўркингнинг нима нафи бор,
 Юрагим лаҳаддек ётгач ҳувуллаб?”
 Баҳор-чи, қичқириб деди: “Ана, боқ,
 Ҳар нарса амримга солади қулоқ.
 Совуқни унуган ўрмону қумлок,
 Чечакка кўмилган дала-қир, ўтлок.
 Булатда қутуар момақалдироқ,
 Яшин ялт этади, қуяди сел ҳам.
 Чечаклар барқ уриб яшнар баттарроқ,
 Гўёки нур ичра ғарқдир бу олам.
 Кел, энди яшарсин бу хаста қалбинг,
 Қўшиғим бағрингдан олсин акс садо.
 Ўзига жо қилсин борлиқни таъбинг,
 Юрагинг кўксингдан бераркан нидо!”
 Шивирлаб қатъян десам ҳам “Йўқ-йўқ!”
 Бўлмади! Юрагим ёниб ўт олиб,
 Кўз ёшим тирқираб, куйилди қўшиқ...
 Эй, баҳор! Охиран сен чиқдинг ғолиб!

14. 5. 1893

ЎРТОҚЛАРИМГА

Узоқ юртда ўз гўшамдек қадрдон,
Унутмоқ мумкинми у кулба номин.
Ахир, ўша ерда эшиздим ҳар он,
Ҳақиқатнинг ёндирувчи каломин.

Ўшанда аламли саволлар бот-бот
Қаршимда намоён бўлди бетақлид.
Ўшанда айтганди курашчи авлод:
“Бизга басдир, энди сизлардан умид.

Навбат сизларники – эй, донгсиз ёшлар...
Кимсиз ўзи, қайдан? Жавоб беринг бот.
Гўдак йигисидек мунгли товушлар –
Шу сўлғин товушлар сизники, наҳот?!

Сиз балки, боқасиз ҳаётга лоқайд,
Барига бир жавоб қилмоқ эмас бурч.
Орзу, ўқинч, кўзёш... шуларми фақат?
Қатъий курашларга сизда йўқми куч?

Балки шундоқ ҳамдир?..” Танбеҳни тинглаб
Хўрлик тамғасининг остида бир вақт
Тургандай, қотибман айбимни англаб,
Номусдан тополмай жавобни фақат...

Жимсиз? Розимисиз ўзиздан, ахир,
Аччиқ каломлар ҳам ёқмас, ўртамас.
Ё эзив қўйганми ситамгар тақдир?
Ё бошқа йўлларга қўйгансиз ҳавас?

Тинчлатинг чолларни. Кўрсинлар улар –
Жанговар йўллардан четда қолмаймиз!
Йўқса, чўчимасдан очиқ ва дадил,
Кексаларга айтинг: “Кутманг, бормаймиз!”

ШЕҶРЛАР

ДҮСТИМГА ЭСДАЛИК

Ким билади, азиз дүстим, тезроқ қиласми насиб,
Яна ўтган сұхбатларга қайтармизми бир карра.
Бугун ўша сұхбатлардан қалбимда ҳислар тошиб,
Сизга ғамгин ўйларимни айтай яширмай зарра.

Үтмишни гоҳ эсга олиб қизғин сұхбат қуарасиз,
Авлодларнинг хатолари, ботирлиги сўзланар
Ва паришон назар билан шеърларимни кўрарасиз,
Унда сизга нихоясиз бир инжиқлик юзланар.

Эсга олинг ёз палласин, юлдузларнинг учганин,
Ўша тунда боғда бўлган унтилмас сұхбатни,
Ўша кеча қўшиқ айтдик билмасдан руҳ тушганин,
Сўнгги жўшқин мунозара ҳаммамизни титратди.

Майли, дейман, шафқат билмас нафрат тўла туйғулар,
Қалбимизни алангадай қуршаганин эсларсиз.
Фидо бўлиб севмаганлар нафратни қайдан билар,
Кўрқоқларда йўқ фазилат бурган эди бизга юз.

Ҳақиқат деб курашганлар тушди қандай ҳолатга?
Эслаганда душманларнинг қилган кирдикорини
Наҳот-наҳот, қалбларингиз тўлиб-тошиб нафратга
Мушт бўлмаса қўлларингиз, айтиб ғуур борини?!

Мен кўрқаман бир нарсадан, бир нарсадан кўрқаман,
Тутқун юрак ўч олмасдан тақдирга тан берар деб,
Агарда ўч олмоқ ҳисси сўнмасайди дафъатан,
Андак баҳтли яшар эдик оёқларни узатиб.

Кабутардай ювошлигу зодагон ҳаловати,
Бизга тўғри келмас асло, ўзга бизда шароит.
Ожиз қулнинг қайга борар ақли, панд-насиҳати,
Хўжайинлар бўлармиди инсоғизлиқдан соқит.

Биз қуллармиз, дунёда йўқ биздан серғамроқ одам,
Фаллоҳлар ҳам, бошқалар ҳам биздан қўра баҳтиёр.
Тафаккури ёруғликка бошлаш учун анча кам,
Бизнинг эса қалбимизда Прометей ўти бор.

Аммо бизлар кўзи очиқ фалаж бўлган кимсамиз,
Кудратли руҳ қалбимизда, вужудимиз ожизроқ.
Гарчи ҳар бир елкамизда бор кучли қанотимиз,
Ерга қисиб қўйилганмиз, қуллардан ҳам тифизроқ.

Бошпанага, уй-рўзғорга бизлар эга эмасмиз,
Қамоқхона эгалари ҳаммасига хўжайин.
Жулдуровоқи ғариларга бегона муқаддас ҳис,
Чунки бизлар деёлмаймиз “Уйим – ўлан тўшагим”.

Халқим худди онасидан кўр туғилган йигитдай,
Очиқ кўз-ла, қуёш нурин кўрган эмас ҳеч қачон.
Душман учун ўлимга ҳам кирап ўйламай-нетмай,
Ўз доҳийсин эса ёвга тутиб берар бегумон.

Мардлигимиз қиличдадир, аммо бағри қон бўлиб,
У занг босиб кўпдан бери ётиби қинга тутқун.
Ким ўзини муҳаббатга, халқига фидо қилиб
Яланғочлаб курашларга кирап экан эрк учун.

Биз – номида тамғаси бор бузук қуллар авлоди,
Үурур билмас қул авлоди! Шу гап рост бўлса, демак,
Даҳшат солиб жангга кирган баҳодирлар ким эди?!
Асли кимдан тузган эди қўшинини Спартак?!



ЭРК ҲАҚИДА ҚҰШИҚ

Оломон қалин оқар, күчгандай гүё тутун,
Бошлар узра байроқлар бамисоли чүф, гулгун.
Тұлғаниб, түлқинланиб ўтар саф ортидан саф,
Эрк ҳақида қүшиқни барча баралла күйлаб.

“Дўстлар, дадил бўлингиз!”
Нечун мунгли бу сўзлар,
Мотам ноласи янглиғ хаста ва маъюс бўзлар.
Бу оҳангда ҳазинлик, забунлик, ғариблиқ бор,
Бундай куй билан ким ҳам жангга киролур девкор?

Йўқ, бу эрк қўшиғимас! Бу маҳкумлик нидоси,
Йиғлоқи, дардли дилнинг фарёди, илтижоси.
Эрк деган сўз маъносин англатмайди бу фиғон,
Ғамгинлик, хокисорлик бу сўз остида пинҳон.

“Дўстлар, дадил бўлингиз!” – оғасин дорга йўллаб,
Ини ўгит қилгандай ўлим даҳшатин ўйлаб.
Ё кимдир қўмилган-у тириклай шу лаҳзада,
Барчаси уввос тортиб йиғлашар, дил ларзада.

Ғоят оғир пайтларда яшамоқдамиз ҳозир,
Қизғин курашлар сари интиламиз мунтазир,
Аммо бу куй таъкидлар шу фикрни сар-басар:
“Ёрқин кунларни кўрмоқ сизга бўлмас муюссар!”

Йўқ, бунга парво этманг. Ахир, сизлар ёшларсиз,
Сизлар ўзингизга хос бошқа қўшиқ бошларсиз.
Сизнинг иродангизда мужассамдир улуғ куч,
Мотам нидоларининг таги бўшдир, мағзи пуч.

Иродангиз нуридан ёлқинланар метин саф,
Заҳарли қўшиқлардан сизга йўқдир зарра наф.

Аксинча, бундай күйлар олий ниятни тусар,
Чинакам эрк күшиғин ўзінгиз түқинг, дүстлар.

Шундай түқингки, унда жилолансин эзгу нур,
Қизил байроқларингиз ҳилпираб эркин, мағрур.
Шу қүшиқ қанотида парвозлансан самода,
Ҳақиқий мүъжизани барпо этсин дунёда.

КУЙЛАРИМ

Куйларим! Нега сиз чақмоқдай бўлиб,
 Жангларда ёнувчи пўлат эмассиз
 Ё душман бошини бешафқат узиб
 Ташловчи шамшири қасос эмассиз?

Эй, менинг тобланган тиғим – куйларим,
 Сизни қинингиздан олсам суғуриб,
 Фақат оқизасиз дилдан хунларим,
 Ёв бағрин тешмайсиз яшиндай уриб!..

Бағишилаб барча куч, билим, санъатни,
 Мен пўлат шамширни чархлайман жангга –
 Ярқираб, деворнинг бўлиб зийнати
 Турган бу пўлатдан не фойда менга?

Эй, менинг курашга тайёр куйларим,
 Биз ҳалок бўлмасмиз беҳуда ҳеч бир.
 Балки сиз нотаниш жасур дўстларим
 Кўлида бўларсиз душманга шамшир.

Кишанга теккан тиғ чиқарган садо
 Душман қўрғонини қўпориб ташлар.
 Озод қардошларнинг дардига даво
 Бўлиб кураш сари, жанг сари бошлар.

Қасоскор ҳеч қачон жангда енгилмас,
 Ҳужумга киаркан қўшиқ-ла ҳамдам.
 Куйларим! Бу заиф қўлларга эмас,
 Жасур курашчига ёр бўлинг ҳар дам!

ОМИЛКОР ПАН

Исёнчига бор омадим –
Иноқ яшаб келаман.
Казакларни чорламадим –
Ишни чаппа қиласман.

Ёпирилса оломон,
Дон бўлса талон-торож,
Дарвозам очиб шодон,
Дейман, кел, кимки муҳтож!

Хоҳ олинг аравалаб,
Қоплашай сизга ўзим,
Тарозга қараб олай,
Чамалаб қолсин кўзим.

Молим нақ сизларга боп,
Сиз менинг “тобеларим!”
Вақт келар, қилиб жавоб –
Қайтарасиз қопларим.

Олгани бормам зинҳор,
Аралашсам зиён-да!
Шундоқ олғирларим бор –
Ундиради зиёда.



БИР ДАМ МАЬЮСЛИК

Бахтсизлик ёр, зинданда туғилган бўлса гар ким,
Ким дарича ортидан кўрган бўлса дунёни.
Турма – бу темир ҳалқа, унда бўйилган тутқун,
Чамбарчас боғлиқдир у, йўқ ажратиш имкони!

Бахтсизлик ёр у кўзга, дунёга келиб кўрса,
Турманинг зах деворин босганин кўкиш моғор.
Бутун олам ўхшарди булат босган самога,
Бутун олам уларга турма ҳовлисиdek тор.

Бахтсизлик ёр тутқунга, қисматида эрксизлик,
Оғир занг босиб кетган кишангага шўрлик маҳкум, –
Эркинликка чиқса ҳам, қўлида кишан изи
Эслатади ҳаммага унинг ким эканлигин.

Бахтсизлик ёр уларга, ким тўғри сўз ва одил!
Ишонч деган тушунча кимга азиздир токи,
Тангридан ҳам илтижо этурлар улар дадил:
“Эй худо, одилини юбор ёвнинг ҳаттоки!”

Бахтсизлик ёр бизларга! Майли, номус ва виждан
Биздан юз ўғирса ҳам, майли, ўчиб кетса ном!
Девор вайронасида қолсак ҳам майли, бешон,
Лекин қулар бу девор, қулар қора истеҳком!

РОМАНС

Қарама сен ойга баҳорда,
 Бөг, дала-қыр узра порлаган чоғи,
 Рашкчи қаллиғингдай ўртаниб гоҳи
 Кўргандада сен билан мени, маккора

Тонггача кўз олмай юрарди,
 Сен буни унутмоқ истайсан,
 Қарама сен ойга баҳорда.

Қарама қайнинга дубора
 Қайғули шохлари чайқалар беҳол,
 Ғамғин ўтмиш билан нафас олиб лол
 Ғамгинлик уфурар бечора.

Тонггача бизни не қийнади,
 Сен буни унутмоқ истайсан.
 Қарама қайнинга дубора.

3. 2. 1897

МАРВАРИД ЁШЛАР

Ох, ўлкам... Бепоён далалар юрти.
 Нечун ҳамма ёқقا чўкмиш сукунат?
 Нечун гулдуракни кутгандай худди
 Мунғайган ўрмонда чирқираб фақат
 Қушлар жим бўлади... туман хукмрон?
 Ҳолимиз ёмон!..

Сен қайда, эй, кўкнинг юлдози – ҳурлик,
 Осмонингдан пастга тушмайсан нечун?
 Эркни нондай кутиб бизнинг ер шўрли
 Қийналди... ва ҳамон қуюқлашиб тун
 Ҳақиқат-ла яккаш риё қилар жанг,
 Аҳволимиз танг!..

Бутун халқ, оилас, онам ва иним
 Занжирда инграйди суяги қақшаб,
 Украина тани тилим ва тилим,
 Яллиғлаб ёнади оловга ўхшаб.
 Занжирни узишга мадад берар ким!
 Билмайман, Тангрим!..

Токай шундай бўлур ё кулар тақдир?
 Бу заиф қўлларга минг ва минг лаънат!
 Нега қабр ичра туғилдик ахир,
 Наҳот қуллик бордир қисматда фақат?
 Гар шундай бўлса биз ўлмакка ҳозир...
 Нақадар оғир!..

АЧЧИҚ КҮЗ ЁШИМИЗ...

Аччиқ күз ёшимиз ғам, андуҳ бўлиб
 Қалб устига томиб, ловуллар шу он,
 Майли, ловулласа безовта қилиб,
 Токи ўртанаркан нолиш билмас жон.

Ўзимизни кулфат яралаган чоғ,
 Ҳолдан тойган дилдан кетганда қувват,
 Исён қўтаради қафасдаги жон,
 Мағлуб юрак туртиб уйғотса фақат.

Исён қўтарганда тоқат қилолмай,
 Ғамдан нафратланиб, уйқудан кечиб.
 Сўнгги нафасгача урап тин олмай,
 Ё ўлар, ё қолар ғалаба қучиб.

Ғалаба ё ўлим – мақсад мана шу,
 Бусиз ҳаёт ғариб, ночор, бедаво.
 Биз ҳам қўзғаламиз қўзғаларкан рух,
 Тақдир бизга қайсин кўрса ҳам раво.

Йифланг, биродарлар, кам бу ҳақорат,
 Қафасда ўртанар нолиш билмас жон.
 Сукут ичра юрак тўлғонар фақат,
 Майлига, тўлғонсин, ёнсин беармон.

УКРАИНА, ҲАСРАТИНГДАН...

Украина, ҳасратингдан юрак-бағрим бўлди қон...
 Эй, жонгинам, оҳ-воҳимдан сенга нима наф тегсин?!
 Сенга қандай кўмак берай? Балки кучсиз бу армон
 Ё кўз ёшим фойдалидир? Ким билсин...

Қайноқ, аччиқ кўз ёшларим ич-ичимни ўргади,
 Ўчмас бўлиб ярасининг изи қолди танамда.
 Тотли орзу! Юрагимнинг дард-алами ортади,
 Энди унинг шифоси йўқ оламда!

Қанча одам мендек йиғлаб, кўзёш тўкар гирёна,
 Шундай экан, қувноқ куйни айтинг, қайдан оламиз?
 Бошимизда фарёд уриб, бўзлаб тургач онамиз,
 Ўйин-кулги бизлар учун бегона!

Фарёд урган оналарнинг кўз ёшлари муқаддас,
 Дейдиларки, қабр тошин тешиб ўтар bemalol.
 Шундай экан, наҳот биздек болаларнинг тўхтамас
 Соф, самимий, маъсум ёши bemajol?!

1897

ҚАЙТИШ

Олисдаги орзум, олтин ишончим –
Менинг ўлкам, сенга талпинар күнглим.
Юксакка учаман, құрқинч, қувончим...
Күшлар шундоқ түшар инига йўлин.

Она юртларига қайтаркан улар
Ўзга бир куй тайёр бўлади ёнда.
Зимистон тупроқда у янги куйлар
Яшиндай чақнайди порлаб осмонда.

Шундоқ бўлган эди... Бўлган неча бор,
Мен орзум изладим ўзга элларда,
Ўз юртим бағрида эдим кўп ночор,
Навқирон куч қочган эди диллардан.

Аммо юртга қайтмоқ истаги, иқбол
Мени ўртар эди ўзга қирғоқда.
Интизор кутганим, у интиқ висол
Қайтадан соларди мени қийноқقا.

Соқчилар ёнма-ён, ялтирап қурол,
Қовоғи солиқdir ҳар гал чегара.
Юрак берар эди ҳар гал бир савол:
“Уйга қайтяпмизми ёки бадарға?”

Ён-атроф танишдир тамом ҳаммаси,
У эски деворлар – қадрдон ҳоким,
Фикр ҳам эркиндай, зулм чамаси,
Заъфарон бир тусда, қайғуга маҳқум.

Қасос ўти билан қора руҳ малак
Чақмоқ кўзи билан мени тешгудай.
Бургутдек юксакда учувчи тилак
Ноҳақ қилич билан мени кесгудай.

Тилкаланган эди менинг куйларим,
 Улар янги күйдай мафтун этарди.
 Күркүвдан түзғиган эди ўйларим,
 Тунда парвонадек ўтда тутарди.

Яланғоч ўрмонда ёмғирда қолган
 Одамдай, аламим мени қамчилар.
 Қаро тун вужудга бир титроқ солган,
 Бағримга күз ёшим тинмай томчилар.

Яна ёт ўлкани құмсади юрак:
 Абадий баҳори кетмас қўйнида,
 Тутқунда қушлар ҳам учар жонсарак,
 Куз кунлари жануб – кўклам ўйида!

5. 6. 1892

СФИНКС

Қадимги замонда жануб томонда
 Боши-охири йўқ саҳрова noctor –
 Бир қул яшар эди аччиқ армонда,
 Қисмати аямай қилған эди хор.
 Бирдан туғилди-ю кўнглида орзу,
 Бирдан назарида ёришди дунё.
 Фиръавн ҳукмидан зўрроқ бир туйғу
 Ва аҳл қудратин айлади ато.
 Либия чўлининг қояларидан
 Харсанѓтош келтири, деб қилди у фармон.
 Шундан ҳайкал ясаб, қолдиргин мангур
 Келажак асрлар ақлини ҳайрон.
 Қул йўна бошлади харсанѓтошларни
 Ҳар бир қатрасига жон нисор этиб.
 Ижод ускунаси учкун сочарди,
 Қўримсиз тошларга гўзаллик битиб.
 Ниҳоят қақраган саҳрова бир кун
 Мўъжиза сингари битди кашфиёт.
 Иссиқдан тинкаси қуриган шернинг
 Ястанган гавдаси эди бу, ҳайҳот.
 Арслон гавдасида инсоннинг боши
 Тоғ назар-ла турар олдинга қараб.
 Истеҳзоли кулгу ўйнар лабида
 Гўё сирли жумбоқ, сирли бир шараф.
 Даҳшатлироқ эди чўл иссиғидан
 Одам бошли шернинг кулиб туриши.
 Худо деб атади уни одамлар
 Ва сифинмоқ бўлди ҳамманинг иши,
 Ибодатхоналар қуришди унга,
 Қурбонлик қилишди нажот, баҳт сўраб,
 Унинг кароматли иши ҳақида
 Ривоят тўқишиди гулларга ўраб.
 Мадҳ этиб куйлади уни шоирлар



Ундан олиб гўзал илҳом нурини.
Олимлар ёзишди сонсиз китоблар
Очмоқ учун унинг мангу сирини.
Бахт рамзи тахминин суриб илгари:
Куёш, ҳақиқат, деб атадилар гоҳ,
Ҳаёт, муҳаббат, деб атадилар гоҳ.
Аммо ҳаммасидан Сфинкс сўзи
Сирлидир ҳайкалнинг ўзи сингари.

Зелёний Гай. 24. 7. 1900

НЕГА УЧОЛМАЙМАН...

Нега учолмайман юксак-юксакка
 Ўша нурга сероб чўққилар сари.
 Тўлин ой нурида товланиб якка
 Эркин учиб юрган булут сингари.
 Мен кўрган эдим-ку ҳарир булутнинг
 Ерда жилғалардан туғилганини.
 Зўрға кўз илғовчи буғ бўлиб аввал,
 Сўнгра сув юзидан узилганини.
 Чуқур жарликлардан аста юксалиб,
 Қийналиб юксакка интилди тинмай,
 Гоҳ кўм-кўк дараҳтлар шохидан ушлаб,
 Гоҳ қирга ёпишди сира тортинмай.
 Гоҳ ён бағирдаги чўпон чайласи
 Ёнидан жимгина ўтди чўзилиб,
 Тоқقا чиқаётган одамдай кучин
 Оёғига тўплаб, олдга эгилиб.
 Ниҳоят, чўққига чиқиб олди у
 Ва майин жилмайди кўз ташлаб ойга.
 Чиройли қиз каби яшнаб турарди,
 Менинг хаёлимдай тўлиб чиройга.
 Ким энди кўнглига келтира олар
 Жилғадан туғилган булутчча шу деб.
 Водий узра қанча машаққат чекиб,
 Гўзал бўлганини чўққига етиб.
 Тоғлар, баланд тоғлар, тубсиз жарликлар,
 Нега интиlamан сизга шунчалик?

Нега сизни шунча ғамгин севаман,
 Сизни сургим келар кўзга шунчалик?
 Кўнглимни банд қилган оқ чўққингизга
 Наҳот чиқиш менга насиб бўлмаса.
 Нима қилай, йўқдир менинг қанотим,

Нетай, бургут каби парвоз қилмасам.
 Эңг баланд чүккіда шашқатор йиғлаб,
 Армон күз ёшларин түкмоққа чанқоқ –

Юрагим түрида асраб юрганим,
 Обиҳаёт дея аталган булоқ –
 Күз ёшларин түксам, бўшаса қалбим,
 Ундан менинг руҳим кўтарса исён,
 Оғир қайғу билан отланса йўлга.
 Мангу яшина турган чўккига томон.
 Қадам етмайдиган тоғлардай бўлиб,
 Чўкқи олислардан ташланар кўзга,
 Мен фаҳат хаёлда бораман учиб,
 Истагим йўқ ўша чўккидан ўзга.
 Шунда балки руҳим эркин булутдай
 Атрофга боқарди беғубор кулиб,
 Юксакда ўзгариб кетарди қалби
 Тоғдан ҳам, ойдан ҳам тиник нур олиб.

Буркут. 4. 7. 1901

ТОПТАЛГАН ЙҮЛДА

Топталган йүлда юрмоқ менга күп оғир,
 Подани эслатади бунда одамлар.
 Гул ўсмас, битмас ҳатто чақир тиканлар,
 Топталган йүлда юрмоқ менга күп оғир.
 Гоҳ чақириб, гоҳ имлар олис чүккілар,
 Қирмизи шафақ унда ёңғиндай гүзал,
 Ўша юксаклик сари бир истак ундар,
 Қистайди ўз бурчингга қилгин деб амал,
 Бургут ҳам ўзига ин қўйишдан ожиз –
 Юксакка қизил байроқ ўрнатгим келар,
 Шу истагим мени тинч кўймасдан ҳаргиз
 Чўлу қирлар ошгин деб безовта қилар.
 Тоғдаги шаршарага қулоқ солиб жим,
 Тубсиз жарликка боқиб тарқаса ғуссам,
 Шошқин жилғалар билан баслашиб бирга,
 Қўшиқ айтиб шу тоғлар сукутин бузсам,
 Йўлбошловчи керакмас байроқдан ўзга,
 Қалтис йўлларда ўша суюсин фақат.
 Майли, ўжар шамоллар йўлимни тўсса,
 Майлига, дуч келса ҳам қанча машаққат.
 Ярим йўлда қор, бўрон жафоси келса,
 Аччиқ қисмат таънаси бўлиб бошимга,
 Армон билан йиқилсан агарда беҳол.
 Мунгли жарангламасин ҳеч бир черковда –
 Аза эълон қилмасин ҳеч бир қўнгироқ,
 Майли, фақат куйласин эркин, шўх шамол,
 Майли, қутурсин бўрон ўйнаб, айланиб,
 Майли, қор юлдузлари бўлсин парвона.
 Совуқ лаблари билан устма-уст ўпиб,
 Меҳр тўла қўзимни қўйсиллар ёпиб.

ФОЖИА

Баҳодир йиқилди жанг қизифида
 Ва сезди беаёв ажал боққанин.
 Кўлин маҳкам босди у ярасига
 Камаярми дея қоним оққани.

Қаср равоғидан боқарди гўзал,
 Баҳодирни жондан севган малаги.
 Кўрди-ю, ёрининг рангин шу маҳал,
 Ҳол сўраб юборди чўри-малайн.

“Бекам чорламоқда қасрга, жаноб,
 Жанггоҳни тарк этинг демоқда тездан,
 Йўқса, бунда бўлар ҳолингиз хароб –
 Қалъага тез бориб, дам олинг бир дам.

Ярангизни ҳарир шойига ўраб,
 Ҳаётбахш доривор, малҳам сурамиз.
 Минорада оппоқ, юмшоқ тўшаклар,
 Ҳаммаси мунтазир, сизга, тўрамиз”.

“Азизим, раҳмат айт мендан хонимга,
 Сени юборибди меҳри товланиб.
 Ташаккур ҳабибам, меҳрибонимга,
 Мангү қолар унга кўнглим боғланиб.

Агар бир дақиқа ечсам совутим,
 Оқиб тугар эди вужуддан қоним,
 Тугарди шу билан ёвга човутим,
 Маҳшарга ошиқиб учарди жоним.

Шундай яралар бор ёруғ оламда,
 Уларга кор этмас ширин сўз, малҳам.
 Бундай яраларнинг давоси – тандан
 Пўлат совутларни ечмаслик бир дам”.

“Тақсирим, бу сўзлар гўзал бекамнинг
Гулдайин қалбига етказар озор”,
“Гар бўлса қўксида қалби, эркамнинг,
Гул янглиғ титрасин, майли, айтгил, бор”.

Кимполуна, 6. 6. 1901

ХАРОБАДАГИ ЁЗУВ

“Шоҳлар шоҳи, қуёш ўғлиман,
 Тикладим бу мақбарани ман.
 Йиллар ўтар, замонлар ўтар,
 Халқлар мени ёдида тутар.
 Менинг исмим...” шу ерда тамом –
 Ўчиб кетган ёзувдаги ном.
 Ёзув ўчган. Тилсиз девор жим.
 Шоҳ исмини билолмас ҳеч ким.
 Ким ўчирган!
 Ё бирор подшо,
 Асрларнинг қўлимикан ё?
 Ҳеч ким билмас...
 Давом этар хат,
 Хаттот қўли ишлатиб санъат –
 Подшоҳдаги зўр шавкату шон –
 Таърифини қиласи баён.
 Мана, тахтда ўлтирас подшо,
 Эл қўлида зар, гавҳар, мато, –
 Совға элтар шаҳоншоҳига,
 Шоҳ боқмайди элнинг оҳига.
 Оёғига сочилади дур
 Пар қўйнида ўтирас мағрур.
 Қотил юзи Тутмесга ўхшар,
 Қарашлари Рамзес¹га ўхшар.
 Мана, қўлин кўтарди ногоҳ
 Махрамларнинг сочин тутди шоҳ.
 Қўзларида бир дунё қаҳр,
 Эл устидан кўтарди шамшир.
 Мана, ўтиб борар саройдан
 Газабли бир қўл силташ билан,
 Одамларни осиб боради,
 Ўликларни босиб боради.

¹ Тутмес, Рамзес – Миср шоҳлари.

Халқни оғир юмушга йўллар,
 Халқни қонли юришга йўллар.
 Денгиздаги тўлқин сингари
 Оқиб келар одамлар бари,
 Кўплар жангда бўлади курбон,
 Зўр қирғинда қолганлар омон
 Мисрнинг ўт – жазирасида
 Оғир ишда берадилар жон.
 Шоҳ қулларга юбориб ажал,
 Курмоқ бўлар ўзига ҳайкал.
 Ер қазийди, тош йўнади қул,
 Тупроқ ташиб, лой қилади ул.
 Гишт қуяди, кўтарар девор,
 Иssiқ кунда чекади озор.
 Деворларга ўйиб солар гул,
 Тинмай ишлаб тер тўкади қул.
 У Мисрнинг зўр офтобида
 Мангуликка тиклар обида.
 Мақбаранинг девори узра
 Ўйилган ҳар нақшу ҳар суврат –
 Ҳаттоқи тош тилга кириб дер:
 “Мени қурган Миср халқидир!”
 Подшо ўлган беному нишон,
 Эсламайди ҳеч ким ҳеч қачон.
 Номи тилга олинмас мангу,
 Ундан қолган фақат шу ёзув.
 Шоҳмас, бериб тошларга сайқал –
 Халқ ўзига тикламиш ҳайкал.

28. 8. 1904

ИЕФАЙ¹ ҚИЗИ

Рұхсат бер, эй ота, тоғларга кетай,
Тоғларга сепини ёйибди баҳор,
Бодомлар гулинини сочади еллар,
Ёмғирдек устимга түкілсін улар,
Ёшлигим ачиниб йиғласин зор-зор.

Дейдилар, шу тоғдан күринар яққол
Юртимиз жамоли. Боқай сүнгги бор.
Шу қысқа умримда күргандан күра
Томоша қилолсам күпроқни зора!
Сүнг марта қуёшга туриб яқинроқ
Алвидо айтайнин: “Хайр, эй қувноқ!”

Рұхсат бер, эй ота, кетай тоғларга,
Ёру дүст, қызларни олайин бирга.
Үлиним олдидә севганимсімон
Уларни ҳеч қачон севмадим, инон.
Күзёшсиз эслаймиз қызлик онини,
Күшиққа түлдириб тоғ осмонини.

Қызлигим орзусин гулларга бериб,
Эркини елларга сочиб келаман.
Хаваслар түкілгай гул барғи бўлиб,
Уйларим элларга сочиб келаман.

Кел энди, қаҳри тош, шу совуқ тупроқ
Күйнига жасадим бера қол тезроқ.
Тоғларда янграши лозим кўшиғим,
Ел, қуёш, баҳорга бўлгай тортиғим.
Қонимни ер шимар, қайнар қўшиғим...

¹ Иефай – Бани Исроил судьяларидай бири. Жаңға дағолиб чиққанида
үз қызини Ҳудо йўлига қурбон этади.

Рухсат бер, эй ота, тоғларга кетай,
 Қайтмас деб чүчима, қайтаман, албат.
 Бу ширин ҳәётни қандай тарк этай,
 Менда йўқ уни тарк этгудай қудрат.

Қайтаман, амрингга итоат этиб,
 Сўнг бошим болтангга бераман тутиб.
 Биламан, ҳаттоки, юз йил яшасам,
 Тоғларда видолаш ҷоғидаги дам –
 Сингари ҳәётим тотли бўлмайди.
 Кўшиғим бунчалик янграб елмайди.
 Шу онни инъом эт, эй, жоҳил отам!

Бошига бемаҳал тушган қийноққа
 Мардона дош берсин қизгинам десанг,
 Кўзида ёш билан боқмасин тоққа,
 Қуёшга “Хайр!” айтсин беалам десанг,
 Лаънатлар ёғмасин ўзимга, Ҳаққа,
 Кишилар шаънига десанг, сен атай
 Рухсат бер, эй ота, тоғларга кетай!

1905

САХРО НАФАСИ

Чўзиб-чўзиб сахро олар қайноқ нафас,
 Бир нафаски, тоза, эркин ва муқаддас.
 Олтинсифат қумлар ётар қилт этмасдан,
 Гўё Ҳамсин замонидан қолган қасддан.

Фаллоҳ яшар эрксизликда умрбўйи,
 Тақир сахро ичра унинг ғариб уйи.
 Тўда-тўда турист юрар ўлка бўйлаб,
 Гўзал-гўзал боғлар ошиб, тарих сўйлаб.

Фаллоҳ кучли! Ўзгаларга тиклар бино,
 Рахларига нақш ўяди қўйиб бино!
 Ана жулдур кийимини ўйнаб еллар,
 Бироз терин қотирап-у, яна елар.

Қайтиб келар, яна кетар, яна келар...
 Сахро эса оғир-оғир нафас олар!

1910 йил, март. Миср

ШОНЛИ КУН

Биргина у эмас фидойи ошиқ,
Украина бахтин ўйлаган кўплар.
Шоирлар тўқиса жарангли қўшиқ,
Суратда дардини сўйлаган кўплар.

Илғаб унинг қувноқ қулгуларини
Ўйин, табассуми эрмакларидан,
Нафис гулчамбарлар тўқилар эди
Содда, аммо ўлмас эртакларидан.

Бирор яхши кўрар унда ўтмишни,
Бирор ёшлиқ излар ҳайратга тўлиб,
У эса онани севган боладай,
Юртими севганди биринчи бўлиб.

Майлига, онаси қўримсиз кекса,
Камбағал, ёввойи, бахтсиз бўлса ҳам
Ва лекин фидойи ўғлига эса
Хеч кимса эмасдир ундан муҳтарам.

Онаси қоронғи зулматда ёлғиз,
Чала ўлик бўлиб алаҳласа ҳам,
Йигит юрагида ловуллар севги,
Тузалмас ярадай унга йўқ малҳам.

Дайди дон-жуанлар қилиқларининг
Қанча-қанчасини кўрмади ватан.
Кечга томон бари қайтишар эди
Тонгда қасам ичиб берган аҳдидан.

Унинг туҳфасини олиб шошдилар
Дарҳол бошқасига сажда қилмоқقا,
Асло ярамайди бундай одамлар
Муҳаббат йўлида фидо бўлмоқقا.

Биринчи ошиқнинг қалбидаги ҳамон
 Тузалмас ярадай ўша мұхаббат,
 Дардига беғойда излади дармон,
 Аммо ҳеч қилмади унга хиёнат.

Жабру ситамларни енгди мардана,
 Фарзандлик меҳрининг кучи, кудрати.
 Севги – ўт, юраги – бир оташхона,
 Шу ўтни ўлим ҳам ўчиролмади.

1911

УЛКАН БАХОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК

Хали гүдак эканман,
Тинглаганман бир эртак.
Бир бор эшитганман-у,
Ёдимда кечагидак.

Уни қишлоқ боласи
Қилган эди ҳикоя.
Шу сабаб эртагимдан
Излаб ўлтируманг ғоя.

Содда қилиб сўзлаган,
Қишлоқ боласига хос,
Менинг айбим эртакни
Шеърга солганман, холос.

Биз боғда ўлтирадик,
Суҳбат қуриб ўша кун.
Оқшом уфқ кўйнида
Ўт ёқар эди гулгун.

Шамолда тебранарди
Бошимиз устида нок.
Не учундир ўша кеч
Кўнгиллар эди ғамнок.

Ака-сингиллар каби
Ўлтирадик ёнма-ён.
Дилларда қўрқув эди,
Юракларда ҳаяжон.

Ҳар бир соя бизларга
Даҳшат соларди бу дам.
Чўчиб боқардик ҳатто
Майсалар тебранса ҳам.

Ҳаттоки қари нок ҳам
Сехрли туюларди.
Шитирлаган япроқлар
Сўзлашгандай бўларди.

Баланд-баланд тераклар –
Гўё бир мақсади бор –
Бизга қарши турарди
Сафга тизилиб қатор.

“Булар бари, – дер Лаврин
(Дўстимнинг номидир бу), –
Ўша улкан баҳодир –
Устида ўсар мангу.

Бир замонлар бағоят
Кучли эди баҳодир.
Ҳар қандай кишанларни
Пора қилмоққа қодир.

Уни енголмас эди
Бу дунёда ҳеч бир куч,
Лекин бир сеҳгарнинг
Ғазабига келди дуч.

Сеҳгар ўтга ёқмай,
Сувга чўқтирмай уни.
Улкан паҳлавон сари
Юборди тинч уйқуни.

Уйқу – ором, дейдилар.
Йўқ, бу уйқу бир оғат.
Ундан улкан баҳодир
Чекди қанчалар кулфат.



Бир зум тин олай, дея
 Ёнбошлади паҳлавон.
 Неча асрлар ўтди,
 Ухлаб ётади ҳамон.

Уйқусида неча бор
 Уни босди маккор ёв.
 Этларин пора қилиб,
 Қонин сўрди беаёв.

Қўл-оёғин душманлар
 Банд этдилар кишангага.
 Зулукдай ёпишдилар
 Ёвузлар мажруҳ танга.

Ҳаттоки юрагига
 Қўллари етган замон –
 Дард чекиб ётаверди,
 Уйғонмади паҳлавон.

Фақат сўнгсиз оғриқдан
 Қошларини чимириди –
 Ўрмонлар, боғлар бўйлаб
 Даҳшатли шамол турди.

Баъзан оғриқ зўр келиб
 Қимиirlаб қўйса хийла,
 Титроқ босар зўр танни
 Бошланарди зилзила.

“Биз сендан қўрқмаймиз” деб
 Ёвузлар қувонади.
 Аммо ўлкам – баҳодир –
 Тез кунда уйғонади.

Күзғолади ўрнидан,
Янчади душманларни.
Парча-парча қилади
Зарб билан кишанларни.

Унга азоб берганлар
Кулга айланар шу он...”
Бола жим бўлди. Дедим
Юрагимда ҳаяжон:

“Қачон уйғонади у?”
“Аниқ айтмоқлик маҳол.
Балки бир йил, балки кўп,
Лекин юз берар бу ҳол”.

Шу пайт шамол қўзғалиб
Дарахтларни силкитди.
Кўрқиб кетган қушлардек
Уй-уйга қочиб кетдик.

Эй, менинг она юртим,
Эй, севикли диёrim,
Шу эртак ёдга келар
Сени эсласам доим.



БИР СҮЗ

Юртимиизга учта мусофир –
Келган эди. Улар йўқ ҳозир.

Бири дардманд эди, нозикроқ,
Вафот қилди келган куниёқ.

Алаҳларди. Тотимади туз,
Лабида қор, манглайида муз –

Азоб ичра шўрлик берди жон,
Бири кетди – билмадик қаён –

Ватанига балки йўл олди...
Учинчиси шу ерда қолди.

Ўтиради уйида ёлғиз,
Тез-тез йўқлаб турар эдик биз.

“Ўтилинг” деб таклиф қиласарди,
(Бизнинг тилни бир оз биларди).

Ўтирадик, чой берар эди,
Ўт ёнидан жой берар эди.

Берар эди не сўрсак тездан,
Аямасди борини биздан.

У китобга, биз унга қараб
Ўтирадик узоқ жим – begap.

Ўтирадик зериккунча то,
Қолдирмасди тунашга аммо.

Сўрар эди энди кетмоқни,
Кўрсатарди битта бармоқни.

Кўрсатарди ва турарди тек,
Қолай дея ёлғиз – бармоқдек.

Қолдирмасак шунда ҳам якка,
Ҳайдар эди бизни йўлакка.

Урмас эди – ҳайдарди фақат,
Асаблари қайнаб баъзи вақт.

Бақиради ер тепиб, аммо
Урмас эди бизларни асло.

Биз билмасдик бунинг сабабин,
Нечун, кимга сочар ғазабин?

Жинни десак жинни эмас у,
(Жинни китоб ўқимайди-ку!)

У кўп нарса биларди, ҳатто –
Қайдан-қайга оқади дарё.

Қайси дардга қандай даво бор,
Үларми ё қоларми bemор...

Донишмандга ўхшар сўзидан,
Бир қун сўрдик унинг ўзидан:

Оқилмисан, деб ё тентакми,
Ватанингда ҳамма сендакми?

Аста кулиб қўйди жавобан,
Лекин ожиз эди жавобдан.

Фикрин тўлиқ баён этгали
Тилимизни билмасди ҳали.

Кунлар ўтиб ўрганди кам-кам,
Баъзан айтар эди қўшиқ ҳам.

Кўп нарсани ўрганди, фақат
Қилолмасди совуқقا тоқат.

Изғириндан қўрқарди жуда,
Ўтиради кўпинча уйда.

Лекин шимол ёғдусин ҳар дам
Кузатарди совуқ бўлса ҳам.

Ёқар эди унга бу ёғду,
У томонда бўлмас экан бу.

Ўлкасида қишда ҳам ҳатто
Куёш кўқдан сочаркан зиё.

Ўсар экан унинг юртида
Биз билмаган турли хил гиё.

Кўп нарсалар бўлар экан-у,
Бизга сўзлаб беролмасди у.

Тушунувчи одам йўқ эди,
Бизда шундай сўз ҳам йўқ эди.

Бизга боқиб ўйчан нигоҳи,
Ўз тилида сўзларди гоҳи.

Баъзиларин сақларди ёдим,
Унутибман, эҳ, қариб қолдим.

У пайтлари ёш эдим, ўқтам,
Йигит эди науқирон у ҳам.

Ёш эди-ю, қўйғанди соқол,
Касал бўлгач, худди қари чол –

Белигача ўсиб тушди у,
Кенг кўксини тўсиб тушди у.

Бетоблигим боиси, дерди,
Маскан этдим бегона ерни.

Еб-ичарди, кун сайин, бироқ
Сўнар эди худди шамчироқ.

Авваллари кўп чўмиб ўйга,
Киритмасди бизларни уйга.

Зериктириб ёлғизлик уни,
Ўзи кириб келди бир куни.

Неларнидир сўйлади бизга,
Ўз тилида куйлади бизга

Хонамизни куйга тўлдириб.
Тушунмасдик. Тинглаб ўтириб –

Кўзимизни тортибди уйқу.
Бир вақт кўрсак ҳамон шунда у

Ўтиради, юм-юм йиғларди,
Не учундир бағрин тиғларди.

– Ким кўнглингни оғритди сенинг?
– Ранжитмади, йўқ ҳеч ким мени –

Шундай, дея қўзғалди аста,
Бизникига келмади қайта.

Бизлар бориб кўриб турардик,
Аҳволини сўриб турардик.

Ташрифимиз келмасди малол,
Бизни қабул қиласарди хушҳол...

Гоҳи йиғлаб, гоҳи куларди,
Бизга недир айтмоқ бўларди.

– Айтсам эди бу сўзни кўнгил –
Ёришарди, тортарди енгил.

У.қанчалар табаррук менга,
Агар уни берсалар менга,

Шифо топиб бир умр дардим,
Яшаардим, бардам бўлардим.

Биз сўрадик – у балки гиёҳ
Балки емиш, балки кийим ё

Бирор кушми, ё бирор ҳайвон,
“Йўқ” дер эди бош чайқаб, ҳайрон

Яна дедик: ё отанг, онанг,
Аканг, синглинг, бирор ҳамхонанг

Бўлмоғини истайсанми ё
Кўрсанг дардинг топарми шифо?

Сен айтмоқчи бўлган сўз шудир,
Бош чайқайди мусофири, “йўқ” дер.

“Бўлса эди улар ҳам бунда,
Уларни ҳам кўрсам тутқунда,

Яна кўпроқ азоб чекардим,
Яна зиёд бўларди дардим”.

Тушунмаслик жуда ёмон-да!
– Айт, кўпмиди у сиз томонда.

Сизда бор-у, бизларда йўқдир?
Ўйлаб туриб у яна йўқ дер.

– Биз ёқда ҳам афсус жуда кам,
Курашамиз шунинг-чун биз ҳам.

У ҳаммага ёр бўлсин деймиз,
У ҳаммада бор бўлсин деймиз.

Шунда дедим мен, сизларда нон
Биздагидек камдир бегумон.

Йўқ, йўқ, дер у. Айтайлик одам
Ўтовидан чиқмоқ бўлса ҳам

Чиқолмаса, бўлса бу маҳол
Сизда қандай аталар бу ҳол?

Баб-баробар жавоб бердик биз:
– Ўтиради ўтовда деймиз.

Ўтов эмас, дейлик бошқа ер!
– Ким “далада”, ким “ўрмонда” дер.

У ўтирар ерга тикиб кўз,
Билолмаймиз, не экан бу сўз?

Тушунтирмоқ бўлар у яна –
Мисол учун, айтайлик, мана,

Күшни этиб қафас тутқуни,
Сўнг чиқариб юборсанг уни,

Күш нимага чиққан бўлади?
Хўш, нимага чиққан бўлади?

Сизда қандай аталар бу сўз?
– Учар деймиз далага, сўзсиз.

– Йўқ, Хўш сени қамаса тойон...
– Тойон мени қамамас аён,

Қарзларимни тўлайман доим.
У жавобан кулди мулоим:

– Сени эмас, дейлик, бошқани,
Қамаб қўйса, айтинг-чи, қани,

Очлиқданми, ташналиқдан ё
Бўлар унга қоронғу дунё.

Кўймасларми ихтиёрига,
Кетолмасми ўз диёрига?

Истаганин қилолмасми у?
– Нечун унга дунё қоронғу?

– Сўраш керак унинг ўзидан, –
Деди отам. Унинг сўзидан –

Хурсанд бўлиб кетди мусофири,
Гапин давом этди мусофири:



– Гар одамга толе бўлиб ёр.
Не истаса бўлса ихтиёр,

Тура олса хоҳлаганида,
Юра олса хоҳлаганида.

Хуллас, ҳар не қила олса у,
Сизда қандай аталади бу?

– “Юрмоқ”, “турмоқ”, “ишламоқ”, “чопмоқ”...
(Қандай қийин бу сўзни топмоқ!)

Маъюс боқди бизга бир жуфт кўз:
“Сизнинг тилда йўқ экан бу сўз.

Аммо бўлсин бу сизга аён,
Сиз эшитинг, мен қилай баён”.

Сўзин тинглаб жим ўтирдик биз,
Зерикканмиз гарчи ҳаммамиз.

Ахир касал эди у одам...
– Мен истардим ҳар нарсадан ҳам,

Юра олсан қайда хоҳласам,
Тура олсан қайда хоҳласам.

– Қизиқ, – дедик, кулдик, – эй одам,
Йўлларингни тўсарди ким ҳам?

Бороласан истаган ёқقا,
Балиқ тутмоқ учун қирғоқقا,

Ўрмонга ҳам бора оласан,
Совуқ бўлса уйда қоласан...

Чой қўясан, ўқийсан китоб,
Ўз уйингда гўёки жаноб.

Ҳеч ким сени ғазабга олмас,
Ҳеч нарсангни тортиб ололмас,

Нима боис, айт, бу зорингга,
Ким қўймайди ихтиёрингга?

Бизми?

- Йўқ, сиз эмас, албатта.
- Тойонми? (У бу ерда катта.)

Ҳали-бери келмас биз томон,
У келгунча сен ўзингга хон.

Не хоҳласанг қиласвер-да, биз –
Сени унга айтиб бермаймиз.

– Тушунмайсиз, нетай, – дерди у, –
Мен қайга ҳам кетай, – дерди у.

Йўл бермаслар кетмоққа. Мана –
Менда йўқдир... ўша сўз яна, –

Деб мусофир чуқур тин олди,
Сўнgra узоқ жим бўлиб қолди.

Шундан буён ўтди кўп замон,
Аммо у кеч ёдимда ҳамон.

Ҳамон била олмайман, нечун
У дарғазаб эди ўша тун?

Гоҳи йиғлаб, гоҳи куларди,
Бизга недир айтмоқ бўларди.

Кипригига илинмай уйқу,
Үша сүзни излар эди у.

Ахир сүзлар күп-ку дунёда,
Қилай деса фикрин ифода –

Топсин эди бошқа сүзларни,
Йўқ, у фақат шуни изларди.

Айта олмай сўзин у одам,
Бир кун ўтди ёруғ дунёдан.

Ўлар экан бошида турдим,
Үша оқшом бемордан сўрдим:

– Сўйла, дардкаш бўлмоғинг нечун,
Шундай ёшда сўлмоғинг нечун?

Ё бирордан касал юқтиридинг?
Бизнинг юртни кўп совуқ дердинг.

Ёки аёз енгдими сани,
Ёки очлик, сўйлагин, қани?

– Сабаб сизга сўзлаганим у,
Умрим бериб излаганим у.

Ўша эди менга сув, ҳаво,
Ўша эрди дардимга даво.

Ўша эди томиримда қон,
Ўша эди юрагимда жон.

Унинг номи йўқ экан бунда,
Ўлмоғимнинг боиси шунда.

Шундай, дея бу кеч сүнгги бор
Үкраб-үкраб йиғлади bemор.

Шунда мен ҳам йиғладим бирга,
Мен ҳам бағрим тиғладим бирга.

Шундан буён ўтди кўп замон,
У мусоғир ёдимда ҳамон.

Ёдимдадир ўша зангоркўз,
Хаёлимда у излаган сўз.

У қандайин нодир сўз эди?
Нималарга қодир сўз эди?

Бирор хислат бормиди унда?
Бир мўъжиза ёрмиди унга?

Унда сеҳр бор экан, агар
Ўлар бўлса усиз одамлар.

УМИД

На толе, на ҳурлик бермади ҳаёт,
Фақат умид билан яшайман, ҳайҳот.

Гүзал Украинаам эрк олса яна,
Азиз шүрлик халқим қилса тантана.

Мовий Днепрга түймайин боқсам,
Үлсам ҳам мавжида солланиб оқсам.

Чүллар, күрғонларда кезсам сүнгги бор,
Оловли йилларга бир дам бўлсам ёр.

На толе, на ҳурлик бермади ҳаёт,
Танҳо умид қолди мен-ла умрбод.

ГОХ ШУНДАЙ

Гоҳ шундай: бир ишга тутинган замон
 Ё тамом қилдимми бошлаган ишим,
 Нечундир нақ кузнинг булутисимон
 Ғусса дилга чўкиб, кемиради жим.

Ўйласам халқимнинг тортган азобин,
 Бутун вужудимни ўраб олар муз.
 Дилни чанглайди шубҳа гирдоби:
 Наҳот мен яшайман бефойда, беиз?

Бу ҳасратли қисмат, оғир аламга
 Ноёб кишилар ҳам беролдими тоб?
 Мен кимман, ким? – дейман тўлиб ғазабга,
 Лекин шу он зимдан тинглайман хитоб:

Балки, бирор шеърим ё бирор қўшиқ,
 Бирор дил дардига бўлади малҳам?
 Куйларим қалбаги ўтдан югурик,
 Чўғ ташлай олади сўник дилга ҳам.

Ортиқча бўлмасмиз биз қўшиқ икков,
 Шояд, меҳнатимдан наф олса инсон...
 Шубҳа-ҳасратларим тарқалиб, дарров,
 Меҳнат қучоғига кираман шодон.

ҮТГАН БАХОР

Баҳор эди, чақноқ, сахий ва латиф,
Нур торида ўйнаб, гул сочди чексиз.
Нақ минг қанотлидай учди айланиб,
Сайроқ эркин қушлар келди изма-из.

Ҳаммага жон кирди, ҳар ёнда оҳанг,
Яшил овоз қучди ерни бирпасда.
Ҳар нарса куйлади, ҳар не сержаранг,
Фақат мен ётаман хонамда хаста.

Ўйладим: ҳаммага баҳор бўлди ёр,
Туҳфа олиб келди ҳар кимга атаб.
Ёлғиз менигина унутди баҳор,
Ё тухфа топмади, ё қолди тугаб.

Йўқ, йўқ, унутмади! Ойнадан, ана,
Олма бутоқлари киришди гулда.
Зилол япроқларда шодлик, тантана,
Оппоқ гуллар ёнар беғубор нурда.

Тор хонамга ўзин уриб кирди ел,
Нақ баҳор ҳурлиги ва баҳорғи куй.
Ўрмон шовуллашин кўтариб енгил,
Күш наъмаси кирди, кенгайгандай уй –

Мени баҳор қучди. Юрак сира ҳам,
Бу турфа тухфани унута олмас.
Деразам ортида яшнаган кўклам –
Сингари баҳор ҳам бир умр қайтмас.

ҚУЮҚЛАШДИ ҒАМ

Худди нам булутдай қуюқлашди ғам,
Ғүссам яллиғланиб ёйилди уйга.
Яшин теккан каби қалбимга шу дам,
Ёшларим түкилди ўхшаб ёмғирга.

Бошимда ўқирган шу ғусса – бўрон,
На-да синдирилди, на букди қаддим,
Нақ булут остидан чиққан пок осмон –
Сингари чеҳрада оламга боқдим.

Қалбимда янгради қудратли қўшиқ,
Томирда югурди баҳордай ҳаёт.
Уни қаҳратон қиш музлатгани йўқ,
Оғир туман унга қолаверди ёт.

Тўзита олмади дарбадар шамол,
Селлар оқизмади тўлқинга олиб.
Мен қарши чиқаман бўронга танҳо,
Чиқмоқчи бўламан курашда ғолиб!

ҲАМИША ЎЙЛАЙМАН

Ҳамиша ўйлайман, учаман сенга,
 Эй, қора ғуссалар, ғамли ватани!
 Сен ҳақингда ўйлаш тасалли менга,
 Қалбимни қиймалар соғинч, ғам дарди.

Не ғусса доғларин кўрмади бу кўз,
 Ғамларнинг баридан сеники оғир.
 Йиғласам, кўзёшим бўлади денгиз
 Ва лекин заифлик номусдир охир!

Оҳ, оз тўкилдими тупроққа кўзёш,
 Жаҳоннинг ярмини эта олур ғарқ.
 Бас энди! Конга ҳам қонмаган бу оч –
 Дунёда кўзёши тўкмоқдан не наф?

УКРАИНА

Нозик, дея ким айтди мани,
 Қисмат билан курашмади деб?
 Наҳот титрар қўлларим, таним,
 Товушим ҳам наҳотки заиф?
 Гарчи унда бордир гоҳида
 Шикоят ва тўлқинли нафас.
 Бу бир тошқин – баҳор чоғида,
 Зерикарли куз ёмғири мас.
 Куз бўлса ҳам...
 йўқдир зарари.
 Кимдир яшнар, ким эса сўлар.
 Ҳовуз бўйи толларнинг бари
 Сўнгги дамда шафакранг бўлар.
 Ўрмонларни этиб шип-шийдам,
 Каған билан ёпганида қиши.
 Гуллар қабри узра ўзи ҳам,
 Рангдор барглар сочар бояқиши.
 Нима бўпти, яшайман гўё –
 Сукунатга ғарқ бўлган денгиз –
 Сув юзаси гарчи тинч, аммо
 Яқинлашар тўлқинлар бу кез.

САФГА ТУРДИК

Сафга турдик – ҳақдир йўлимиз,
Биламиз, ҳақ асло енгилмас.
Шу ишонч-ла қучли қўлимиз,
Шу ишонч-ла оламиз нафас.

Сафимизда йўқ бирор олчоқ,
Қўрқитолмас бизларни зулмат.
Қўлимиизда муқаддас байроқ,
Баланд тутиб борамиз ҳар вақт.

Ким ҳақ учун қилса фидо жон,
Бизнинг сафга турсин баробар.
Унга қалблар очиқ ҳар қачон,
Ҳақни севган бизга биродар.



ҚАДИМИЙ ЭРТАК

Достон

Эртак айтай, тингламоқقا
Бўлса агар майлингиз.
Қайси нақлим маълум эса,
Узрим қабул айлангиз.

Азизларим, шу кунларга
Мудом ўчлик не жоиз?
Кони фойда, кечмишга ҳам
Боқиб қўйсак гоҳи биз.

Алмисоқдан қолган гапга
Сизни ким ҳам йўллагай.
“Э, биз буни эшитганмиз”, –
Деб айтгувчи бўлмагай.

Диққатингиз тортса агар,
Нақлим ўқиб кўрарсиз.
Шухрат тожи бўлмаса ҳам,
Тешиккулча берарсиз.

1

Олис ўтмиш, олис ўлка...
Қайдалиги сизга тан.
Эртакларда ҳар нарсага
Имкон, қалов бор, зотан.

Шундай қилиб, олис юртда
Яшаб ўтди бир куйчи.
Улкан эди истеъоди –
Ҳамма ҳавас этгувчи.

Хусни расо деб бўлмасди,
Бадбуруш ҳам эмасди.
Оддийгина одам эди,
Бошқалардай бўй-басти.

Бизнинг куйчи хонандамас,
Гапнинг ростин айтсам гар,
Бизнинг куйчи шоир эди,
Шоир эди афсунгар.

Шеъри унинг қўшиқ бўлиб
Тилдан тилга ўтарди.
Кувонч бўлиб, кулгу бўлиб,
Элдан элга ўтарди.

Кулбасидан йироқ эди
Ёлғизликнинг мунг-дарди.
Янги қўшиқ тинглагали
Ёш-яланглар келарди.

Қўшиқ малҳам бўлар эди
Гоҳ йўриқ, гоҳ кулги-ла.
Оқибатли одамлар ҳам
Келмас қуруқ қўл ила.

Топганларин тутқазишар -
Бор мукофот шу эрур.
Оч-юпунмас. Шоир учун,
Айтинг, яна не зарур?

Мовий тилда сўзлашаркан
Майсалари ўрмоннинг,
Шоир ҳар кун борар эди
Суҳбатига эманинг.

Шундай бир тонг бизнинг шоир
 Майса узра ётарди.
 Эманларни тинглар балки,
 Балки қўшиқ битарди.

Бирдан шов-шув, бақир-чақир...
 Този итлар овози...
 Чор атрофни босиб кетди
 Ваҳималар гурроси.

Учқур отлар дупур-дупур...
 Яқинлашар тўполон.
 Чиқиб келар тўда бўлиб,
 Йўлга овчи-оломон.

Бизнинг шоир, бахтга қарши,
 Айни йўлда ётаркан,
 “Ҳай, секинроқ! – дейди. – Мени
 Кўп кўрмангиз қатордан”.

Кўринмасди ов қораси,
 Тушса улар қасдига.
 Йўқса қолиб кетармиди
 Шоир оёқ остида.

Темир совут кийиб олган
 Рицарь жаҳли кўп ёмон.
 “Бу қандай ов экан? – дейди. –
 Йўл берарсан, қадрдон?”

“Ҳечқиси йўқ, – дейди шоир, –
 Чеккароқдан йўл солсанг.
 Қофиялар учиб кетса,
 Ёрдам бера олмассан”.

“Сенинг овинг зўр экан-ку! –
Рицарь хандон кулади. –
Йўлни тезроқ бўшатмасанг,
Сенга жабр бўлади”.

“Кўрқмагайман жабрлардан.
Оромга на хушим бор.
Жўнаб қол-чи. Мен ҳам овчи.
Сендайларда ишим бор.

Қофиялар – лочинларим
Учib тушар осмондан.
Кимга, десам, шафқат қилмай
Ташланишар ҳар ёндан”.

“Вой шайтон-э”, – дейди рицарь, –
Донолигин қаранг-а!
Дуч келмовдим сенга ўхшаш
Хўп устаси фарангга.

Кўрардик ким овчилигин.
Вақтимиз зик.
Етар, бас!
Олиб ташланг буни йўлдан!
Сафсатасин пайтимас!”

“Куллуқ! – дейди шоир. – Бўпти,
Кўтарингиз, шоввозлар!
Кўшиқни ҳам унутмангиз!
Хув, ўт узра қоғозлар!”

Рицарь дейди бақирганча:
“Телба, шекил, бетамиз...
Билиб қўйгин: шафқат қилдик.
Сени четлаб ўтамиз.

Яна андак кута тургин,
 Кун тугасин, бўлсин кеч.
 Садақангни беражакман,
 Ҳозир эса вақт йўқ ҳеч”.

“Йўқ, мен сени кутмагайман, –
 Дейди шоир ўшал дам. –
 Ким ҳам билсин: садақага
 Зор бўларкин қай одам?!”

Индамади, кетди рицарь.
 Тапир-тупур, ҳайё-ҳайт...
 Акс садога мудроқ ўрмон
 Тўлиб турди талай пайт.

Ҳар ён тарқаб, сайёrlарнинг
 Отиш бўлди ишлари.
 Бу не ҳолки, куни билан
 Бирон ўлжа тушмади.

Ер устидан оғиб қуёш,
 Тунга қолгач маъвоси,
 Тинди бурғу, тапир-тупур,
 “Ҳайё-ҳайт”лар овози.

Сайёdlар хўп толиқишган...
 Сурнай чалар қоринлар...
 Ким ўрмонда санқир ҳамон,
 Ким йўл топмай зориллар.

Танҳо ўзи келар рицарь.
 Қарашлари тунд, тажанг.
 Воажабо! Шоир ҳамон
 Йўлда ётар кўндаланг.



“Хайр-эхсон умидида
 Ётармисан ҳануз? – дер.
 Чүнтагини кавлаб, – пулдан
 Олмабман-да, афсус”, – дер.

Шоир кулиб айтадики:
 “Олтин – менга бир чақа.
 Давлатим қўп. Берарман ҳам,
 Қарз сўраса сендақа...”

Кучли, мағрур, кож рицарнинг
 Жаҳли чиқар авжига.
 Унинг борки давлати ҳам –
 Шу киборлик, кожлиги.

Кичқиради: “Бас, ҳазиллар!
 Адабингни берай бир...”
 “Жанобларга ҳазил қилиб
 Бўларканми? – дер шоир. –

Куйладим мен ер-осмонни.
 Эманзорлар ҳайратин.
 Шулар – шоир гавҳарлари,
 Шулар – менинг давлатим.

Шунча бойлик билан яна
 Мен – бир умр шод, эркин...”
 Рицарь нидо айлар: “Эвоҳ,
 Телбалиги чиппа-чин!”

“Балки шундоқ, – дейди рицарь, –
 Оллода-ку ихтиёр.
 Лекин менга шу қисмат бас.
 Мен – чиндан ҳам баҳтиёр.

Боқарман хур.
Хаёл қушим
Учар эркин, сарбаланд.
Ул қушимга бирор өрдә
На таъқиб бор, на сарҳад.

Бир зумдаёқ ушалажак,
Қандай орзум бўлса гар.
Фикрларим қанотланиб,
Булутдан ҳам юксалар.

Даладаги сарин елдай
Доим ёшман, доим шўх.
Ўзим эркли.
Ўзганинг ҳам
Эркин сира буқким йўқ”.

Рицарь кулиб айтадики:
Олиб қочар экансан.
Ишонмайман лофларингга.
Наҳот баҳти бекамсан?!

Орзунг – бир пул.
Эркинг – сароб.
Барин берардим бирга –
Граф деган увонга-ю,
Олиймақом қасрга.

Бор бойлигин тутаверсин
Сенга хаёл гўшаси.
Менга аъло маҳбубанинг
Битта ширин бўсаси!..

Бизнинг шоир рицарга ҳам
Айтмоқчииди мос гапни,

Қарасаки, қуёш ботган,
Ойга беріб маснадни.

Ойдин оқшом этагида
Ишдан қайтар ёш-яланг.
Очилишиб сўрашарлар
Шоири дилкаш билан.

Куйлар шоир қўлларида
Мандолина торлари.
Куй бағрида сузиб кетар
Дилбар шеърнинг зорлари.

Ҳамма қўшиқ сехрида-ю,
Ҳамма ундан ўйчан, лол.
Кизлар кўзи – қувонч ила
Ловуллаган чўғ мисол.

Ўйлар қўшиқ оромидан
Лол-маҳлиё рицарь ҳам:
“Нечоғ ўткир ҳар бир сўзи.
Афсунгарми бу одам?!”

2

Бир куни ёз оқшомида
Шоир танҳо ўлтирас.
Шундоқ ҳам тинч кулбасини
Вазмин сукут тўлдирас.

Тонготардан оқшомгача
Ёш-яланглар далада.
Улар ҳосил йигишарди
Айни қизғин паллада.

Дала бўйлаб янграб қўшиқ,
 Кўшиқ парвоз этарди.
 Тинглаётган шоиримиз
 Уйигача этарди.

Қош қораяр.
 Кўшиқ тинар.
 Нур чекинар қайгадир.
 Шамолларга энди навбат,
 Энди навбат сойгадир.

Олислардан келар садо,
 Оқиб келар у сокин.
 Шоир кўзи тун бағрида,
 Борлигига ўй ҳоким.

Ногоҳ англар: кимдир келди.
 От кишнайди шу нафас.
 Суворийси тушар пастга,
 Яроғи ҳам берар сас.

Не мўъжиза?
 Келган қай зот –
 Тун бесадо турган дам?
 Шоир ҳайрон.
 “Ким? – деб сўпар
 Остонада тургандан.

Ўғри бўлсанг, янглишибсан.
 Шоир уйи қуп-куруқ”.
 “Келган эдим, – дейди овоз, –
 Берсангиз деб йўл-йўрик”.
 “Кимсан?”

“Исмим Бертолъд менинг.
Машхур рицарь бўламан”.
“Э, овчими тунов кунги?..
Ошналарни биламан.

Киргил. Шоир макони ҳам
Нимқоронғи гоҳида.
Ёлғиз бўлсам, чироғимни
Ёқмагайман беҳуда.

Мехмон учун бош устига...” –
Шоир ёқар чироғин.
Ахир келган жаноблари,
Бертолъд каби зот тағин...

“Хайрли кеч!”
“Хайрли кеч! –
Дейди рицарь, шаҳди паст.
Үлтиарлар мум тишлашиб.
Жим туриш ҳам яхшимас.

“Хизмат...” – дейди бизнинг шоир,
Журъат этиб ниҳоят.
“Севиб қолдим, – уфлар рицарь, –
Аҳволим танг бағоят”.

“Айта қолгил эҳтиёжинг,
Очгил муддао хатинг.
Балки нафим тегиб қолар,
Балки чиқар ҳожатинг”.

“Севиб қолдим, – сўзлар рицарь, –
Кўзларимга олам тор.
Юрганда ҳам, турганда ҳам
Ўйлаганим – у дилдор”.

“Ундей бўлса, уйлан-да ол, –
Дейди шоир, – қўй совчи”.
“Оҳ, нетайки, бўлак рицарь
Унинг кўнглин овловчи!

Мен-чи, пойлаб деразасин,
Шомни тонгга уларман.
Қовриларман ўз ёғимга,
Ғам-андуҳга тўларман.

Чеккан зору таваллойим,
Оҳим учар ҳавога.
Билмагайман, қай йўл билан
Етарман ул зебога.

Балки ишқий ашулашар
Дилбаримга келар хуш”.
“Рост, – дер, шоир, – ширин хўрак
Қўйсанг, тўрга тушар қуш”.

“Овозим бор... Уқув етмас
Сўзларига келганда...”
Бу ҳам бир ов, – дейди шоир, –
Мушкулдир, ов бўлганда.

Шеър шуҳрати ҳаммага ҳам
Насиб бўлмас, на илож.
Қаноти бор шеър отининг,
Яна десанг, асов, кож”.

“Ёрдам бергил! Ўтинаман!
Етгил дилим зорига!
Ўзим шоҳид бўлганман-ку
Улкан сехринг борига.

Сел қилгандинг ҳаммамизни,
 Күшиқ айтиб дилингдан.
 Менга күмак бермоқ келар
 Faқат сенинг күлингдан.

Эвазига не истасанг,
 Борим сенга аталар".
 "Йўқ, – дер шоир, – менинг учун
 Даркор эмас ваъдалар.

Наҳотки мен азиз дўстдан
 Сўрар бўлсам ҳақ-тўлов.
 Ишқий қўшиқ керак бўлса,
 Ёзиб берай мен дарров.

Фақат айтгил, севгилингнинг
 Надир исм-шарифи?"
 "Изидора, дерлар уни.
 У – зарифлар зарифи".

Ўйлаб кетар... Шоиримиз
 Сўнг тўлдирап қофозни.
 Мандолина олиб чертар...
 Бошланар шеър, куй базми.

Кўрсатади Бертольдга у
 Торни қандай чалишни,
 Қайта-қайта ўргатади
 Шеърни ёдлаб олишни:

"Мана бундай қўшиқ бошлаб,
 Торда бундай ўйнайсан.
 Ut-fa-la-sol-fa, mi-re-sol...
 Шу йўсинда куйлайсан..."

“Раҳмат!” – рицарь қушдай учиб,
Олисга йўл солади.
Шоир “хайр” демоққа ҳам
Улгуромай қолади.

Учар рицарь тоғ, чўл ошиб,
Севгилиси ёдида.
Тўхтайди у Изидора
Деразасин олдида.

Мандолина тилга кирап,
Тилга кирап туйғулар.
Муҳаббатнинг изтироби,
Иқори эди улар.

“Парпираиди ёрқин, мағрур
Юлдузлар ер бошида.
Лекин бари хира эрур
Изидора қошида.

Олмос тошлар хўп ловуллар,
Кўз қамашар ҳолида.
Лекин бенур, мулзам улар
Изидора олдида.

Инжулар бор кўздан йироқ,
Уммонларнинг комида.
Қадрсиздир дурлар бироқ
Изидора ёнида...”

Атрофларга ул қўшиқнинг
Таралганда илк банди,
Юлдузларга боқмоқ бўлиб,
Қиз балконга чиққанди.

Поёнига етиб қүшиқ,
Сукут қайтар жойига.
Бир даста гул келиб тушар
Рицарь Бертолъд пойига.

Гойиб бўлар Изидора.
Қолар атроф хувиллаб.
Гуллар – ширин орзуларга
Рицарь Бертолъд босар лаб.

3

Воажабо! Ул қўшиқнинг
Кўли етди ойларга.
Энди Бертолъд барҳам берган
Дилни ўртар найларга.

Изидора табассуми
Ошиб борар кун сайин.
Сўзлашлари ширин-ширин,
Қарашлари хўп майин.

Ошиқ йигит кўзларига
Боқди севги, боқди баҳт.
Изидора узугин ҳам
Бертолъд тақди оқибат.

Тўй бошланди. Ўйин-кулгу
Тутиб кетди ҳавони.
Базми жамшид авжга чиқди
Бутун ҳафта давоми.

Қайта-қайта тортилди май.
Ҳамма – меҳмон, вақти хуш.
Фақат бизнинг шоиримиз
Бўлган эди фаромуш.

Минг хил ташвиш... Осон деманг
 Тўйдай кори хайрни.
 Шундай пайтда ким ҳам эслар
 Ул камсукум шоирни?!

Фурсат күшдай учиб борар,
 Ҳаёт айтар эртагин.
 Бертолъд қайдан билсин эди
 Гам эшикда турганин.

Қодир қирол истаб қолар
 Ўзга юртлар сафарин.
 Етказишар рицарларга
 Жангу жадал хабарин.

Ҳали-ҳамон кезар экан
 Базми жамшид сафоси,
 Рицарь Бертолъд уйига ҳам
 Етди жарчи овози.

“Хуш қол энди, малоҳатим,
 Хайр масъуд чоғларга.
 Бахтим ташлаб, кетар бўлдим
 Мен ҳам олис ёқларга”. –

Якшанба кун рицарь Бертолъд
 Эрта тонгдан солди йўл.
 Қолди гўзал Изидора,
 Танҳоликда қолди ул.

Мард рицарлар кетиб борар –
 Юраклари шошарди.
 Денгизларнинг нарёғида
 Мусулмонлар яшарди.

Тоғлар ошиб, чүллар босиб,
Лашкар борар, букмай бел.
Ортларидан боққанича
Қолаётир азиз эл.

Бора-бора нималигин
Күрсатаркан дард-ғамлар.
Андухларин қүшиқ билан
Енгмоқ бўлди одамлар.

“Қайғурмагил, дарбадарлик
Жонга тегиб кетса ҳам,
Хотирангда бор-ку ахир
Она юртинг – мукаррам.

Майли, ҳаёт солар бўлсин
Юрагингга ғам-дардлар.
Юртинг айтган қўшиқларда
Бордир сенга мададлар.

Қайғурмагил, нафсиз кетмас
Уқубатли бу онлар.
Она юртга муҳаббатни
Ўргатувчи ҳижронлар...”

Тунд, ёввойи сахро узра
Ёйиларкан бу хониш,
Топар эди ҳар бир аскар
Ундан таскин-осойиш.

Борар улкан саф олдида
Сараланган уч сардор:
Карлос, Гвидо ва Бертолъд –
Уч паҳлавон, уч девкор.

Кетардилар... йўл ногаҳон
 Уч бўлиниб айрилар.
 Фикрлашиб, командирлар
 Уч томонга қайрилар.

“Ёрлақасин худойим”, – деб,
 Тилак тилаб оқ йўлга,
 Бертолъд – тўғри,
 Гвидо – чап,
 Карлос кетар ўнг қўлга.

Аввалига Бертолъд учун
 Кулди омад, кулди баҳт.
 Қанча-қанча шаҳарларни
 Йўл-йўлакай этди забт.

Рўпарада тураг эди
 Мусулмонлар пойтахти.
 Шундай пайтда Бертолъддан
 Юз бурса, денг, жанг баҳти.

Олис йўл, жанг чарчоқларин
 Лашкар энди билдими,
 Пойтахтини мусулмон ё
 Сақлашга аҳд қилдими, –

Қўрғон маҳкам тураг эди,
 Бузилмасди сарҳадлар.
 Тегишини олиб турди
 Ҳар хужум, ҳар журъатлар.

Бегона ер, бегона эл...
 Мудхиш очлик қийноғи...
 Бертолъд тушар изтиробга:
 Нима бўлар бу ёғи?



Бир ой бўлди қамалга ҳам.
 Қанча рицарь берди жон.
 Лашкарларнинг орасида
 Норозилик, ғалаён...

Улар дейди Бертолъдга,
 Сўзларининг заҳри мўл:
 “Етар, бизни ортга қайтар!
 Фаниматда бошла йўл!

Нега бизни бошлаб келдинг?
 Мозор-ку йўл поёни!
 Қирчинида қийилсинми
 Йигитларнинг ёш жони?!

Савил қолсин пойтахти ҳам,
 Жонга тегди қамалинг.
 Керак эмас зафарларинг,
 Шон-шавкатинг, амалинг!”

Қани энди Бертолъд сўзин
 Тингламоққа кўнсалар!
 Кошки эди бесарлиқдан
 Бирпасгина тинсалар!..

Куролларга ёпишганлар...
 Қон тўкиш ҳам ҳеч гапмас!
 “Тўхтанг!” – дейди кимдир кескин.
 Лашкар тинар бир нафас.

Олдга чиқар қўшиқчилар,
 Бир саф бўлган ҳолида.
 Куроллари елкада-ю,
 Чолғулари қўлида.

Бири дейди оғир-босик;
 “Тўс-тўполон не даркор?
 Бертолъд учун жазо бўлса,
 Ўзингизда ихтиёр.

Энг мақбули: изн беринг,
 Тинглаб кўринг бизни ҳам.
 Ажойибdir қўшиғимиз,
 Бир дунё гап унда жам”.

Шунда бири секингина
 Тор пардасин чертади.
 Жилмаяди қувлик билан,
 Аста куйлай кетади:

“Бўлган экан ботир рицарь –
 Жанг-жадаллар боласи.
 Юрган йўли – печка билан
 Остонанинг ораси.

Узун тили ёв кучини
 Бостирмоққа хўп уста.
 Мақтанаркан: “Мен бир ўзим,
 Душман эди уч юзта”.

Шу паҳлавон рицарнинг, денг,
 Жангда тарқаб хумори,
 Қайтган экан соғ-саломат,
 Борлигидан тумори.

Ҳамма билар туморини.
 Айтса бўлар bemалол.
 Номи унинг шундоқ экан:
 “Ғаниматда қочиб қол”.

“Ғаниматда қочиб қол”, деб
 Қолганлари жүр бўлар.
 Ор-номусдан аскарларнинг
 Чизганлари ер бўлар.

Жаранг-журунг... – овоз чиқар
 Кўллардаги яроқдан: –
 “Ўлим афзал, мағлуб бўлиб,
 Уйга қайтиб бормоқдан”.

Шаҳд-шиитоби ошиб лашкар,
 Ёв устига юради.
 Кеч тушмаёқ шаҳар ўзни
 Аросатда кўради.

Мусулмонлар шоҳи – таслим,
 Ёв макони – тору мор...
 Ана энди она юртни
 Этса бўлар ихтиёр.

Бертолъд масрур, шоду хандон,
 Юзида нур порлайди.
 Куйчиларни эъзоз ила
 Хузурига чорлайди.

“Трубадурлар, – дейди, – доим
 Гуур бўлган бизларга,
 Халқ номидан мукофотлар
 Улашгайман сизларга”.

“Куллуқ, – дейди қўшиқчилар, –
 Бизга нечун илтифот?
 Қўшиғимиз ўргатганга
 Арзир, берсанг мукофот”.



“Қани у? – деб сўрар Бертолъд, –
Турмасин-да панада”.

“У бунда йўқ, – дейишади. –
У йўқ бизнинг орада.

Қўшиқларин бизга бериб,
Қолган азиз гўшада.
Бизгинамас, бутун элнинг
Ғамгузори – ўша-да!”

“Э, биламан у шоирни,
Қўшиқларин биламан.
Шоҳона бир мукофотни
Албат, инъом қиласман.

Эсон-омон севимли юрт
Бўсағасин боссам бас! –
Эл шоирин бошларидан
Тила сочиш ҳеч гапмас...”

4

“Яхши ният – ярим мол”, деб
Айтишмагай бехуда.
Яхши ният дўзах йўлин
Йўқ этгувси гоҳида.

Бертолъд юрти – гўшасига
Аллақачон қайтмишdir.
Севимли ёр меҳри аро,
Тинч яшамоқ – на хушdir.

Нурга тўла қасрларда
Яна базму яллолар.
Бойликлари унинг бисёр,
Ертўлада тиллолар.

Үлжалари сероб унинг –
Жанглар йўли тутқизган.
Олий инъом қанча тағин –
Қирол кўли тутқизган.

Пули бисёр, бойлиги мўл...
Граф дея олган ном.
Қиролга хос қудрати бор,
Қиролга хос эҳтиром...

Бутун атроф – сарҳадлари
Ётар осмон тубида...
Шунча ер-сув, бор тирик жон
Бертолъд тасарруфида.

Дастлаб Бертолъд баҳтига ёр,
Мурувватли кўринди.
Одамларга адолатли
Бўлмоқ учун уринди.

Лекин аста нураб борди
Бу тантилик, ўқтамлик.
Юз кўрсатди графликда
Қай ўзгариш, қай танглик.

Ул шоҳона дастурхону
Биноларга пул даркор.
Эрмаклару ўз-ўзига,
Биноларга пул даркор.

Касби эди ёт элларни
Талаш, қийнаш, шум босқин...
Ўз уйида кайф-сафодан
Топар энди у таскин.

Баршчина, дер, оброк, дейди...
 Ҳисоби йўқ соликнинг.
 Ҳамма ерда соқчиси бор
 Ул азоби холиқнинг.

Оҳ-зорларни айтмоқ учун
 Ҳатто тил ҳам беуқув.
 Одамларга ҳаёт – дўзах,
 Граф учун жанинат у.

Ҳашамларга тўлар граф,
 Ситамларга эл тўлар.
 Бу фароғат, бу уқубат
 Мангу бўлиб туюлар.

Ҳаммаёқда халқ фарёди
 Тўлқин бўлиб тошади.
 Улар шоир дил-дилига
 Оғриқ бўлиб тушади...

Етиб келар нохуш хабар
 Бир кун шинам қасрга:
 Жой-жойларда ғалаёнмиш,
 Юракларда қасирға.

Кўшиқчилар куйлар эмиш
 Тўлиб-тошиб афғонга.
 Бу қўшиқлар одамларни
 Чорлар эмиш исёнга...

Кўшиқчилар зах, тору танг
 Зинданларга ташланар.
 Кўшиқларни айта берар
 Озодликка ташналар.

“Хечқиси йўқ, – дейди Бертолъд, –
Кўрсатайки кунларин...”
Яқинидан эшитар у
Шу дам қўшиқ мунгларин:

“Мужик уйи – зах ертўла.
Қасри юксак тўранинг.
Бехудага айтмагайлар:
“Суяги оқ тўранинг”.

Мужик қўли оқ қўлларга
Тенглашарми ҳеч замон?
Бехудага айтмагайлар:
“Граф қони – тоза қон”.

Тўраларнинг суяклари
Эканмикан чиндан оқ?
Тозамикан қонлари ҳам?
Санчиб кўрсак-чи пичноқ?..”

“Бу қандай гап? – қичқиради
Ёниб Бертолъд ўшал кез. –
Изланг, топинг нобакорни.
Кишанларга солинг тез!”

Овоз берар девор орти –
Улкан қаср томони:
“Эй, графнинг малайлари,
Ушлай қолинг шамолни!

Улуғ граф, зое эрур
Ташвиш, ҳадик, дўқ бундай.
Ўнтамизни тутсанг бугун,
Йигирмамиз эрта шай!

Сардоримиз – ботир рицарь,
Лашкарлари бор қанча.
Сиз ҳаммангиз рицарь билан
Танишсиз-ку айтганча...”

Шундай деди... Изсиз кетди...
Ер ютдими куйчини?!
Үлтирволиб ўйлар Бертолъд,
Топар ташвиш учини:

“Сардоримиз – ботир рицарь...” –
Мана, қайдан исён ҳам.
Унинг ёвуз эрмагига
Беражакман тез барҳам.

Хузурига хизматкордан
Чорлар икки нафарни.
“Бориб айтинг шоирга, – дер, –
Дилимдаги гапларни.

Унинг ажиб қўшиқлари
Ёдимдадир ҳали ҳам.
Ёт элларда юрарканман,
Бўлган эди кўп малҳам.

Мана энди қайтаргайман
Мингта қилиб бирини.
Инъом этай марказдаги
Уйимдан энг зўрини.

Истеъоди олдида мен
Таъзимдаман бағоят.
Саройимга шоир этиб
Олмоқчиман, ниҳоят.

Унга айтинг: кўрсатурман
Давру даврон сурмакни.
Фақатгина айласин бас
Хавф-хатарли эрмакни”.

Гумашталар бу фармонни
Бекўст адo этарлар.
“Бораркансиз қаерга”, – деб,
Таъзим бажо этарлар.

Йўлдан урап таклифларни
Кулиб тинглар шоир ҳам.
Ўз жавобин астагина
Изҳор этар айни дам:

“Тўрангизга бориб айтинг:
Тўловларга зормасман.
Ниманики берган бўлсам,
Уни қайтиб олмасман.

Эслаб қўйсин шунча бойлик –
Заҳматларин чекканин.
Меҳнатимни ботқоқларга
Отсан бўлмас эканми!

Йўқ, мен унинг қўлларидан
Олмагайман шуҳрат-шон.
Бундай қўллар бадномликни
Тутқизади, бегумон.

Керак эмас олтин чамбар!
У баҳт эмас, биламан.
Олтинларга кўмилсамми,
Шоир бўлмай қоламан.

Фикри эркин яшамаса,
Шоир эмас ўшал зот.
Олтин тўрлар бир умрга
Этгусидир беканот.

Халқ дардини унутса ким,
Шоирлик ҳайф ўшанга.
Эркини у ўз қўли-ла
Солар олтин кишангага.

Бориб айтинг: графингиз
Қасосидан қўрқмасман.
То тирикман, ор-номуснинг
Яроғини қўймасман”.

Хизматкорлар мулзам бўлиб,
Қаср томон қайтишар.
Шоир нелар деган бўлса,
Битта қўймай айтишар.

Мағрур жавоб сўзларидан
Бертолъд тушар туғёнга.
Хизматкорлар йўлланади
Яна шоир томонга:

“Кулоғига қуйинг бир-бир:
Хушин йигғсин у тезроқ.
Етар шунча чидаганим!
Тоқатларим энди тоқ!

Исёнлардан четлашмаса,
Бас қилмаса шеърини,
Турмаларга солиб қўйиб,
Курираман шўрини!..”

Мүлжал олар хизматкорлар
Яна шоир уйини.
Яқинлашиб, эшитарлар
Мандолина күйини.

Деразадан қарасалар,
Жамоа жам бу ерда.
Нигоҳлари, диққатлари –
Түшакдаги шоирда.

Уч кундирким, бизнинг шоир
Ётар дард-ла олишиб.
Атрофидан кетмас одам,
Фам-андухда қолишиб.

Шеър ёзарми шоша-пиша,
Чертармиди шоир тор... –
Кўшиқларин улашарди,
Кирганда кўш хизматкор.

Жамоа тез чиқиб кетар,
Шоир қолар осойиш.
Кирганларга ярашгулик
Кўрсатади у ройиш.

Дағдағани тинглайди жим,
Кулиб кўяр тағин ул.
Тинглаб бўлгач, баён этар
Мана бундай шарҳи дил:

“Тўрангизга айтингизки,
Шоир тайёр сафарга.
Саноғингиз оширсин у
Яна икки нафарга.

Мен тўшакдан туролмасман,
Тўрангизга айтарсиз.
Менинг янги маконимга
Сиз кўтариб элтарсиз.

Зах зиндоннинг қаърида ҳам
Куйлагайман ҳур қўшиқ.
Эркин, озод хаёлларга
На сарҳад бор, на тўсиқ.

Озод шоир сўзларини
Сололмассиз зиндонга.
Қанотланган қуш бўлиб у,
Уча берар ҳар ёнга.

Дард, соғинч, мен – учов улфат.
Бу иттифоқ-аҳиллик
Шеър сўзларин уч баравар
Этар кучли, қаҳрли.

Она халқим айтмас менга
Таъна, гина-кудратлар, –
Зиндонга сиз bemурувват
Мени солган фурсатлар..."

Тор, қоронғи, тош зиндонда
У яшади неча йил.
Халқи учун ҳеч ўқинмай,
Жонин тутди сидқидил.

Эркин эди лекин шоир –
Орқасида қолганлар.
Унинг ўтли шеърларини
Мерос қилиб олганлар.



Тўлиб сабр косалари,
Үлдирдилар графни.
Ўйловдилар йўқ бўлар деб,
Жабру ситам тарафни.

Лекин Бертолъд хонумони
Ёш графга қолганди.
Гурур, олтин, ер-сувни у
Мерос қилиб олганди.

Тирик экан граф зоти,
Ортар турма тизими.
Лекин шоир ворислари
Чархлагай ҳақ сўзини.

Ҳақиқатнинг сўзи чорлар
Бахт жангига беомон.
Бу олишув бешафқатдир,
Тўкмаса-да гарчи қон.

Зафар бонги – жасур қўшиқ
Гумбурлаган айни пайт –
Қадим эртак тугар.
Навбат –
Яна сенга, ҳақиқат.

12 ноябрь, 1893 йил

■ ДРАМАЛАР

МАГОРАЛАРДА

(Мұхтарам дүстім
А. Крамскийга бағишиланади)

*Рим яқинидаги мағоралар. Інгичка мум шамлар
ва мойчироқлар билан хирагина ёритилген еростыда-
ги масканда христианлар жамоаси түпленган. Епис-
коп қироатни тугатади. Тингловчи эркак ва аёллар
юзларида илоҳий ифода билан беозор сұкут сақлаб
турибдилар.*

Е п и с к о п

Шарафлайлик, биродарлар, ҳазрат Исони,
Хариклейнинг жабрдийда инисини у
Ноил этди Парвардигор марҳаматига.

Х о р

Гуноҳларга тўлиб ётган ер азобидан,
Кишанлардан ҳаммамизни халос этгувчи
Ва Худонинг дийдорига бизни элтгувчи
Пайғамбарга шараф бўлсин, шараф Исога!

Д ъ я к о н

Омин!

Е п и с к о п

Мажусийлар қули эди биродаримиз,
Энди эса Тангрилизга мутедир фақат!

Н е о ф и т қ у л¹

Муте дейсан? Бу дунёда тобе бандалар
Куллигича қолса наҳот самовотда ҳам?
Кул ва хожа йўқ дердинг-ку у ёқда ахир?

Е п и с к о п

Ҳақ гап!
Тенгдир барча банда Тангри қошида!

Н е о ф и т қ у л

Куллар ҳамми?
Е п и с к о п

Ҳазрат Исо уқтириб айтган:
Уқубатим оғир эмас, аччиқмас зулмим.

Н е о ф и т қ у л

(Бироз ўйланиб)

Ақлим етмас рости, менинг бундай гапларга!..

Х р и с тиан қ у л а ё л

(Тўсатдан жунбишга кириб, каромат қила бошлайди)
Аллақачон болта турар дараҳт қошида!
Ваҳий келди: – “Дараҳтни мен ҳозир майдалаб,
Алангага айлантиргум!” Келсанг-чи, Исо!
Бошоқ олиб пишиб турар ўзинг эккан дон,
Ўроқчини кутмакда у... Келсанг-чи, тезроқ!
Роҳила ҳам инграмоқда, болалари йўқ.

*(Бетартиб нутқ асабий алжирашга айланади.
Баъзи аёллар йиғи-сиғи қилишга тушиб кетадилар,
ўзини тутолмаган айрим эркаклар ҳам йиғлаб тило-
ват бошлайдилар)*

¹ Н е о ф и т – бирор диний мазҳабни янги қабул қилган киши.

Е п и с к о п

(Қаттиқ, таҳдидкор овоз билан)
Йўқол, иблис! Сенинг ҳукминг ўтмас бу ерда!

*(Зикр тушаётган кароматчи аёлнинг қошига келади
 ва унинг бошини силайди)*

Ёвуз руҳнинг кутқусидан фақат ибодат,
 Фақат тоат халос этар сени, эй синглим.

*(Кароматчи аёл сал ўзига келади ва ёнидаги аёллар-
 нинг қўлига беҳол суюнади)*

Х р и с ти а н а ё л

*(Кароматчини суяб турган аёллардан бири заиф овоз
 билан)*

Ўзинг аспа! Кеча унинг болаларини
 Коринфлик бир грекка сотди хўжайин!

Е п и с к о п

Бас қил дейман, улуғ ҳазрат ўғит берган-ку:
 Йиғинларда заифалар сукут қилсин деб.

(Кароматчи аёлни олиб чиқадилар. Суқунат)

Н е о ф и т қ у л

*(Ҳаяжондан қалтираган, аммо важсоҳатли, дадил
 овоз билан)*

Маъзур тутгин, аммо сира тушунолмайман,
 Қандай қилиб аччиқ бўлмас азият чекиш,
 Қандай қилиб оғир бўлмас ахир уқубат.

Е п и с к о п

Иним, менга қулоқ солгин, ихлос билан гар
 Бўйин эгсанг бандаликнинг азиятига
 Руҳинг топгай ажойиб бир ҳузур-ҳаловат.
 Ихлос билан хочга агар қўл югуртиранг,
 Оғир бўлмас асло у ҳам.



Н е о ф и т қ у л

Кимга ҳам зарур
 Азиятга ўзни урмоқ ихтиёр билан.
 Эрксизлик-ку қийнаётир шундайича ҳам,
 Кимга зарур хоч күттармоқ яна бекорга?
 Мутеликнинг юкларидан сабримиз битган.
 Мен черковга азоб ва хоч ахтариб эмас,
 Умид билан озодликни истаб келганман.

Е п и с к о п

Озодликка эришгайсан, шубҳасиз, иним,
 Бош эгсанг бас дину имон азиятига.
 Фоний дунё укубати илиа йўл босиб
 Етишгайсан у мангалик, олий даргоҳга!
 Биз Тангрининг муҳиблари – ҳаммамиз тенгмиз,
 Паноҳимиз ва отамиз ёлғиз Худодир.
 Яратгандан тонмоқ ёки унинг қошида
 Такаббурлик қилмоқ фақат иблисларга хос!

Н е о ф и т қ у л

Тақсир, қулда такаббурлик қаёқдан бўлсин!
 Майли, дейлик паноҳимиз ёлғиз Худодир.
 Лекин айтинг, у даргоҳга қачон етгаймиз,
 Бирор уни ерда дейди, бирор осмонда...

Е п и с к о п

Иккиси ҳам ҳақ, албатта.

Н е о ф и т қ у л

Хўш, ундей бўлса,
 Ердагиси қаёқда у? Қайда у хилқат?

Е п и с к о п

Шу ерда у!

Н е о ф и т қ у л

Шу Римда-я?

Е п и с к о п

Бизнинг черковда!

Н е о ф и т қ у л

Яъни, демак, шу ғорларда?

Е п и с к о п

Шак келтирма, анов-манов жойдами деб у,
Тангри бизнинг дилимиизда, демак, ҳар қайда.

Н е о ф и т қ у л

Қачон унга иқрор бўлар барча бандалар?

Е п и с к о п

Ҳазрат Исо иккинчи бор ерга қайтганда!

Н е о ф и т қ у л

(Маъюс)

Бир оғайним айтганники, ҳазрати Исо
Қайтгунича ўтади деб минг йиллар, балки.

Е п и с к о п

Сен бидъатга берилгансан, илло, биз унинг
Вақт-соатин билолмаймиз.

Н е о ф и т қ у л

(Қубнаб)

Демак, ўша кун

Бошланиши мумкин экан ҳар қандай дамда!



Е п и с к о п

Мумкин, бешак.

(Неофит қул ўйга толади ва яна маъюслашади)
Нималарни ўйлаб қолдинг, хўш?

Н е о ф и т қ у л

Биз хилқати олийдамиз сенинг сўзингча.
 Ундан бўлса орамизда нега қуллар бор
 Ва мансабдор руҳонийлар, ҳуқуқсизлар бор?

*(Атрофга кўз югуртиради, баъзилар қўзларини олиб
 қочадилар)*

Х р и с ти а н з о д а г о н

(Бироз олдинроққа чиқиб)

Сенинг руҳинг ташвиш чекар бекордан-бекор.
 Мен – зодагон, у эса қул.

(Кекса одамни кўрсатади)

Фарқимиз фоний,
 Аслида-чи, баравармиз Тангри қошида.

Н е о ф и т қ у л

(Кекса қулга)

Сен юзаки қараганда қулсан, шундайми?

К е к с а қ у л

Йўқ, ҳазратга фақатгина кўрққанимданмас,
 Азбаройи содиқликдан хизмат қиласман.
 Парвардигор иродаси буюрган буни.

Н е о ф и т қ у л

Модомики, тенг экансиз иккалангиз ҳам
 Нера фақат сен тобесан, нега у эмас?

Кекса қул

Худойимнинг иродаси бўйича, иним,
Мен қул бўлиб туғилганман, у бўлса – хожа!

Неофит қул

Демак, олий хилқатда ҳам қул ва хожа бор?!
(Кекса қул жим қолади)

Зодагон

Бу ерда у қул эмас ҳеч, мен ҳозир унинг
Оёгини ювмоқликка тайёрман, чунки
Баб-баравар сажда қилдик баравар туриб,
Бир дастурхон атрофида таомил қилдик.

Неофит қул

(Кекса қулга)

Уйда ҳамми?

Кекса қул

Йўқ, у ерда жоизмас.

Неофит қул

Нечук?

Кекса қул

Мумкин эмас... Мумкин эмас...

Епископ

(Неофит қулга)

Мўмингина бир бандани чалғитма бунча,
Бундайларга Парвардигор марҳамат қилгай.
Шукур қилиб яшаса ким – бахтлидир ўша,
Хожами у ёки қулми – барибир бўлгай.



Н е о ф и т қ у л

Йўқ, тақсирим, йўқ, тақсирим, барибир эмас.
 Кеча менинг бегуноҳдан-бегуноҳ болам
 Қорни очиб йиғлаганин бир кўрсанг эди,
 Базми жамшид хизматида бўлиб онаси
 Бирров келиб эмизишга вақт тополмади.
 Бола шўрлик тоби қочиб чўзилиб қолди,
 Ҳатто кўзёш тўколмайди шўрлик онаси.
 Чунки ҳазрат соҳибжамол қул аёлларнинг
 Йиғлашини ёқтиримайди сира-сира ҳам.

Е п и с к о п

Боланг ҳатто ўлганда ҳам йиғлаш яхшимас,
 Ахир уни самовотда олий баҳт кутар.

Н е о ф и т қ у л

Ҳазратимнинг ўз боласи қазо қилса-чи?
 У ҳам олий мартабага эришса керак?

Е п и с к о п

(*Бироз хўмрайиб*)

Бегуноҳлар баравардир Тангри қошида.

Н е о ф и т қ у л

(*Ковоғини солиб*)

Икки бора баҳт кўраркан ҳазрат фарзанди,
 Бири ерда, иккинчиси яна самода.

К е к с а қ у л

Фигон чекма, биродарим, қаддингни букма,
 Бунчалик ҳам тил теккизма табарруқ зотга.
 Хўжайининг мажусийдир, насроний бўлса,
 Оёқости қилмас эди сени бу қадар,

Гар имонинг бутун бўлса, аёлингга ҳам,
Ўзингга ҳам заҳмат етмас, ҳамма гап шунда.

Н е о ф и т қ у л

Бас қил, ҳой чол, қовурмагин мени гап билан,
Ҳа, кечир, сен бехабарсан менинг дардимдан.
Айтай десам, номус қўймас, ҳа, қул одамга
Номус нечун? Айтсам айтай... Сен имон дейсан.
Қани айт-чи, ўша имон қаёқдан бўлсин –
Кечалари ўз хотиним – шаръий хотиним
Хизматидан қайтиб келса бадмаст, беҳаё?
Зулфларига ақиқдайин чечаклар тақиб
Кириб келар. Менинг ғариб кулбамда эса
Оташинроқ товланади ўша чечаклар.
Ўша ердан кийиб келган либосларини
Жулдур билан алмашишга ҳовлиқади у,
Чунки либос ифлос бўлар менинг кулбамда.
Кечалари йиғлайди у нафс ва ҳирс қийнаб,
У чидолмас, яшаёлмас нафсин қондирмай.
У йиғлайди, калтаклайман шунинг-чун уни,
У баттарроқ бўлишини билсан ҳам, атай.

З о д а г о н

Хотинингни тарғиб қилгин имонга, динга,
Ҳирси қўзғаб кўзёш қилмас ўшанда фақат.

Н е о ф и т қ у л

Тингланг, тақсир, ё сизнингча, тингланг, биродар,
Хотинимни ўзга динга ўтказмоқ нечун?
Бу ерда у имон тилаб кўзёш қилгандан
Гўзал кийим ва нафс дея йиғласин, майли.
Гуноҳ-савоб нималигин билганида ҳам
Барибир у пок бўлолмас! Билмагани соз!



Е п и с к о п

Мажбуран ким гуноҳ қилса – имонсиз бўлмас.

Н е о ф и т қ у л

Биз қуллармиз, биз билмаймиз, қилган ишимиз
Мажбурийми ё хоҳиши, гуноҳми, савоб.
Қалбимизда қолар фақат алам излари,
Тилим бормас айтмоқликка, ўз болам кимдан?
Менданми ё хўжайниндан? Билолмасман ҳеч.
Мен болани ҳам севаман, ҳам кўролмайман...

К е к с а а ё л

Кўролмаслик гуноҳ эрур, гўдақда не айб.

(Епископга назар ташлаб, жим қолади)

Е п и с к о п

Доно гаплар чиқар баъзан аёллардан ҳам.
*(Дъякон аёлнинг қулоғига юпунгина кийинган сўлгин
ёш аёл нималарнидир шивирлайди)*

Дъякон а ё л

(Епископга)

Изн беринг икки оғиз сўз демоқликка.

Е п и с к о п

Сўзла, фақат қисқа бўлсин.

Дъякон а ё л

Манов ҳамшира

Холис хизмат қилсан дейди биродарига.

(Неофит қулни кўрсатади)

Е п и с к о п

Қандай хизмат?

Д ьяко н а ёл

Яъни унинг ўша хотини
Хўжайиннинг юмушига кетган пайтларда
Боласини ҳеч тортинмай қолдирсин эмиш,
Эмизармиш, юпатармиш кечами, кундуз.

Е п и с к о п

(Ёш аёлга)

Худойимнинг олдида бу савоб иш, қизим.
(Ёш аёл бош эгиб қўяди)

Д ьяко н а ёл

Аёлингга айт, болани Кичик Жомега
Деодатнинг ҳужрасига келтириб берсин.
Унга энди Анцилодея ўзи қарайди,
Норастанинг боқимидан кўнгли тўқ бўлсин.

А н ц и л о д е я

(Ёш аёл майин овоз билан Неофит қулга)
Рад қилмассан?!

Н е о ф и т қ у л

Куллуқ, сингил.

З о д а г о н

Мен ҳам майлига,
Сал эскироқ бўлса ҳамки кийим бераман,
Модомики хўжайнинг қарамас экан.



Н е о ф и т қ у л*(Үзини тутыб)*

Қуллуқ, ҳазрат.

Е п и с к о п*(Гапни тузатған бўлиб)*

Ҳазрат эмас, биродар дегин.

Н е о ф и т қ у л

Хўп, биродар!

С а в д о г а р х р и с т и а н

Айтишингча, тозаликни севар хотининг,
 Уйинг эса ифлос экан, шунинг-чун сенга
 Совун берай бепул, текин, ҳа, хўжайнинг
 Совунни ҳам аяр экан.

Н е о ф и т қ у л*(Масхараомуз)*

Қуллуқ сизга ҳам.

Д ъ я к о н

Эҳтимол, гоҳ қорнинг тўйиб овқат емассан,
 Мажусийлар қулларига қарамас унча.
 Садақага ош тортамиз, бозор кунлари
 Келиб тургин. Қорнинг тўяр, кўнглинг ҳам ўсар.
 Хурматинг ҳам маросимда жойида бўлгай.
 Менинг исмим Агатофель, мойчиман ўзим,
 Ҳовлимни ҳам ҳамма билар, топиб оласан.
 Мажусийлар эса менинг ҳақимда доим
 “Текинтомоқ кимсаларга ош-нон бергувчи
 Эси паст бой” деб айтарлар. Вайсайди улар.

Н е о ф и т қ у л

(Дъяконга жавоб қилмайди, бошини чангаллаганича
бирмунча вақт тек туриб қолади)

Күргулик деб айтса бўлар мана бу ҳолни!
Тиланчи чол бўлиб қолдим ёшлигимданоқ.
Кимни қарғай? Кимга лаънат ўқийин ахир?
Ноилождан қарзи учун мени пуллаган
Отамними лаънатлайн? Харидорними?
Ё бўлмаса ушбу бадбаҳт, қора дунёга
Шўрпешана бўлиб келган онни қарғайми?

Е п и с к о п

Ношукурлик қилма бунча, ўзингни босгин,
Берилмагин кўп ҳам иблис власвасасига.
Мадад берай деса сенга биродарларинг
Шаккоклигу ношукурлик қилмоқлик нега?

Н е о ф и т қ у л

Шу мададми? Юрагимни эзib юборди!
Бир қара-чи сен мана бу бемор аёлга.

(Анцилодеяни кўрсатади)

Арвоҳ дейсан! Хотиним-чи, менинг хотиним
Ёш ҳам соғлом. Фақатгина болам қаровсиз.
То хотиним сархушликда даврон сураркан
Болам учун ўзгалардан, бечоралардан
Нон сўрайми? Жой сўрайми? Шу диёнатми?
Яланғочдан кийим сўраш, очдан нон сўраш –
Шу савомми? Яна мени ношукур дейсан...

Д ъ я к о н

Садақани бой ҳам берар, камбағаллар ҳам.

Н е о ф и т қ у л

Ҳа, дарвоқе, унутибман, дўкондор оғам
Бепул совун бермоқчийди олишим керак.

Ахир Тангри висолига етганимиз дам
 Биз қулларнинг жулдур, кир-чир кийимларимиз
 Бой-бадавлат иниларни хижолат этмас.
 Ҳа, бундан ҳам зарурроғи, бозор кунлари
 Қорнимизни тўйғизгани ошга борганда
 Кир чопонни тоза жойга қўймоқ яхшимас.

(Зодагонга)

Совун учун ташаккур айт сен ҳам у зотга,
 Чунки сенинг ҳузурингга борганим чоғлар
 Оёқларим тоза бўлгай, жирканмассан, ҳа,
 Христиан одатича, оёқларимни
 Зодагоннинг ўзи ахир ювмоғи керак.

(Зодагон ғазабланади, лекин билдиrmайди, фақат
 епископга қараб қўяди)

Е п и с к о п

(Секин, бироқ шиддатли овоз билан)

Юрагингга кириб олган қандай ёвуз рух,
 Нега ахир бу қадарли паст сўзлар билан
 Ерга уриб қоралайсан қардошларингни?
 Улар сенга нима қилди? Нима қасдинг бор?

Н е о ф и т қ ул

Аламимдан, ноилождан дод солмоқдаман.
 Мен қул эдим, эркисиз эдим, тутқун бандайдим,
 Энди бўлса тиланчи ҳам қилмоқчисизлар.
 Истайсизки, энди ўзим ихтиёр билан
 Шафқат сўраб, мадад тилаб кўл узатайин.
 Истайсизки, ширин бўлсин ўша азият,
 Истайсизки, енгил бўлсин ўша уқубат.
 Истайсизки, лақقا тушсам гапларингизга
 Енгил бўлиб қолар гўё менинг аҳволим.

Е п и с к о п

Биз сен билан суҳбатлашдик холис, самимий,
 Худовандинг каломини солдик ўртага.

Н е о ф и т қ у л

Мен бўлсам-чи, ишонмайман, гапларингизга.
 Мадад бериш ниятингиз бўлсайди чиндан,
 Мехроб узра турган манов олтин ва кумуш
 Ҳисобига этардингиз қулларни озод.

(Зодагонга)

Сен бўлсанг-чи, рухсат берсанг бўлгани эди,
 Бир амаллаб топар эдик нон-ошимизни.

Е п и с к о п

Биз киммизки, ўзгартирсак Тангри ҳукмини.
 Ким қул, ким ҳур – тайин этиш бизларнинг ишмас,
 “Фақатгина томоқ билан яшамас инсон,
 Унга яна Парвардигор каломи зарур”.
 Хўш, не дейсан?

Н е о ф и т қ у л

Бу ҳали оз, унга яна ҳурлик ҳам керак.
 Усиз умр – умр эмас, ғурбатдир, холос.
 Шунинг учун ғам ҳасратим беҳад улуғдир.
 Сиз умримнинг эвазига кийим-бош, овқат
 Ва қандайдир каломларни ваъда қиласиз.

Е п и с к о п

Барча калом бир хил эмас, Тангри каломи
 Одамларнинг мададидан кўра халоскор.

Н е о ф и т қ у л

“Сабр қил-у, бўйнингни эг” – ўша сўзларми?
 Наҳот шулар озод қилса инсонлар руҳин.
 Наҳотки шу сўзлар учун мўмин бандалар
 Ҳайвонларга ем бўлади, қатлга борар?



Е п и с к о п

Одамларни азиятга жалб этган сўзни
Инсон тили этилмайди асло ифода.

Н е о ф и т қ у л

У қандай сўз?

Е п и с к о п

Тангри сўзи!
Ҳар бир нарсанинг,
Тирикликнинг ибтидою интиҳоси у.
Бу оламда Худо битта – қодири ғаффор!
Мажусийлар Худо дея сифинган зотлар –
Иблислардир ё кўп борса маккор малаклар.
Биз уларнинг йўруғига қулоқ солмаймиз,
Кутқуларин тингламаймиз, шу боисдан ҳам
Тинчлик бермас улар бизга...

Н е о ф и т қ у л

(Епископ сўзларига қувлик билан қўшимча қиласди)
“Шунинг учун ҳам
Кураш олиб боргин, бандам, зулматга қарши”.
Шундоқмиди Парвардигор ўгити, ҳазрат.

Е п и с к о п

Бу гапларга яна битта илова керак:
Бўйин эгиб, сабр билан курашгаймиз биз.

Н е о ф и т қ у л

(Заиф овозда)

Ҳеч нарсага тушунолмай қолдим мен яна.
Бўйин эгиб курашгаймиз... Бовар қилмайман.



Е п и с к о п

Бандалармас, рухлар билан курашгаймиз биз.
Хоқонларни, подшоларни эътироф этиб,
Хурматларин ўз жойига қўямиз сўзсиз,
Фақат маккор малакларга иқрор эмасмиз,
Биз уларга бош эгмаймиз, рўйхуш бермаймиз.

Н е о ф и т қ у л

Хоқонлару подшолар ким? Баттар-ку улар
Хатто ўша иблисларнинг югурдагидан.

Е п и с к о п

Эътиқодда улар ғайри бўлиши мумкин,
Лекин бошлиқ сифатида Тангридан элчи.

Н е о ф и т қ у л

Қайси Тангри? Улар қайси Тангридан элчи?

Е п и с к о п

Худо битта, у каломдир, у муҳаббатдир.

Н е о ф и т қ у л

Хоқонларни, подшоларни, зодагонларни
Ва қулларга ҳоким бўлган бой кимсаларни
Тепамизга юборган ҳам ўша Тангрими?

Е п и с к о п

“Парвардигор назаридан холи шавкат йўқ”.
Умри фоний ҳокимлару жаҳонгирларнинг
Қиблагоҳи, шаҳаншоҳи, ёлғиз Худодир.
Адолатга раЖна солса бирортаси гар,
Бизлар эмас, ёлғиз Худо жазосин берар.
“Ёлғиз ўзим қасоскорман”, – дер холиқ қудрат.

Н е о ф и т қ у л

Қачон келар ўша қасос?

Е п и с к о п

Бандаси билмас!

Н е о ф и т қ у л

Балки қайта келганида улуғ пайғамбар,
Тангри ҳукми жорий бўлса, юз берар бу ҳол?

Е п и с к о п

Шундай бўлар, маҳшар келар, охират келар.

Н е о ф и т қ у л

Ундан кейин нима бўлар?

Е п и с к о п

Поди битта-ю,
Чўпон ўзи битта бўлар.

Н е о ф и т қ у л

Унинг даврида
Бўлмасмикан хўжайнилар, ёрдамчи зотлар.
Бўлмасмикан у замонда фикри озод-у,
Амалда-чи қул бандалар, муте кимсалар?

Е п и с к о п

Мен билмайман, бу гапларни айтган эмаслар
На Исо алайҳиссалом, на ноиблари.

Н е о ф и т қ у л

Гап бунда денг? Ундей бўлса, ўша қутлуғ кун
Асти келмай қўя қолсин!

Кекса қул

(Бенихоя қўрқинч билан)

Ё тавба, тавба!

Ўзинг асра бизни, Тангри, не демоқда у?

(Христиан жамоа ғазабга келади, гап-сўзларни
аңглаб бўлмайди, ерости масканинг қоронги йўлак-
лари бўрон каби даҳшатли шовқин-суронлар билан
тўлади)

Епископ

(Кўлини қўтаради, қаттиқ овоз билан)

Алъамон! Ё алъамон!

(Неофит қулга)

Эй, тавба қил, шаккок!

Бу имонсиз сўзларингни қайтариб олгин!

Бу дунёда Тангри васлин тан олмаганлар

У дунёда маҳрум бўлгай висолдан мангу!

Үндай осий охиратнинг оташларида

Инграб ётар, ёниб ётар абадий, мутлоқ!

Неофит қул

Йўқ, йўқ, тавба қилмагайман, охират билан,

Азоб билан қўрқитмагин сен мени, ҳой чол!

Ҳар сониям азобмасми шундайликча ҳам!

Ҳар кун, ҳар дам, ҳар бир соат, ҳар дақиқада

Атрофимдан оху фигон, нола тинглайман!

Юрагимни кемиради бешафқат ғашлик,

Ўша ғашлик олиб келган мени бу ерга!

Мен озодлик истагандим. Хўш, нима топдим?

Боқий роҳат ҳақидаги пуч хаёллару

Олий хилқат, қодир хожа – Худо ҳақида

Сафсалалар топдим, холос. Ўша эмасми

То пайғамбар қайтгунича хўжайнларга

Хукмронлик ҳуқуқини топшириб қўйган.

Мана, сизнинг руҳингиз ўлгандан сўнг ҳам

Токи маҳшар кунигача Тангри қошида
 "Бўйин эгиб, сабр билан" курашгайсизлар,
 Мана бу қул,

(Кекса қулни кўрсатиб)

Унинг руҳи шу қадар муте,
 У ёқда ҳам ҳазратига қўрққандан эмас,
 Виждон билан хизмат қилас.

(Савдогарга)

Мана бу эса
 Тарозуга солиб тортар гуноҳ, савобни
 Ва бизларга бир чимдимдан улашиб чиқар.

Мана бу-чи, (*дъяконга*) ҳафтада бир
 қавмларининг
 Руҳларига озиқ берар, биз шўрликлар-чи?
 Ҳазратининг қошидаги қул гадолардай
 Епископнинг ишорасин кутиб турамиз.
 Гапир деса гапирамиз, балки куйлаймиз
 Подшоларнинг ҳомийлари шаънига қўшиқ.
 Аниғини билмайман-у, аммо қулликнинг
 Чорасиз бир аҳволидан мангувуз азоб –
 Охиратнинг укубати афзалроқ эрур.

Е п и с к о п

*(Неофит қулнинг гапини бўлишга бир неча марта
 уринади, ҳассаси ила ерга уради, ғазабкор ва даҳшатли
 овози Неофит қулнинг овозини босиб кетади)*

Чекин бундан, тинчимга қўй, зулмат фарзанди,
 Муқаддас бу жамоани безовта қилиш
 Сенга нечук зарур бўлди, эй, иблисзода!
 Чекин, гумроҳ, чекин, гумроҳ, чиққан уянгга!

Н е о ф и т қ у л

Чекинмайман, билиб қўй, сен ҳайдоёлмайсан,
 Ишонибман сенинг маккор ваъдаларингга,

Мехр-оқибат, ором истаб келибман, афсус,
 Сиз-чи, меҳру муҳаббатим заҳарлаб, ҳатто
 Мени сўнгги оромимдан жудо қилдингиз.
 Бу дунёда гуноҳ нима – мен билмас эдим,
 Энди билсам – баҳтсизлигим гуноҳим экан.
 Ўлим мени азоблардан ва кулфатлардан
 Кутқарап деб ўйлар эдим. Сиз бўлсангиз-чи,
 Арзимаган гуноҳ учун дўзах азоби
 Кутишини илк мартаба айтдингиз тўқиб.
 Ҳатто менинг ҳимоям ҳам маҳрингиздадир,
 Қавмларингга меҳрибон бўл, деб ўргатдингиз,
 Мутеликда кул хешларим кетмасин ўлиб,
 Сиз уларга жон сақлашни ўргатинг энди.
 Шафқатингиз баҳтсиз турмуш тўлови, холос,
 Шафқатингиз ғамимизга фақат ишора!
 Ё бўлмаса бегона бир аёл сутини
 Оналикнинг чин меҳри деб тортиқ айламоқ,
 Ё бўлмаса хотинимни тоза либос-ла
 Ҳар доимги ифлос уйга қайтаришдай гап.
 Менга нафсу нон керакмас, керакмас таскин.
 Менга фақат бешубҳаю беҳасад, бедоғ
 Севги керак, муқаддас ва покиза севги.
 Кўрай дейман ҳеч бўлмаса эрк шарпасини,
 Ҳеч бўлмаса менинг ўғлим ёки набирам
 Етсин дейман қуллик сўзи йўқолган кунга.
 Умидворман, шундай қутлуғ куч келадики,
 Зулматларни ёритар у ва инсонларни
 Хўжаларсиз, ҳазратларсиз ва сайдларсиз
 Битта эркин жамоага айлантиражак.
 У жамоа йўлбарсларнинг ва бўриларнинг,
 Тулкиларнинг таъқибидан қўрқиб қочгувчи
 Ҳам мустабид бир чўпоннинг гапин уқгувчи
 Пода бўлиб қолмас дейман, шуни қўмсайман.
 Рухи ташна бир мен эмас, мендайлар кўпdir,
 Қул оғайним айтганники, Тибр томонда
 Бош кўтарган сирли қуллар қароргоҳи бор.

Эрксизликинг занжиридан толиқиб улар
Итқитмоқчи эмиш оғир бўйинтуруқни.

З о д а г о н

Айт-чи, халос бўлармикан улар бутунлай?

Н е о ф и т қ у л

Бир дақиқа бўлса ҳамки, озод бўлар-ку!
Мен сизларнинг жамоада мангувозодлик,
Мангу эркка эришмоқни ўйлаган эдим!
Сиз-чи, ўша майингина бўйинтуруқни
Бир дақиқа бўлса ҳамки, ололмадингиз.
Абадий эрк ҳақидаги ўйдан воз кечиб,
Қонли ишрат хусусида ўйласаммикан?

З о д а г о н

Хоч тагида шармандали ўлим ҳаққи, айт!

Н е о ф и т қ у л

Христианлар, айтингиз-чи, қачондан буён
Шармандалик ўлим дейсиз бундай ўлимни?
Ҳатто ўша Мессиянгиз – пайғамбарингиз
Қароқчилар билан бирга хочга қапишиб
Жон беришдан уялмаган, сизга не бўлди?

Е п и с к о п

Хочни бизга азиз этган, табаррук этган
Пайғамбардир, аммо шаҳид қароқчилармас,
Пайғамбарни қароқчилар халос этмаган,
Балки ҳазрат халос этган қароқчиларни.

Н е о ф и т қ у л

О, шундай денг? Агар ўша қароқчиларнинг
Қони у кун тўкилмаса, пайғамбарингиз

Самовотда ҳоким бўлиб юрмасди балки.
 Сабр-тоқат, мутелик ҳам аллақачонлар
 Учиб кетган бўлармиди ернинг юзидан?
 Оёқ-қўли михланган у исёнкорларнинг
 Арвоҳлари даҳшат солиб юрмасди балки.

Ёш христиан йигит

Бизнинг учун оёқ-қўли хочга михланган
 Пайғамбар деб жон беришлик қўрқинчли эмас.

Неофит қул


Лекин у зот бу кулфатни нечун тортганлар?
 Бизни дучор қилиш-чунми қайта азобга?
 Халоскор куч қайда ўзи? Ким ёрлақайди?

Епископ

Худо ўзи ёрлақайди, бандалар эмас,
 Имон ҳаққи вужуд кетса – ҳеч нима қолмас.
 Исо ахир бизлар учун бор вужудини
 Насиба деб бағишилади. Фақат сен каби
 Маккор қуллар бу тухфанинг қадрига етмас,
 Бекор кетар сендейларга табаррук тортиқ.

Неофит қул

Хўш, бизлар-чи, мажусийлар истаги, дея
 Курбон бўлиб кетмадикми бекордан-бекор?!
 Сен айтганча, бизга қуллик тамғасин босган
 Подшолар деб ўлмоқдамиз қанча-қанчамиз.
 Хоч кўрсатган йўллардан биз асрлар бўйи
 Босиб ўтган масофани ким ўлчаган, хўш?
 Оқаётган қонимизнинг ҳисоби борми?
 Қанча-қанча Худоларнинг расул лашкари
 Ердан кўкка ўша қонни кечиб чиққанлар.
 Шу бебаҳо ва қайноқ қон қачонга қадар



Оёқости бўлар экан беқон зотларга?
 Майли. Исо одамлар деб ҳатто қайтадан
 Ўз илохий ва муқаддас қонин тўкса ҳам
 Қатра қоним бермам унга, алишмагайман.
 Кўқда худо биттами ё тўртта-бештами,
 Уч юзтами, тўрт юзтами, саноғи йўқми –
 Менга зарра зарурати қолмади, билсанг.
 На подшо деб, на хоқон деб, на Олимпдаги
 Мустабид деб жон беришни истамам мутлоч.
 Фақатгина одамларни муте қилмаган,
 Кул қилмаган Прометейга таъзим этаман.
 У инсонни ваъда эмас, ўт-оташ билан
 Нурлантириди, курашларга чорлаб яшади,
 Золимларни ҳазрат эмас – золим атаган
 Ва шунинг-чун азоб чеккан Прометейга,
 У баҳодир Прометейга таъзим этаман.
 У қурбонлик тиламайди, аммо жонимни
 Унинг йўли, иши, дея беришга шайман.
 Майли, бир зум юрагимда оташ ҳис этай,
 Майли, бир зум бўлса ҳамки, кул бўлиб эмас,
 Эркин бўлиб, хур бўлиб мен яшаб кўрайин,
 Озод бўлиб яшайнин-чи, Худоларга тенг.
 Ўлимга ҳам тик бораман ва хоч тагида
 Жон бераман кудуратсиз, баҳтиёр туриб.

(Анцилодея инграй бошлайди)

Неофит қул

(Эркалаб)

Кўзёш нечун? Нимадан сен даҳшатга тушдинг?
 Ёки қаттиқ сўзлар айтиб хафа қилдимми?
 Ранжишингни истамасдим, ишонгил, сингил.

Анцилодея

Ранжитганинг йўқ сира ҳам, раҳмим келмоқда,
 Ачинаман, ўлим кутар сени.

Е п и с к о п

Йиғлама!

Бу маккор қул күз ёшингга арзимас тақир,
Прометей рухига у құл берәётир.
У-ку, ибليس, азал-абад шаккок бир илон.
Манов қулга энди сира марҳамат бўлмас,
У ўзини ҳалок қилди. Кетайлик энди,
Эзгуликка юз тутайлик, куфран йироқ.

Н е о ф и т қ у л

Ҳақиқат деб, озодлик деб, қулликка қарши,
Сизга қарши мардонавор бош кўтараман!

*(Жамоа аъзолари қўлларида шам билан чиқиш
йўлагига томон юрадилар. Олдинда епископ. Неофит
қул бошқа йўлақдан, бошқа томонга ёлғиз ўзи кетади)*

ЎРМОН ҚҮШИҒИ

Уч кўринишили афсонадрама

И ш т и р о к ч и л а р

Пролог

Тўғонбузар

Богинка (икки нафар)¹

Сув париси

Сув ажинаси

Биринчи кўриниши

Лев амаки

Лукаш

Сув париси

Ўрмонлик

Мавка²

Перелесник³

Безгак (сўзсиз)

Богинка

Куц⁴

¹ Фарбий славян халқарида бу афсонавий адабий қиёфа чўқинтирилмай туриб ўлган боланинг дарбадар руҳи бўлиб, учкун кўринишида ҳам кўринади. У одамларни адаштириб, ботқоқликка бошлаб боради.

² Славян халқари мифологиясидаги афсонавий қиз. Танасининг орқа томони йўқ, шу боис ички аъзолари кўриниб туради. Одатда мавка аламзада мавжудот сифатида тасвирланган, у ўзининг бевақт ўлими учун ўч олиш мақсадида учраган одамни авраб ўзига мафтун қиласди, кейин эса ўлдиради. Л. Українканинг асарида бу образ ўрмон руҳи, ҳатто ўрмоннинг қалби сифатида намоён бўлади.

³ Бу қиёфа украин мифологиясида одамларга дунёдан ўтган қариндошлари бўлиб кўринувчи жин сифатида талқин этилади. Перелесник одам танасига кириб олиб, аёллар билан яқинлашиши, ҳатто фарзанд кўриши ҳам мумкин.

⁴ Украинча куций – “думсиз”, белорусча куцан – “жин”, полякча

Иккинчи кўриниши

Лукашнинг онаси

Лукаш

Лев амаки

Дала париси

Килина

Сув париси

Чўққида ўтирувчи

Перелесник

Учинчи кўриниши

Мавка

Ўрмонлик

Куц

Злиден¹

Лукашнинг онаси

Килина

Болакай

Лукаш

Килинанинг болалари

Қисмат

Перелесник

ПРОЛОГ

Волиндаги қадим, кўҳна, қалин, қуюқ ўрмон. Ўрмон ўртасида шохлари пастга эгилган қайин ва баҳайбат кекса эман дарахти ўсган кенг яланглик. Ялангликнинг чеккалари ўт босган дўнглик ва қамишзорга туташади, бир четида эса оч яшил тусдаги ботқоқлик – бу ўрмон жилғасидан ҳосил бўлган

“думи кесилган ҳайвон” деган сўзлардан келиб чиқсан, дея тахмин қилинади. Бу жин думсиз бўлиб, ботқоқта тушган одамларни ҳалок қилиш билан “шугулланади”.

¹ Славян асотирларида ёвуз жинларни шу ном билан аташган. Бу ном кўпмаъноли “элыдень” сўзидан ясалган бўлиб, ёвуз, дангаса, баҳтсиз одам, гадо деган маънони билдиради. Кўпликда ишлатилганда эса бу сўз баҳтсиз қисмат маъносига келади.

кўлнинг қирғоқлари. Жилға чакалакзордан отилиб чиқиб, кўлга қуйилади, кейин кўлнинг нариги томонидан оқиб чиқади ва бутазорлар орасида ғойиб бўлади. Кўлнинг ўзи сокин, ўртаси бақатўн ва оқ нилфия, тоза йўсин билан қопланган.

Бу ерлар сирли, ёввойи, лекин ноҳуш, қўрқинчли эмас, балки ўйга толдирадиган даражада ёқимли бир гўзаликка уйғун.

Эрта баҳор. Ўрмон чеккалари ва ялангликда йўсин кўкарған, бойчечаклар очилган, уйқу ўти гуллаган. Дараҳтлар ҳали яланғоч, лекин шохлари ҳализамон очилишга шай, бўртиб турган куртаклар билан қопланган.

Кўл устида туман гоҳ парда каби тортилади, гоҳ шамолда ҳилвирайди, гоҳо ёйилиб кетади ва шунда оч ҳаворанг сув юзаси очилиб қолади.

Ўрмонда нимадир шовқин солади, жилға жилдирайди ва унинг суви билан бирга ўрмондан Тўғонбузар – ёш, оқ танли, малла сочли, кўккўз киши югуриб чиқади. Унинг ҳаракатлари шиддатли, лекин равон, кийими тўқ сариқдан бошлаб то оч мовийгача бўлган рангларда тусланиб, ўткир тилларанг учқунлар сачратиб ялтирайди. Оқимдан кўлга ўзини ташлаб, унинг сокин сувини тўлқинлантирганча, сув сатҳи устида айланади, туман тарқалади, сув кўк тусда товланади.

Тўғонбузар

Тоғдан водийга тушаман,
Югурман ва шошаман.
Сўқмоқ йўл ҳам, яна инсон
Курган тўсиқ қолмас омон.
Кўпригу тўғонни бутун,
Мен қиласман кунпаяқун –
Ҳа, навбаҳор суви тошқин,
Мисли эрк каби ёш, жўшқин!

(Күлни янада кучлироқ түлқинлантиради, сувда ниманидир излаган каби шүнгийді ва яна сузіб чиқады)

Богинкалар – жуда ёш, рангпар икки болакай оппоқ күйлакчаларда сувда, оқ нилфиялар орасидан күрина-дилар.

Б и р и н ч и с и

Бунда изғиб, не излайсан?

И к к и н ч и с и

Уйқу бермасдан бўзлайсан?

Б и р и н ч и с и

Онамиз ётқизди бизни,
Ҳам авайлаб жонимизни,
Илдиз, тошга худди пардак,
Солди сувўтдан зўр тўшак.
Нилфиялар унга ёпиб,
Қўшиқ айтди шундай топиб:
“Алла-алла, жон алла-ё,
Болаларим, тинч ухланг-о!”

И к к и н ч и с и

Нега бунда изғияпсан?

Б и р и н ч и с и

Ё кимнидир изляпсан?

Т ў ғ о н б у з а р

Ха, гўзал сув парисини,
Қалб гавҳарим сарасини –
Бу малика шундай машхур,
Оlamда ҳеч тенги йўқдур!



Кездим барча тоғларни,
Үрмон, водий ва боғларни -
Кўрмадим кезиб жаҳонни,
Ундан ўтар бир жононни.
Чайқатиб кўлни тўкаман,
Сув парисини топаман!

(Сурон солиб сувни лойқалатади)

Б о г и н к а л а р

Кўрқитмагин бизнивой, дод!
Кулбамизни қилма барбод.
Онамиз бизни ўстирди,
Форда уй-жой қилиб берди.
Биз отасиз болалармиз,
Бунда ғариб лолалармиз...

(Унинг қўлларига ёпишиб ёлворишади)
Кўл туби зах ва зими斯顿,
Биз унга тушамиз, ишон.
Сув париси ўша ерда,
Балиқчига ошиқ жуда.

Т ў ғ о н б у з а р

Ажралсин ундан бу кеэ!
Ва ёнимга қайтсин тез!

Богинкалар қўлга шўнғишиади.
Нега сузиб чиқмаяпсан?

Сув париси кўл юзига сузиб чиқади, нозу карашма билан жилмайиб, кафтларини қовуштиради. Бошида иккита чамбар, бири катта, яшил, бошқаси кичик, дурдан ясалган, худди тожга ўхшайди, унинг остидан нафис ёпинчиқ тушиб турибди.

Сув париси

Бу сенмидинг, азизгинам?

Түғонбузар

(Жаҳл билан)

Сен қаерда эдинг бу дам?

Сув париси

(У томонга интилади, лекин ёнидан сузиб ўтади)

Тунлар орзу қилиб, толдим,

Кутишга етмади ҳолим!

Кўзёшимни тўкиб бетин,

Уни челакка тўпладим.

Сўзинг эслаб, ёнди юрак,

Кўзёш билан тўлди челак...

(Кўлларини силкийди, қучогини очади, яна унга тал-
пинади ва мағин ёнидан сузиб ўтиб кетади.)

Сен тилла танга ташлаб кўр,

Чайқалур, тошиб тўкилур!

(Шарақлаб қулади)

Түғонбузар

(Захарханда)

Сиз ботқоқда кўпдан буён

Яшармисиз – тўқ ва шодон?

*Сув париси унга яқинлашади, Тўғонбузар сувни
чайқатиб, кескин юз ўгиради.*

Кўл тубига тушиб такрор,

Балиқчиға боқиб хумор,

Қисқичбақа, ёвуз лаққа

Ғажимасин ҳар дақиқа,



Деб кокилин тараб турдинг –
Бари ёқди, бирга юрдинг!

Сув париси

(Унга яқинлашади, құлларидан тутыб, құзларига ти-
килади)

Наҳот, шунга келди ғашинг?
(Күвлик билан)

Менга ҳам, эй, бевафо ёр,
Қилмишларинг бари ошкор!

(Секингина қулади, Тұғонбузар безовталанади)

Айт-чи, кимга ўралашдинг?

Маликани қилиб хароб,
Үзгани деб бағринг кабоб!
Тегирмончи қизи гүзал,
Қишиң тунлари узун азал,
Ёш жаноблар келишади,
Олтін танга беришади.

(Унга бармоғи билан пүпіса қилиб қулади)
Хаммасига мен күнаман,
Сен ялқовни тушунаман,
Кечираман, нечун қайғу,
Ахир, сени севаман-ку!

(Хазилона шавқ билан)

Мен сенға узоқ бир лаҳза садоқатли ёр бўлгум,
Фақат бир дақиқа ибратли ва вафодор бўлгум.
Хиёнатни-чи, ғарқ қилгум!
Сувда из қолмас ҳеч қанча,
Эрта тонгдан то тушгача,
Худди севгингдек сенинг,
Худди ҳасратимдек менинг!

Тұғонбузар

(Унга томон құлларини қўзиб)

Инсоф ила сулҳ тузайлик!
Бирга-бирга кел, сузайлик!

Сув париси

(Унинг қўлларидан тутиб, сувда тез айланади)

Ох, соҳилда жўшаман,
Сариқ қумлар оша ман
Дур чамбарга тушаман,
Тунгача рақс тушаман!
Ох! Ох!

Оҳ уриб, сувни шалоплатиб сачратади. Сув қирғоқ-қа шундай уриладики, ҳатто қиёқлар шовқин солиб, қамишзордаги қушлар гала бўлиб ҳавога кўтарилади.

Сув ажинаси кўл ўртасидан қалқиб чиқади. У қўпни кўрган кекса чол, сувўтлари ёпишган оппоқ узун соч-соқоли белигача тушган. Кийими лойқа рангда, бошида чиғаноқли тож. Овози бўғиқ, лекин кучли.

Сув ажинаси

Сокин сувимизни чайқатган ким у?

Сув париси ва шериги рақсдан тўхтаб, ҳар томонга қочишади.

Уялсанг-чи, қизим! Сув маликаси
Бегона билан рақс тушса! Жуда уят!

Сув париси

Наҳотки у бегона? Танимадингми?
Ахир, бу – ўзимизнинг Тўғонбузар-ку!

Сув ажинаси

Биламан,

Гарчи насаби сув, лек қондош эмас,
 Кейин жудаям қув ҳамда бетайин.
 Баҳорда айқириб, ўйнаб, юлади
 Йил бўйи сув парилари ўстирган
 Кўлдаги шоҳона чамбарларни у.
 Доно күшни кўрқитади ўрмонда,
 Кўпорар бева самбиттол илдизини,
 Жажжи етимларнинг руҳлари ёқсан
 Шамчироқларга сув қуийб юборар.
 Ўпириб ташлайди соҳилларимни,
 Кексайган чоғимда тинчимни бузар.
 Ёзда қайда бўлар? Қайда изғийди,
 Қуёш сув ичганда харислик билан
 Менинг чўмичимдан очкўз калхатдек,
 Қамишлар қовжираб шалпайганида,
 Қуриган қирғоқда ҳолдан тойишиб,
 Сўлиган бошларин қизиган сувга
 Этиб, лилиялар жон берар экан,
 Қайда бўлар у?

*У гапираётганда Тўғонбузар Сув парисига ўғринча
 имо қилиб, ўрмон жилғаси бўйлаб биргаликда сузишга
 чақиради.*

Т ўғ о н б у з а р

(Яширин мазах билан)

Денгизда бўламан, унда, қария,
 Уммон чақиради мени ёрдамга,
 Қуёш уни қуритмаслиги учун.
 Денгиз шоҳи чақирдими, бориш керак,
 Хизматчилик – ўзинг биласан буни.

С у в а ж и н а с и

Э-ҳа, денгизда бўласан, демак...

Менга эса эски дўстим, меҳрибон –
 Куз ёмғири ёрдам бермаса агар
 Буғланиб, сўнг ҳалок бўлардим, албат!

Тўғонбузар билдиրмасдан сувга яширинади.

Сув париси

Нималар деяпсиз?
 Буғ ҳалок бўлмас, ахир, буғдан яна
 Сув яралади.

Сув ажинаси

Қандай ақлли-а!
 Кўл тубига туш-чи, бидирламасдан!

Сув париси

Ҳозир. У қаергадир беркинибди.
 Мен чигал қўғаларни тараб қўяй.

(Белбоғидан чиганоқли тароқ чиқариб, қирғоқдаги
 ўтларни тараий бошлайди)

Сув ажинаси

Ҳай, тараий қол, ўзимга ҳам ёқади тартиб,
 Тара, тара! Мен шу ерда кутиб тураман,
 Сен ишингни тугатгунча. Тузатиб қўй, ҳа,
 Оқ нилфияларни, ёйилсинлар бир текис:
 Бақатўн гиламини ҳам бутлаб, тикиб қўй,
 Уни тешиб кетибди дайди.

Сув париси

Хўп бўлади!

*Сув ажинаси сув парисининг ишини кузатганича,
 ўзига қуляй ҳолда қамишларга ястаниб олади: қўзлари
 аста-секин юмила бошлайди.*



Түғиңбұзар

*(Сүвдән оқиста бошини чиқарыб, Сүв парисига)
Оқ тол ортига беркин, тез.*

Сүв париси Сүв ажинасига қарай-қарай яширинаади.

Биз сен билан сузажакмиз
Новлар томонға шошилиб,
Тезкор оқимга қүшилиб.
Йүл-йүлакай түғонни бузиб, портлатамиз,
Тегирмончининг қизини сувга отамиз.

(Сүв парисининг құлдан тутади ва құлни кесиб жадал сүзади)

Нариги қирғоққа яқинлашғанда Сүв париси түхтайды-да, қичқириб юборади.

Вой, қийшиқ әманга илашиб қолдим!

Сүв ажинаси уйғониб кетади, қочоқларнинг олдидан кесиб чиқади ва Сүв парисини тутыб олади.

Сүв ажинаси

Ҳали шунақами? Сен лаънати, күрасан ҳозир!
Сүв париларини йүлдан уриш қандай бўлишин.
Онангга айтаман – Тоғ Бўронига,
У сенга кўрсатиб қўяди боплаб!

Түғиңбұзар

(Хохолаб)

Унгача мен шу ерда түйиб, ўйнаб юраман!
Хайр, Сүв париси, тўлдиравер челакларни!
(Ўзини ўрмон жилғасига отиб, кўзга кўринмай кетади)

Сүв ажинаси

(Сув парисига)

Кўл тубига туш! Уч марта ой тўлмагунча
Тепага ҳеч чиқа кўрма сувнинг қаъридан!

Сув париси

(Каршилик қилиб)

Воажаб, қачондан буён Сув парилари
Сувда чўри бўлиб қолди? Мен озод қизман!
Худди сув каби озод!

Сув ажинаси

Лек менинг мулкимда
Сув соҳилни билмоғи шарт!
Сув тубига бор!

Сув париси

Истамайман!

Сув ажинаси

Истамайсанми?
Қани, дур чамбарни бу ёқقا бер!

Сув париси

Йўқ!
Уни менга денгиз шаҳзодаси ҳадя қилган.

Сув ажинаси

Дур чамбарни тақмайсан энди,
Қулоқсизлигинг учун сени
Чўққида ўтирувчи олар.

Сув париси

(Кўрқиб)

Йўқ, йўқ, отажон!



Энди қулоқ соламан!

Сув ажинаси

Сув тубига жўна!

Сув париси

(Секин сувостига тушаётуб)

Кетяпман, кетяпман... Лекин мумкинми,
Вақтичоғлиқ қилсам балиқчи билан?

Сув ажинаси

Ҳа, майли, овуна қол.

Сув париси елкасигача сувга қўмилиб, отасига қараб маъюс жилмаяди.

Қизиқсан сен! Мен ким учун қайғураяпман,
Тушунсанг-чи, у сени ҳалок этади,
Ҳа, жилғанинг тиканак каби
Ўзанига обориб майиб қиларди
Оппоқ танангни ва охири сувсиз жойда
Ташлаб кетарди.

Сув париси

Лекин у жуда ўқтам!

Сув ажинаси

Яна билганингдан қолмаяпсан.

Сув париси

Йўқ, йўқ! Кетяпман!

(Шўнғийди)

Суважинаси

(Тенага қараб)

Күёш худди баҳордагидек қиздираяпти...
Уф, шундай димки! Бир салқынлаб олсам бўларди.
(Сувга кўмилади)

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Ўша жой, фақат баҳор авжида, ўрмон бағрига гўё нозик яшил тўр тортилгандек, дараҳт учлари ҳам яшиллик билан қопланган. Кўл лиммо-лим, соҳилла-ри худди тошбақатол баргларидан чамбар кийгандек ям-яшил.

Ўрмондан ялангликка Лев амаки ва унинг жияни Лукаш чиқиб келади. Лев амаки ёши анчагина ўтиб қолган, кўпни кўрган, очиқ чеҳрали киши; ўрмонлик-ларга хос узун, оқ соchlари кигиз шляпаси остидан ел-каларига тўлқин-тўлқин бўлиб тушган. У оч кулранг, оқиш бўз свита (чакмонсифат узун кўйлак) кийган, оёғида чипта кавуш, кўлларида кичикроқ тўр, энли чарм белбоғига пичоқ, елкасига дараҳт пўстлоғидан тўқилган тўрва осиб олган. Лукаш эса навқирон, кўркам, қоши қора, кўзларида болаларга хос самимият акс этиб турган, қадди тик йигит; унинг ҳам эгнида бўз кийим, лекин майин матодан бўлган қайтарма ёқали кўйлаги оқ иплардан кашта тикиб безатилган, белида қизил белбоғ, ёқаси ва енгларида қизил тўғалар бор, бироқ свита киймаган. Бошида кенг сояблни сомон шляпа, белбоғида пичноқча ва арқон билан боғланган чўмичсимон идиш.

Қирғоққа яқинлашгач, Лукаш тўхтайди.

Л е в

Нега тўхтаб қолдинг? Ахир бу ерда
Балиқ овлолмайсан: балчиқ ва ботқоқ...

Лукаш

Мен ўзимга най ясаб олмоқчиман –
Қара, бу ердаги қамиш жуда зўр экан.

Лев

Лекин сенда шундай бир қанча най бор.

Лукаш

Нечта экан? Жўка, бодрезак, яна
Самбиттолдан ясалган наилар – тамом.
Менга қамиш най керак, у яхшироқ,
Жаранглаб чиқар оҳанг.

Лев

Майли, яйрай қол,
Худо шунга байрамни берган. Эрта
Биз кулба қурамиз. Ахир, вақт етди
Ўрмонга чорвани ҳайдаб чиқишга.
Бақатўн оралаб майса унибди.

Лукаш

Биз иккимиз бунда қандай яшаймиз?
Бехосият дейишади бу жойни.

Лев

Кимга қандай! Мен-чи, жиян, биламан,
Қандай иш қилиш-у, нима дейишни,
Гоҳида хоч, гоҳи ансол қадайман,
Бир жойга эса тупураман уч бор.
Кулба атрофига кўқнор экамиз,
Сўнг газак ўт сепамиз бўсағага –
Шунда инс-жинс бизга кўрқинчли бўлмас.
Мен борай, сен нима қилсанг, қилавер.

Иккиси икки ёққа йўл олади. Лукаш кўлга қараб юради ва қамишлар орасига кириб кетади. Лев қирғоқ бўйлаб боради ва самбиттоллар орасида ғойиб бўлади.

Сув париси

(Қирғоққа сузиб келади ва қичқиради)
Бобожон! Ўрмонлик! Фалокат! Кутқаринг!

Ўрмонлик

(Паст бўйли, соқоли ўсиқ чол, ҳаракатлари эпчил, кўринишидан сипо; пўстлоқранг кийим кийган, бошида пахмоқ сувсар телпак)
Нима керак сенга? Нега қичқирасан?

Сув париси

У ёқда бир йигит
Найга қамиш кесяпти!

Ўрмонлик

Вой-вой-вой!
Шуми ҳали фалокат? Бахил экансан!
Бу ерда бор-йўғи кулба қуришмоқчи,
Шунга мен индамаяпман, фақатгина
Хўл оғочларга тегишмаса бўлгани.

Сув париси

Оҳ, қандайин бало бўлди бу! Кулба-я?
Унда сомон том остида яшайдиган
Одамлар? Менинг уларга тоқатим йўқ!
Айниқса, сомон руҳини ёқтирмайман!
Уларни ғарқ қилиб, сувда юваман
Ўша лаънати руҳни. Сўнг қитиқлаб
Оламан жонларин. Келиб кўришсин!

Ўрмонлик

Тўхта! Шошилма сен.
 Лев амаки келар ўша қулбага.
 У бизга ошна. Нуқул ҳазиллашиб
 Кўкнору газак ўт билан қўрқитар.
 Ёқтираман чолни. У бўлмаганда
 Бизнинг қанча йигин, рақсларимизга,
 Ўрмоннинг улуғвор сирига гувоҳ
 Бу эман бўлмасди аллақачонлар.
 Йўқса, олмонлар неча бор ўлчалиби,
 Уч кишилаб ўраб, қучмоқ бўлиши
 Азим танасин. Беришди қанча пул,
 Одамлар ёқтирган нақшдор талерлар.
 Қасамёд қилди Лев ҳаёти билан
 Эманни кесишга йўл қўймайман деб.
 Мен ҳам соқолимни ўртага қўйиб
 Лев ва унинг яқинларига ўрмон
 Хавфсиз бўлажак деб, қасам ичганман.

Сув париси

Вой-эй! Отам чўқтиради барини!

Ўрмонлик

Уринмасин ҳам! Мен кўмиб ташлайман
 Кўлни ўтган йилги хазонлар билан!

Сув париси

Вой, фалокат, бунча қўрқинчли! Ха-ха!
 (Кўлда ғойиб бўлади)

Ўрмонлик бир нималар деб ғудранганча, йиқилган дарахтга ўтириб трубка чекади. Қамишзордан найнинг майин, янгроқ товуши келади. Куй баландлашиб, авжга чиққани сайин ўрмондаги дов-дараҳт-

лар ўсиб, барқ ураверади. Аввал самбиттол ва қандағочда сирғалар пайдо бўлади, кейин қайнин барглари титрай бошлайди. Кўлда оппоқ лилиялар очилади, оқ нилфияларда гуллар ярақлайди. Ёввойи атиргул нозик ғунчаларини очади. Кўп йиллик, куриб қолаёзган, танаси тилим-тилим ёрилган самбиттол ортидан ёрқин яшил либосда, яшилтоб қора соchlари ёйилган Мавка чиқиб келади. Кўлларини кериб, кафтлари билан кўзларини ишқайди.

М ав к а

Оҳ, мунча узоқ ухлабман!

Ў р м о н л и к

Узоқ, қизим!

Үйку ўти гуллаб бўлди, бир қара,
Какку қуш ҳам улғаяди ҳадемай
Сўнgra қизил кавуш кийиб олади,
Ўлчар одамларнинг умр соатин.
Иссиқ ўлкалардан меҳмонлар келди,
Ана сув устида сарғиш момиқпар
Ёввойи ўрдаклар сузиб юрибди.

М ав к а

Ким мени уйғотди?

Ў р м о н л и к

Чамаси, баҳор.

М ав к а

Баҳор ҳечам бунчалар куйламаган,
Хозиргидек. Ё туш кўраяпманми?
Лукаш яна куй чалади

Йўқ... Тўхта... Хой! Эшитяпсанми?
Баҳор куйлаб юборди!

Лукаш қуй чалганча яқинлашади.

Үрмөнлик

Йүқ, бир йигит най чалмоқда.

Мавка

Ким? Наҳот Тўғонбузар бўлса?
Мен ундан кутмагандим буни.

Үрмөнлик

Йүқ, бу – одам, Лев амакининг жияни,
Лукаш.

Мавка

Мен уни сира қўрмаганман.

Үрмөнлик

Рост, бу ерга у олислардан келди,
Үрмөнлардан эмас, қарағайзордан,
Бувимиз ҳамиша қишилаган жойдан.
Бева она билан қолган бир етим,
Улар Лев амаки қарамоғида...

Мавка

Уни бир кўришни истардим.

Үрмөнлик

Нега?

Мавка

Кўркам йигит бўлса керак, ҳойнаҳой!

Ўрмонлик

Йигитларга қарама, қизим,
Бу ўрмон қизлари учун яхшимас...

Мавка

Жудаям қаттиқкүл бўляпсан, бобо!
Ажина Сув парисин ушлагандек
Тутиб турмоқчимисан?

Ўрмонлик

Йўқ, жигарим,
Ундей қилмайман. Сув ажинаси-ку
Ботқоқдаги барча тирик жонзотни
Ютиб юбормоққа тайёр азалдан.
Мен эркни қўллайман. Бод билан ўйна,
Майли, Перелесник билан ҳазиллаш.
Ўрмон, сув, тоғ ва ҳавонинг бор кучин
Бўйсундир ўзингга, агар хоҳласанг,
Лекин одам юрган сўқмоққа борма!
Унда беихтиёр судралар қайғу,
Сен уни айланиб ўтгин, қизгинам!
Қадам боссанг, йўқолади ихтиёр!

Мавка

(Кулади)

Қандай қилиб ихтиёр йўқ бўлиб қолар?
У ҳолда шамол ҳам шундай йўқолар!

*Ўрмонлик яна эътиroz билдиromoқчи бўлади, лекин
най тутган Лукаш кириб келади. Ўрмонлик ва Мавка
беркинадилар. Лукаш дараҳт шарбатини олиш учун
қайнин танасини тилмоқчи бўлади. Мавка югурив ке-
либ, унинг қўлидан ушлайди.*

Хой, тўхта! Тегма! Кесма! Ўлдирма!



Лукаш

Бу не қилиқ, эй қиз? Қароқчимидим?
 Қайин шарбатидан оламан,
 холос.

Мавка

Тилма танасини! Шарбат қони-ку!
 Синглимнинг қонини ичма!

Лукаш

Қайинни синглим дедингми?
 Кимсан ўзиңг?

Мавка

Мен ўрмон рухи – Мавка бўламан.

Лукаш

(Мавкага ҳайратдан кўра кўпроқ қизиқиш билан қарайди)

Мана ким экансан! Чоллардан кўп бор
 Парилар ҳақида эшитган эдим,
 Кўрмагандим лекин умримда.

Мавка

Истайсанми кўришни?

Лукаш

Нечун истамай? Хўш, сен-чи шундоқ
 Қиз болага... Э, йўқ, оқбилак, нозик
 Хонимларга ўхшаб кетасан, хуллас.
 Кийиминг ҳам ажабтовур, бошқача...
 Нега кўзларинг ҳам яшилмас сира?

(Диққат билан қарайди)
 Йўқ, яшил бўлиб қолибди... Аслида

Мовий эди күк каби... Сал қорайди
Булутдай... Йўқ, қоп-қорага ўхшайди,
Балки қўнғир... Фаройибсан жудаям!

М а в к а

Хўш, ёқдимми мен сенга?

Л у к а ш

(Уялиб)

Мен билмайман.

М а в к а

(Кулиб)

Ким билади бўлмаса?

Л у к а ш

(Баттар уялиб)

Саволингни қара-ю...

М а в к а

(Самимий ҳайратланиб)

Хўш, нега бу ҳақда сўраб бўлмасин?
Ёввойи атиргул бошини бурар:
“Гўзалманми?” – деб, ана сўраб турар.
Шохлари тебраниб, шивирлар шумтол:
“Дунёда ягона ўзинг, бетимсол!”

Л у к а ш

Улар сухбат қуришини билмасдим.
Дараҳт гунг бўлар, деб ўйлардим фақат.

М а в к а

Умуман гунглар йўқ бизнинг ўрмонда.

Лукаш

Сен фақат шу ўрмонда яшайсанми?

Мавка

Сира чиқмаганман ундан нарига.

Лукаш

Кўпдан буён яшайсанми дунёда?

Мавка

Рост айтсам,

Буни ҳеч ўйламаганман...

(Ўйланиб қолади)

Азал шундай яшаб келяпман гўё...

Лукаш

Ҳозиргидек бўлганмисан аввал ҳам?

Мавка

Ҳа, худди шундай бўлганман, шекилли...

Лукаш

Насабинг ким?

Яқинларинг борми ҳеч?

Мавка

Албатта,

Ўрмонлик бор, мен уни “бобо” дейман,

У эса “жигарим” ё “қизим” дейди.

Лукаш

Хўш, ким ўзи у – бобонгми ё отанг?

Мавка

Мен билмайман.
Бу барибир эмасми?

Лукаш

(Кулади)

Фалати экансиз,
Сиз – ўрмондагилар! Ким сенинг онанг,
Исми нимадир?

Мавка

Менга баъзан кўринар онам бўлиб
Хув анави кекса, қуриган оқ тол.
У мени қишида ўз бағрига олди
Ва юмшоқ похол солиб берди
Ётоғимга.

Лукаш

Сен ўша ерда яшадингми?
Қиш бўйи нималар қилдинг у жойда?

Мавка

Ухладим, фақат. Қишида не юмуш бор?
Кўл ухлайди, ўрмон, ҳатто қамишзор.
“Ухла, ухла”, – деб ғичирлар самбиттол
Ва туш кўрдим: оппоқ эди ҳамма ёқ;
Кумуш гардишда ярқираб чақноқ тош,
Қордек оппоқ нурда гул ва майсалар
Ялтиради. Сокин осмонда шу кез,
Юлдуз ортидан учар эди юлдуз.
Қор уюмлари тошиб... Оқ чойшабга
Ўранди замин. Ҳа, гўёки биллур
Маржон каби борлиқ бирам товланур...



Мен ухлардим. Эркин нафас оларди күкрак,
Сокин оқар эди ёрқин хаёллар,
Оқ тушларга нафис нақшлар соларди
Орзулар – бари олтин, бари зангор,
Фақат ёз фаслига үхшамас зинхор.

Лукаш

(Берилиб тинглаб)

Қандай гүзал сўзлар...

Мавка

Ёқдими сенга?

Лукаш тасдиқ маъносида бош силкийди.

Сен чалган най тили ёқимли экан!
Арғамчи учаман, сен яна чалгин.

Мавка қайнадаги узун новдаларни ўриб, устига ўтиради ва худди беланчак тебрангандек оҳиста арғамчи уча бошлайди. Лукаш эманга суюниб, Мавкадан кўз узмай най чалади. У “Веснянка” куйини чалади. Мавка беихтиёр куй таъсирига берилади ва секинсекин куйлай бошлайди:

Куй бунчалар саркашdir,
Дилимга ўт туташди.
Үртанар оппоқ сийнам,
Юрак ёнар, кўзда нам.

Кўшиқ оҳангига аввал какқу, кейин булбул жўр бўлади, ёввойи атиргул ёрқинроқ очилади, бодрезак гули оқаради, дўлана уялгандек қизаради, ҳатто баргсиз қора тёрн ҳам гул баргларини ёйиб юборади. Мавка мафтун бўлиб, оҳиста арғамчи учади, жилмаяди, кўз-

ларида ёш аралаш ғусса кўринади. Буни сезган Лукаш
най чалишдан тўхтайди.

Лукаш

Йиғлаяпсанми, қизгина?

Мавка

Йиғлабманми?

(Кўзларини ишқайди)

Ростдан ҳам йиғлабман. Э, йўқ! Бу шабнам.
Куёш ботяпти... Кўряпсанми, кўлда
Туман кўринар...

Лукаш

Ахир, ҳали эрта!

Мавка

Сен кун ботишини истамасмидинг?

Лукаш тасдиқ маъносида бош силкийди.

Нима учун?

Лукаш

Амаким уйга чақиради.

Мавка

Истайсанми бирга бўлишимизни?

Лукаш бош силкиб, тасдиқлайди.

Кўрдингми,
Шумтол каби жавоб бердинг.



Лукаш

(Кулиб)

Үрганишим керак бу ер шевасин –
Бутун ёз шу ерда яшаймиз, ахир.

Мавка

(Шодланиб)

Ростдан-а?

Лукаш

Эртага бошпана қура бошлаймиз.

Мавка

Чайла қуарсиз?

Лукаш

Балки кулба, балки
Деҳқонча уй қуармиз ҳатто.

Мавка

Сизлар қүшга ўхтайсиз –
Заҳмат чекиб, инлар қуласиз,
Кейин ташлаб кетмоқлик учун.

Лукаш

Йўқ, биз қурамиз
Бир умрга...

Мавка

Бир умрга? Ўзинг айтдинг-ку,
Фақат ёзда яшаймиз, дея.

Лукаш

(Хижолат тортуб)

Мен билмайман... Лев амаким айтдики,
Бунда менинг еrim, кулбам бўларкан,
Чунки кузда мени ўйлаб қўйишар...

Мавка

(Хавотирланиб)

Кимга?

Лукаш

Билмайман. Айтмади амаким,
Балки келин топилмагандир.

Мавка

Нега ўз жуфтингни ўзинг топмайсан?

Лукаш

(Унга боқиб)

Балки топардим, ҳа...

Мавка

Нима?

Лукаш

Билмайман.

(Найды ҳазин бир қуйни чала бошлайди, кейин най тутган қўлини осилтириб, ўйланиб қолади)

Мавка

(Бироз сукут сақлаб)

Одамлар қанча вақт турмуш қуради?



Лукаш

(Үнга қараб қўяркан)

Бир умрга!

Мавка

Шундай одат кептарларда ҳам...
 Уларга ҳамиша ҳавас қилганман:
 Ажиг мөхр ила севар бир-бирин...
 Мен учун дунёда қайин меҳрибон,
 Опам деб атайман шунга мен уни.
 Фақат у кўп маъюс: рангпар, боши хам,
 Ўз дардига ўзи андармон, баъзан
 Унга боқиб тез-тез йиғлаб оламан.
 Қандағоч эса ёқмас, у – бағритош,
 Ансол мени нимагадир қўрқитар.
 Чунки ўзи қўрқоқ – титраб туради.
 Эманлар-чи, иззатталаб! Атиргул
 Тёрн ва дўланадек уришқоқ,
 Шумтол, заранг, оқ заранг – калондимоғ.
 Ўз ҳуснига бино қўйган бодрезак,
 Дунёда нима гап, қизиқмас асло.
 Бир йил аввал мен ҳам шунақа эдим,
 Ҳозир уни ҳатто эслаш ноқулай...
 Яхшилаб ўйласам агар, ўрмонда
 Мен батамом ёлғизман.

(Маъюс ўйга чўмади)

Лукаш

Самбиттол-чи?
 Уни онам деб эдинг.

Мавка

Ҳа, самбиттол!.. Қишида у жуда яхши,
 Ёзда-чи... Қара, бирам кўнгли қаттиқ,



Ғичирлайди, нуқул қишини эслайди...
Йүқ, мен бу ерда жудаям ёлғизман...

Лукаш

Фақат дараҳт әмас, ахир, ўрмонда
Бошқа турли-туман каслар ҳам бордир.
(Сал заҳархандалик билан)

Бечора әмассан, бизларга аён
Сизларнинг рақс, ҳазил, күнгилхушликлар!

Мавка

Лекин булар – ногаҳоний гирдибод,
Бир зумда ёприлиб, дарров ўтади,
Бизда сиздагидек умрбод әмас.

Лукаш

(Яқинроқ келиб)

Сен-чи, хоҳлармидинг...

*Бирдан Лев амакининг баланд овозда чақиргани
эшитилади.*

Овоз

Эй, Лукаш, ҳо-ой!
Ҳо-ҳо-ҳой! Қаердасан?

Лукаш

(Жавоб қиласы)

Бораяпман!

Овоз

Тезроқ кел!

Лукаш

Оббо, бунча бетоқат!

(Жавоб қиласы)



Боряпман, мана, боряпман.
(Кетмоқчи бўлади)

М а в к а

Қайтиб келасанми?

Л у к а ш

Билмайман.
(Қирғоқдаги чакалакзор сари юради)

Ўрмон яланглигидан Перелесник югуриб чиқади:
қизил кийим кийган, қора қошли, кўзлари чақнаган қўр-
кам йигит, қизғиши соchlари шамолга ўхшаб ҳилтирай-
ди. У Мавкани қучоқламоқчи бўлади, лекин қиз ўзини
четга олади.

М а в к а

Тегма менга.

П е р е л е с н и к

Нега энди?

М а в к а

Бориб қарасанг-чи,
Далада майсалар қандай кўкарап.

П е р е л е с н и к

Менга у майсалар нимага керак?

М а в к а

Ўша ерда,
Жавдарзорда хозир Даля париси
Ёрқин-яшил, турфа ўт-ўланлардан
Сенга атаб тўқимоқда бир чамбар...



П е р е л е с н и к

Мен унуганман уни.

М а в к а

Мени ҳам унут.

П е р е л е с н и к

Мазах қилма! Истасанг – учажакмиз!
Мен сени элтаман яшил тоғларга –
Күрмоқни хоҳлардинг оққарағайни!

М а в к а

Энди хоҳламайман.

П е р е л е с н и к

Нега энди?

М а в к а

Истагим сўнди.

П е р е л е с н и к

Уйдирма бари!
Айт-чи, нега?

М а в к а

Хоҳишим йўқ.

П е р е л е с н и к

(Мавканинг атрофида ялтоқланиб айланади)

Кел, тоғларга учамиз! У ерда Тоғ парилари –
Қушлар каби эркин сингилларим – йиғилиб бари,
Ўтлоқ узра давра қуриб, қўшиқ айтишар,
Чақмоқ янглиғ чақнашар!
Қирққулоқ-гул топиб бераман сенга,
Кўқдан олтин юлдуз узамиз бирга,



Тоғнинг тоза қори билан шапарак
 Түр рўмолни оппоқ рангга бўйимиз.
 Сенга ўрмон тожини топамиз бирга,
 Илон маликани тахтдан ағдарамиз,
 Тоғу тошни мудофаага берамиз.
 Менинг ардоғимда бўл!
 Эрта тонгда турай ман –
 Сени шундай ўрайман
 Қимматбаҳо кўйлакка,
 Гулчамбар тўқиганча,
 Даврада қўшиқ айтиб,
 Қанот боғлаб учганча
 Куёш кунни кузатар чоғи энг сўнгги дафъа
 Тиллаларин дағн этган арғувон денгиз узра.
 Биз кейин юлдузлар дарчасидан мўралаймиз,
 Юлдузча бўэчи аёлдек бизга беради бўз –
 Биз баҳмал сояларни кашта қилиб тикамиз.
 Кейин эса тонготар осмон фалакда сийрак
 Булуллар ястанган чоғ, гўё саҳар мардонда
 Кўзичоқлар бепоён ўтлоқда сув ичгандек,
 Биз ҳам ором оламиз гулдор...

М а в қ а

(Бетоқат)

Етар!

П е р е л е с н и к

Мунча ғазаб билан бўлмасанг сўзни!

(Маъюс ва шу билан бирга қувлик билан)
 Демак, унугансан сен ўтган ёзни?

М а в қ а

(Лоқайдлик билан)

Ўтган ёз аллақачон отин “чух”лади,
 Ёзда қўшиқ айтган қишида ухлади.
 Эсга олиб бўлмайди энди!

П е р е л е с н и к*(Сирли, ёдига солиб)*

Эманзорни-чи?

М а в к а

Меваларга тиккан эдим кўзларимни.

П е р е л е с н и к

Изламаганмисан менинг изларимни?

М а в к а

Кулмоқ гажакларини узгандим у чоқ.

П е р е л е с н и к

Мен учун – тўшагим бўлсин деб юмшоқ!

М а в к а

Сочимга қулмоқ қўшиб ўрмоқ учун.

П е р е л е с н и к

Ўйлагансан, балки эркалатар деб севгилинг?

М а в к а

Йўқ, мени қайин меҳр-ла тебратди.

П е р е л е с н и к

Барибир сен... кимнидир... ўпгандек бўлгандирсан?

ДРАМАЛАР

М а в к а

Ха-ха-ха! Билмайман!

Эслолмаяпман!

Мен борай, бақатўн ила кокилимни безатай...

Перелесник

Эҳтиёт бўл! Совуқ шабнам ювиб кетар, эслатай!

Мавка

Шамол ўйнаб қочади,
Күёш нурин сочади,
Куриб қолади шабнам!

(Ўрмонда гойиб бўлади)

Перелесник

Тўхтагин, ёлвораман!
Сенсиз ўлиб қоламан!
Қайдасан, қайда, санам?

(У ҳам ўрмонга югуряди)

Дарахтлар орасидан унинг қизил кўйлаги бир дақиқа лип-лип этиб ўтади, “Қайдасан, қайда, санам?” деган жумла акс садо беради. Ўрмонда қуёш алвон бўлиб бота бошлайди ва тез орада нурлари сўнади. Кўл устини оппоқ туман қоплайди. Лев амаки ва Лукаш ялангликка чиқишиади.

Лев

(Жаҳл билан тўнғиллайди)

Лаънати Сув ажинаси! Излари қургур!
Мен балиқ овлаб бўлиб, эндингина чуқур
Кўлда оқим бўйлаб нариги қирғоқ томон
Сузмоқчи бўлаётсам, ажина ўша он
Панжаларини ботирганча сув тубига
Ушлаб қолди! Сал қолса чўктиради мени!
Мен ҳам нодон эмасман – дарҳол соқолига
Чанг солиб ушлаб, билагимга ўраб олдим,
Кейин белбоғимдан пичоқ олганча энди...
Соқолини кесаётсам, у лаънати жин

“Лоп” этказиб, ағдарворди қайиғимни!
Мен-ку зүрға омон қолдим, чиқдим қирғоққа,
Балиқларим қочиб кетди... Ер юткур!

(Лукашга)

Тағин сен у ёқда йўқ бўлиб кетдинг –
Бақирдим, чақирдим, бўлганча бўлдим!
Хўш, қаерларда сен йўқолдинг, йитдинг?

Лукаш

Шу ердаман, дедим-ку,
Най ясадим, мана.

Лев

Жуда узоқ
Ясадинг-да, ўзиям, жиян!

Лукаш

(Хижолат тортуб)
Йўғ-э, амаки...

Лев

(Жаҳлдан тушиб, илжаяди)
Алдашни ўрганмасанг бўларди,
Ёшсан ҳали! Ачинсанг-чи тилингга!
Яхшиси, шоҳ-шабба териб кел менга
Ва олов ёқ, энгил-бошим қуритай!
Бу аҳволда уйга қандай қайтаман?
У йўл бўйи бирдан хужум қилса-чи,
Эслаш ҳам оғир – менга тегма, тегма!
Сўнг бутун жонимни қоқиб олади...

Лукаш ўрмонга жўнайди; тез орада унинг қуруқ шоҳ-шаббаларни қарсиллатиб йиғаётгани эшитилади.



Л е в

(Эман остидаги йүғон илдизга бориб ўтиради ва трубласини ёқиши учун олов чиқарышга уринади)

Ха, ўт чиқариб бўпсан! Замбуруғ ҳўл...

Пилик ҳам йўқолган. Эҳ, безгак

Тутсин сени... Балки бу ерда янги

Замбуруғ ўсгандир?

(Эманни пайпаслаб, бошқа замбуруғ ахтаради)

Кўлдан, туман ичидан аёл кишининг оппоқ қўлагаси чиқиб келади. У одамдан қўра қўпроқ тубор тасмасига ўхшайди, унинг узалган узун оппоқ қўллари, нозик бармоқлари ҳавони сидириб олаётгандек ҳаракат қиласди, аёл Левга яқинлашиб келиши билан:

(Кўрқиб)

Вой, бу қанақа арвоҳ бўлди?

Э, биламан! Яхшиям сезиб қолдим.

(Ўзини қўлга олиб, тўрвасидан қандайдир илдизлар ва гиёҳлар олади ва худди ўзини мудофаа қилаётгандек арвоҳ томонга узатади. Арвоҳ шу заҳоти чекинади, Лев худди дуо ўқигандек гапира бошлайди, арвоҳ чекингани сари тезроқ гапиради)

Қизгина-чимчилок,

Чақмоқтош-қалтироқ,

Ўт босган ўз дўнглигинга, ботқоққа,

Одам юрмас, хўрор қичқирмас ёққа,

Менинг овозим етмас маконга бор.

Сен юрар йўл эмас бу зинҳор.

Оқ танни жизғанак этма,

Заъфар суюкни қақшатма,

Қора қонни ичиб юрма,

Умрингдан воз кечиб юрма,

Мана сенга ёвшан гул –

Даф бўл, даф бўл, даф бўл!



Арвоҳ орқага, қўлга қараб чекинади ва туманга қўшилиб кетади. Бир қучоқ шоҳ-шабба қўтарган Лукаш келади, қўлидагиларни амакисининг оёғи остига қўяди, қўйнидан чақмоқтош чиқариб, олов ёқади.

Лукаш

Мана, келинг, исининг, амакижон.

Лев

Раҳмат,

Кекса амакингнинг кўнглин оляпсан.

(Оловдан трубкасини ёндириб олади)

Бу энди бошқа гап!

(Боши тагига тўрвасини қўйиб, оловга яқин майса устига ётиб олади, трубкасини тутатиб, ўтга қўз-ларини қисиб тикилади)

Лукаш

Сиз, амаки,

Менга эртак айтсангиз бўларди.

Лев

Буни қара-я!

Худди ёш боладай... Қайси эртакни айтай?

Сеҳргар Ох ёки Трёмын ҳақидами?

Лукаш

Мен уларни эшишганман. Сиз ҳали ҳеч ким

Эшишмаган эртак айтинг.

ДРАМАЛАР

Лев

(Ўйлаб туриб)

Ундай бўлса, тингла:

Айтиб берай Тўлқин малика ҳақида.



(Охиста, оҳангдор овозда, бир маромда айта бошлайди)

Бўлса иссиқ кулбамиз
 Ҳам одамлар куюнчак,
 Эртак айтар эдик биз,
 Тўқирдик яна чўпчак
 Саҳаргача тинимсиз...
 Қоронғи ўрмонлар ортида,
 Туби йўқ уммонлар ортида,
 Баланд тоғ, довонлар ортида,
 Ажойиб-ғаройиб ўлка бор,
 Урай шоҳлик қилган бир диёр.
 У ўлкада ботмас қуёш,
 Ой ҳам сўниб, бўлмас одош.
 Юлдузлар сайр этиб далада,
 Куйлашар жўр бўлиб яллага.
 Энг ёрқин юлдузнинг топилди ўғли –
 Оқ Палянин юраги чўғли,
 Юзи ёруғ, чехраси очик,
 Уни кўрган бўлади ошиқ,
 Олтин сочи шамолда ҳилпирайди,
 Қўлида кумуш яроғ ярақлайди...

Л у к а ш

Малика ҳақида айтмоқчийдингиз...

Л е в

Шошма!
 Оқ Палянин ўсиб-улғайган сари,
 Ўй-хаёл суришни одат билибди,
 Ўзи ҳақда шундай фикр қилибди:
 Омадим бор, хусним оби-тобида,
 Фақат баҳт кечикар севги бобида.
 Айт-чи менга, Шафақ юзли она,
 Ҳамроҳим бўлгай қай жонона?



Тенгим рицар, княз қизими
 Ё зодагоннинг юлдузими,
 Ёки оддий деҳқон қизи у?
 Ҳаёт йўлим ёритгай мангу.
 Балки тенгим малика бўлар,
 Кучоғимга ойдайин тўлар...

(Мудрай бошлайди.)

Кейин у кўк денгиз бўйига борибди,
 Соҳилда марварид маржон қолдирибди...

Лукаш

Амаки, сиз ниманидир айтмай ўтдингиз.

Лев

Нима деяпсан? Йўғ-э? Сен халал берма-да менга!
 ...Денгизда шамол уйғотган тўлқин югуриб қолди,
 Ўша тўлқиндан отлар учеб чиқди,
 Лахча чўғдек ёнарди улар,
 Қизил аравага қўшилган отлар,
 Ўша аравада эса...

(Уйқу енгигб, жимиб қолади)

Лукаш

Ким бор эди бу аравада? Маликами?

Лев

(Уйқу аралаш)
 А? Малика қаерда?..

Лукаш

Мана, ухлаб қолдилар...

(Бирмунча вақт оловга ўйчан қараб қолади, кейин ўрнидан туриб, гулхандан нарига кетади ва найда оҳиста, элас-элас эшишиладиган куй чалганча ялангликда у ёқ-бу ёққа юра бошлайди)



Үрмон қоронғилаша бошлайды, лекин бу қоронғи-
лик қуюқ әмас, балки шаффоф, ой чиқшиидан аввалги
холатга ўхшайды. Гулхан ёнида ёруғлик шуъласи ва
эгри-бугри соялар худди ғаройиб рақс ҳосил қилғандек
туюлади, оловга яқин гуллар бир ёрқин товланади,
бир зулмат қүйнида қүринмай қолади. Үрмон чети-
да ансол ва қайинлар танаси сирли оқариб қүринади.
Баҳор шамоли үрмон атрофини айланиб чиқаркан, чи-
долмай хұрсинахи ва қайинларнинг эгма шохларини
тұлқинлантиради. Күлдаги оқиши туман қора чакалак-
ка ётирилади, қамишзорлар зулмат қүйніга яшири-
ган қиёқлар билан шивирлашади.

Үрмон чангалзоридан Мавка югурниб чиқади, у шо-
шилиб чопади, гүёки кимдандир қочғандек, унинг соч-
лари ҳилпираиды, либоси түзиган. Ялангликда түх-
таб, атрофға аланглайды, құлниң күксига босади, ке-
йин қайинга интилади ва яна түхтайди.

М а в к а

Раҳмат сенга, тунгинам, қорақанот,
Яширганинг учун менинг юзимни!
Сизга ҳам, эй, йүллар-сүқмоқлар, раҳмат,
Қайин сари бошладингиз изимни!
Тезроқ яшир мени, жоним, опажон!
(Қайин танасини қучиб, унинг тағига яширинади.)

Л у к а ш

(Қайинга яқинлашиб, секин)
Мавка, сенмисан?

М а в к а

(Янада секин)
Менман.

Л у к а ш

Қочдингми?

Мавка

Олмахон каби.

Лукаш

Қочиб кетдингми?

Мавка

Ха.

Лукаш

Хўш, кимдан, ахир?

Мавка

У худди олов.

Лукаш

Қаерда у?

Мавка

Жим! Жим бўй!

Бирдан яна учиб келса...

Сукут

Лукаш

Шундай қалтирайсанки! Мен қайнининг
Титраб шитирлашини эшитяпман.

ДРАМАЛАР

Мавка

(Қайниндан узоқлашиб)

Оҳ, шўрима-а! Суянмоқда кўрқаман,
Бардошим етмас ортиқ.



Лукаш

Менга суюн.

Маҳқам тутиб, қилажакман ҳимоя.

Мавка унга суюнади. Улар бир-бирларига суюнган-ча туришади. Ой нури ўрмон бўйлаб сузади, ялангликка ёйилади ва қайин тагига сизиб киради. Ўрмонда булбулларнинг сайраши ва баҳор тунининг барча товушлари акс садо беради. Шамол энтикиб-энтикиб хўрсинади. Оқариб товланаётган туман ичидан Сув париси чиқиб келади ва йигит билан қизни жимгина кузата бошлайди. Лукаш Мавкани бағрига тортиб тураркан, унга янада яқинроқ эгилаверади ва кутилмаганда ўтиб олади.

Мавка

(Бахтдан энтикиб қичқириб юборади)

Юракка юлдуз йиқилиб тушди!

Сув париси

Ха-ха-ха!

(Кулганча қўлга шалоплаб ўзини ташлайди)

Лукаш

(Чўчиб)

Нима у?

Мавка

Қўрқма, у Сув париси,

Иккимиз дугона, бизга тегмайди у.

У ўжар – майна қилишни севади,

Кулса-кулар!.. Менга энди барибир,

Оlamда неки бор, ҳамма-ҳаммаси.

Лукаш

Демак, мен ҳамми?

Мавка

Йўқ, йўқ,
Сен ўзинг оламим, азиз кўрклигим,
Бир вақтлар мен сени билгандан ортиқ
Азиз бўлдинг, биз унашгандан бери.

Лукаш

Биз унашдикми?

Мавка

Ана, эшитяпсанми –
Бизнинг никоҳ қўнғироғини булбуллар чалар...

Лукаш

Эшитяпман... Энди улар чуғурламас,
Чаҳ-чаҳламас, фақат қайтарар:
“Бўса ол! Бўса ол! Бўса ол!”

(Уни узоқ, меҳр ва ҳаяжон билан ўпади)

Мен сени
Ўлгунча ўпаман!

*(Куюн туради ва оқ гулбарг яланглик узра бўрондек
гириллаб айланади)*

Мавка

Менга эса ўлим йўқ...
Афсус...

Лукаш

Нималар деяпсан? Истамайман мен!
Эҳ, нега шундай дедим-а?!

Мавка

Йўқ, қандай гўзал
Учар юлдуз бўлиб ўлмоқ!

Лукаш

Бўлди, етар!

(Эркала*б гапиради*)

Гапирма бу ҳақда! Истамайман мен!
Гапирма умуман!.. Йўқ, гапир!
Сўзларинг ғаройиб, лекин негадир
Тинглаш ёқимли... Нечун жимсан?
Аччиқландингми?

Мавка

Мен сени эшиятпман...

Сенинг севгингни...

(Йигитнинг бошини ушлаб, ой нурига қаратади ва
диққат билан кўзларига тикилади)

Лукаш

Нималар қиляпсан? Ахир, кўрқаман
Сен қалбимга назар ташласанг...
Чидолмайман бунга! Гапир, ҳазил қил,
Сўра, севаман де, кулсанг-чи...

Мавка

Овозинг тиник, худди жилғадай,
Шаффоф эмас лекин кўзларинг.

Лукаш

Балким, ой
Хира нур сочар.

Мавка

Балки...

(Бошини унинг кўксига эгиб, жим қолади)

Лукаш

Сенга нима бўлди?

Мавка

Жим... Юрак гапирсин... Бирам ноаниқ
Сўзламоқда, худди бугунги тундек.

Лукаш

Нимани эшитардик? Кераги йўқ!

Мавка

Керакмас, дейсанми? Майли, азизим,
Йўқ, йўқ, севгилим! Эшитмайман, баҳтим!
Қулоқ солмам, менинг соҳибкарамим!
Эркалайман сени, менинг севгилим!
Ёқадими сенга эркалаш?

Лукаш

Мен ахир севмаганман
Бирор марта ҳам. Мен ҳечам билмасдим
Эркалашлар шунча ширин бўлишин!

Мавка уни эҳтирос билан эркалайди, у ёқимли оғриқдан қичқириб юборади.

Мавка!

Жонимни суғуриб оласан!

Мавка

Суғураман, суғураман!



Үзим шу қалб-қүшиқни олиб юраман,
 Юракни эса сеҳрлайман сўз билан...
 Ютоқиб ўпаман чиройли лаблардан,
 Лов-лов этиб ёнсин деб,
 Қизил рангга қонсин деб,
 Лаблар ёввойи атиргул каби гулгун!
 Мен мовий қўзларни оғушта қилгум,
 Кулсин ва ўйнасин деб,
 Чакнасин, қўймасин деб,
 Турфа ранг учқунлар сочсин деб, инчуанин.
(Кутимаганд қўлларини силкийди)
 Бу қўзларни қандай оғушта қилсан?
 Гуллар билан безанганим йўқ ҳали!

Лукаш

Сира ҳожат йўқ?
 Сен гулларсиз ҳам гўзалсан.

Мавка

Истайманки,
 Ҳамма нарса сен учун гуллар билан безансин,
 Ўрмон маликасидан-да чиройли!
*(Ялангликнинг нариги томонига, қўлдан анча олисга,
 гуллаётган буталарга қараб югурди)*

Лукаш

Шошма!
 Ўзим сени ясантираман!
(Унга қараб юради)

Мавка

(Maъюс)

Жозибасин йўқотган
 Гуллар тунда... ранглар ҳам ухлаб қолган...

Лукаш

Ҳозир тиллақүнғизларни йигиб оламан,
Улар сенинг кокилингда ярқираб турсин,
Юлдуз чамбаридек шоён нур сочиб юрсин.

(Бир нечта тиллақүнғизларни унинг соchlарига қадайди)

Кел, бир қарай... Ох, мунча чиройлисан!

(Бахтдан ўзини ўйқотиб, ҳаяжон билан уни қучади)

Яна териш керак, яна! Чакноқ тош ила,

Сени ясантиражакман, мисли малика,

(Ўт устидан, буталар тагидан тиллақүнғиз излайди)

Мавка

Мен эса бодрезакдан гуллар узаман,
У булбул қўшиғидан ҳалиям бедор.

(Оқ гулларни узиб, кийимига қадайди)

Сув париси

(Яна туман ичидан чиқиб келади ва қамишларга қараб шивирлайди)

Богинкалар, келинглар тезроқ,
Тун бағрини ёритсин чироқ.

Қамишзорда иккита милтиллаган дайди олов
кўринади. Кейин Богинкалар чиқишиади, уларнинг қўлларида қорачироқ милтиллаб, бир ёнади, бир ўчади.
Сув париси Богинкаларни ёнига чорлаб зулмат қўйнида, буталар орасида кўриниб турган Лукашнинг оқ
кўлагасига ишора қилиб шивирлайди.

Қаранглар, анави, тентираётган одам –
Сизни ташлаб кетган отангизга ўхшайди,
Шўрлик онангизни хароб қилган у дайди,
Яшашга ҳаққи йўқ.

Бириңчи бола

Сувга чүктөр уни.

Сув париси

Иложим йўқ. Ўрмонлик тақиқлаган менга.

Иккинчи бола

Биз кичикмиз, ахир, уддасидан чиқмаймиз.

Сув париси

Тутундек элас,
Кўзга кўринмас,
Етимлар тутиб чироқ,
Хас-ҳазондан енгилроқ, –
Қамишзорга боринг тик,
Эшитмайди Ўрмонлик;
Дуч келса ҳам,
Сезмас бу дам –
Бор эди, йўқ бўлди.
Шуъладек ўтиб кетинг
Сув устидан!
Бутадан ёниб ўтинг,
Ботқоқ бўйига етинг –
Турган бўлса у қайда,
Фарқ бўлар ўша жойда.
Чўкар ботқоқ тубига тайин...
Менинг ишим – бошланар кейин!
Шошилинглар!

Богинкалар

(Бириң-кетин тарқалишиб)

Иккаламиз икки томон чопамиз,
Бир-биirimиз сув устида топамиз.

Сув париси

(Шодланиб)

Тарқалдик!

(Ботқоқقا томон чопиб келади, бармоқларидан сув отилиб чиқади, Сув париси елкаси оша сув сочади.)

Ботқоқдаги ўт қоплаган дүнгликдан шайтонбачча - Куц сакраб чиқади.

Куц-куц, кел, таъзим қила қол,

Майли, энди қўлимни ол!

(Хукмфармолик билан қўлини узатади, Куц унинг қўлини ўпади)

Куц

Нечун бундай илтифот, Сув париси?

Сув париси

Сенга шуни раво кўрдим.

Нонушта тайёрладим – фақат бой берма!

(Узоқда турган Лукашни кўрсатиб)

Яна қаерда кўргансан бундай бўғирсоқни?

Куц

(Кўл силтаб)

Тушмаса гар ботқоқقا,

Қовуролмам мен ёқقا!

Сув париси

Йигитча сеники бўлади мутлок,

Кекса онангга бўлар овунчоқ.

Куц дўнглик ортига сакраб тушиб, ғойиб бўлади.
Сув париси қамишзорда Богинкаларни кузатади; улар

*милтиллаганча югуреб, бир ярақлаб, бир милтиллаб
у ёқдан-бу ёққа ўтишади.*

Лукаш

(Тиллақүнғизларни излаётіб, оловларни қўриб қолади)

Қандай тиллакүнғизлар! Учар экан!

Бунақасин кўрмагандим. Ҳам катта!

Ҳозир мен уларни тутиб оламан!

(Бир унисини, бир бунисини қува кетади, улар эса сездирмай йигитни ботқоққа бошлаб кетишади)

Мавка

Кувма!

Севгилим, тутма уларни! Улар Богинкалар!

Улар сени ҳалок этади!

Лукаш эшиштмайди, қувишга берилиб, Мавкадан олислаб кетади.

Лукаш

(Бирдан қичқиради)

Ох, қутқаринг!

Ботқоқ экан бу ер!.. Домига тортиб кетяпти!

Мавка унинг қичқириғини эшишиб, югуреб келади, лекин Лукаш қирғоқдан анча узоқда ботиб қолгани учун унга ета олмайди. Мавка унга белбоғининг бир учини ташлайди, белбоғнинг бошқа учини эса ўзи ушлайди.

Мавка

Ушла!

Белбоғ Лукашнинг қўлига етиб бормайди.

Лукаш

Йўқ, етмаяпти! Эҳ, энди нима бўлар?

Мавка

(Ботқоқча эгилиб ўсган самбиттол ёнига югуриб келади)

Оҳ, самбиттол, онажоним-самбиттол, қутқар!
 (Олмахондек эпчиллик билан самбиттолга чиқади,
 энг пастки шохларга тушиб, яна Лукашга белбоғ узатади. Бу сафар белбоғ етади)

Лукаш белбоғнинг учидан ушлайди. Мавка уни ўзига тортади, кейин қўлини чўзиб, йигитга дарахтга чиқиб олишига ёрдамлашади. Сув париси алам қилганидан бўғиқ овозда инграйди ва туман ичра ғойиб бўлади. Богинкалар ҳам ғойиб бўладилар.

Лев

(Қичқириқдан уйғониб кетиб)

А? Нима гап? Яна арвоҳларми?

Йўқол! Даф бўл!

(Атрофга аланглайди.)

Эй, Лукаш? Қайдасан?

Лукаш

(Самбиттолдан овоз бериб)

Бу ердаман, амаки!

Лев

У ерда нима қилиб ўтирибсан?

(Яқинлашиб, самбиттолга қарайди.)

Самбиттолга чиқволибсан, яна қиз билан.

Лукаш самбиттолдан тушади. Мавка дарахтда қолади.



Лукаш

Амаки!

Мен бу ерда ботқоққа ботаёздим,
Үпқонга тушиб қолдим, бу қыз бўлса...
(*Мавкани кўрсатиб*)
Мени нақ ўлимдан қутқарди.

Лев

Нега энди сен
Тунда бу ерларда санқиб юрибсан,
Гўёки адашиб қолганга ўхшаб?

Лукаш

(*Сўзини бўлиб*)

Мен тиллақўнғиз тутгандим...

Лев

(*Мавканинг сочидаги тиллақўнғизларга қўзи тушиб*)
Э-ҳа! Шундоқ демайсанми, дарров англардим!
Энди ўзим кўриб, билиб турибман, бу кимнинг
иши.

Мавка

Ахир, амакижон, уни қутқардим.

Лев

Кўринг – “амакижон”! Жиян қанақа!
Хўш, ким уни тузоққа олиб борди?
(*Таъна билан бош чайқайди.*)
Ўрмон жинлари! Мана, бор ҳақиқат!
Сен, Ўрмонлик, ҳали қўлга тушарсан –
Қочиб кўр шунда – эман тўнкасига
Курум супургиси – узун соқолин қисиб қўяман,

Кўрдингми, жўнатган
Қизларини, ўзи эса – бехабар!

М а в к а

(Тезгина самбиттoldан тушиб)

Унинг ҳеч айби йўқ! Илон малика
Жазоласин мени, агар алдасам!
Менинг ҳам айбим йўқ.

Л е в

Энди ишондим,
Илон номи билан бежиз қасам ичмайсиз.

Л у к а ш

Худо ҳақи, мени қутқариб қолди,
Агар у бўлмаса, ҳалок бўлардим!

Л е в

Ҳа, қизгина, сенда жон йўқ ва лекин
Мушфиқ экан юрагинг ғоят. Кечир,
Бақирганим учун жаҳл устида.

(Лукашга)

Хўш, нега сен
Тиллақўнғиз қувиб ботқоқقا бординг?
Улар дўнгликларда ўтирадими?

Л у к а ш

Энг қизиги, улар учарди!

Л е в

Э-ҳа! Биламан! Булар Богинкалар!
Шошмай турларинг, эртага қўрамиз,
Бўри тишли кучук олиб келаман,
Қани, шунда ким аввал ангилларкин?



БОГИНКАЛАРНИНГ ОВОЗИ

(Шикоятомуз, худди қурбақаларнинг вақиллашидек
овоз чиқариб гапиришади)

Йўқ, бобожон, ундан қилманг!
Гуноҳкор деб бизни билманг!
Ўша ботқоқ ёнида биз
Фақат мева-чева терғанмиз.
Биз билмасдик ўша онда –
У ёқда кимлар меҳмонда,
Йўқса, сузиб чиқмасдик асло,
Ботқоқнинг тубидан шу асно...
Вой, чўкаман, бари абас!
Бўлди, йиғи, қий-чув ҳам бас!

Л е в

Қарагин, бир зумда жим бўла қолди
Жодугарнинг болалари! Кўявер,
Мен топаман ким ҳақ, ким эса ноҳақ...

(Лукашга)

Уйга қайтар вақт бўлмадими, жиян?
Қани, борайлик.
(Мавқага)
Соф бўл, қизгина.

М а в қ а

Эртага ҳам келасизми? Мен сизга
Дараҳт кўрсатаман кулба қуришга.

Л е в

Кўриб турибман, ҳар нарсадан хабаринг бор,
Кела қол, майли, мен сизга ўрганиб қолдим.
Бизга кўнишишингиз керак сиз ҳам, албатта.
Кетдик! Хайр!

(Кетади)

Мавка

(Левга эмас, күпроқ Лукашга)

Мен кутаман!

*Лукаш амакидан ортда қолади, Мавканинг иккала
қўлидан жимгина қисади, уни сассиз ўпади ва амаки-
сига етиб олиб, у билан бирга ўрмонга кириб кетади.*

(Бир ўзи)

Эй, тун, кошки, тугай қолсайдинг тезроқ!

Ўкинма! Мен аввал билмасдим мутлоқ

Худди сендай хушбахт, сендай чароғон

Кун ҳам борлигини, тунгинам, ишон!

Сен нега паришон турибсан, қайнин?

Опажон, боқ менга, баҳтдан айтайнин!

Қўзёш тўйма сувга, она самбиттол,

Севгилим мен билан бўлади хушхол!

Ўрмоним, отажон, ахир билмайман,

Тунни қисқартирай, айтинг, қандай ман?

Тун қисқа, айрилиқ узундир шу тоб...

Қисматим не экан – баҳтми ё азоб?

*Ой қуюқ ўрмон девори ортига яширинади, сайҳон-
лик устига қора, баҳмалдек зулмат ётирилади. Ҳеч
нима кўринмайди, фақат тақдир учқунидек гулхандан
қолган чўғлар милтирайди. Мавка дараҳтлар орасида
кезиб юрганини унинг чамбаридаги тиллақўнғизлар
ярақлашидан англанади. Чамбар гоҳо юлдузлар буржи
каби чарақлайди, гоҳо алоҳида учқунлардек ярқирайди.
Кейин зулмат чамбарни ҳам ютиб юборади. Туннинг
чукӯр суқунати ҳукмрон ўрмонда фақат вақти-вақти
билан худди тушдаги ҳўрсинишга ўхшашигил шитир-
лаш эшишилади.*

ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Ёз охири. Дараахтзордаги хира тортган япроқлар орасидан олтинранг куз күринади. Күл саёзлашиб қолган, қирғоқдаги саёзлик ҳам кенгайган, қуруқ қамишпоялари шитирлайди.

Яланглика янги қурилган кулба ва полиз күзга ташланади. Экинзорнинг бир томонида буғдой, бошқа томонида – жавдар. Күлда ғозлар сузив юрибди. Қирғоқ яқинидаги дорда кир ёйилган, буталарда хурмача ва хумлар илинган. Яланглика майса текис қилиб ўрилган, эман остида ғарам уйилган. Ўрмондан қўнғироқчаларнинг жаранглаган овози келади – қаердадир моллар ўтлаяпти. Яқин ўртада кимдир найда жўшқин рақс куйини чалаётгани эши билади.

Лукашни нг онаси

(Кулбадан чиқиб, баланд овозда чақиради)

Лукаш, ҳо-ой! Қаердасан?

Лукаш

(Кўлида най ва нақшдор таёқча билан ўрмондан чиқади)

Шу ердаман, она.

Она

Етмадими сенга шунча най чалиш?

Нуқул най чаласан, тўхтаб қолган иш!

Лукаш

Қандай иш?

О на

“Қандай” деганинг нимаси?
Қүтонни ўраб қўймоқчи бўлган ким?

Лукаш

Ҳа, уними, ўрайман, улгураман!

О на

Сенинг “Улгураман” деганинг қачон?
Эрта-кеч чопасан ўтлоқ томонга,
Яна ўша олғир, дайди қиз билан.

Лукаш

Ким чопяпти? Мен молларни боқяпман,
Мавка эса беряпти ёрдам.

О на

Бунақанги ёрдамдан
Сен халос бўл!

Лукаш

Айтгандингиз-ку, ахир, ўзингиз,
Сигирларни Мавка боқсан кун
Кўпроқ сут оляпмиз, деб.

О на

Ялмоғизнинг уруғи!

Лукаш

Ким сизга ёқади – сира билмайман!
У эмасмиди, биз кулба қурганда
Дараҳт келтирган? Ким билан экдингиз
Полиз экинларин? Донни ким сочди?

Бундай мўл ҳосилни қачон олганмиз?
 Қаранг, гуллар билан дераза остин
 Қандай безатибди – кўз кувонади!

О на

Кимга керак унинг гуллари? Ахир,
 Менинг узатгулик қизим бўлмаса...
 Фақат гулу қўшиқ сизнинг хаёлда!

Лукаш бетоқат елка қисади ва кетмоқчи бўлади.

Қаёққа отландинг?

Лукаш

Тўсиқ қуришга.
*(Кулба ортига ўтади, сал ўтмай у ердан болтанинг
 тақиллаган овози эшишилади)*

Гуллар билан безанган, соchlари ёйилган Мавка ўр-
 мондан чиқади.

О на

(Ёқтирмасдан)

Хўш, сенга нима керак?

Мавка

Лукаш қаерда, холажон?

О на

Мунча ортидан қолмасанг? Қизларга
 Ярашмас югуриш йигит ортидан.

Мавка

Бу ҳақда ҳеч кимса менга айтмаган.

О на

Унда бир эшиңсанг зарар қилмайди.

(Мавкага ёвқараш қиласди)

Пахмайиб юрасан нега сен доим?

Орасты тараниб юрсанг бўлмасми?

Юрасан ялмоғиз каби бетартиб.

Эгнингдаги тағин бу қандай кийим?

У яна ноқулай юмуш қилишга.

У-бу нарса қолган марҳум қизимдан,

Қозиққа илинган – бор, олиб кийгин.

Сандиққа сола қол ўзингникини.

М авка

Майлига, кийинсам, кийина қолай.

(Кулбага қараб кетади)

У ердан Лев амаки чиқади.

О на

Раҳмат деса бўларди!

Л е в

Синглим, нима учун

Тўйдирасан доим қизни жонидан?

Гуноҳи борми ё сенинг олдингда?

О на

Сен, яххиси, аралашма ишимга, ака,

Шукр қилгин, индамаяпман. Кўйиб берса,

Йигардинг ўрмондаги бор ялмоғизларни.

Л е в

Сен ҳам бамаъни гап айтсайдинг бир бор,

Жон деб эшитардим, аммо ҳозир-чи...



“Үрмондаги бор ялмоғиз” қайда у?
Барча ялмоғизлар қишлоқда бўлса...

О на

Эй, сен
Нимани билардинг... Хўп, ана ўргат
Ўрмон мурдорини, балки вақт етиб,
Қачондир кўрарсан ундан яхшилик!

Лев

Кўраман ҳам!
Асло разил эмас бу ўрмон аҳли –
Ахир бутун бойлик ўрмондан келар...

О на

(Истекъзо билан)
Бўлмасам-чи!

Лев

Шундай қизлардан ҳам инсон чиқади!

О на

Қанақа инсон? Ичиб олганмисан?

Лев

Сен нимани билардинг? Марҳум бобом
Айтарди, мабодо гапира олса
Ўрмонликда ҳам бўларди, эҳтимол,
Баайни сену мендаги каби жон.

О на

Жоду руҳи-чи, у қаерга,
Хўш, қайга йўқолар?

Л е в

Яна ўша гап!
Мен, яххиси, бориб ишимни қилай
Бундай сақич чайнаб турғандан күра!

О на

Бора қол!
Мен халал бермайман!

Лев жағл билан бошини силкитғанча кулба орқасига ўтиб кетади. Мавка қулбадан кийимини ўзгартириб чиқади: унинг эгнида таранг, елкасига ямоқ тушған бўз қўйлак, гулдор энсиз юбка, йўл-йўл ип газламадан тикилган, ранги ўчган пешбанд, соchlари текис таралиб, иккита қилиб ўрилган ва бошига чамбар қилинган.

М ав ка

Мана, кийиниб олдим.

О на

Бу бошқа гап. Мен энди борай,
Товуқлардан хабар олай-чи!
Боргим келар нашазорга ҳам,
Иш тугамас лекин бу ерда,
Сен негадир меҳнатга йўқсан...

М ав ка

Нега энди?
Ёрдам берсам, дейман, қўлдан келганча.

О на

Қўлингдан келмайди – ҳамма гап шунда:
Ёрдамчи бўлдинг сен жудаям эпсиз.



Ана, пичан йиғсак, бошинг оғриди...
Агар ўроқ ўргин десак, сен дарров...

М а в к а

(Кўрқиб)

Ўриш? Қандай қилиб?
Бугун ўришимни хоҳлаяпсизми?

О н а

Нима бўпти? Ёки байрамми бугун?

(Эшик орқасидан ўроқ олади ва Мавкага узатади)

Ўроқни ол – ўриб кўр. Ишим битса,

Ўзим ўражакман сенинг ўрнингга.

(Даҳлиздан дон солинган ғалвирни олади-да, қулба орқасига ўтади. Сал ўтмай, унинг “Чип-чип, жўжала-рим! Чип-чип...” дея чақираётган овози эшитилади)

Лукаш қўлида болта ушлаганча чиқиб келади ва ёш қайнисимон граб дараҳтини чопиш учун яқинлашади.

М а в к а

Тегма, севгилим,

Ахир, у ниҳол-ку, қуримаган ҳам.

Л у к а ш

Халал берма!

Вақтим йўқ менинг!

Мавка маъюсланиб унинг қўзларига қарайди.

Қайдан топай қуруқ ёғочни?

Мавка

(Үрмөндөн тезда қуриган дарахт олиб чиқади)
Яна топиб бераман, күп керакми?

Лукаш

Битта ёғоч билан ўраб бўларми?

Мавка

Нима учун бундай тунд бўлиб қолдинг?

Лукаш

Қарагин... Сени деб онам уришар!..

Мавка

Унга нима қилди? Нима истайди?

Лукаш

Нимани бўларди? Ахир, ўғлиман...

Мавка

Хўш, нима қипти?

Лукаш

Бундай келин дидига мос келмасмиш...
У ёқтирмас ахир ўрмон руҳини...
Мехрибон қайнона бўлмайди сенга!

Мавка

Қайнона бўлганмас бизнинг ўрмонда,
Келин ва қайнона – нимага керак?
Тушунмайман ҳеч!

Лукаш

Келин керак унга.
 Ҳа, ёрдамчи керак – онам қариidi,
 Бегонани ишга мажбурлаб күр-чи –
 Ялчитмас сира... Хизматкор – қыз бўлмас...
 Тўғриси, буларни сен тушунмайсан...
 Одамлар ташвишин англамоқ учун
 Ўрмонда туғилмоқ камлик қиласди.

Мавка

(Самиий)

Сен айтиб бер, жоним, мен тушунаман,
 Чунки севаман... Ахир, тушундим-ку
 Сен найда чалган барча қўшиқларни.

Лукаш

Қўшиқларми? Унга ақл шарт эмас!

Мавка

Ҳақорат қилмагин қалбинг гулини,
 Қўшиқдан туғилган ахир севгимиз.
 У қирқулоқ-гулдан кўра ғаройиб:
 Хазина яратар – лекин очилмас.
 Гўёки жисмимда ўзга юракни
 Ҳис қилганман дафъатан. Ўша дамлар
 Мўъжизайди, оловли...

(Бирдан ўз сўзини ўзи бўлиб)

Куляпсанми?

Лукаш

Ростданам кулгили туюлди бирдан...
 Кийиминг одмироқ, гапларинг эса
 Худди байрамдаги ваъзга ўхшайди.
(Кулади)

М а в к а

(Эгнидаги кийимни юлқиб)
 Ёқвараман бунинг ҳаммасин.

Л у к а ш

Кейин ойим ғажисинми?

М а в к а

Нетай, бу кийимда сенинг наздингда
 Мен тўсатдан ўзгариб қолсан!

Л у к а ш

Ўзим ҳам билувдим,
 Энди бошланади ҳар хил таъналар...

М а в к а

Азизим, мен таъна қилмайман сенга,
 Фақат алам қилас, ҳаётингни сен
 Ўз бўйингга мослаб қура олмайсан.

Л у к а ш

Негадир гапингни тушунмаяпман.

М а в к а

Мен сени борингча севганман, сен-чи,
 Ўша ўзлигинги тополмаяпсан.
 Ҳолбуки, куйлади қалбинг шу ҳақда
 Чин дилдан, найнинг соҳир овозида.

Л у к а ш

Хўш, айтавер...

М а в к а

У яна ҳам гүзалроқ,
Жоним, сени бутун борлиғинг билан,
Барини айтишга ожизман мен ҳам...

(Унга маъюс муҳаббат билан қарайди ва бир дақиқа
сукут сақлайди)

Менга сен най чалиб бергин, азизим,
Қайғуларни қувиб, сарафroz этсин!

Л у к а ш

Эй, най чалишга сирама вактим йўқ!

М а в к а

Сен эркала мени, унутай токи
Ҳамма гап-сўзни.

Л у к а ш

(Аланглаб)

Жим-м! Онам эшитар!
У шундоқ ҳам сени
Суллоҳ деб айтар.

М а в к а

(Аччиқланиб)

Ха! Сиз билан бирга ўсмаган одам
Тушунмас сизни! Демак, мен олғирман!
Нега? Сени шундай севганимгами?
Ё кўнгил ёрганим биринчи бўлиб
Иснодми – юрагим баҳиллик қилмай
Бутун хазинасин пешкаш этгани,
Ёки севганига ўзин бағишлиш,
Ундан бирор нарса таъма қилмасдан?

Л у к а ш

Кейин ҳақ тўлар, деб, умид қилгансан.

Мавка

Яна қандай ғалати сүз – “Хақ тұлаш” деган...
 Сен менга ҳадялар қилдинг чин дилдан,
 Мен ҳам ўзимниң даріғ тутмадим –
 Улар ўлчанмаган ва саналмаган...

Лукаш

Демак, ҳаммаси аён,
 Биз қарздор әмасмиз бир-бири миздан,
 Буни ўзинг айтдинг – эсингдә турсин.

Мавка

Нега эслаб қолиш керак буларни?

Она

• *(Кулба ортидан чиқады)*
 Мана сизлар қандай ишляп сизлар?

Лукаш шошиб ёғочни қулба ортига судраб ўтади.

Агар, истамасанг, ўрма, қызгина,
 Мен мажбур қымайман. Ўзим амаллаб
 Ўриб ҳам оларман, кейин куз яқин,
 Худо берса, чаққон келин топаман.
 Бир бева бор экан – тиниб-тинчимас,
 Ўзи одам қўйиб сўраттирибди.
 Мен айтдимки, Лукаш агар хўп деса...
 Хўш, жоним, бера қол менга ўроқни,
 Ахир, биласан-ку, бошқа ўроқ йўқ.

Мавка

Ўзим ўраман. Боринг нашазорга.

Она ялангликни кесиб, қўлга қараб кетади ва қамишлар ортида ғойиб бўлади. Мавка ўроқни силкиб,

арпа устига эгилади. Арпазордан Дала париси чиқиб келади; эгнида шаффоф яшил либос, нозиккина қадди-бастини қоплаган олтинранг соchlари кийими остидан күриниб туради. Бошида бўтакўзлардан ясалган зангори чамбар, соchlарига рандак, мойчечак, девпечак гуллари илашган.

Д а л а п а р и с и

(Ёлворганча Мавкага отилади)

Опажон, шафқатингни дариф тутма!

Сен шундай чиройимни нобуд этма!

М а в к а

Мен мажбурман...

Д а л а п а р и с и

Ўт поялар чўзилди,
Гул-чечаклар узилди,
Гулчалар-юлдузчалар
Эгатда қайғудалар.
Лолалар алвон эди,
Қорайиб борар энди.
Ё тўкилган қонми у,
Эгатда қотган мангу?

М а в к а

Сингилжон, мажбурман! Сенинг чиройинг
Баҳорда очилар янада кўпроқ.
Менинг баҳтим эса, гар бўлса барбод,
Қайта тикланмайди, билгин, умрбод!

Д а л а п а р и с и

(Кўлларини силкиб, қулфатдан ҳудди шамолда теб-ранган бошоқдек титрайди)

Ох, бу кулфат! Менинг кокилим!
 Олтин кокилим, толим-толим!
 Аччиқ қисмат! Менинг чиройим!
 Хазон билмас, ям-яшил доим!

Мавка

Сенинг хуснинг узоқ яшамас,
 Улар ўсар нобуд бўлмоққа.
 Нега мендан сўрайсан шафқат –
 Қасд айлаган мен эмас фақат.

Дала париси

Қарагин, тўлқинлар сайр қилаётир,
 Суриниб қирғоқдан қирғоққа.
 Изн бер, жаннатда яшамоққа,
 Қарагин, ёз қандай барқ ураётир.
 Далаларда арпа бошоқ ётмаган,
 Бахтсизлик бизларга ҳали етмаган!
 Бир лаҳза сабр қил, фақат бир лаҳза!
 Менинг кўрким гуллаб, тугайди тезда,
 Сўнг ўзи тўшалар ерга, унутма...
 Шафқат қил. Ўзингни қиш каби тутма,
 Менга эрк бер, изтиробдан халос эт!

Мавка

Тилагинг бажарсам бўлардим хурсанд,
 Фақат ўзим ҳозир эркин эмасман.

Дала париси

(Мавканинг елкасига эгилиб шивирлайди)
 Ўримга берилиб кетиб билмасдан
 Кўлни кесиб олиш мумкин эмасми?
 Опажон, аянчли аҳволимни кўр!
 Фақат бир томчи қон мени кутқарур.
 Шу қонга арзимас чиройим, наҳот?



Мавка

*(Кўлига ўроқни тортади, Дала парисининг
олтин кокилига қон сачрайди)
Мана, сингилжоним, бу сенга жавоб!*

Дала париси Мавкага таъзим қилиб, миннатдорлик билдиради ва арпазорда ғойиб бўлади. Кўл томондан Она юзлари ширмойдай ёш жувон билан чиқиб кела бошлайди. Жувоннинг бошида ҳошияли қизил рўмол, эгнига майда ва текис бурмалар билан безатилган тўқ қизил юбка; белига таққан яшил пешбанди ҳам бурмали, унга оқ, қизил ва яшил ленталар билан зеб берилган, кўйлагига қизил ва кўк ипдан тўқима кашталар солингган, оппоқ, бўлиқ бўйнига тақилган маржондаги тангалар жаранглайди. У ҳошияли тасма билан танасини тортиб боғлаган, шундан думалоқ, биққи тани янада дўмбоқ кўринади. Жувон шаҳдам қадам ташлайди, кампир эса унинг ортидан аранг етиб олади.

Она

(Илтифот билан)

Бу ёқقا, Килина, қайин ёнида
Ҳар хил гиёҳ бор. Мана, бу – дасторбош,
Сиз у билан хўқача буғлайсизми?
Бу, жонгинам, сутни яхши сақлайди.

Килина

Нима қилишниям билмайман сутни!
Савдолар бошланса – идиш олардим.
Сигирни раҳматли эрим қайдандир
Турк моли, деб олиб келган – у шундай
Серсутки, Художон! Мана далани
Амаллаб турибман, яна кулба бор,
Супир-сидир деганидек. Эй, холажон,
Бева куюнмаса, иш юрмас экан!
(Лабларини қимтиб, маъюсланиб қолади)

О на

Сиз дарров ишларни тугатибсизми?
 Күз күркөң - құл ботир, деган гап рост-да,
 Мана... Бизда фақат бир парчагина ер,
 Шунда ҳам юмушлар бўлмайди адо...

К и л и н а

(Мавка турган экинзорга қарайди)

Ким у,
 Ўроқ ўраётган?

О на

Ҳа, битта етимча...

(Шивирлаб)

Худо кечирсин-у, эпсиз жудаям...

К и л и н а

(Она билан бирга Мавкага яқинлашади)
 Салом, қизгина! Ўрим яхшими?

О на

(Қўлларини силкиб)

Вой, шўрим! Ҳали ҳам бошламабди-ку!
 Шўрим қурсин! Нима қилдинг шунча вақт?
 Дангаса! Ярамас! Ишёқмас!

М а в к а

(Бўғиқ овозда)

Қўлимни кесиб олдим...

О на

Қандай қилиб?

К и л и н а

Ўроқни бера қол - мен ўриб берай.

Мавка ўроқни орқасига беркитиб олади ва Килинага ёвқараш қиласди.

О на

Ўроқни берсанг-чи! Сеникимас у!

Мавканинг қўлидан ўроқни тортиб олиб Килинага беради. У жон-жашди билан ғаллага ташланади ва шу қадар шитоб билан ўра бошлийдики, ҳатто ўроқ тагида сомон шиғиллайди.

(Кўнгли тўлиб)

Мана ишлаш қанақа бўлар!

К и л и н а

(Ишдан бош қўтармай)

Кимдир

Ўрамларни боғлаб турсайди

Ўриб ташлар эдим бутун экинни.

О на

(Чақиради)

Лукаш! Бу ёқقا кел!

Л у к а ш

(Чиқади; Килинага)

Худо кўлласин!

К и л и н а

(Ўришда давом этиб)

Раҳмат!

О на

Лукаш,

Ёрдам бергин боғлаб олишга,

Ахир, “ёрдамчимиз” майиб бўлибди.

Лукаш ўрамларни бойлашга киришади.

Болалар, мен борай, майли, сиз ишланг,
Тушликка зўр кисель қайнатиб берай.

(Кулбага қараб кетади)

Мавка қайнин ёнига боради, дараҳтга суюниб, узун шохлар орасидан ўроқчиларга қарайди. Килина бирмунча вақт берилиб ўроқ тортгандан кейин қаддини кўтаради, ўрамлар устига эгилган Лукашга қараб қулади, катта-катта учта қадам ташлаб Лукашнинг ёнига келади-да, унинг елкасига шапатилаиди.

К и л и н а

Қани, бўл! Шиллиққуртдек имиллайсан,
Қандай ишчисан?

(Шарақлаб қулади)

Л у к а ш

(Қаддини тиклаб)

Чаққонман, дегин!

Тегма, яххиси! Барибир, енгаман!

К и л и н а

(Ўроқни ташлаб, иккала қўлинин белига тираиди)

Қани! Ким кимни енгаркин – кўрамиз!

Лукаш унга қараб отишлади, Килина унинг қўлларини ушлаб олади; улар кафтларини бир-бирига тирағанча “қуч синашадилар”, бирмунча вақт уларнинг қути тенг бўлиб туради. Кейин аёл қўзларини ўйнатиб, қаттиқ қулганча сал орқага чекинади, Лукаш қизишиб кетиб, унинг қўлларини кенг ёяди-да, ўпид олмоқчи бўлади, лекин лаби аёлнинг лабига тегай дегандা, Килина уни оёғи билан чалади, йигит йиқилади.



К и л и н а

(Тепасида турганча қулиб)

Хүш? Ким кимни енгди? Менмасми сени?

Л у к а ш

(Туради, оғир нафас олиб)

Оёқ билан чалиш – ғирромлик билсанг!

К и л и н а

Ҳали шунақами?

Кулбада эшик тақиллайди. Килина яна ўришга тушади, Лукаш эса ўрамларни бойлайди. Тез орада ўрилган пайкал қорайиб қолади ва боғламлар билан тұлади. Бир неча қучоқ ўрилған бошоқлар мағлуб бўлган, лекин ҳали боғланмаган асирлардек қатор ётади.

О н а

(Даҳлиз остонасидан)

Ўроқчилар, етар! Тушликка келинг!

К и л и н а

Мен ишимни тугатдим, аммо Лукаш
Уддасидан чиқолмаяпти.

Л у к а ш

Меники ҳам оз қолди.

О н а

Сен тугат ишингни, сиз эса келинг!

Килина қулбага қараб кетади. Эшик ёпилади. Мавка қайин орқасидан чиқади.

Лукаш

(Уни күриб, бироз хижолат тортади, лекин тезда
үзини құлға олади)

Э, сенмисан? Ўрамларни боғлаб қўй,
Мен эса кетдим.

Мавка

Менинг кучим етмайди.

Лукаш

Назорат қилгани келдингми унда,
Менга агар ёрдам бермасанг?
(Бир ўзи боғлайди)

Мавка

Айт, унга
Бу ерга бошқа келмасин;
Менга ҳеч ёқмайди, у – айёр,
Худди қундуз каби.

Лукаш

Сен уни умуман билмайсан.

Мавка

Йўқ, овози ва кулгусин эшилдим!

Лукаш

Лекин бу кам-ку!

Мавка

Йўқ, етарли.
Силовсиндек йиртқич у.

Лукаш

Яна нима?

Мавка

У бошқа келмасин бизнинг ўрмонга.

Лукаш

(Қаддини тиклаб)

Гүёки сен ўрмон маликасисан –
Кимгадир келишга рухсат берасан,
Кимгадир – йўқ.

Мавка

(Қовоғини солиб, таҳдид билан)

Ўралар кўп ахир ўрмонда,
Бўронда синган шох билан ёпилган –
На одам, на ҳайвон уларни сезмас,
Тўсатдан йиқилиб тушмагунича...

Лукаш

Яна гапирасан-а,
Хийлаю найранг ҳақида – яхши эди жим турсанг!
Ҳа, аёнки, мен сени умуман билмас эканман.

Мавка

Балки, ўзим ҳам ўзимни билмагандирман...

Лукаш

Кулоқ сол: мабодо олдимга кимдир
Келишу кетишин сендан сўрашга
Мажбур қиласиган бўлсанг, яххиси,
Ўрмондан қишлоқقا қайта қоламан.
Одамлар ичидаги нобуд бўлмасман.
Олдингда ўтириш ниятим йўқдир,
Копқонга тушган бир тулки сингари.



Мавка

Қўйганим йўқ мен сенга қопқон,
Ўз хоҳишинг билан келгансан.

Лукаш

Истасам, ҳа, шундай қайтиб кетаман,
Ҳеч ким мени бунда боғлаб қололмас!

Мавка

Нима сени боғлаб олмоқчимишим?

Лукаш

Бу қуруқ сафсата нимага керак?
(Охирги боғламни бойлагач, Мавкага қарамасдан қулбага кетади)

Мавка эгатга ўтириб, ғамгин ўйга чўмади.

Лев амаки

(Кулба орқасидан чиқади)
Қизгинам, нимага бунча маъюссан?

Мавка

(Секин, маъюс)

Ёз ўтятти, амаки...

Лев

Шуни ўйлаб
Сиқиляпсанми? Фақат, сезишимча,
Самбиттолга кунинг қолмайди қишида.

Мавка

Унда қайда яшайман?



Л е в

Меникида,
 Кулбам сен туфайли торайиб қолмас...
 Нимаям қиласардик феъли шунақа,
 Синглим билан келишолмайсан. Мен-ку
 Күп уриндим, бари бефойда... Агар
 Хўжайин бўлсайдим, сўраб турмасдим;
 Ўзим бердим уларга кулба ва ерни,
 Менда эмас энди ихтиёр. Қишида
 Бу ердан қишлоққа, уйга кетаман...
 Сен ўша уйимга борсанг мабодо
 Хурсанд бўлардим.

М а в к а

Мумкинмас, амаки...
 Йўқса, борардим. Мехрибонсиз жуда.

Л е в

Мен эмас, қизгинам, нон-туз меҳрибон.
 Ҳақиқат, шундаки, ўрмон наслини
 Яхши кўриб қолдим. Гар куним битса,
 Жонивор мисоли ўрмонга қайтгум.
 Шу эман остига кўмсилар мени...
 Шундай туармисан, эман азизим,
 Оппоқ бошим ерга теккан у дамда?..
 Қайда! Мустаҳкам бўларди эманлар,
 Улар кесиб ташланган ахир... Сен-чи
 Совуққа ён берма, жингалак дўстим,
 Баҳорга етармиз, Худо хоҳласа...
(Ҳассага таянганча маъюс туриб қолади)

Мавка оҳиста боғламлардаги сўлаёзган чечакларни олиб бир жойга тўплайди. Кулбадан она, Килина ва Лукаш чиқиб келади.

О на*(Килинага)*

Қаёққа шошяпсиз? Үтирсангиз-чи!

К и л и н а

Йўқ, раҳмат, холажон, мен борай энди,
Қоронғу тушяпти – йўлдан кўрқаман.

О на

Лукаш, сен кузатиб қўйсанг бўларди.

Л у к а ш

Ҳа, майли.

К и л и н а*(Унга қараб)*

Қўйсангиз-чи, унинг ишлари...

О на

Қандай

Иш бўларди оқшом? Борақол, ўғлим,
Килинани кузатиб қўй йўлгача.
Кечкурун юрмасин ўрмонда ёлғиз,
Қолаверса, ёш, кўркам жувон бўлса,
Бирдан ҳужум қилиб қолмасин бирор.

К и л и н а

Вой-бўй. Сиз нималар деяпсиз, хола!
Кўрқитиб қўйдингиз энди батамом!
Кеч тушмасин, Лукаш, йўлга тушайлик,
Йўқса, иккимиз ҳам қўрқиб қоламиз!

Л у к а ш

Мен-а?

Ўрмонда кўрқаман? О-ҳо-о! Ҳечам-да!

О на

Ахир, менинг ўғлим довюрак, ботир,
Сиз уни айирманг бундай шарафдан!

К и л и н а

Йўғ-э, ҳазиллашдим...

(Лев амакини сезиб)

Вой! Лев амаки!

Уйдамидингиз?

Л е в

(Ўзини эшишмаганга солади)

А? Яхши боринг.

(Ўрмонга қараб кетади)

К и л и н а

Хўп, холажон, саломат бўлинг!

(Кампирнинг қўлини ўтмоқчи бўлади, лекин у қўлини тутқазмайди, оғзини пешбандига артиб, Килина билан уч марта, "маросимдагидек" ўпишади. Килина, кетаётуб)

Омон бўлинг, бизни унутманг!

О на

Келиб туринг, узоқлаб кетманг!

(Кулбага кириб, эшикни ёпиб олади.)

Мавка ўрнидан туради ва секин, худди чарчагандек оғир қадамлар билан қўлга қараб юради, самбит-толнинг эгик шохига бориб ўтиради, бошини қўлларига қўяди-да, овозсиз йиғлайди. Ёмғир майдалаб ёға бошлайди, томчилар қуюқ тўр мисол ялангликни, кулбани ва ўрмонни қоплайди.

Сув париси

(Қирғоққа сузіб келади ва Мавкага бир ҳайрон бўлиб,
бир қизиқиб қарайди)

Мавка, йиғлайапсанми?

Мавка

Сен ҳеч қачон
Йиғлаб кўрмаганмисан, айт, Сув париси?

Сув париси

О, менми!
Ҳатто бир дақиқа йиғласам агар,
Кимдир ўлгунича кулиши керак!

Мавка

Сув париси! Ҳеч қачон севмаганмисан?..

Сув париси

Мен севмабманми? Йўқ, сен унутибсан,
Ҳақиқий муҳаббат нималигини.
Севги бамисли сув – оқизар, ўйнар,
Оғритар, эркалар, сурар, ғарқ қиласар.
Иссиқда у қайнар, совуқда эса –
Музга айланар. Севгим шунаقا!
Сенинг севгинг ҳув сомон руҳидаги
Ожиз болакай. Шамолда эгилар,
Тўшалар оёқ остига. Мабодо,
Учқунга дуч келса, курашмай ёнар
Ва ундан қолади фақат қора кул.
Агар уни ҳеч ким писанд қилмаса,
Зах тортиб ётади худди сомондек
Совуқ сувда, беҳуда ўкинч ҳамда
Аччиқ пушаймон ёмғири остида.

Мавка*(Бошини күтариб)*

Пушаймон? Лекин сен қайниндан сўра,
 У ўтган бир тунда кўклам шамоли
 Узун соchlарини тараганидан
 Пушаймонми?

Сув париси

Нега унда у маъюс?

Мавка

Новдалари билан қучиб ошиғин
 Умрбод бағрига ололмагандан.

Сув париси

Нима учун?

Мавка

Чунки севгилиси – кўклам шамоли.

Сув париси

Нечун керак унга бунақа севги?

Мавка

Ёқимли эди у – кўклам йигити,
 Кўшиқ айтиб баргларини ёзганди.
 Эркалаб қайнинни чамбар ўстирди,
 Мехр-ла кокилига сепди шабнам...
 У ҳақиқий кўклам шамоли эди,
 Йўқса, қайн уни севмасди асло.

Сув париси

Ҳа, унда энди мотам тутаверсин
 Қаро ергача, чунки у умрбод
 Шамолни қучолмас – у елиб ўтди.

(Оҳиста, шалоплатмасдан қирғоқдан узоклашади ва күздан ғойиб бўлади)

Мавка яна бошини эгади, узун қора соchlари ерга тушади. Шамол туриб, қулранг булултларни ва улар билан бирга иссиқ ўлкаларга учиб кетаётган қушларнинг қора галасини ҳайдайди. Кейин кучли шамол туриб ёмғирли булултлар тарқалади ва ўрмон кўринади. У энди ёрқин қуз либосида, қуёш ботиши олдидан осмон қуюқ зангор тусга кирган.

М а в к а

(Секин, чуқур хўрсиниш билан)

Ҳа... У энди елиб ўтди-ю кетди...

Яланглиждан ўрмонлик чиқиб келади. У эскирган тилларанг узун плашда, кийимининг этагида тўқ қизил ҳошия, телпаги атрофи хмель шохи билан ўралган.

Ў р м о н л и к

Қизим, қизгинам,
Хиёнатинг учун сенга бу жазо!..

М а в к а

(Бошини қўтариб)

Кимга хиёнат қилдим мен?

Ў р м о н л и к

Ўзингга.
Баланд чўққиларни тарқ этиб,
Пастқам, майда сўқмоққа тушдинг.
Қизим, кимга ўхшадинг? Оддий
Чўрига, аччиқ меҳнат билан
Жиндак бахтга етмоқчи бўлган



Лекин етолмаган, биргина уят
 Сақлаб турган уни хору зорлиқдан.
 Эслагин-чи, қандай эдинг ўша тун,
 Мұхаббатинг энди гуллаган чоғда:
 Ўрмон маликаси янглиғ чаракълаб
 Юлдузлар чамбари қора сочингда –
 Ўшанда сенга баҳт құчоқ очарди
 Сирайм аямай неъматларини!

М а в қ а

Мен нетай, чамбар ва юрагимдаги
 Барча юлдуз сўниб қолгандир, ҳайҳот?

Ў р м о н л и к

Йўқ, барча чамбарлар сўлиған эмас.
 Атрофга назар сол, ҳар ерда байрам!
 Князъ шумтол олтин плаш кийибди,
 Ўрмон атиргулида – шода маржон.
 Беғубор оқлиқдан мағрур турар гул,
 Қирмизи тус олган булбул куйида
 Сизни унаштирган ўша бодрезак.
 Кекса самбиттолу маъюс қайин ҳам
 Олтин ва қирмизи либос кийишди
 Куз байрамига. Фақат биргина сен
 Гадонинг жулдурин ташлай олмайсан;
 Чунки унутгансан, ҳар қандай қайғу
 Гўзаллик олдида ҳамиша мағлуб.

М а в қ а

(Шиддат билан ўрнидан туради)

Менга байрам либосини бер, бобо,
 Ўрмон маликаси бўламан яна,
 Баҳт йиқилиб шунда оёқларимга
 Илтифот сўрайди ўтиниб мендан.

Ўрмонлик

Қизим,
Кўйлак тайёр ахир малика учун,
Эрка қиз яшриниб юрганди фақат
Гадодек кийиниб ҳазил-мазахга.

Мантиясини очади ва унинг ичидан шоҳона, олтин билан тикилган порфира¹ ва қумуш кисея² олиб, Мавкани кийинтиради. Мавка бодрезакка яқинлашиб, унинг қизил мевалар ғарқ пишган новдаларидан тезгина синдириб, ўзига чамбар ясайди, соchlарини ёйиб юборади, бошига чамбарни қўндириб, Ўрмонликка таъзим қиласди. У Мавканинг бошига қумуш толали тўр рўмол ташлайди.

Энди хотиржамман мен сендан.
(Унга бош сўлкиб, мағрур, шахдам одимлар билан ялангликка қараб юради ва қўздан ғойиб бўлади.)

Ўрмондан Перелесник югуриб чиқади.

Мавка

Яна сенмисан?
(Қочмоқчи бўлади)

Перелесник

(Менсимай)

Кўрқма, сени деб келганим йўқ. Анов
Дала парисини излаб келгандим,
Лек, қарасам, ухлаб қолибди. Афсус...
Нега бунча рангинг оқарган?

ДРАМАЛАР

¹ Порфира - тантанали маросимларда кийиладиган узун устки кийим.

² Кисея - нозик юпқа мато.



Мавка*(Magrur)*

Сенга шундай туюлган!

Перелесник

Шундай туюлган? Яхшилаб қарай-чи!

(Унга яқынлашади, Мавка ортга чекинади)

Нимадан құрқяпсан? Ахир, биламан,

Унаштирилгансан – тегмайман сенга.

Мавка

Йүқол! Мазах қилма!

Перелесник

Аччиқ құлмагин,

Кел, биродар бўлайлик!

Мавка

Сен билан-а?

Перелесник

Нима бўпти?

Қуёш совиган кузда

Бизнинг ҳам қонимиз совиди. Ахир,

Биз яқин бўлгандик сен билан бир пайт –

Севишдикми ёки ўйнадик – билмам –

Энди дўстлашайлик. Кўлингни бергин!

Мавка журъатсизлик билан қўлини узатади.

Изн бер, акалик меҳри-ла

Рангпаргина бетингдан ўпай...

Мавка ўзини четга олади, лекин Перелесник баридир уни ўпади.

О, гуллар
Гүёки чехрангда яшнади бирдан –
Кузнинг беғубор япроғи билан.

*(Унинг қўлларини қўйиб юбормай атрофга
аланглайди)*

Қарагин, хув ана учмоқда шу он
Хавода тебраниб, тўлғониб мезон.
Биз ҳам шундай...

(Бирдан уни рақсга тортади)

Ҳа, биз ҳам шундай!
Ошиқамиз, отиламиз
Даврага!
Юлдузга, ёрқинга,
Олтинранг учқунга,
Ёруғ нур сочаётган оловларга –
Ўша ялтири-юлтур,
Ўша нурдай учқур,
Ловуллаб кўчаётган оловларга!
Мана мен ҳам...
Мана мен ҳам...
Учқун каби бўл, азизам, сен ҳам!

*Шитоб билан айланишади, рақс авжига чиқади.
Мавканинг юзидағи кумуш тўр худди ялтироқ илонга
ўхшаб тепага учади, қора соч ўримлари ечилиб, Пере-
лесникнинг оловранг жингалак соchlарига қўшилиб ке-
тади.*

Мавка

Етар!.. Оҳ, бас қил!

Перелесник

Учқун чақнаганда
О, ҳатто бир лаҳза тўхтама, дилдор!

Бахт бир жойда турмас,
У тарк этажак, бас –
Абадий учажак шундан фусункор!

Рақс телбавор тус олаверади.

Ха, дўстлашамиз биз,
Гир-гир айланамиз
Куюндек сарҳадни!
Турамиз, чопамиз,
Албатта, топамиз
Оловли жаннатни!

М а в к а

Етар... Кўйвор мени... Мен... ўляпман.

(Унинг боши Перелесникнинг елкасига тушади,
қўллари осилади, у толиқъан Мавкани рақсда ел каби
учиради)

Бирдан ер остидан қоп-қора, қўрқинчли Аревоҳ пайдо бўлади.

А р в о ҳ

Бер, у меники! Кўйвор уни!

П е р е л е с н и к

(Тўхтайди ва қизни қўйиб юборади, Мавка ҳолсиз май-
сага чўзилади)

Сен кимсан?

А р в о ҳ

Ростданам сен мени танимайсанми?
Мен ўша – Чўққида ўтирувчиман.

Перелесник чүчіб тушади, тез ҳаракат қилиб нарига қочади ва ўрмонаға ғойиб бўлади. Мавка ўзига келиб, ўрнидан қўзғалади, қўзларини катта очиб, уни олиб кетиш учун қўлларини узатаётган Арвоҳга даҳшат билан қарайди.

М а в к а

Йўқ, асло ёнингга бормасман, ёху!
Истамайман! Ахир, мен тирикман-ку!

Ч ў қ қ и д а ў т и р у в ч и

Мен сени олиб кетаман узоқ ўлкага –
Ному нишонсиз, тинч, сиёҳдай сувлари билан
Марҳумлар кўзидек сокин, оромбахш юртга;
У ерда чўнг ва гунг чўққилар адл турар
Турли-туман ҳодисаларга гувоҳ бўлиб.
У ер жимжит. На-да дарахт, на-да майсалар
Шитирламас. Уйқусизликдаги ўй-хаёл,
Бехуда орзу-ниятлар дилни ўртамас.
Минбаъд етиб бўлмас эркинлик ҳақидаги
Кўшиқларни айтмас шамол. Ва ёнмас сира
Куйдирувчи олов. Чакмоқлар чақнаётиб
Чўққига тегиб синар ва ёриб чиқолмас
Абадий зулмат ва сокинлик қўрғонини.
Сен ўша олис ўлкада яшашинг керак,
Рўйинг учар ўтдан, ҳаракатинг бўлар суст,
Сенинг баҳтинг соядир. Сен тирик эмассан!

М а в к а

(Туради)

Йўқ, тирикман! Юрагимда барҳаёт туйғу,
Шу боис ўлим йўқ менга. Яшайман мангу!

Ч ў қ қ и д а ў т и р у в ч и

Сен буни қайдан биласан?

Мавка

Чунки севаман

Азобимни мен, унга ҳаёт бахш этаман.

Сен шуни билиб қўй, ўзим истасам агар

Уни унтишишни, шунда кетардим сен-ла.

Лекин ҳеч қанақа куч, бил, бутун оламда

Ўзим истаган имконни менга беролмас.

Ўрмонда одам қадамларининг овози эшигилади.

Ана келяпти, шу азобни берган одам,

Йўқол, арвоҳ! Мана, менинг барча умидим!

Чўққида ўтирувчи қоронғу ялангликка қараб чекинади ва қўринмай кетади. Ўрмондан Лукаш чиқиб келади. Мавка унга пешвоз боради. Унинг юзи ёрқин либосларига номутаносиб тарзда жонсиз ва рангпар бўлиб қўринади. Жон бераётган умид унинг катта, қоп-қора қўзларини янада кенгайтириб юборган, ҳаракатлари эса худди ичидаги нимадир узилаётгандек кескин, нотекис ва ғалати.

Лукаш

(Уни қўриб)

Бунчаям қўрқинчли! Нима истайсан?

(Кулбага қараб шошади, эшикни тақиллатади, она эшикни очади, лекин қўринмайди. Лукаш остоноада турриб гапиради)

Она, тоғорангни тайёрла, майли,

Бизлар Килинага совчи йўллаймиз!

(Кулбага киради)

Эшик ёпилади. Чўққида ўтирувчи яширинган жойидан чиқиб, яқинлаша бошлиайди.

Мавка

(Эгнидан порфирани юлиб олиб)
Олиб кет мени! Йўқликни истайман!

Чўққида ўтирувчи Мавкага қўл теккизади, қиз чинқириб, унинг қўлларига йиқиласди. Чўққида ўтирувчи Мавканинг устига ўзининг қора плашини ёпади. Улар ер тагига кириб кетишади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Шамолли, булатли куз туни. Ойнинг сўнгги сариқ нурлари яланғоч шохлар орасида сўнади. Уккилар инграйди, бойкушлар хохолайди, япалоққушлар ач-чиқ чинқиради. Тўсатдан ҳаммаёқ бўрининг чўзиқ, ғамгин улишига тўлади, улиш борган сайин кучаяди ва тўсатдан узилади. Сукунат чўкади.

Кеч кузнинг заҳил тонги ота бошлайди. Барглари тўқилиб битган ўрмон кулранг осмондаги дағал қора доғдек кўринади, унинг пастки қисмида сийрак-лашаётган зулмат ёйилади. Лукаш кулбасининг оп-поқ деворлари кўзга чалинади. Деворлардан бирида кимнингдир танаси қорайиб кўринади; ҳолсиз эшик кесакисига суюниб турган кимсанинг Мавка эканлиги элас-элас англашилади. Мавка қора либосда, кулранг сидирға кисеяда, фақат кўксига мўъжазгина бодре-зак дастаси. Тонг отиб, ялангликда, бир вақтлар юз йиллик эман кўкарган жойда катта тўнка кўринади, сал нарироқда, янги, ҳали ўт-ўлан билан қопланмаган қабр ҳам кўзга ташланади. Ўрмондан кулранг свита¹ ва бўри мўйнасидан қалпоқ кийган Ўрмонлик чиқиб келади.

¹ Свита – украинларнинг чакмонсимон узун кўйлаги.

Ўрмонлик

*(Кулба ёнидаги кимсага қараб)
Сенмисан, қизим?*

Мавка

(Унга яқинлашиб)

Ҳа, менман.

Ўрмонлик

Наҳот, Чўққида ўтирувчи
Сени озод қилган бўлса?

Мавка

Йўқ, ёвузылигинг билан сен қутқардинг.

Ўрмонлик

Қасоскорликни ёвузылик дейсанми?
Қасос – мен ҳаққоний қайтардим жавоб,
Ҳа, сенга хиёнат қилган кимсага!
Адолатданми унинг бўридек дайдиб
Ўрмонда тентиган саргардон, ёлғиз
Чорасиз касларни авраб юриши?
Энди у чинакам ёввойи махлуқ!
Майли, зорлансин у, майли, увласин,
Майли, ташна бўлсин инсон қонига –
Ёвуз аламлардан кутулолмайди!

Мавка

Лекин мен уни қутқардим,
Хурсанд бўлмай кўя қол. Юрагимдан
Мен охир сехрли бир сўзни топдим –
Ҳайвонни одамга айлантиради.

Үрмөнлик

(Жаҳлдан ер депсиниб, ўз ҳассасини қарсиллатиб синдиради)

Арзимайсан ўрмон қизи бўлмоққа!
Руҳинг эркин эмас, ўрмонниқимас,
Қишлоқ руҳи сенда, мутелик руҳи!

Мавка

Оҳ, ўзинг билганингда эди,
Қанчалар қўрқинчли бўлганлигини.
Мен рутубатли, ҳа, қоронғу, чуқур,
Совуқ ғорда тошдек қотиб ухладим.
Қоянинг мустаҳкам деворларини
Ёриб киргач ўзгарган овоз – чўзиқ,
Ёввойи ва ўта қайғули улиш –
Сим-сиёҳ, җонсиз сув узра тарагиб
Уйғоди ғорларда ўлган садони...
Уйғондим ва ер остидаги қайғум
Вулқондай портлатди биқиқ даҳмани,
Яна чиқдим ёруғ дунёга. Сўзлар
Менинг гунг тилимга бағишлади жон
Ва мен мўъжиза яратдим... Билдимки,
Насиб бўлмас экан менга унутиш.

Үрмөнлик

Хўш, қани у? Нега ёнингда эмас?
Наҳот, унинг нонқўрлиги абадий
Худди сўқир муҳаббатинг сингари?

Мавка

Оҳ, агар кўрганингда эди,
Бобожон! У одам қиёфасида
Оёқларимга йиқилди – кесилган
Шумтолдек ва менга кўзларин қадаб

Боқди ҳасрат тўла нигоҳлар билан,
Оҳ, унда изтироб, тавба-тазарру...
Шундай қарай олар одам боласи...
Оғиз жуфтламасдан ҳали мен сўзга,
У-чи сакраб турди, лом-мим демасдан
Титроқ кўллари ила тўсиб юзини
Жарликка, тёрнзорга отилди,
Ўша ерда кўздан йўқолиб қолди.

Ўрмонлик

Энди нима қиласан?

Мавка

Билмайман... Мен энди бир соя каби
Кезаман шу кулба ёнида. Ундан
Воз кечишга кучим етмайди... Фақат
Юрагим сезяпти – қайтиб келар у.

*Ўрмонлик сукутга чўмиб, ғамгин бош чайқайди.
Мавка яна деворга суюнади.*

Ўрмонлик

Бечора болам,
Нега бизни ташлаб кетдинг йўқлиkkа?
Туққан ўрмонингда ҳаловат йўқми?
Қара, самбиттол ҳам сени кутмоқда,
Юмшоқ тўшак солиб қўйган сен учун,
Йўлингга кўзи тўрт, андуҳ чекади.
Бор, ором ол!

Мавка

(Секин)

Йўқ, иложим йўқ, бобожон.

Үрмөнлик оғир хүрсниб, секин-аста үрмөн томонга кетади. Үрмөндан кимдир отни жон-жаҳди билан чоптиргандек жадал ва бетартиб дупурлаган товуш эшишилади-ю, кейин түсатдан тинади.

Күц

*(Күлларини ишқалаб, қулба ортидан сакраб чиқади ва
Мавкани кўриб тўхтайди)*

Э, сенмисан, Мавка, шу ердамисан?

Мавка

Сен нега бу ерда изғиб юрибсан?

Күц

Тулпорнинг ёлидан тортиб келтирдим,
У эса беармон сайр қилдирди.
Энди миндирмайди бошқа ҳеч кимни!

Мавка

Үрмөнни иснодга қўйдинг, лаънати!
Қандай келишгандинг амаки билан?

Күц

Келишув ҳам ўлган у билан бирга.

Мавка

Лев амаки ўлдими?

Күц

Ана қабри.
Эман остига кўмгандилар, лекин
Тўйнеканинг ёнида ётар бечора.



Мавка

Ха, иккови ҳам ўтибди... Амаки
 Билар эди қишдан чиқмаслигини...
 (Қабрга яқинлашади.)
 Ох, юрагим йигламоқда сен учун,
 Дўсти ягонам! Бўлса эди менда
 Ҳаётбахш кўзёш, суғорардим ерни,
 Сўлмас бўригуллар ўстирап эдим
 Сенинг қабрингда. Бечораман энди,
 Хазон бўлган баргдек чирқиллар қайғум...

Куц

Менга ярашмайди қайғуга ботиш,
 Лекин тан оламан, ачиндим чолга.
 Биз билан муроса қилиб яшарди.
 Қора эчки боқар эди гоҳида
 Отлари ёнида, фақат мен учун.
 Мен эчкида чақмоқ каби елардим,
 Отлари эса турар эди хотиржам.
 Манави хотинлар яшашни билмас,
 Билмас муросани. Эчкини сотиб,
 Кесишли эманни. Шартни бузишли.
 Мен ҳам аламдан энг яхши отларин
 Ўлгудек чоптиридим, янги олишса –
 Яна минаман. Шайтоннинг дояси
 Ялмоғиз молларин нобуд қиласи,
 Бизнинг кимлигимиз – билиб қўйиши.
 Сув ажинаси ғарамларини хўллаб,
 Богинкалар нонни могор қилишли,
 Безгак-чи, уларни қақшатар, кўлни
 Каноптола билан булғашганига.
 Ўрмонда яхшилик кутмасин улар,
 Злиденлар изғир кулба ёнида.

З ли д е н л а р

(Кичкина, ҳолдан тойган, юзларида очлик азоби абадий муҳрланиб қолган маҳлуқлар қулбанинг орқа бурчагидан чиқиб келишади)

Шу ердамиз. Ким чорляяпти бизни?

М а в к а

(Эшикни тўсиш учун югурди)

Йўқол! Кетинглар!

Сизни ҳеч ким чақиргани йўқ!

З ли д е н л а р д а н б и р и

Учган сўз –

Қайтмайди ортга.

З ли д е н л а р

(Остонага ўтириб олишади)

Биз жуда очмиз!

Тезроқ эшикни очишса эди!

М а в к а

Киритмайман у ерга!

З ли д е н

Бизга егулик бер!

М а в к а

(Кўрқув ичра)

Лекин менда ҳеч вақо йўқ...

З ли д е н

Бер, ҳеч бўлмаса, анави

Бағрингга босиб турган бодрезакни!

Мавка

Бу – менинг қоним!

Злиден

Нима бўпти? Биз севамиз қонни!

Злиденлардан бири унинг қўксига отилиб, бодрезакни сўра бошлайди, бошқалари эса бодрезакни татиб қўриш учун уни итариб, тортқилашади, ўзаро тишлашиб, итдек ир illашади.

Куц

Тўхтанглар, ҳой, у одам эмас!

Злиденлар тўхташади, тишлари такиллаб, очликдан қақшай бошлашади.

Злиден

(Куцга)

Егулик бер, йўқса, ўзингни еймиз.

(Куцга ташланишади, у четга қочади)

Куц

Ҳой, ҳой! Секинроқ!

Злиденлар

Бизлар очқаб кетдик!

Куц

Шошманглар, мен хотинларни уйғотай,

Сизга овқат бўлар, менга томоша.

(Бир ҳовуч кесак олиб деразага отади, ойна синади)

Лукаш онасининг овози

(Кулбада)

Вой! Нима бу? Яна жинларми?

Куц

(Злиденларга шивирлаб)

Кўряпсизми, уйғонишди. Ҳадемай,
Сизни чақиришар. Энди жим туринг,
Йўқса, кампир сизни шундай лаънатлар,
Даф бўласиз дарров – у бунга уста.

*Злиденлар остона ёнида қора тўда каби ғужсанак
бўлиб оладилар. Кулбадан, синган ойна орқали онанинг
ўрнидан тургани кўринади, кейин унинг овози, ана ун-
дан сўнг Килинанинг овози эшитилади.*

Она овози

Кун ёришган, анави ухлаб ётар.
Килина! Эй, Килина! Уйғонсанг-чи!
Тошдай қоттур, эй, турсанг-чи... Тур! Эй, тур...
Уйғонмасанг, умуман турма!

Килинанинг овози

(Уйқу аралаш)

Нима гап?

Она

(Заҳарханда)

Сигир соғиши вақти етди,
Серсут, туркнинг наслдор сигирини,
Мархум эринг сотиб олган сигирни.

К и л и н а

(Уйғониб)

Йўқ, мен нариги сигирни соғаман,
Фақат уч томчи сут соғиб оламан –
Бир қадоқ ёғ чиқар.

О н а

Гапини бермас!
Ким айбдор, сигир серсүт бўлмаса?
Сендек келин, бека билан... Вой, шўрим!
Шу ҳам келинми? Сен қайдан келдинг
Бошимизга бир бало бўлиб?

К и л и н а

Ким айтди сизга
Совчи йўлласин деб? Бунда юрарди
Бир ислиқи қиз – сиз ана ўшанга
Яхши либос бериб ясантирсангиз,
Бўларди чиройли, меҳрибон келин!

О н а

Нима деб ўйловдинг? Бўлар эди, ҳа,
Лукашим нодон-да – сени танлади;
У қиз шундай юввош, меҳрибон эди,
Ярангга малҳамдай боссанг бўларди...
Уни камситмасдан, ўзингга бир боқ,
Бир яшил кўйлакни неча бор тикиб,
Ҳалиям судрайсан – уялмайсан ҳам!

К и л и н а

Сизда янги кўйлак кийиб бўларми?!
Эржоним шамолдек елиб юрибди,
Мен қаттол қайнона зулми остида,
На хотинман, на бева – ғирт аросат!

О на

Қайси эр сен билан ўтира олар?
 Шум офат! Еб битирдинг бор-йўғимни
 Болаларинг билан – ана, ҳаммаси! –
 Злиденлар ёпишсин-да сизларга!

К и л и н а

Ким чақирса, ёқасига ёпишсин!
(Шу гапларни айтадиги, кулба эшигини очади)

Куц ботқоққа қочиб кетади. Злиденлар сакраб туриб, даҳлизга кириб олишади. Килина қўлида челак билан ўрмондаги жилғага қараб шитоб билан боради ва чепакни шарақлатиб сув олади, ортга эса бироз шошмасдан қайта бошлайди. Эшик ёнида бемадор деворга суюниб турган, юзига қулранг кисеяни ёпиб олган Мавқага қўзи тушади.

К и л и н а

(Тўхтайди ва чепакни ерга қўяди)
 Бу ким бўлди? Менга қара, мастмисан?
 Ёки музлаб қолдингми?
(Мавқанинг елкасидан ушлаб силкитади)

М а в қ а

(Худди оғир чарчоқ билан қурашаётгандек)
 Уйқу элитаяпти...
 Қишки уйқу...

К и л и н а

(Унинг юзини очади, Мавқани таниб)
 Нега бу ерга келдинг?
 Меҳнатинг учун ҳақ тўлашмаганми?



М а в к а*(Худди аввалгидек)*

Менга ҳақ түлолмас бирорта одам.

К и л и н а

Кимни излаб келдинг? У бу ерда йўқ.
 Биламан, сен уни излаб келгансан!
 Иқрор бўл – у сенинг ошиғингмиди?

М а в к а*(Худди ўшандек)*

О, ўшанда ажойиб
 Тонг отган эди, бугунгидек эмас...
 Аллақачон ўчган у...

К и л и н а

Сен ақлдан озгансан!

М а в к а*(Худди ўшандек)*

Мен эркинман, ғалати қандоқ...
 Булут кўкда сузар тумтароқ.
 Сузар, маъюс қайғуга чўмиб...
 Қайда қолди зангори чақмоқ?

К и л и н а*(Унинг қўлидан тортиб)*

Бор! Мени чалғитма! Нега турибсан?

М а в к а*(Гўё ҳушига келгандай, эшикдан нарига чекинади)*

Сиз қандай баҳтлисиз, кўриб турибман.

К и л и н а

Сен-чи, мўъжизага ўхшаб туравер!

Мавка бирдан барглари қуриган, шохлари эгилиб тушган самбиттолга айланади.

(Хайронликдан ўзига келгач, душманлик билан)
 А-ха! Зап вақтида топиб айтибман!
 Лекин сен узоқ вақт бундай турмайсан!

Б о л а к а й

(Күлбадан югурив чиқади, Килинага)
 Ойи, қаердасиз? Қорнимиз очди,
 Бувим овқат бермаяпти!

К и л и н а

Нари тур!
 (Болага эгилиб, паст товушда)
 Мен сизларга пирог олиб қўйғанман,
 Бувинг уйдан чиқса, еб оласизлар.

Б о л а к а й

Қуруқ самбиттолни ким суқиб қўйди?
 Айтинг, нега?

К и л и н а

Сенга ҳаммаси қизиқ.

Б о л а к а й

Мен най кесиб оламан.

К и л и н а

Кесавер, ачинмагин ҳеч.

Болакай самбиттолдан бир шох кесиб олади ва кулбага қайтади. Ўрмондан Лукаш чиқиб келади. У озиб кетган, сочлари ўсган, эгнида свита, бошида қалпоги йўқ.

(Уни кўриб, хурсанд бўлиб қичқиради, лекин аллақандай ички алам дарров шодлигини босиб кетади)

Ҳа, келдингми? Қаерларда қолиб сен –
Шунча вақт тентидинг?

Лукаш

Сўрама мендан.

Килина

Ҳа, сўрамайман ҳам.
Санқиб, дайдигансан қайдা, жин билар,
Қай мақсадда? Яна “Сўрама” эмиш.
Азизим, сўрашга ҳожат йўқ сира...
Биламан, дунёда қовоқхона бор,
У ерда, албатта, қалпоғинг қолган.

Лукаш

Борганим йўқ қовоқхонага.

Килина

Қайси аҳмоқ бунга ишонар?
(Айтиб-айтиб йиғлайди)
Бошимни умрбод балога қўйдим
Сен ароқхўрни деб!

Лукаш

Жим бўл! Увиллама!

Килина унга қўрқув билан қараб, тек қотади.

Мана, энди сен билан гаплашаман!
Амакимнинг эмани қани? Гапир!

К и л и н а

(Аевал довдираиди, кейин ўзини тутиб олади)

Нима ҳам қиласардик, очлик қўймади!
Савдогарлар келиб, сотиб олиши,
Бахтга элтармиди эман дегани!

Л у к а ш

Ахир, Лев амаким
Кесмайман деб қасам ичганди.

К и л и н а

Лев амаки ўтди дунёдан,
Нимага арзийди энди қасами?
Бизники эмас-ку бу қасам – тамом!
Мен бутун ўрмонни сотиб юборсам,
Кессам дараҳтларни хурсанд бўлардим –
Қанча ер очилар жинлардан холи.
Бунда оқшом тушса, қўрқади одам.
Қўрқинчли ўрмондан бизга нима наф?
Тентиймиз бетиним бўридек дайдиб,
Шу ҳолда ростданам увлаб қоламиз.

Л у к а ш

Ўчир овозингни! Гапирма! Жим бўл!

(Унинг овозида даҳшатли қўрқув сезилади)
Нималар деяпсан?
Ўрмонни сотиш... кесиш... Хўш, ўшанда
Бўлмайдими... Сен айтгандек?

К и л и н а

Нима?
Бўрими...

Л у к а ш

(Унинг оғзини ёпади)

Гапирма!



К и л и н а

(Силтаниб, ундан халос бўлиб)

Худодан қўрқ!
Мастсан, эсинг оғган, кўзиккансан ё?
Кулбага кир.

Л у к а ш

Мен ҳозир... бораман...
Фақат... фақат... сув ичиб олай.

*(Тиз букиб челякдан сув ичади. Кейин ўрнидан туриб,
рўпарасига тикилганча, ўйга чўмиб қолади)*

К и л и н а

Хўш? Нега бундай ўйланиб турибсан?

Л у к а ш

Менми? Шундай... Билмайман...

(Журъатсизлик билан)

Ҳеч ким келмадими менинг йўғимда?

К и л и н а

(Қатъий)

Ким келиши
Керак эди бу ерга?

Л у к а ш

(Бошини эгиб)

Билмадим...

К и л и н а

(Кек билан, заҳарханда қулиб)

Сен билмасанг,
Ҳа, балки мен биларман.

Лукаш

Сен?

Килина

Хўш, нима?

Ахир, мен биламан, кимни кутяпсан,
Лекин кўз тутишинг бари беҳуда!
У энди оғочга айланиб қолган...

Лукаш

Нималар деяпсан?

Килина

Эшигтан гапингни.

Она

(*Кулбадан юғуриб чиқади ва қучогини очиб Лукаш томонга йўналади. У онаси билан совуққина қўришади)*

Ўғлим менинг!

Ўғилгинам!.. Вой, қанча азоб чекдим
Бу ялмоғиз билан!

Лукаш

(Titrab)

Қайси ялмоғиз?

Она

(Килинани қўрсатиб)

Мана бу билан!

Лукаш

(Аччиқ кулиб)

Бу ҳамми? Демак, тақдирингизда бор,
Ҳа, ялмоғизларга қайнона бўлиш.
Ким айбдор? Сиз-ку, уни мақтаган.



О на

Аввалроқ билганимда эди, унинг
Бу қадар бетартиб, бегамлигини!..

К и л и н а

(Гапга қўшилиб)

Вой, шўргина!
Ким айтаяпти? Сендай ялмоғизни,
Сендайин заҳарни дунё кўрмаган!
Сени онанг, Лукаш, шундай балоки,
Ҳатто темирниям ғажиб ташлайди!

Л у к а ш

Сен эса
Темирдан қаттиқсан, демак.

К и л и н а

Сендан химояни кутиб бўларми!
Она қандай бўлса, ўғил ҳам шундай!
Уйлангандинг ўзи қандай хаёлда,
Фақатгина мени хўрлаш учунми?

О на

(Лукашга)

Нега энди сен
Оғзингни юм, демайсан унга? Нечун
Мен унинг таънасин тинглашим керак?

Л у к а ш

Хеч курса, бир соат ором беринглар!
Худо хоҳласа, мен нафақат кулба,
Ёруғ дунёни ҳам ташлаб кетаман!

К и л и н а

(Онага)

Хўш? Сиз шуни кутганмидингиз?

О на

Сен ҳам шуни кутгил
Түкән ўғлингдан!

(Жаҳли чиқиб қулбага қараб кетади.

Остонада қўлида най билан югуриб чиққан Килина-
нинг ўғилчасига дуч келади)

Бор, йўқол, злиден!

(Болакайни итариб юбориб, қулбага киради ва
эшикни тарақлатиб ёпади)

Болакай

Келдингизми, дада?

Лукаш

Ҳа, ўғилчам.

(“Ўғилчам”-деган сўзни истеҳзо билан айтади)

Килина

(Ранжисиб)

Айтгин унга, сени қандай чақирсин –

Амаки, дебми?

Лукаш

(Бироз хижолат тортиб)

Йўғ-э, ҳечқиси йўқ...

Кел, қани бу ёқقا, миттивой, қўрқма.

(Болакайнинг бошини силайди)

Найни ўзинг ясадингми?

Болакай

Ҳа, ўзим,

Лекин чалишни билмадим. Агар сиз...

(Лукашга найни узатади)

Лукаш

Менинг даврим ўтган аллақачонлар!..
(Маъюс ўйга толади)

Болакай

(Йиғламсираб)

Демак, хоҳламайсиз? Ойижон, нега,
 Дадам менга найни чалиб бермайди?

Килина

Яна нима? Шу най керакми сенга!

Лукаш

Қани, найни бу ёқقا бер-чи!
(найни олади)

Яхши.

Самбиттолдан ясадингми?

Болакай

Ха, мана бундан.

(Мавка айланиб қолган самбиттолни кўрсатади)

Лукаш

Уни бу ерда кўрмагандим, аввал.

(Килинага)

Сен ўтқаздингми?

Килина

Ким ҳам ўтқазарди?

Самбиттол новдаси ўсиб кетибди.

Сувда ўсган каби – ёмғир фасли-ку!

Болакай

(Инжиқланиб)

Нега чалмаяпсиз?

Лукаш (Ўйчан)

Чалсаммикин?

(Найни чала бошлайди, аввал секин, кейин баландроқ чалади, кейин бир вақтлар Мавкага чалиб берган "Веснянка" куйини чалади. Тўсатдан най одам овози билан куйлай бошлайди)

Куй бунчалар саркашdir,
Дилимга ўт туташди.
Ўртанар оппоқ сийнам,
Юрак ёнар, кўзда нам...

Лукаш

(Найни қўлидан тушириб юборади)
Вой! Бу қандай най бўлди? Сеҳр! Сеҳр!

Болакай қўрқиб кулбага қочиб кетади.

Айт, сен жодугар, бу қандай самбиттол?
(Килинанинг елкасидан ушлайди)

Килина

Қўйвор мени, буни қайдан биламан?
Ўрмон жинси билан таниш эмасман –
Сени яқинларингдек. Гар истасанг,
Чопиб ташла уни, ол болтани, ол!

(Даҳлиздан болта олиб чиқиб беради)

Лукаш

*(Болтани олиб, самбиттолга яқинлашади,
дараҳт танасига болта уради. Дараҳт титраб,
куруқ барглари шитирлайди. У иккинчи марта болта
уради ва қўлини туширади)*

Йўқ, унга қўл кўтара олмайман, йўқ...
Юрагимни эзди нимадир...

Килина

Менга бер-чи!
*(Лукашнинг қўлидан болтани тортаб олади ва қулоч-
кашлаб самбиттол танасига уради)*

*Шу пайт осмондан илонизи метеор бўлиб Перелес-
ник учиб тушади ва самбиттолни қучоқлайди.*

Перелесник

Кутқараман сени, менинг севгилим!

*Бирдан самбиттол ловуллаб ёниб кетади. Олов
даражат учига етгач, кулбага ўтади, сомонли томни
ишғол қилгач, бутун кулбани қамраб олади. Лукашнинг
онаси ва Килинанинг болалари “Ёнаяпти! Ёнаяпти!
Вой-дод қутқаринг, ёнғин!” деб қичқирганча кулбадан
отилиб чиқишиади.*

*Она билан Килина оловдан тортаб олиш мумкин
бўлган нимаики нарса бўлса, барини олиб чиқишига ури-
ниб, югуриб-елишиади. Қопларда ва тугунларда ғужа-
нак бўлиб олган Злиденларни олиб чиқишиади, улар тез-
лик билан яна қопларга беркинишиади. Болалар челяк
билан кўлга югуришиади, оловга сув сепишиади, лекин
олов янада қучлироқ ловуллайди.*

Она

(Лукашга)

Нега қаққаясан? Мулкингни қутқар!

Лукаш

*(Худди гулга ўхшаш жингалак олов билан қопланган
тўсингларга бақрайиб)*

Мулк? Балки ёвуэлик ёнаётгандир?

*Тўсинглар қарсиллаб қулайди, учқунлар устундан
юқорига отиласди, шифт ўпир илиб тушади ва бутун*

кулба гулханга айланади: Оғир оқ булут яқинлашади, қор ёғади. Тез орада бўралаётган қор орасидан ҳеч ким қўринмай қолади, фақат пирпираб турган қип-қизил дөғ ёнғин бўлган жойни билдириб туради. Кейин қип-қизил дөғ ҳам ўчиб, қор сийраклашганда қоп-қора куйиндилар қўринади, у намлиқдан бурқсиб вишиллайди. Лукашнинг онаси, Килинанинг болалари ва тугулар қўринмайди. Ёғаётган қор ортидан ёниб битмаган пичанхона, арава ва дехқончилик жиҳозлари кўзга ташланади.

К и л и н а

(Кўлида охирги тугун билан Лукашнинг енгидан тортиб)

Лукаш! Шу туришда қотиб қолдингми?
Менга тугун ташишга қарашсанг-чи!

Л у к а ш

Сиз злиденларни олиб чиқдингиз.

К и л и н а

Тилингни тий! Сен нималар деяпсан?

Л у к а ш

(Секин, ғалати қулги билан қулади)

Мен сен кўрмаган нарсани кўраман...
Энди мен донишмандман...

К и л и н а

(Қўрқиб)

Нималар деяпсан?
Вой, қўрқиб кетяпман... Сенга не бўлди?

Л у к а ш

Нега қўрқасан? Нодонликдан қўрқмай,
Донишманддан қўрқасанми?



К и л и н а

Оҳ, Лукаш,
Қишлоққа борайлик!

Л у к а ш

Йўқ, мен бормайман.
Ўрмондан кетмайман. Қоламан бунда.

К и л и н а

Нима ҳам қилардинг бу ерда?

Л у к а ш

Ахир,
Нимадир қилиш шартми?

К и л и н а

Биз қандай яшаймиз?

Л у к а ш

Яшаш ҳам шартми?

К и л и н а

Эй, нима бўлди ўзи сенга?
Айрилиб қолдингми ё ақл-хушдан?
Балки кўркув сени шу қўйга солди.
Тезроқ қишлоққа борайлик, фолбинга
Айтай, кўркувингни қувиб ҳайдасин!
(Унинг қўлидан тортади)

Л у к а ш

(Унга лоқайд қулги билан қараиди)
Хўш, унда ким
Бу култепани кўриқладайди?
(Арава ва майдада-чуйдаларга ишора қиласди)

К и л и н а

(Омилкорлик билан)

Вой, ростдан! Яна ташиб кетишса-я!
 Ёнгиннинг дарагин эшитса борми,
 Қишлоқдан югуриб келар одамлар!
 Лукаш, сен шу ерда тура тур, майли,
 Мен бориб битта от олиб келаман –
 Ахир, бизнинг отлар нобуд бўлди-ку!
 Неки бўлса, элтиб қариндошларга,
 Ёлворамиз сақлаб беринг деб...

Вой, шўрим! Жон сақлаш керак-ку, ахир!..

(Охирги сўзларини ўрмонга қараб югуриб
 кетаётганида айтади)

Лукаш уни эшитилар-эшитилмас кулги билан кузатади. Тез орада Килина қўзга қўринмай кетади. Ўрмондан узун оқ қўйлакда ва қадимий усулда ўралган дока рўмолда қандайдир баланд бўйли аёл танаси чиқиб кела бошлайди. У худди шамолда тебрангандек гандираклаб келади; йиқиласди, баъзан тўхтайди ва ниманидир излагандек эгилади. Яқинлашиб келиб, ёнгин бўлган жой олдида ўсган маймунжон бутаси ёнида тўхтаб, қаддини тиклайди. Шунда унинг Лукашнинг юзига ўхшаб кетадиган озғин юзи қўринади.

Л у к а ш

Айт-чи, кимсан? Нега келдингбу ерга?

Аёл танаси

Мен – баҳтиқаро Қисматман.
 Оҳ, мени бу чангизорга
 Ўзбошимчалик ташлаган.
 Энди тушиб изтиробга,
 Соя каби изғияпман.



Йиқиляпман ерга ҳамон,
 Қайтиб бўлмас жаннат томон
 Сўқмоқ топмай тўзғияпман.
 Оҳ, чамаси, у сўқмоқни
 Босиб қолган қорлар оппоқ,
 Мен ўзимни чангалзорга
 Абад кўмиб қўйдим, э воҳ!..

Лукаш

Қисматим, қани, сен синдир,
 Ҳеч курса, хув, маймунжонни.
 Супир-сицирга, инчунин,
 Қорлардан тозалаш учун
 Кичик сўқмоқ-йўл томонни.

Қисмат

Қачонлардир авжи баҳор –
 Ўрмонда мен сайр этганиман.
 Белги бўлар деб сўқмоқقا
 Бир ғаройиб гул экканман.
 У гулни сен ҳазон этдинг,
 Оёқларинг билан топтаб...
 Чор атрофни босди бурган,
 Мен излайман – борми қўрган,
 Нигоронман бир йўл истаб?

Лукаш

Қисматим, қўлларинг билан
 Оча қол сўқмоқ изини.
 Қор остидан тополмайсан
 Ғаройиб гул илдизини?

Қисмат

Қўлларим муз бўлиб қотди,
 Қимиrlамас ҳатто бармоқ...
 Оҳ, аччиқ йиғлаб юрибман,



Кўриб ва билиб турибман,
Мендан нишон қолмас мутлоқ.
(Инграганча юради)

Лукаш

(Унга қўлларини узатиб)
Қисматим, оҳ, ортга қайт,
Сенсиз қандай яшай, айт!

Қисмат

(Лукашнинг оёғи остига, ерга ишора қилиб)
Унут бўлиб – ёлғиз, нотавон,
Кесилган шу шох каби нолон!
(Гандираклаганча кетади ва қор ичра
ғойиб бўлади)

Лукаш Қисмат қўрсатган ерга эгилади, ўша ерга ташланган, самбиттолдан ясалган найни топиб, қўлига олади ва оппоқ яланглик бўйлаб қайнининг олдига боради. Узун, қордан оқарган шохлар тагига ўтириб, найни қўлида айлантиради, гоҳо худди боладек илжаяди. Қайн ортидан оҳиста оқ, шаффоғ аёл танаси чиқиб келади ва Лукаш устига энгашади. Унинг юзи Мавканикига ўхшаб кетади.

Мавканинг танаси

Чал, кутавериб юрак толди,
Мендан фақат шу нарса қолди.

Лукаш

Ҳа, бу сенми? Келдингми, хунхор мисол
Қонимни ичгали? Ичгил, bemalol!
(Кўксини очади)
Қоним билан яша! Чунки мен бебок,
Ҳа, сени ўзим қилганман ҳалок...



Мавка

Йўқ, севгилим, сен
 Менга жон бахш этдинг, гўёки пичоқ
 Гунг самбиттолга сас бергандек у чоқ.

Лукаш

Жон бахш этдим? Танни йўқотдим, э воҳ!
 Ким бўлдинг энди сен? Соясан! Арвоҳ!

*(Мавкага таърифга сиғмас ҳасрат билан
 қарайди)*

Мавка

О, танимга ачинма жиндай!
 Лов-лов ёнган ўтга кўчди у,
 Соф ва ёрқин, бамисоли май,
 Учқун бўлиб кўйка учди у.
 Назар солгин, сен майин кулга,
 Тупроқ билан жобажо бўлар.
 Ёш самбиттол бўй чўзар кунга,
 Интиҳом ҳам ибтидо бўлар.
 Қошимга келади одамлар,
 Жуда кўп одамлар келади.
 Бошлаб келар кувончу ғамлар –
 Юрагим барини билади.
 Уларнинг дардини аритар,
 Самбитеттол новдасин шивири.
 Найнинг майин овози етар,
 Яна маъюс шабнамнинг сири...
 Мен қуйлайман билганларимни,
 Сенинг қўшиғингни айтаман.
 Баҳор чоғи кулганларимни...
 Ўша ўтмишимга қайтаман,
 Севгилим, чала қол, ёлвораман!

Лукаш най чала бошлайди. Аввал унинг куйи қиши шамолидек ғамгин, йўқотилган, лекин унугтилмас ниманингдир армонидек қайғули бир оҳангда янграйди ва кўп ўтмай, севги куйи ғолиб келиб, ҳасратли оҳангларни босиб кетади. Мусика ўзгаришига қараб, атрофдаги қиши манзараси ҳам туслана боради: қайин жингала япроқларини шитирлатади, гуллаётган ўрмонда баҳорий товушлар акс садо беради, хира қиши қуни ёрқин, ойдин баҳор тунига айланади. Мавқа бирдан аввалги гўзаллиги билан, бошида юлдузли чамбар билан кўринади. Лукаш баҳт чорлови билан унга қараб отиласди.

Шамол дараҳтлардаги оппоқ гулни узади. Гул учеб-учиб, севишганларни беркитади, кейин қуюқ қорбўрони бошланади. Бўрон сал тинганда эса яна қиши манзараси намоён бўлади. Дараҳт шохлари оғир қор залворидан эгилган. Лукаш бир ўзи қайнинг суяниб ўтирибди, қўлида най, кўзлари юмуқ, лабларида баҳтили табассум қотиб қолган. У қимиirlамай ўтиради. Қор унинг бошига телпак бўлиб тушади, унинг бутун танасини қоплайди ва тинимсиз ёғаверади...

25 июль 1911 йил

■ ТАДҚИҚОТЛАР

Асил РАШИДОВ

ЗУЛМАТ ИЧРА ЗИЁ ИЗЛАБ

“Чоризмнинг адолатсизлиги Тарас Шевченкони азоблади. Чорасиз Леся Українкани бир умр түшакка михлаб ташлади. Иван Франкони эса, Польша “патриотлари” ва Украина шовинистлари хўрлаб-ҳақоратладилар... Бироқ бу уч улуғ шоиримиз бутун кишиликка, ўз халқига, ёрқин келажакка ишонч кўзи билан қарашдан ҳеч қачон қайтмади. Тарих уларнинг янглишмаганини кўрсатди”.

М.Рильский

Бизда меҳнаткаш халқ оммасининг баҳт-саодати, эрки ва порлоқ истиқболи йўлида фидокорлик кўрсатган ўтмишнинг улуғ сиймолари, юрти, миллати, ирқи ва жинсидан қатъни назар, ўзининг чинакам қадр-қимматини топади. Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Умар Хайём, Рӯдакий, Алишер Навоий, Фузулий, Рабинранат Тагор, Махтумқули, Аҳмад Доңиш, Бердақ, Абай Қўнонбоев каби Шарқ доңишмандлари, Ломоносов, Пушкин, Лермонтов, Толстой, Чехов, Гоголь, Белинский, Чернишевский, Добролюбов сингари рус

реалистлари, Бальзак, Шекспир, Гёте, Золя, Мопассан, Байрон, Стендалдек Фарб сўз меъморлари озодлик ва бахт қарор топган нурафшон диёримизда ўзларига муносиб иззат-хурматга эга бўлдилар. Буларнинг боиси мазкур ижодкорлар асарларининг миллийлигидан ташқари, умуминсоний ва байналмилал характерга эга эканлигидир.

Меҳнатсевар ва донишманд украин халқи ҳам ўтмишда Т.Г.Шевченко, Марко Вовчук, И.Я.Франко, П.А.Грабовский, М.М.Коцюбинский каби буюк сўз санъаткорларини етишириб, жаҳон маданияти тараққиётига улкан ҳисса кўшди. Украин халқи ва украин адабиётининг ифтихори, мутафаккири ва атоқли шоираси, машхур қўбизчи Т.Шевченко ва И.Франко сингари даҳо санъаткорларнинг издошлидан бири Леся Українка жаҳон адабиётининг ана шундай титанлари қаторида туради. Украин адабиёти тараққиётida янги даврни бошлаб берган Т.Шевченко ва янгича сиёсий, фалсафий лирикани яратган И.Франко сингари устозлари йўлидан борган Л.Українка, М.М.Коцюбинский, В.С.Степаник каби демократик йўналишдаги реалист ёзувчилар украин адабиётини ҳам мавзу, ҳам жанр жиҳатидан бойитиб, уларнинг гуманистик ва умумбашарий ғояларини янада ривожлантирилар.

Леся Українканинг ҳаётга, келажакка оптимистик рух билан суғорилган ажойиб шеърлари, поэмалари, эртаклари ва пьесалари халқни доимо эрк, озодлик ва бахт учун қурашга чақиради. Бу ўлмас асарлар қайси мавзуга бағишиланган бўлмасин замонаси билан ҳамоҳангдир. Шунинг учун ҳам улар ҳали-ҳануз ўз қадр-қимматини сақлаган ҳолда зўр иштиёқ, катта меҳр-муҳаббат билан ўқилмоқда. Адиба қиёфасида ноёб истеъдод, ҳаётга чанқоқлик, иродада кучи бир бутун ҳолда мужассам этилган. Оғир хасталик, қамоқ, полиция таъқибию тазийклар заиф бил қизчанинг

метин иродасини бука олмайды. Ҳаётга муҳаббат, воқеликка теран муносабат рухи, халқقا, Ватанга хизмат қилиш түйғуси Лесяга енгилмас күч-куват бағишлайды. Истиқболга қатъий ишонч ва интилиш, матонат, ёрқин оптимизм Леся Українка ижодининг асосий йўналишини белгилайди.

Маълумки, жаҳон адабиёти тарихида Леся Українка сингари ноёб истеъдод соҳибалари бўлган хотин-қизлар номини жуда камдан-кам учратиш мумкин. Қадим Юнон шоираси Сапфо, француз Уйғониш даври шоираси Маргарита Новарская, Жорж Санд, машҳур Шарқ шоираси Зебунисо, ўзбек шоираси Но-дирабегим сингари украина халқининг севимли фарзанди Леся Українка ҳам ўз халқининг фахри бўлиб қолди.

Леся Українка Россиядагӣ озодлик ҳаракатининг учинчи босқичи – пролетар ҳаракати авж олган бир даврда яшаб ижод қилди. У ўз ҳаёти ва ижодини меҳнаткаш халқ оммасининг ижтимоий, миллий зулмдан озод бўлиши йўлида олиб борган мардонавр курашига бағишлади. Леся Українка кўп қиррали талант соҳибаси: у сўз санъатининг деярли барча тур ва жанрларида моҳирона қалам тебрата олди. Чунончи, у лирик шоира, ажойиб драматург, моҳир таржи-мон, адабиётшунос олим, адабий танқидчи, прозаик, фольклорист, публицист ва тарихчи олим сифатида кенг шуҳрат қозонди. Леся Українка бадиий ижод борасида Байрон, Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Шевченко ижоди байроғини баланд кўтарди. Буюк замондоши Иван Франкодан мадад ва маслаҳатлар олди, уларнинг энг яхши анъаналарини янги тарихий шароитда изчиллик билан давом эттириб ва янада бойитиб, украин адабиёти тарихига янги мавзу, янги ғоя, янги сюжет ва янги тимсоллар олиб кирди. Санъаткор касаллик исканжасида атиги қирқ икки йил умр кўриб, ўттиз йил (1883–1913) ижод этган бўл-

са-да, салмоқли адабий мерос қолдирди. Унинг икки юзга яқин лирик шеърлари, йигирмага яқин драматик асарлари, ўндан ортиқ поэма, кўплаб ҳикоялари, адабий-танқидий ва публицистик мақолалари украин адабиёти тараққиётiga улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Леся Українканинг адабий ижоди жанр ва мавзу эътибори билан ранг-баранг бўлиб, ғоявий-бадиий жиҳатдан етуклиги, ўз даврининг долзарб масалаларини бевосита ёки билвосита кўтариб чиқиб, тўғри ҳал этганлиги, такрорланмас ёрқин характерларга бойлиги, етук реализми ва инқилобий романтизми, жозибадорлиги ва жўшқинлиги, эркпарварлик ва гуманизм руҳига чуқур суғорилганлиги билан характерланади, киши қалбини ўзига мафтун эта-ди, тўлқинлантиради. Маълумки, сўз санъаткорларини ўз ҳалқининг элчиси тимсолидир дейдилар. Дарҳақиқат, ҳалқнинг миллий характери, урф-одатлари, эзгу туйғулари, орзу-умидларию жўшқин ва фаол интилишлари келажак авлодларга санъаткорлари орқали етиб боради. Ўз адабиётининг кўрки бўлган Леся Українка ҳам шундай ижодкорлар сирасига киради. Зоро, Українка асарларининг руҳи, оҳанги, мазмун ва моҳиятини белгилаб берган тамойиллар ҳам худди шу умуминсоний фикр-туйғулардир. Унинг лирикасида, достонларида, драматик асарларию публицистикасида Українанинг бой тарихи ёритилади, замонасининг долзарб масалалари кўтариб чиқилади. Шунинг учун ҳам улар ҳануз ўз эстетик-тарбиявий қимматини сақлаб қолмоқда. Санъаткор умрибоқий асарлари билан украин адабиёти тарихида янги саҳифа очди. Шоира украин адабиёти тарихидагина эмас, балки умуман ижтимоий фикрлар тараққиётни тарихида катта роль ўйнади.

Леся Українканинг ноёб истеъодини илк бор пайқаган буюк украин шоири Иван Франко шоира-



нинг "Қўшиқлар қанотида" шеърлар тўплами нашр этилиши муносабати билан унга юксак баҳо беради: «Шевченконинг "Қўминг-у, қўзғанг исён, кишанлар чил-чил бўлсин!" дегандан буён Украина ана шу ожизгина ногирон қизнинг шеърларидек кучли, қизғин ва шоирона сўзларни эшитмаган эди, – деб ёзган эди у. – ...Хозирги замон украин эркакларининг ожиз ёки насиҳатомуз асарларини ўқиб ва уларни Леся Українканинг бардам, кучли, жасур, шу билан бирга содда, самимий сўзларига қиёслаб, беихтиёр: шу хаста, заиф қиз ҳозирги замон украин адабиётидаги ягона эркак эмасми, деб ўйлайсан, киши”¹.

* * *

Шоиранинг асл исми Лариса Петровна Косач бўлиб, адабий тахаллуси Леся Українкадир.

Лариса 1871 йилнинг 25 (13) февраляда Новгород-Волинскда зиёли дворян оиласида дунёга келди ва зулм, ҳақорат, ҳақсизлик ҳукм сурган бир замонда яшаб ижод этди. Леся Українка болалигидаёқ маърифатпарварлик руҳида тарбияланади. Аввали унинг оиласи эркесвар, эркпарвар оила эди. Лесянинг отаси Пётр Антонович Косач дворянларнинг ер масалалари билан шуғулланувчи кенгаш раиси бўлган. У маърифатли, тараққийпарвар зиёли бўлиб, рус ва украин адабиёти классикларини яхши билган – болалари қалбида улуғ ёзувчиларга ҳурмат-муҳаббат уйғотган. Онаси Ольга Петровна Косач украин адабиётида Олена Пчилка тахаллуси билан ижод қилган таниқли ёзувчи бўлган. Тоғаси Михаил Драгоманов – машхур тарихчи ва публицист. Ўша давр украин зиёлилари: М.П.Старицкий, Н.В.Лисенко сингари атоқли ёзувчилар, драматурглар, рассомлар, созандалар Ольга Петровна атрофига уюшиб, Лесялар уйида баҳслар ўтка-

зишарди. Қизғин сұхбатлар, адабий мунозаралар ёш қалбда чуқур из қолдиради. Мана шу муҳит Ларисани адабиёт майдонига етаклайди.

Ларисанинг болалик йиллари Волиндаги Колоджанниң қишлоғида, отасининг мулкида ўтган. Бу ерда у қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти ва турмушини ўз қўзи билан кўради, деҳқонлардан эркпарварлик руҳи билан суғорилган халқ қўшиқлари, эртаклари ва афсоналарини эшитади. Шоира болалик хотираларини умр бўйи эслаб юради, ўз ижодиёти жараёнида уларга алоҳида бир илиқлик, меҳр-ла қайта-қайта мурожаат қиласиди.

Шоиранинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, унинг ижоди руҳий азоблар ичида етилганини кўрамиз. У ўн бир ёшида суяқ сили касаллигига дучор бўлади ва умр бўйи ана шу дард изтиробини чекади. Ойлаб, йиллаб тўшакка михланиб қолади. Даволаниш учун у Вена, Берлин, Прага, София, Женева, Одесса, Киев каби шаҳарларга, Кавказ ва Кримга, Миср, Италия, Германия каби мамлакатларга боришга мажбур бўлади, лекин фойдаси бўлмайди. Шоира ҳаётни беҳад севади, у оғир руҳий азобда яшаса-да, тушкунликка тушмади, хасталик унинг иродасини букиб, маънавий мажруҳ қила олмади.

Леся Українканинг жўшқин ва мафтункор ижоди унинг ўз тақдиди, ўз ҳаёт силсилалари билан узвий боғлиқ, шахсий кечинмалари асосида битилгандир. Уларда инсон юрагидаги кўз илғамас кайфиятлар, ғусса ва шодлик, висол ва ҳижрон, улуғвор табиатнинг нозик таассуротлари чизилади. Лекин у ҳар қандай ҳолда ҳам, тор интим кайфиятлар қобиғида қолиб кетмади. Унинг лирик шеърларидағи қаҳрамон ижтимоий ақидали, оптимист, курашчан, чуқур ақл-идрок соҳибиdir. Унинг сатрлари орасида баҳодир бир юрак уриб туради. Українка шеъриятининг фазилатларидан бири ҳам ундаги умидбахш руҳнинг



кучлилигидир. Шоира қалбидаги энг катта дард ҳақ ва халқ, жамият дарди эди. “Жамият ҳар қандай индивид сингари тирик бир организмдирки, унинг ҳам ўзига хос ўсиб-улғайиш даври, соғлиги, bemорлиги, қайғуси, шодлиги, таназзулга юз тутган онлари, тузылиш ва паймонаси тўлган онлари бўлади. Тирик инсон ўз руҳида, юрагида, қонида жамият ҳаётини ташийди, беихтиёр унинг иллатидан дард чекади, унинг изтиробларидан азоб тортади...” (В.Белинский). Ўз халқининг оташбардор қизи, қаҳрамонлик намунаси (тимсоли) ўлароқ таназзулга юз тутган жамият иллатларидан озор чекади ва уларни қалам кучи билан кескин фош этади. “Агар менда, – деб ёзган эди шоира, – чиндан ҳам талант бор бўлса, у ҳеч қачон ўлмайди. Уни на сил касали, на асабийлик ҳалок қила олади”. Леся Українка ўз ижодига чидам билан сайқал бера бошлайди. Касаллик изтиробларини енгиб, китоблар оламига шўнгийди, ўз устида тинимсиз ишлайди. Тиниб-тинчимас, тиришқоқ, метин иродали ёш Лариса мустақил равишда адабиёт, санъат, тарих, географияни ва хорижий тилларни қунт билан ўрганади. Хусусан, немис, француз, инглиз, грек, лотин, итальян, поляк, болгар, испан ва бошқа тилларни пухта эгаллаб олади.

Леся Українка болалик чоғлариданоқ Пушкин, Гоголь, Лермонтов, Тургенев, Некрасов, Салтиков-Шчедрин, Шевченко, Марко Вовчук каби рус ва украин классикларининг асарларини астойдил севиб ўрганади. Чернишевский, Белинский, Добролюбов каби рус маърифатпарварларини ўз устози деб билади. Буларнинг асарлари ўз навбатида Леся Українка учун мураббийлик ролини ўтади; шоира улардан ҳаётда ўзини қизиқтирган, ҳаяжонлантирган муҳим масалаларга жавоб топади. Айниқса, Леся Українка севимли устозлари машҳур “қўбизчи” Шевченко ва оташин курашчи шоир Франко ижодини синчиклаб ўрга-

нади, уларнинг поэзиясида илгари сурилган илғор анъаналарни янги шароитда ўз даври талабларига кўра изчиллик билан давом эттирди. Мазлумларга меҳр-муҳаббат, золимларга нисбатан ғазаб-нафрат, уларга қарши халқни курашга чақириш каби устозлари Шевченко ва Франко ижодида илгари сурилган инқилобий ғоялар унинг асарларида янада жаранглаб эшитилди.

Шунингдек, Леся Українканинг ижоди Максим Горькийнинг бебаҳо хазинаси анъаналарини ўзига сингдирган. Айниқса, Горький ижодидаги инқилобий романтик туйғулар Леся Українканинг поэзиясига ва шеърий драматургиясига кучли таъсир этганини яққол кўриш мумкин.

Леся Українка рус ва украин классик адабиётининг илғор анъаналаридан ижодий озиқланиш билан бирга, бу иккала халқ адабиётини ва маданиятини бир-бирига яқинлаштириш, илғор рус маданиятини украин халқи орасида кенг тарғиб қилиш борасида катта ишлар қилди. Чунончи, у чор ҳокимиютининг цензураси шароитида Киевда ва бошқа шаҳарларда рус классик ёзувчиларининг асарларини украин тилига таржима қилиш учун тўгараклар ташкил этишда ташаббускор бўлди.

Бугина эмас, шоира Farb адабиётининг буюк на-мояндалари Гомер, Гёте, Гейне, Шиллер, Гюго, Байрон каби сўз усталарининг нодир асарларини асл нусхада катта бир меҳр билан ўқиб-ўрганади, уларнинг поэтик даҳосидан сабоқ олади ва ўз она тилига уларни маҳорат билан таржима қиласди. Булар, биринчидан, адабанинг зеҳни ўтқир, хотираси кучли, истеъододлилигидан дарак берса, иккинчидан, шоира асарларининг бадиий юксакликка кўтарилишида муҳим аҳамият касб этди.

Атоқли украин ёзувчиси М.Бажан Леся Українка ижодининг бу хислати хусусида тўхталиб: “У ўз ижо-

дини украин, рус ва жаҳон адабиётининг илғор анъ-аналари руҳи билан тоблади", дея шоиранинг ижодиди ни юксак баҳолаган эди.

Леся Українка ёркесвар ва инқилобий муҳитда тарбияланди. Бу борада у тарбия топган оила муҳитининг таъсири кучли бўлган. Болалик чоғидаёқ инқилобий қайфиятдаги зиёлилар билан илиқ муносабатда бўлиб, уларнинг самодержавиега қарши олиб бораётган мардонавор курашига хайриҳоҳлик билан қараганини шоиранинг тўққиз ёшида ёзган "Умид" номли биринчи шеъридан ҳам пайқаш мумкин. 1879 йилда инқилобий фаолияти учун Сибирда Олонецк губерниясида сургунда юрган холаси Елена Антоновнага бағишлиланган мазкур шеърида бўлажак шоира лирик қаҳрамон – холасининг она-Ватандан узоқда, мусофирилкда чекаётган изтиробларини, ватанни соғинишини, қўмсашини самимий, ёрқин мисраларда ачиниш билан ифодалайди.

*Бахтим қаро экан, толейим нигун,
Ёлғиз умид билан яшайман бугун:
Умидим бир кўрсам Украинамни,
Диёрим-мунисим, жоним онамни.
Зангор Днепрга бир боқар бўлсам,
Армоним йўқ эди, сўнг, майли, ўлсам.
Кири адирларда юрсайдим яна,
Тошқин ўйларимни сурсайдим яна...
Бахтим қаро экан, толейим нигун,
Ёлғиз умид билан яшайман бугун.*

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Бу хусусиятлар, аввало, ватанга муҳаббат мотивларида кўринади. Шоиранинг холасига бағишлиланган бу самимий туйғуси унинг ижодида тобора поэтик сайқал топиб, жанговар руҳ касб эта боради. Бошқача

айтганда, ватанга муҳаббат – фидокорона кураш демакдир. Шоира ижоди фаол гражданлик руҳи билан сүғорилган. Халқни уйғонишга даъват этиш – Пушкиндан Горькийгача давом этган, бутун илғор рус адабиёти мазмунидан ўтган, қардош адабиётларга ҳам келиб етган бу гражданлик руҳи Леся Украинка ижодини халққа яқынлаштирган хусусиятдир. Исёнкор шоира ўз куйларига қарата “Жасур дўстлар қўлида душманга қарши шамшир, курашчига ҳамроҳ бўлинг!” дея хитоб қиласди.

Шундай қилиб, Леся Украинка ўз замонасининг билимдони, юксак маданиятли тараққийпарвар зиёлиси бўлиб етишди. 1891 йилда Леся Украинка билан биринчи марта учрашган таниқли демократ ёзувчи Михайло Павлик ўзининг бир мактубида қўйидагича ёзади: “Леся ўз билими ва ўткир зеҳни билан мени ҳайратда қолдирди... Мен уни фақат шеърият бобидагина билимдон бўлса керак, деб ўйлардим. Аслида бундай бўлиб чиқмади. У – улуғ истеъдод соҳибаси экан. Биз узоқ сұхбатлашдик: ҳар бир сўзидан ундаги етук ақлни, халқ ҳаёти ва маърифатини, фанни ва поэзияни чуқур идрок этишини сездим”.

* * *

Россия мазлумларининг 1890–1900 йиллардаги ҳаракати шоира дунёқарашининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди, Россиянинг қатор шаҳар ва қишлоқлари ҳамда чет мамлакатларга қилган сафарлари натижасида Леся Украинка муштумзўрларнинг йиртқич башарасини кўради, йўқсил омма ҳадсиз эзилаётганининг гувоҳи бўлади. Шоира зулм ва эркисизликнинг абадий эмаслигини, меҳнат аҳли унинг илдизига болта ураётганлигини ҳам англади. Шу билан бирга, шоира эркин ҳаётга либерал реформа билан эмас, аксинча, фақат инқилоб йўли билан эришиш мумкинлигини тушуниб етди.



Леся Украинка 1890 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб инқилобий кайфиятдаги ёшлар билан яқиндан алоқа боғлади. Россия ва Украина даги сиёсий тұғараларга фаол қатнашади. Шоира бу йилларда ишчилар ҳаракатига бағишиланган сиёсий адабиётларни тарғиб қилишда ва уларни украин мәжнаткашларига етказища жонбозлик күрсатади.

Леся Украинка 1900–1901 йилларда М.Горький, А.Чехов мунтазам қатнашиб турған “Жизнь” журнали билан яқиндан боғланади. Журнал Леся Украинканы янги үфқулар сари етаклайди, унға туганмас илхом бағишилади. Шоиранинг мазкур журналда чоп этилған: “Энг янги итальян адабиётида икки хил йўналиш” (1900), “Буковинадаги малорус ёзувчилари” (1900), “Янги истиқбол ва эски соялар” (1900), “Энг янги поляк адабиёти ҳақида қайдлар” мақолалари, бир қанча шеърий асарлари Украинканынг сиёсий, адабий-эстетик қарашларидан туб сифат ўзгариши юз берганлигини күрсатади.

Шоира ўзининг мазкур мақолалари ва бир қанча шеърий асарлари билан ҳам халқни маърифатга, инқилобий курашга чорлайди, зулм ва истибдодга қарши исён кўтаради, санъат ва адабиётнинг халқ хизматида бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Горький таълимотининг ҳаётбахш қучидан илхомланган шоира “Янги истиқбол ва эски соялар” номли машҳур мақоласида байналмилал йўқсиллар ҳаракатининг ғалаба қозонишига қатъий ишонади: “Кулликдан тамомила озод бўлишни яқинлаштириш учун бутун дунё ишчилари, бирлашингиз! Эркинлик ва тенглик истовчилар сифатида бирлашингиз! Ким ҳақ бўлса, у, албатта, ғалаба қозонади”, – деб ёзади.

1902–1903 йилларда Леся Украинка Италия, Крим, Кавказда даволанар экан, у ердаги жўшқин ҳаёт билан яқиндан танишади. Шоира 1903 йилда

Грузияга келади ва умрининг охиригача асосан шу ўлкада яшайди.

Леся Украинка 1905 йилнинг кузида Петербургга келиб, инқилобий ҳаракатлар бешигида юз бераётган буюк воқеаларни ўз кўзи билан кўради, инқилоб бўронларига шўнғиб кетади. Ундан Киевга ўтади ва ўз ватандошларининг ҳаракатида фаол қатнашади. 1907 йилда у эркпарварлик фаолияти учун қамоқقا олинади, қамоқдан чиққач, то умрининг охиригача полиция назорати остида яшайди. Касаллик изтироблари ҳам, полиция таъқиби ҳам, қамоқ ҳам Леся Украинкани курашдан четлата олмайди. У ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашиб келган заҳматкаш халқининг ҳис-туйғулари ва юксак орзу-ниятлари жарчиси сифатида майдонга чиқади. Бутун ҳаётини, истеъдодини инқилобий ҳаракатга, эркесварлик руҳидаги ижодий ишларига бағишлади.

Оташин лирика

Шу тариқа адабиёт майдонига XIX асрнинг 80-йилларида кириб келган шоиранинг ижтимоий фаолияти Россияда инқилобий ҳаракатлар айни авж олган бир даврга тўғри келди. У Украина адабиёти тарихида, даставвал атоқли лирик шоира ва драматург сифатида кўзга ташланади.

Леся Украинка қалбida адабиётга қизиқиши, шеъриятга ҳавас жуда эрта уйғонган: тўққиз ёшидан бошлаб қатор шеърлар машқ килган, ўн уч ёшидан эса ўз шеърлари (“Марваридгул”, “Сафо” каби) билан вақтли матбуотда кўрина бошлайди. У поэзияда умр бўйи қалам тебратган, хусусан, 1880–1890 йилларда баракали шеърий ижод қилган. Бошқача айтганда, Леся Украинка поэтик меросининг катта қисмини лирик шеърлар ташкил этади. Унинг лирикасида халқ ом-

масининг кайфияти, одамларни эзиш асосига қурилган тузумнинг зулм ваadolатсизликларидан норозилик, инсон хукуқларининг поймол этилишига қарши исёнкорлик руҳи ўз бадиий ифодасини топган. Шоира лирикасида инсоннинг маънавий олами, жўшқин ҳис-туйғулар туғёни, олийжаноблик билан жаҳолат, разиллик, очкўзлик ўртасидаги қураш, инсонга самимий, юксак муҳаббат билан боғлиқ ички кечинмалар акс эттирилади. 1888 йилда онаси билан Одесса ва Кримга борган шоира сафар таассуротлари асосида “Денгизга саёҳат” деб номланган шеърлар туркумини яратади. 1891 йилда шоира ҳаётида катта воқеа юз беради. У устози – машхур украин демократ ёзувчиси Иван Франко билан Львовда учрашади. Леся Кримда даволаниб юрган кезларида “Крим хотиралари” туркумидаги шеърларини ёзади. Шоиранинг “Қўшиқлар қанотида” деб аталган биринчи шеърлар тўплами Иван Франко кўмагида 1893 йилда нашр қилинади. Бу тўплам шоирани кенг доирадаги украин китобхонларига танитади ва украин адабиётига фавқулодда янги, зўр истеъдод соҳиби кириб келаётганлигидан дарак беради. Тўпламга киритилган лирик шеърларда шоира турмушдан олган таассуротларини, кечинмаларини кўпинча кишига ҳаёт бахш этувчи табиат манзаралари воситасида санъаткорона чизади. Леся Українканинг 1899 йилда “Ўйлар ва орзулар” деган иккинчи шеърлар тўплами чоп этилади. “Акс садолар” номли учинчи шеърлар китоби эса 1902 йилда нашр этилади. Шунингдек, украин вақтли матбуотида, хатто чет мамлакатларнинг журналларида шоиранинг жўшқин шеърлари тез-тез босилиб туради.

Леся Українка лирикасидаги бош мавзулардан бири Ватанга чексиз муҳаббат мавзуидир. Қизғин ватанпарварлик шоиранинг биринчи “Умид” шеъридан тортиб то умрининг сўнгги дамларига қадар ёзилган асарларигача қизил ип бўлиб ўтади. Шоира

ўз Ватанини қанчалик самимий муҳаббат билан севган бўлса, украин тупроғининг душманларига нисбатан шунчалик ўтли нафрат билан ёнди. У “Денгизга саёҳат” (1888), Иван Франкога бағишилаб ёзилган “Оҳ, менинг она диёрим” (1891), “Хайр, севикли ўлка” (1891), “Уйқу” (1891), “Тундаги хаёллар” (1895), “Марварид ёшлар” (1897), “Тутун” (1903) ва бошқа жўшқин лиризм билан суғорилган кўпчилик асарларида бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этди. Уларда она юрти Украинани ва заҳматкаш украин халқининг аянчли ахволини қанчалик ачиниш билан тилга олса, Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини, садоқатини, унинг енгилмас кучи, қудрати ва порлоқ келажагига бўлган зўр умид ва ишончларини шунчалик оптимистик руҳ билан жўшиб кўйлади. “Денгизга саёҳат”, “Оҳ, менинг она диёрим” каби бир қатор шеърларида шоира гўзал Украинани мадҳ этади, у, айниқса, чет элларда даволаниб юрган кезларида Ватанини ич-ичидан қўмсайди. Берлиннинг сершовқин кўчаларини, Мисрнинг жазирама кум саҳроларини ёки бўлмаса Ўрта Ер денгизи соҳилларидағи шукухий табиат манзараларини тасвирлагандага ҳам беихтиёр Ватанининг кўмкўк ўтлоқлари, мовий ўрмонлари, мармар ҳаволари кўз ўнгига бирин-кетин жилвалана бошлади.

Чунончи, шоира 1889 йили Берлинда даволанар экан, онасиға йўллаган мактубларидан бирида: “Ҳаммаси тош билан қопланган ҳозирги суронли Берлиндан Украинамизнинг ястаниб ётган зумрад кенгликлари жаннатдан ҳам зиёд кўринади”, деб ёзган эди. Чет элларда оғир касаллик азобларида қийналиб, дардига даво топа олмаган шоира:

Бехуда кезишлиарни тарк айлаб,

Зангори Днепр бўйларида бўл... – дея киндик қони тўкилган жонажон она диёри қучоғида бўлишни, шу-



кухли Днепр соҳилларида сайд әтишни ҳамма нарсадан зиёда кўради. Демак, шеърда ватанин севиш, ватан соғинчи туйғуси етакчилик қиласди.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтмоқ керакки, Леся Украинка азиз она ватанинг оромбахш табиат манзараларини қанчалик берилиб, тўлиб-тошиб кўйламасин, зулм исканжасида инграётган халқни, меҳнат аҳдларини бир зум ҳам хаёлидан нари кеткизмади:

*Шўрлик халқим, азоб ва кишан
Қийнаб ётган бегуноҳ сийна.
Кўкрагингда ёнар битмаган
Жароҳатлар, жон Украина.*

(“Шашқатор ёшлар”,
Абдулла Орипов таржимаси)

Леся Украинка ҳаёти давомида касаллиги туфайли қанчалаб ўзга юртларни кезиб юрмасин, қанчалик изтироблар чекмасин, саёҳат – тинимсиз кезишлар кувваи ҳофизаси юксак бўлган ва жаҳон тарихини теран тасаввур этган шоиранинг дунёқарашига кучли таъсир этади, хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади ва бу унинг асарларида ўз ифодасини топади. У, қайд этиб ўтганимиздек, асарларда ўзи кўрган мамлакатларнинг, халқларнинг ривоятларидан фойдаланган, у жойларнинг табиати, урф-одатлари, миллий ва маҳаллий хусусиятларини реалистик бўёқларда чизади, ҳатто шоиранинг иш столида араб қизининг қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи, тугалланмаган “Иқбол хоним” номли қисса қолган.

1901 йили Леся ўз ватанига қайтади ва тоғлар орасига жойлашган Галиция ва Буковина сингари об-ҳавоси ёқимли, хушманзарали шаҳарларда даволаниб, соғлиги бирмунча яхшиланади, баракали ижод эта бошлайди. Унинг янги ижодий интилиш

мевалари ҳисобланган “Акс садолар” шеърлар тўплами бунга мисол бўла олади. Шоира лирикасида украин халқининг тақдири қардош халқлар тақдири билан узвий боғлиқ ҳолда ифодаланади. Уларда рус ва украин ишчиси, дехқони ва грузин меҳнаткашлари, итальян ишчилари, Миср дехқонларининг эркпарварлик туйғулари мужассамлашган. “Тутун” шеърида у Италияга қилган сафарида Генуя шахрида ўзи кўрган-кечирганларини, улардан олган таасуротларини ифодалайди. Шеърда Генуядаги ишчиларнинг беҳад оғир ҳаёти, азоб-уқубатда яшаётганлиги, капиталистларнинг эса дабдабали, ҳатто ваҳшиёна яшаш тарзи қиёсланади. Асарда шаҳарнинг ҳақиқий қиёфаси чизилади, ишчиларнинг байналмилал ҳамкорлиги ғояси олға сурилади. “Асрлар афсонаси”, “Мисрда баҳор” ва бошқа асарларида шоира озодлик учун қурашда халқлар дўстлиги, биродарлиги, миллатлараро ҳамкорлиги масаласини кўтариб чиқади, оташин байналмилалчи сифатида гавдаланади.

Леся Українка эпик-романтик поэмалар, ажойиб драмалар яратди. Бу асарларнинг ҳаммасида ҳам энг аввал лирик шоиранинг нафаси уфуриб туради. Ҳа, Українка бетакрор лирик шоирадир. Унинг асарларида инсон қалбидаги кўз илғамас кайфиятлар, руҳий кечинмалар; фусса ва шодлик, висол ва ҳижрон, улуғвор табиатнинг нозик таассуротлари чизилади. Шеърларини туркум ҳолда дасталашни хуш кўрган шоиранинг машҳур шеърий гулдасталари орасида “Оҳанглар”, “Романслар” сингари инсон руҳиятини табиат манзаралари билан уйғун ҳолда мадҳ этувчи шеърий туркумлар оз эмас, лекин у ҳар қандай ҳолда ҳам тор интим кайфиятлар қобигида қолиб кетмади. Унинг лирик шеърларидағи қаҳрамон ижтимоий ақидали, қурашчан, чукур ақл-идрок соҳибасидир. Унинг жўшқин ва жозибали сатрлари орасида баҳо-

дир бир юрак уриб турарди. Шоиранинг ўзи бир шеърида шундай ёзади:

*Нозик дея, ким айтди мани, –
Қисмат билан курашмади деб?
Наҳот титрап қўлларим, таним,
Товушим ҳам наҳотки заиф?*

*Гарчи унда бордир гоҳида –
Шикоят ва тўлқинли нафас,
Бу бир тошқин – баҳор чоғида,
Зерикарли куз ёмғири мас.*

*Куз бўлса ҳам... йўқдир зарари.
Кимдир яшнар, ким эса сўлар.
Ховуз бўйи толларнинг бари
Сўнгги дамда шафақранг бўлар.*

*Ўрмонзорни этиб шип-шийдам,
Кафан билан ёпганида қиши.
Гуллар қабри узра ўзи ҳам
Рангдор барглар сочар боёқиши.*

*Нима бўлти, яшайман, гўё –
Сукунатга ғарқ бўлган денгиз –
Сув юзаси гарчи тинч, аммо
Яқинлашар тўлқинлар бу кез.*

(Носир Мухаммад таржимаси)

Ҳа, шоира шеърларида учраб турадиган “сукунат”, чуқур ғуссалар адабанинг курашчан кайфиятига бўйсунмас ирода кучига таянади. Шу маънода, Леся Українка лирикаси Байрон, Пушкин, Лермонтов сингари ўз асли билан юзма-юз туриб гаплашган улкан санъаткорлар ижоди билан жуда ҳамоҳангдир.

Эрк ва озодлик күйчиси

Халқни, Ватанини севиш, унга чин күнгилдан ва жондилдан хизмат қилиш муҳимларнинг муҳимиmdir.

Н.А.Некрасов

Леся Українканинг маҳорати тобора юксала борди. 1890 йилларга келиб рус революцион демократлари асарлари билан бевосита яқиндан танишиш натижасида шоиранинг шеърияти ғоявий ва бадиий жиҳатдан янада юксалди. Унда муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар талқин этилди, подшо ҳокимиятига қарши, оғир эксплуатацияга қарши озодлик учун инқилобий кураш мавзуси шоиранинг бу давр поэзиясида асосий ўрин эгаллади. “Умид билан кутаман” (1890), “Тонготар машъаллари” (1892), “Туш” (1892), “Сафга турдик” (1893), “Тун оғушидаги хаёллар” (1895), “Дўстимга эсадалик” (1896), “Куйларим” (1896), “Акс садолар” (1896), “Сўз бошлаш билан сухбат бўлинди” (1898), “Ярқ этган чақмоқ каби” (1902), “Менинг янгроқ сўзларим” (1902), “Аср” (1903), “Харобадаги ёзув” (1904) ва бошқа бир қанча юксак пафос билан суғорилган шеърларида эски дунёни ағдариб ташловчи инқилоб бўронлари яқинлашиб қолгани ҳақида бонг уриб, халқни янада жасурликка, фаолликка даъват этди.

*Үқубатда ётганларга йўл ахтариш қўп зарур,
Улар шунда боқиб дегай: “Баҳор келди, хайрият!
Бошимизда ҳумоюн қуш қанотларин кенг ёзур,
Тун қоронғу бўлса ҳамки, тонг отмоқда ниҳоят”.*

(Абдулла Орипов таржимаси)

Леся ўз халқи ва Ватанининг порлоқ истиқболини зўр ишонч-ла, баланд руҳ билан куйлади. Шоира



зулмат ичра нур чақнаётганини, қоронғуликка қарши күтарилиб келаётган қүёшни – ишчилар ҳаракатини чукур ҳис этди. “Тонготар машъаллари” шеърида “тун борлиқни қамраган” бир даврда инсоният Чор Россияси зулми исканжасида инграётган бир замонда “мәхнат ахли ёқсан машъаллар” “тун бағрини тилкалаб” мәхнаткаш халқ оммаси ижтимоий ва миллий зулмга қарши чинакам озодлик ва эрк учун курашга отланғанлыгини, тобора ўсіб бораётган бундай құдратли кучни тұхтата оладиган бошқа бир куч йўқлигини таъкидлайды. Шеърда шоира хўрланған, ҳақоратланған ва эзилған халқ оммасини зулмга қарши курашга чорлайды:

**Хорғин бу узра қанотин
 Астагина ёйди қора тун.
 Шамлар ўчган, зим-зиё ҳар ён,
 Ётар ширин уйқуда жаҳон,
 Тун борлиқни қамраган бутун.
 Алам чекар ким бўлса бедор,
 Уҳлаганлар қандай баҳтиёр,
 Кўзларимга келмайди уйқу,
 Атроф жимжит, атроф қоронғу,
 Сукут ичра гўёки мозор.
 Кечач узоқ, тоқатларим тоқ,
 Гўё туннинг сўнгги йўқ мутлоқ,
 Шу тоб бирдан қўринди зиё,
 Зулмат ичра касб этиб жило –
 Узоқларда порлади чироқ,
 Чироқ! Берид қүёшдан хабар,
 Тун бағрини тилкалаб ёнар.
 Ёнар бўлмай уфқалар алвон,
 Ёнар турмай уйқудан жаҳон –
 Мәхнат ахли ёқсан машъаллар.
 Тўлқин урад кўнгилда исён,
 Уйғон, сени иш қутар, уйғон!**

*Хайда туннинг ғафлат уйқусин,
Ёқ тонготар машъалини сен,
Куёш чиқмай, уйғонмай жаҳон.*

(Эркин Воҳидов таржимаси)

“Сафга турдик” шеърида шоира эрк ва баҳт учун курашга бел боғлаганларни шарафлайди. Чор самодержавиясига қарши курашда ишчилар танлаган йўл – инқилобий ҳаракат мashaққатли, оғир, қонли йўл, аммо у бирдан-бир ҳақ ва шарафли йўл. Кимки ҳақ ва эрк деб кураш майдонига чиққан бўлса, у албатта ана шу йўлдан бориши, марди майдонлар сафида қадам ташлаши зарур. Шеърда олға сурилган бош ғоя – ана шу. Шоира инқилобнинг тўла ғалаба қозонишига ишонади:

*Сафга турдик – ҳақдир йўлимиз,
Биламиз, ҳақ асло енгилмас.
Шу ишонч-ла қучли қўлимиз,
Шу ишонч-ла оламиз нафас.
Сафимизда йўқ бирор олчоқ,
Қўрқитолмас бизларни зулмат.
Қўлимизда муқаддас байроқ,
Баланд тутиб борамиз ҳар вақт.
Ким ҳақ учун қилса фидо жон,
Бизнинг сафга турсин баробар,
Унга қалблар очиқ ҳар қачон,
Ҳақни севган бизга биродар.*

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Шоира “Туш”, “Хайр, севикли ўлкам”, “Уйқу”, “Тундаги хаёллар”, “Тутун” каби шеърларида инқилоб душманларини украин халқига зулм ўтказган одам қиёфасидаги бўриларни кескин фош қиласи, уларнинг ўлимга маҳкум эканликларини таъкидлайди.



Леся Українка инқилобий кураш мавзусини ёритар экан, инсониятга олов ҳадя қылган юонон афсонавий қаҳрамони Прометей, қадимги Римда қуллар исёнига раҳбарлик қылган баҳодир Спартак каби буюк сиймолар воситасида инқилоб кишиларини олқышлайди (“Дўстимга эсдалик”, “Бас энди, зулмат” ва бошқалар).

“Ёзувчи ўзини халқ билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис қылса, бу унга куч-қувват ва гўзалик бағишлайди”, деб ёзган эди А.М.Горький. Дарҳақиқат, шоиранинг халқقا, унинг яратувчилик шиҷоатига бўлган ишончи унга куч-қувват бағишлайди ва бир умр ана шу янги ҳаёт, янги дунё курашчилари билан бир сафда туриб курашишга илҳомлантиради. Л.Українка ўзининг жанговар поэзияси билан курашнинг олдинги сафларида борди, бу ҳаракатда бадиий сўзнинг мўъжизакор кучига юксак баҳо берди. Чунончи, шоира “Қамал кунларида шиор”, “Менинг янгроқ сўзларим”, “Куйларим” сингари шеърларида поэтик сўзнинг ижтиёмий тараққиётда катта роль ўйнашини, кишилар онги-шуурида исёнкорлик туйғулари уйғотишини таъкидлар экан, куйлари ва сўзлари эркесварлар қўлида душманга қарши кескир, қасоскор шамширга айланишини орзу қиласди:

*Куйларим! Нега сиз чақмоқдай бўлиб,
Жангларда ёнувчи машъал эмассиз
Ё душман бошини бешафқат узиб
Ташловчи шамшири қасос эмассиз?
Багишлаб барча куч, билим, санъатни,
Мен пўлат шамшири чархлайман жангга –
Ярқираб, деворнинг бўлиб зайнати
Турган бу пўлатдан не фойда менга?
Эй, менинг курашга тайёр қуйларим,
Биз ҳалок бўлмасмиз бехуда ҳеч бир.*

*Балки сиз нотаниш жасур дўстларим
 Қўлида бўларсиз душманга шамшир.
 Кишанга теккан тиғ чиқарган садо,
 Душман қўрғонини қўпориб ташлар.
 Озод қардошларнинг дардига даво
 Бўлиб кураш сари, жанг сари бошлар.
 Қасоскор ҳеч қачон жангда енгилмас.
 Ҳужумга киаркан, қўшиқ-ла ҳамдам.
 Куйларим! Бу заиф қўлларга эмас,
 Жасур курашчига ёр бўлинг ҳар дам!*

(Зулфия таржимаси)

Л.Украинка халқни олға интилевчи – тарихни, ер юзидағи барча моддий ва маънавий бойликларни яратувчи қудратли куч сифатида талқин этди. Бу жиҳатдан шоиранинг “Харобадаги ёзув” шеъри жуда муҳимдир. Асарда Миср шоҳининг амри билан унинг шон-шуҳратини абадийлаштириш учун ўрнатилган мақбара ҳақида ҳикоя қилинади. Асрлар ўтиб, мақбаранинг девори узра ўйиб ишланган нақш-суратлар ўчиб кетади. Бу орада халқнинг қонини зулукдек сўриб, эзиб, янчиб ишлатиб келган шоҳнинг ўзи ҳам ном-нишонсиз ўлиб кетади, унинг мақбарарага ёзилган номи ҳам кетиб, ўқиёлмайдиган бўлиб қолади. Бу улкан обида – катта тош мақбара шоҳни эмас, балки уни ўз қўли билан, юрак қони билан яратган халқни асрлар бўйи шарафлайди.

*“Шоҳлар шоҳи қуёш ўғлиман,
 Тикладим бу мақбарани ман.
 Йиллар ўтар, замонлар ўтар,
 Халқлар мени ёдида тутар”.
 Мана, тахтда ўтирап подшо,
 Эл қўлида зар, гавҳар, мато.
 Совға этар шаҳаншоҳига,
 Шоҳ боқмайди элнинг оҳига...*



Халқни оғир юмушга йўллар,
 Халқни қонли урушга йўллар,
 Денгиздаги тўлқин сингари,
 Оқиб келар одамлар бари,
 Кўплар жангда бўлади қурбон,
 Зўр қирғинда қолганлар омон.
Мисрнинг ўт-жазирасида
 Оғир ишда берадилар жон.
 Шоҳ қулларга юбориб ажал,
 Қурмак бўлар ўзига ҳайкал.
 Ер қазийди, тош йўнади ул,
 Тупроқ ташиб лой қиласди ул.
Ғишт қуяди, кўтарар девор,
 Иssiқ қунда чекади озор.
 Деворларга ўйиб солар гул,
 Тинмай ишлаб, тер тўкади қул.
У Мисрнинг зўр офтобида
 Мангуликка тиклар обида.
 Мақбаранинг девори узра
 Ўйилган ҳар нақшу ҳар сурат –
 Ҳаттоти тош тилга кириб дер:
 “Мени қурган Миср халқидир!”
 Подшо ўлган беному нишон,
 Эсламайди ҳеч ким ҳеч қачон.
 Номи тилга олинмас мангу,
 Ундан қолган фақат шу ёзув.
 Шоҳмас, бериб тошларга сайқал
 Халқ ўзига тикламиш ҳайкал.

(Эркин Воҳидов таржимаси.)


 Адиба ўзининг бу шоҳ сатрларида халқнинг ўл-
 маслигини, унинг меҳнатдаги жонбозлигию буюк-
 лигини; ўз қўли билан ўзига мангуликка ҳайкал ўр-
 натганлигини улуғлар экан, унинг келажақда ҳам ўз
 озодлиги ва мустақиллиги йўлида мардонавор олға

интилиши, жасорат кўрсатиши зарурлигини, ҳар қандай тўсиқларни фақат меҳнат ва кураш ўти билан куидириб ташланаяжагига қатъий ишонарди.

1905–1907 йиллардаги рус инқилоби Леся Украина асарларининг ижтимоий мотивлар билан суғорилишига, курашчан руҳ касб этишига кучли таъсир қиласди. Унингижоди янги мавзулар ва образлар билан бойийди. Шоира шеърларида эски дунёни ағдариб ташловчи инқилоб бўронлари зўр кувонч билан қайд этиласди.

“Эрк ҳақида қўшиқлар” туркумига кирган “Одамлар борар, байроқлар ҳилпирав, “Интернационал гимни қайдан оқади”, “Нагаечка, нагаечка”, “Ниобея” каби шеърлари шу руҳда ёзилган бўлиб, уларда шоира эрк ва адолат ғояларини илгари суради ва истибдод занжирларининг парчаланишини орзу қиласди.

Шоирага шуҳрат келтирган “Интернационал гимни қайдан оқади” шеърида шаҳар кўчаларидан байроқ кўтариб, шахдам қадам ташлаб, баланд руҳ билан “Интернационал”ни айтиб бораётган халқ на мойишчилари унга куч-мадад бағишлийди. Севимли халқи, Ватанининг озодлиги ва ёрқин келажагини мадҳ этган шоира ўзининг жанговар поэзияси билан бу курашнинг фаол иштирокчисига айланади:

*Қасоскор, енгилмас, мардлар сен билан
Бир сафда киради жангга тап-тайёр...
Ожиз қўлларимдан қучлисан, сўзим,
Янгра, жангчиларга бўлгил мададкор.*

*Одамлар боради, байроқлар чўғдай
Ловуллаб, ҳилпираб. Қалин оломон –
Тутундай ўрмалар, чайқалар сафлар,
“Эрк қўшиғи” янграп бош узра ҳамон.*

*Даҳшатли кунларда яшагандек биз,
Жангга қўтарилдик тонготар чоғда.*

*“Йўқ, ёруғ кунларга етолмайсиз!” деб
Такрорланар эди бир қуй қулоқда.*

*Сиз ўзга авлодсиз, навқирон авлод,
Сизга бошқа қўшиқ муносиб бу чоғ.
Кўксингиз тўлдириб оласиз нафас,
Марсия куйлашга ҳали эртароқ,*

*Умрингиз гулларга буркансиң бутқул,
Мунгли қуй қўймасин дилларга заҳар.
Оҳу воҳ ярашмас сизларга асло,
Янги қўшиқ тўқинг, қадрдан дўстлар!*

*Шундай бир қўшиқки, нур сочсиң кўкда,
У билан изма-из осмонга ўрлаб,
Эзгу ният-ла байроқ товланиб нурда
Мўъжиза яратсиң мағрут ҳилтираб!*

Леся Украинка бир қанча ҳажвий шеърлар ҳам ёзган. “Хушчақчақ пан”, “Ишибилармон пан”, “Пан – сиёсатдон”, “Одамжўй пан” сингари ҳажвий шеърларида украин буржуа миллатчилари, либерал помешчиклари ва сотқинларини сатира қамчиси билан савалайди. Умуман, Леся Украинканинг кўпқиррали лирикаси золимларга нафрат, озодлик ва эрк учун мардонавор курашга чорлаш мотивлари билан йўғрилган. Давр руҳини, инқилобий фикрларнинг ўсишини ўзида ифода этган бу шеърлар халқ оммасининг ижтимоий ва миллий онгининг ўсишига катта таъсир кўрсатди.

Леся Украинка ижоди халқ оғзаки ижоди билан – фольклор билан жуда-жуда яқиндир. Унинг кўпчилик шеърларида, достонларида, драматик асарларида украин халқининг ғамгин ҳаёти, оғир меҳнати, шунингдек, юксак оптимизм билан суғорилган эрк-севарлик нидолари баралла эшитилиб туради. Болалиги оддий халқ орасида кечган шоира, хусусан, халқ



қўшиқларига жуда қизиқиш билан қараган, уларни қунт билан тўплаган ва мазкур қўшиқлар мотивида қатор шеърлар битган. Украинан халқ қўшиқларининг тўпловчиси, шоиранинг умр йўлдоши, мусиқашунос К.В.Квитка Лесянинг ўз оғзидан ёзиб олган халқ қўшиқларини шоиранинг ўлимидан кейин алоҳида китоб ҳолида нашр эттирган. Квитка мазкур китобга ёзган сўзбошисида Украинка бу қўшиқларни "...халқидан, севикли Волин ўлкасида ёшлик йилларида ўргангандигини" айтиб ўтади. Маълумки, халқ қўшиқларида халқнинг ғуссаси, кураши, орзу-умидлари акс этган бўлади.

Ҳақиқий халқ шоири фольклордан ўрганар экан, фақатгина унинг шакли, жозибасигагина эмас, балки унда уриб турган халқ юрагига, халқнинг орзу-армонларига қулоқ солади. Худди шу маънода Леся Украинканинг буюк ўтмишдоши Тарас Шевченко украин фольклоридан жуда самарали фойдаланган эди. Леся Украинка ҳам устози сингари фольклор анъаналаридан юзаки фойдаланувчи декадент шоирлардан фарқли ўлароқ, халқ қўшиқларининг ҳаётбахш ва теран жиҳатларига қулоқ солди. Унинг "Болалар қўшиғи" деб аталган ажойиб шеърий туркуми шоиранинг бевосита деҳқон болалари орасида эшитган қўшиқлари таъсирида ёзилган. Бир қараашда бу шеърлар болалар ҳаётининг беғам, қувноқ манзараларини эслатгани билан, бироқ уларнинг тагида катта ғоя, улкан ижтимоий конфликт кайфиятлари, ғам-кулфат қошида чорасизлик ва айни вақтда келажакка бўлган буюк ишонч туйғуси, курашнинг оптимистик пафоси ётади. Мана, Украинканинг шу туркумдаги "Қишиш келганда" шеърини олиб кўрайлил. Болалар узунданузоқ қишиш кунларида зерикадилар, баҳорни орзиқиб кутадилар. Қишиш қанчалик чегарасиз бўлиб туюлмасин, лекин унинг ҳам интиҳоси бор:

Ўтиб кетди кўркам ёз,
 Оппоқ бўлди далалар.
 Мунғайшиш дарчадан
 Мўралашар болалар.
 Зерикишар қоронғу –
 Уйда ҳаддан зиёда.
 Эй, не учун совуқ бор,
 Қиш бор экан дунёда?
 Қорга бурканиб ётар
 Дала, ҳовли, том – бари.
 Изғирин хуштак чалиб,
 Чикма дейди ташқари.
 Далада, қор остида
 Қолган бечора гуллар,
 Болалар қайғуришар
 Қайтмас деб у соз қунлар.
 “Қайғурманг, тезда яна
 Эсар майнин еллар ҳам.
 Қуёшнинг зар нурида
 Яна яшнайди олам.
 Гунчалар гул очади,
 Барг ёзади куртаклар.
 Она Ер узра баҳор
 Сочар минг хил чечаклар”.

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Халқ ижодидан самарали ўрганиш шоира шеърларида халқчил рух, халқ қўшиқларига хос равонлик барқарор бўлишида жуда катта роль ўйнади. Шоира халқ ижодидаги анъянавий “шўрлик ва бечора қиз” образига мурожаат қиласиди. Лекин Леся шу ўринда ҳам ўзининг ажойиб умидбахш оҳангларига, курашчан пафосига содиқ қолади:

*Ой, как будто не печалюсь, все же я не рада,
Что-то смутно – неприятно, на сердце досада.
Я откину ту досаду прочно бездорожье,
А она взошла, красуясь, словно мак над рожью.*

*(Шундоқ күринган билан хурсанд эмасман, аммо
Юрагимда қандайдыр ғашлик ётар доимо.
Бу ғашликни йўллардан четга кетарман ташлаб,
Севгим эса далада турад лоладек яшнаб).*

(Абдулла Орипов таржимаси)

Леся Украинка ўзининг кичик ҳажмдаги лирик шеърларидан ташқари йирик бадиий полотноларида халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари тимсолларидан ҳам ўринли фойдаланди, шулар орқали ўзининг ижтимоий қарашлари, социал кайфиятларини, бинобарин, замон манзараларини чизиб берди.

Айниқса, унинг шоҳона асари – “Ўрмон қўшиғи” ўзининг образлар системаси, тили, ритми, бутун бадиий воситалари билан бениҳоя халқчил асардир. Бу асарда Украинка халқ қўшиқларининг бой усулларидан, хилма-хил ривоятлардан кенг фойдаланди. Аммо, энг муҳими, шоира мавжуд воқеликка умумнинг нуқтаи назаридан – қалби умидбахш туйғуларга тўла халқ нуқтаи назаридан ёндашади. Шоира ижодининг халқ ҳёти билан, халқ ижоди билан нақадар чамбарчаслиги ҳақида гап кетганда, унинг 1911 йилда онасига ёзган мактубини эсламасдан ўтиш мумкин эмас. У “Ўрмон қўшиғи” асарини ёзиб тугатгач, онасига йўллаган хатида асардаги ривоятлар, деталларни қачонлардир онаси айтиб берганини, шоира уларни хотирасида ёшлигидан буён сақлаб келганини ва ҳозирги пайтга келиб ёзганини самимият билан эслатади.



Озодлик ва қаҳрамонлик достонлари

Леся Украинка поэзиянинг лиро-эпик жанрларида ҳам ғоят самарали қалам тебратган. “Сув париси” (1885), “Самсон” (1888), “Ой афсонаси” (1892), “Ўтмиш эртаги” (1893), “Шотланд қироли Роберт Брюс” (1893), “Вила Посестра” (1901), “Асир” (1903), “Бир сўз” (1903), “Изольда Белоқурая” (1912) сингари поэмалари ва “Лаънати Рахил” (1898), “Миср фантазияси” (1909), “Улкан баҳодир ҳақида эртак” (1913) каби асарлари украин адабиёти тарихида салмоқли ўрин тутади. Тўғри, бу поэмаларнинг кўпи ўтмиш мавзуда ёзилган, лекин шоира халқ тарихининг шундай жанговар саҳифаларини танлаб тасвирлаганки, натижада шу орқали ҳам ўз замонасининг эрк ва мустақилликка ташна руҳини ифодалай олган. Атоқли украин шоири Максим Рильский бу ҳақда гапириб шундай ёзган эди:

“Леся тематикасининг кенглиги, унинг узоқ мамлакатлар, қадим даврлар томон қанот қоққандада ҳам замонга оҳангдош туйғуларни топа билиши ҳақида ўйлаганингда ўз вактида Пушкин ҳақида гапирилган муносиб сўзлар – қайта ифодалай билиш истеъоди ёдингга келади”.

Шоира лирикасидаги оташнафас туйғулар, санъат асарига хос бўлган уйғунлик унинг поэмаларига, драматик асарларига кўчирилгач, ҳаётий бўёқлар яна ҳам тиниқ, яна ҳам рангин, яна ҳам чуқур мазмун касб этган ҳолда жилолана бошлайди. Леся Украинка санъаткорнинг, хусусан, шоирнинг жамиятдаги ўрни, бурчи ҳақида кўплаб асарлар яратади, бу мавзуга қайта-қайта мурожаат қиласиди. Унинг “Ўтмиш эртаги” шу типдаги асарлардандир. Достонда икки қарама-қарши ижтимоий кучлар ўртасидаги кураш, яъни

халқнинг орзу-умидларини ўзида ифода этган шоир билан халқ талончилари ва унинг типик вакили ҳисобланган бекзода Бертолъдо ўртасидаги тўқнашув ҳикоя қилинади. Шоир мустақил фикри, ўз дунёқарашига эга, бекзоданинг найрангларига учмайди, олтинга сотилмайди, ўз эркига, эътиқодларига содиқ қолади. Кўшиқлари билан халқни курашга чорлашда давом этади:

*Шарақ-шарақ олтин керакмас,
Олиб бўйлас олтинга иқбол.
Шоир зарни қиларкан ҳавас,
Илҳоми ҳам кетади увол.
Фикри эркин бўймаган шоир
Шоирликни қилмасин даъво.
У олтинга бўлдими асир –
Демак, шеъри бетаъсир, расво.
Халқ ғамини унутдими, бас –
Эркини ҳам кишангага солмиш.
Шоир деманг, йўқ, шоир эмас,
У олтинга қул бўлиб қолмиш.*

(Абдулла Орипов таржимаси)

Достонда тасвирланишича, шоир Бертолъдога сотилмайди, аксинча, унинг амрини рад этади, ундан юз ўгиради. Уни зиндонга ташламасинлар, қанчалик қийноқ остига олмасинлар, барибир, шоирнинг янгроқ овозини бўғолмайдилар. Чунки у халқнинг иродасини, куч-кудратини ўзида мужассамлаштирган, халқнинг асл фарзанди, унинг илфор вакили эди. Демак, асарда Бертолъдо образи орқали ёвуз, жоҳил ҳукмдорлар лаънатланган, фош этилган бўлса, шоир образида адабиёт ҳамда санъат асарининг халқчиллиги ва тараққиёти, эркинлиги ва софлиги учун, ин-соф ваadolat учун курашувчилар улуғланади.



Үз халқининг порлоқ келажагига бўлган зўр ишонч ғояси, айниқса, Леся Українканинг “Паҳлавон ҳақида эртак” асарига чуқур сингдириб юборилган. Шоира умрининг сўнгги кунларида яратилган бу эртак-достоннинг қаҳрамони ҳам уйқудан бош кўтарган забардаст енгилмас куч - меҳнаткаш халқдир. Унда шоира украин халқ оғзаки ижодидаги романтик образларга мурожаат этади. Ёшлик чоғларида эшитиб, хотирасида сақлаб қолган халқ эртакларини шеърий шаклга солиб, уларга янгича сайқал беради. Эртак сюжетидан фойдаланган ҳолда халқнинг порлоқ келажаги, баҳт-саодати ва ижтимоий тенгсизликка қарши норозилигини ифодалайди.

*Ҳали гўдак эканман,
Тинглаганман бир эртак.
Бир бор эшигданман-у,
Ёдимда кечагидак.
Бир замонлар бағоят
Кучли эди баҳодир.
Ҳар қандай кишанларни
Пора қилмоқча қодир.
Ниҳоят, у сеҳргар
Ғазабига келди дуч.
Сеҳргар ўтга ёқмай,
Сувга чўқтирмай уни,
Улкан паҳлавон сари
Юборди тинч уйқуни...
Уйқусида неча бор
Уни босди маккор ёв.
Этларин пора қилиб,
Қонин сўрди беаёв.*

Шу билан бирга, қулликка маҳкум этилган занжирбанд улкан паҳлавон, яъни меҳнаткаш халқ асрий уйқудан уйғониб, кишанларни парчалаб, ёвуз душма-

ни – қонхўр золимлар устидан эртами-кечми, албатта, тўла ғалаба қозонажагига шоира қатъий ишонч ҳосил қиласди.

*Кўзғолади ўрнидан,
Янчади душманларни.
Парча-парча қиласди
Зарб билан кишсанларни.
Унга азоб берганлар
Кулга айланар шу он.
Бола жим бўлди. Дедим,
Юрагимда ҳаяжон:
“Қачон уйғонади у?”
“Аниқ айтмоқлик маҳол.
Балки бир йил, балки кўп,
Лекин юз берар бу ҳол”.
Эй, менинг она юртим,
Эй, севикли диёрим,
Шу эртак ёдга келар
Сени эсласам доим.*

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Салтиков-Шчедрин ҳам “Баҳодир эртаги”да абадий ухлаб ётган, қурт-қумурсқаларга ем бўлган улкан баҳодир тимсолида ватанинг илғор кучлари ҳали ғафлатдан уйғонмаганлигини алам билан ёзган эди.

Леся Українканинг олийжаноб орзу-умидлари, у ошиқиб кутган янги ҳаётбахш кунлар шоира вафотидан кўп ўтмай рўёбга чиқади – эски дунё салтанатининг қули кўкка совурилади.

Леся Українка 1893 йилда “Шотланд қироли Роберт Брюс” поэмасини ёзади. Унда Шотландия халқининг ўз мустақиллиги йўлида олиб борган кураши ифодаланади. Маълумки, XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг биринчи ярмида Англия Шотландияга бости-

риб киради ва маҳаллий дворянлар ёрдамида юртни Англияга қўшиб оладилар, халқини эса шафқатсиз эза бошлайдилар. Ўз ватанининг миллий мустақиллигини сақлаб қолиш учун Шотландия халқи тинимсиз кураш олиб боради. Кўзғолонга дехқонлар та-бақасидан етишиб чиққан жасур ва толмас курашчи Роберт Брюс бошчилик қиласди. Халқ уни кейинчалик ўзига қирол қилиб тайинлади.

Асарда тасвир этилишича, бир ёқадан бош чиқарган халқ Роберт Брюс бошчилигида босқинчиларга қарши олти марта исён кўтарадилар. Лекин исён инглиз босқинчилари томонидан ҳар гал шафқатсиз равишда бостирилади. Роберт Брюс олтинчи марта енгилгач, ўз шаҳдидан тушади, тушқунликка берилади, ёлғиз ҳаёт кечиради. У уйда хаёл суриб ётар экан, шипдаги ўргимчакка кўзи тушиб қолади. Ўргимчак ин қуриш учун тинимсиз меҳнат қиласди, оғир ма-шаққатлар чекади, лекин унинг қурган ошёни бир неча бор бузилиб, ўргимчак йиқилиб тушади. Шунга қарамай у яна юқорига интилишда – ин қуришда давом этади ва ниҳоят ўз муддаосига эришади. Оддий бир ўргимчакнинг бунчалик ҳаракати, чидамлилиги Роберт Брюсни ўйлантириб қўяди. Роберт Брюс “Наҳотки, инсон шу ўргимчакчалик чидамли бўлолмаса” деган қарорга келиб, халқни яна тўплаган ҳолда еттинчи марта инглизларга қарши исён кўтаради. Шиддатли жанглар натижасида Роберт Брюс бошчилиgidаги халқ босқини инглизларга қақшатқич зарба беради ва Шотландияни душмандан озод қиласдилар. Поэмага катта ғоя, яъни “Халқ билан бирга, халқ иши учун курашсангина ғалаба сенда бўлади” деган ғоя сингдирилган.

Поэмада Шотландия халқи ичидан етишиб чиққан Роберт Брюс сингари баҳодир курашчиларнинг халқ баҳт-саодати йўлида кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги зўр маҳорат билан гавдалантирилган.

Асар ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда. Шотландия халқи ўзининг севимли давлат арбоби, истеъододли ҳарбий саркардаси ва фидокор курашчиси Роберт Брюсга берган ўгитида бундай деган эди:

*Агар сен халқ ишини –
Номус, бурчни унутсанг,
Бойлик истаб ўзгаларнинг
Тупроғига қўз тутсанг,
Ўзгаларнинг қарғиши деб
Эргашмасмиз сенга биз.
Бизга ўзга юрт керакмас,
Юртимизга сиғамиз.*

Леся Украинка – драматург

Леся Украинка кўпгина шеърлар, поэмалар, эртаклар, ҳикоялар, очерклар, адабий-танқидий ва публицистик мақолалар ёзган бўлса ҳам, унинг ижодида шеърий драматик асарлар яратиш ҳамиша етакчи ўринда турди. Шоиранинг украин драматургияси тарихида чуқур из қолдирган бир қатор асарлари: “Атиргул” (1896), “Оиша ва Мұхаммад” (1898), “Телба” (1901), “Бобил асири” (1903), “Харобалик-ларда” (1904), “Куз эртаги” (1905), “Мағораларда” (1905), “Меҳнат уйида...” (1906), “Руфин ва Присцилла” (1908), “Кассандра” (1908), “Ерга тўкилган қон” (1909), “Тўқайзорда” (1909), “Хуса рафиқаси Иоанна” (1909), “Ўрмон қўшиғи” (1911), “Адвокат Мартиан” (1911), “Тошбағир хўжайин” (1912), “Оргия” (1913) каби драма, драма-феерия, драматик поэма, драматик этюд, фантастик драма ва диалоглари шулар жумласидандир. Украин адабиёти тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган ушбу асарларнинг аксари-

ятида турли мамлакат ва халқларнинг қадимий тарихидан ҳикоя қилувчи ёрқин манзаралар чизилади, муҳим ҳаётий муаммолар кўтариб чиқилади, миллий колоритли характерлар яратилади. Леся Украинканинг драматик асарлари асосан узоқ ўтмиш мавзууда ёзилган бўлса-да, улар муаллифнинг замонасидаги инқилобий ҳаракатлар руҳи билан уйғунлашиб кетган. Драматург ўз пьесаларида қадим замондаги жамият ҳаётини тасвирлагандага ҳам тарихни фалсафий асосда, яъни адолат ва ноҳақлик, эзгулик ва ёвузлик, олийжаноблик ва тубанлик ўртасидаги аёвсиз курашларни кучли характерлар тўқнашувида, руҳий драматик коллизияларда бадиий гавдалантиради.

Хусусан, “Тўқайзорда” пьесаси ўткир драматик вазиятлар, кучли тўқнашувлар асосига қурилган асарлардан биридир. Пьесадаги бу хусусиятлар дарҳол кўзга ташлана қолмайди. Дастрраб асар манзараси ҳам оддий тарзда кўринади, аммо мазкур драматик достонни ўқий бошлишимиз билан сокин туюлган ҳодисалар замиридаги тақдирлар кураши китобхонни ўзига жалб эта бошлайди. Асарда драматург америкача демократия ва эркинликнинг Англия мустамлакачилари – пуританларнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлайди, санъат ва санъаткорнинг жамиятдаги ўрни ва бурчи масаласини ёритади.

Пьесада тасвирланган воқеа XVII асрда Шимолий Американинг Массачусетс штатида – инглиз келгиндилари пуританлар жамоасида ва Род-Айленд штатида, Америка жамоасида юз беради. Пуритан мутаасиблари Америкага босқинчилик мақсадида келган биринчи мустамлакачилардан. Улар Америкага келишлари биланоқ бу ерда ҳам Англия қонунларини, расм-руsumларини қаттиқўллик билан жорий қиладилар. Пуритан жамоасида расман эркинлик ва тенглик жорий қилинган бўлса-да, амалда эркинликдан ва тенгликдан нишона ҳам йўқ эди.

Ҳайкалтарош Ричард Айрон – пьесанинг бош қаҳрамони. У Венецияда таҳсил кўргач, ҳайкалтарош бўлиб етишган. Ричард доим романтик туйғулар, кайфиятлар билан яшашни истайди. Лекин унинг учун Венеция зулмат макони бўлиб туюлади. Гёё Америка гражданлари озод ва мағрур яшайдилар. Бу ҳам ундағи романтик туйғулар таъсирида пайдо бўлган фикрдир. Саробнинг сароблигини ҳам ўз вақтида пайқаш керак. Лекин Ричард саробни кўриб-билиб турса ҳам, унинг сароблигига жиддий ишонмайди. Натижада озод ва эркин яшаётган кишиларни кўриш учун пуританлар билан Америкага келар экан, бу ерда унтилган, хўрланган, очликдан силласи қуриб, мажолсиз бўлиб қолган бева-бечораларга дуч келади. Эски тузумни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилаётган бидъат, пурианизм анъаналари ҳукм суроётганлигини билади. Лекин Ричард озод ва эркин ҳаёт ҳақидаги фикрларининг сароб эканлигини англаб етмайди. У ҳамон эркка интилади – ўз ҳайкалтарошлиқ санъати билан машҳур бўлишга ҳаракат қиласди. Аммо пуритан ҳокими – қаллоб руҳоний Годвинсон ва унинг ҳамтовоқлари Ричарднинг эркини бўғадилар, унинг чинакам санъат билан шуғулланишига рухсат бермайдилар (фақат черков буюмларинигина ясашга рухсат этадилар). Годвинсоннинг рухсатисиз ясалган ҳайкалтарошлиқ буюмлари чил-чил синдириб ташланади, санъаткор таъқиб остига олинади. Бу ҳам етмаганидек, пуритан мутаассиблари Ричардни, унинг юмушларини бутунлай рад қилиб, жамоадан бутунлай ҳайдаб юборадилар. Натижада ҳар қандай моддий ва маънавий ёрдамдан маҳрум этилган ҳайкалтарош Американинг Массачусетс штатидаги пуританлар жамоасини ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Пьесанинг кейинги пардаларида тасвирланишича, Ричард катта умидлар билан Род-Айленд штатига



Америка жамоасига жүнайди. Гүё ўша жойда севикли санъати билан шуғулланиш учун имконият бор. Бироқ Ричарднинг истаган нарсаси яна сароб бўлиб чиқади. Бу ерда у манфаатпарастлик, текинхўрлик, фирибгарлик каби чиркин иллатларга дуч келади. Агар Ричардга пуританлар черков ашёларинигина ясашига рухсат берган бўлса, американлик корхона эгалари эса уни кўпроқ фойда келтирадиган буюмлар – кулоллик буюмлари ясашга даъват этади. Бу буюмлар ҳам болалар учун ўйинчоқ бўлишдан нарига ўтмайди. Ҳар иккала талабни ҳам Ричард кескин рад этади. Ричард – ниҳоятда хокисор, софдил ва истеъдодли санъаткор, бироқ у пуритан мутаассибларининг ва американлик қаллоб савдогарларнинг таъқибиға ва исканжасига бардош беролмайди: узлатга чекинади – фақат санъат учунгина яшамоқчи бўлади. Ижтимоий ҳаётдан ва курашдан узилиб қолиб, ўз талантини, санъатини нобуд қиласди. Тўғрироғи, Америкада мавжуд бўлган ижтимоий муҳит, американча ҳаёт тўқайлари ҳайкалтарошнинг истеъодини бўғиб қўяди, уни ҳалокатга етаклайди.

Гарчи Ричард жуда кеч бўлса-да, ҳақиқий ҳаёт маъноси, шу жумладан, ҳақиқий санъат асарлари яратиш ҳам халқ билан бирга яшаб, халқ манфаатлари йўлида курашишдан иборат эканлигини англай бошлайди; у аввал пуританлар жамоасида бошидан кечирган азоб-укубатларни эслаб, у ерда кураш бўлганлиги сабабли ҳаёт ҳам мавжуд, деган хulosага келади:

*Бундан қўра, асаримни мутаассиблар
Ғазаб билан қунпаяқун қилса бўларди.
Эътироғнинг бир хили-ку, ҳар ҳолда бу ҳам,
Улар учун даҳшатли ғаним,
Заққум бўлиб туюлсайди менинг санъатим,
Туюлсайди таҳқири бўлиб, лекин улуғвор!*

*О, мен билан улар қандай курашардилар
Ва мен қандай кураш тушган бўлардим унда.*

(Абдулла Орипов таржимаси)

Драматург бу образ орқали ўша давр эксплуататорлик жамиятида таъқиб ва тушкунликка учраган, эрксиз, ҳукуқсиз, зуғум остида хўрланган санъаткорнинг умумлашма образини ҳаққоний яратадиган.

Леся Украинка инсоннинг эрки ва талантини бўғиб, сўндириб қўядиган, зулмнинг турли-туман усуслари, шакллари ҳукм сураётган ўша даврдаги Американи, унинг зулмкорларини кўчма маънода тўқайзор (пушта) деб атайди ва ўқувчи – томошабинда уларга нисбатан кучли нафрат ҳиссини уйғотади. Бу ўринда муаллиф, биринчидан, XVII асрда Америкадаги мавжуд ижтимоий зулмни фош қилса, иккинчидан, ана шу зулм билан ўз замонасидағи ижтимоий ва миллий зулм ўртасида уйғунлик кўради ва инсониятни бундай зулмдан озод бўлишга даъват этади. Зотан, драмада таъкидлаганидек, зулм ҳукмронлиги абадий эмас. Бу ғоя асарда Ричарднинг шогирди Дэвис сиймосида мужассамлашган. Санъат ва санъаткорнинг ўрни ижтимоий ҳаётда, халқнинг орзу-интилишларини ифодалашда, унинг зулмга қарши курашида мададкор бўлишида... Устози Ричард тушуниб етмаган мана шу ҳақиқатни Дэвис англай олади ва ўз ҳаёти, талантини шу ҳақиқат йўлига тикади. “Тўқайзорда” пьесаси бу жиҳатдан “Ўтмиш эртаги” билан жуда-жуда ҳамоҳангдир.

Асар учун ўтмиш мавзуи танланган бўлса ҳам, драматург уни ўз даврининг кечиктириб бўлмайдиган масалалари нуқтаи назаридан талқин этган.

“Ой афсонаси”, “Ўтмиш эртаги” каби драматик поэмаларда ҳам шоира санъаткорнинг жамиятдаги ўрни, аҳамияти ҳақида баҳс юритади. “Кассандра”,



“Руфин ва Присцилла” каби пьесаларида шоира ўз замонасининг муҳим ахлоқий ва ижтимоий масалаларига китобхоннинг эътиборини тортади. 1911 йилда ёзилган “Адвокат Мартиан” драматик поэмасида христианлик билан мажусийлик ўртасидаги қураш ёритилади.

Ватанга муҳаббат мавзуи Леся Українканинг лирикасидагина эмас, балки драматик асарларида ҳам кенг ишланди. 1911 йилда ёзилган “Ўрмон қўшиғи” драмаси – ана шу мавзудаги асарларидан бири. Асарда шоира ўзи туғилиб ўсган Волинскнинг гўзал табиатини ёрқин, жилвакор бўёқларда чизади.

Асар табиат гўзаллигини куйлашга бағишлиланган-дек кўринади. Дарвоқе, уни ўқий бошлишимиз билан йилнинг тўрт фаслида рўй берадиган ажиб манзаралар ва ҳодисалар бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Табиатнинг бор нафосати, рангин бўёқлари янада ёрқин, жозибалироқ туюлади, яна қайта жонлангандай бўлади. “Ўрмон қўшиғи” пьесасида тасвирланган табиатнинг фусункор манзаралари фақат рамзий образ сифатида қўлланилибгина қолмасдан, балки шоира – драматург шу табиат фони орқали катта ижтимоий-сиёсий масалаларни санъаткорона чизиб беришга муваффақ бўлган. Бошқача айтганда, драмада умуман шоира ижодиётининг лейтмотивини ташкил этган икки ижтимоий куч ҳақ ва ҳақсизлик, эрк ва истибодд, адолат ва адолатсизлик қураши ҳаққоний тасвирланади; эрк, ҳақиқат, баҳт ва эркин муҳаббат тараннум этилади. Шоиранинг ҳаётни кўтаринки руҳда тасвирлаши бугунги украин адабиётидаги романтик услугубий йўналишнинг пайдо бўлишига муайян даражада таъсир этганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Пьесанинг марказий образи Мавка – афсонавий ўрмон париси, сехргар, гўзал қиз қиёфасида гавдаланиб қолмасдан, балки шу билан бирга яхшиликнинг, абадий барҳаёт гўзалликнинг фалсафий умумлашмана-

си ҳамдир. Асарда реалистик тасвир билан фантастик тасвир бир-бирига уйғуллаштириб юборилган. Мавка – чин инсоний севги рамзи. У қишлоқ йигити Лукашнинг созандалик қобилиятини ва одамийлигини сезиб, уни севиб қолади. Лукаш ҳам Мавкага мафтун бўлади. Улар бир-бирисиз яшай олмайдилар.

Аммо ишқ таронаси бошқа олам-у, дехқоннинг мاشаққатли ҳаёти, меҳнати, азоб-уқубатли турмуши бошқа олам. Мавка Лукашнинг уйида аччиқ қисматни, бахтсизлик, эрксизликни кўради. Хуқуқсизлик, хор-зорлик унинг нозик қалбини эзади, нурли орзу-ларини топтайди. Бунинг устига Лукашни Килинага уйлантирмақчи бўлишганидан хабар топгач, Мавканинг юраги парчаланади, буткул умидсизликка, тушкунликка берилади. Дунёдан бош олиб кетишни истайди. Лекин Мавка ўлиши мумкин эмас, у эрк-муҳаббат,adolat тимсоли; бу соф ва муқаддас туйғулар эса ўлмасдир. Килина Мавкани сеҳрлайди – ўрмон париси мажнунтолга айланиб қолади. У гоҳ япроқ бўлиб шивирлайди, гоҳ Лукашнинг найи сингари нола қиласи. Мавка Лукашнинг тушларига киради, хаёлига, юрагига ҳамиша ҳамроҳ бўлади. Бироқ Лукаш Мавканинг севгисига муносиб эмас. У – хусусий мулкчилик ҳукмрон бўлган шароитнинг қули, у уйланган қиз Килина ҳам шу мухитни инг фарзанди. Бу мухит Лукашнинг юрагида туғилган нурли орзуларни чилчил синдиради, пайҳон қиласи. Пъесанинг хотимаси қайғули тамомланади. Мавка Лукашни йўқотгач, яшашдан воз кечади, ақлдан озиб ҳалок бўлади.

Бироқ ҳаёт абадий деган ғоя асар мазмунига чуқур сингдириб юборилган. Инсоннинг буюклиги, улуғлиги, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозонишига бўлган ишонч мағрур янграйди. Бу ғоя, айниқса, Мавканинг ўлим олдидаги ҳаётбахш рух билан суғорилган монологида ёрқин ифодаланган:

*Вужудимни аяма асло!
Уловуллаб мисли аланга,
Майдан учган шуъладай гўё
Учиб кетди жуда баландга.
Ҳоким она тупроқса инар
Ва сув билан жобажо бўлгай,
Бошим узра самбиттолунар,
Ҳа, имтиҳон ибтидо бўлгай.*

(Абдулла Орипов таржимаси)

Шундай қилиб, Лесянинг бу драмаси Украина адабиётинигина эмас, балки шу билан бирга жаҳон адабиётининг олтин хазинасига қўшилган жиддий ютуқлардан бири бўлиб қолади.

1912 йилда ёзилган “Тошбағир хўжайин” драма-сида шоира ўрта асрларда машхур бўлган Дон Жуан ҳақидаги афсонага қўл уради. Тирсо де Молина, Мольер, Гольдони, Байрон, Мериме, Пушкин каби классикларнинг бу борадаги анъаналарини Леся Украинка янги тарихий шароитда моҳирона давом эттириб янада ривожлантириди. 1912 йил 24 майда А.Кримскийга ёзган хатида Леся Украинка бу пьесаси хусусида тўхталиб, пьесанинг асосий ғояси консерватор, ҳокими мутлақ – тошбағир хўжайин командорнинг ўз хотини – мағрур, эгоист, шухратпаст Донна Анна ва у орқали индивидуалист – “эрк рицари” – Донна Жуан устидан қозонган ғалабасида ифодаланганини таъкидлайди. Шоира бу образлари орқали ҳам ўз давридаги чор чиновниклари ва уларнинг лаганбардор, югурдакларига айланиб қолган либерал буржуазиянинг золимлигига ишора қиласи, улар устидан заҳарханда кулади. Драмадаги ижобий образ Долоресни эса алоҳида муҳаббат билан яратади. Долорес драманинг бош қаҳрамони бўлмаса-да, асарнинг бадиий тўқимасида салмоқли ўрин тутади.

Леся Украинка Тбилиси, Петербург ва Киевдаги ишчилар ҳаракатининг гувоҳи бўлди, 1905–1907 йиллардаги инқилобий ҳаракат билан яқиндан алоқа боғлади. Буларнинг ҳаммаси шоира ижодининг янги парвозини, катта кўламини белгилаб берди. Унинг “Куз эртаги”, “Мағораларда”, “Кассандра” каби машҳур асарларида ўша йилларнинг тарихий ҳодисалари адабий талқин этилган.

Жумладан, “Куз эртаги” драмасида мажозий образлар орқали драматург 1905 йилги инқилоб давридаги халқ оммасининг чоризмга қарши олиб борган мардонавор курашини акс эттиради. Пьесада Қирол – самодержавие, Хизматкор – Қиролнинг муғамбир ва айёр югурдаги, Ҳайвон – Қиролнинг таянчи, Курувчи – халқнинг инқилобий ҳаракатига раҳбарлик қилувчи, Рицар – либерал зиёли, Малика – санъат ва гўзаллик рамзи ва бошқа образлар мавжуд. Асарда тасвирланишича, Курувчи бошчилигидаги тараққийпарвар кучлар Қирол бошчилигидаги қора кучлардан устун туради, шунинг учун уларнинг ғалабага эришилари муқаррар.

Мехнаткаш халқни қуллик кишанларидан озод бўлиши учун курашга чақириш “Мағораларда” (Абдулла Орипов таржимаси) пьесасининг асосий пафосини ташкил этади. Леся Украинка биринчи рус инқилоби йилларида ёзилган бу драматик поэмасида жанговар, курашчи санъаткор сифатида майдонга чиқади ва ақидапараст христианликнинг қулдорлик ва эксплуататорлик моҳиятини очиб ташлайди. Асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар эрамиздан олдинги II асрда, ибтидоий христианлик даврида юз беради. Пьесада христиан динининг, умуман, диннинг мазлумлар хўжайин зулмига сўзсиз итоат этиши керак, деган ақидалари рад этилади, халқ адолатсизликка, жабр-зулмга қарши актив курашга чорланади.

Асар қаҳрамони Неофит қул¹ исён күттарган мазлумларнинг озодликка чиқиши йўлларини излайди. У агар қулликдан озод бўлар экан, келажакда адолатли жамиятда бахтиёр ҳаёт кечиришни орзу қиласди. Шу мақсадда у Рим ҳокимлигининг таъқибидан қочиб, катта умидлар билан Рим яқинидаги еости ғорлари – мағораларга яширин равишда тўпланаётган дастлабки христианлар жамоасига келиб қўшиласди. Унга айтишларича, христиан жамоасида қул ва қулдорларга бўлинеш ийӯқ эмиш, одамлар озод ва эркинликда ҳаёт кечирар эканлар. Бироқ Неофитнинг бу масканга келиб эшитган биринчи сўзи яна қуллик ҳақида бўлади. Сабр-тоқати тугаб, катта умидлар билан христиан жамоасига эрк ва озодлик истаб келган Неофит руҳонийга дуч келади. Руҳонийнинг айтишича, азобланган қул нариги дунёда, самода илоҳий бўлиб, жаннати бўлиб яшар эмиш:

*Иним, менга қулоқ солгин, ихлос билан гар
Бўйин эгсанг бандаликнинг азиятига.
Руҳинг топгай ажойиб бир ҳузур-ҳаловат,
Ихлос билан хочга агар қўл югуртирсанг,
Оғир бўлмас асло у ҳам.*

Неофит қул

*Кимга ҳам зарур
Азиятга ўзни урмоқ ихтиёр билан.
Эрксизлик-ку қийнаётир шундайинча ҳам,
Кимга зарур хоч кўтармоқ яна бекорга?
Мутеликнинг юкларидан сабримиз битган.
Мен черковга азоб ва хоч ахтариб эмас,
Умид билан озодликни истаб келганман.*

Рұхоний

*Озодликка әришгайсан, шубҳасиз, иним,
Бош әгсанғ бас дину имон азиятiga.
Фоний дунё уқубати ила йүл босиb
Етишгайсан у мангулик, олий даргоҳга!
Биз тангрининг муҳиблари – ҳаммамиз тенгмиз,
Паноҳимиз ва отамиз ёлғиз Ҳудодир.
Яратғандан тонмоқ ёки унинг қошида
Такаббурлик қилмоқ фақат иблицларга хос!*

Неофит қул бунга жавобан дейди:

*Тақсир, қулда такаббурлик қаёқдан бўлсин!
Майли, дейлик паноҳимиз ёлғиз Ҳудодир.
Лекин айтинг, у даргоҳга қачон етгаймиз,
Бирор уни ерда дейди, бирор осмонда...*

Шу тариқа драмага сингдирилган чукур фалсафий мазмун асарнинг асосий қаҳрамонлари – Неофит қул билан Рұхоний ўртасидаги диалогларда ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топади.

Кескин мунозара Неофит қулнинг тўла ғалабаси билан тугалланади. Неофит кейинчалик аста-секин руҳонийнинг сўзлари, ваъдалари мутлақо ёлғон эканлигини, озодликка чиқишининг бирдан-бир йўлини диний ақидаларга бош эгиш, фоний дунё уқубатларига итоат қилиш эмас, балки золимларга қарши, қулликка қарши шиддатли кураш олиб боришдан иборат эканлигини англаб етади. Натижада у мағора-ларни ташлаб, эрк қуёши порлаб чиқажагига қатъий ишонган ҳолда исёнчи қулларнинг яширин бандаргоҳи томон йўл олади.

*Менга нафсу нон керакмас, керакмас таскин,
Менга фақат бешубҳаю беҳасад, бедор*



*Севги керак, муқаддас ва покиза севги.
 Қўрай дейман ҳеч бўлмаса эрк шарпасини,
 Ҳеч бўлмаса менинг ўғлим ёки набирам
 Етсин дейман қуллик сўзи йўқолган кунга.
 Умидворман, шундай улуғ қуч келадики,
 Зулматларни ёритар у ва инсонларни
 Ҳўжаларсиз, ҳазратларсиз ва сайидларсиз
 Битта эркин жамоага айлантиражак...
 Руҳи ташна бир мен эмас, мендайлар кўпdir,
 Қул оғайним айтгандики, Тибр томонда
 Бош кўтарган сирли қуллар қароргоҳи бор.
 Эрксизликнинг занжиридан толиқиб улар
 Итқитмоқчи эмиш оғир бўйинтуруқни.*

Пировардида Неофит қул ҳар қандай диний эътиқодларни инкор этади, у дунёда илоҳий бўлиб яшашдан ҳам воз кечади. Унинг учун эркпарвар курашчи Прометей образининг рамзи бўлиб қолади. Шоир ер юзида инсоният баҳти учун мардонавор курашга бел боғлаган Неофит қул сингари кишиларни Прометей авлодлари деб атайди ва уларнинг тилидан бундай деб хитоб қилади:

*На подшо деб, на хоқон деб, на Олимпдаги
 Мустабид деб жон беришни истамам мутлақ,
 Фақатгина одамларни муте қилмаган,
 Қул қилмаган Прометейга таъзим этаман.
 У инсонни ваъда эмас, ўт-оташ билан
 Нурлантирди, курашларга чорлаб яшади,
 Золимларни ҳазрат эмас – золим атаган
 Ва шунинг-чун азоб чеккан Прометейга –
 У баҳодир Прометейга таъзим этаман.
 У қурбонлик тиламайди, аммо жонимни
 Унинг йўли, иши, дея беришга шайман.
 Майли, бир зум юрагимда оташ ҳис этай,*

*Майли, бир зум бўлса ҳамки, қул бўлиб эмас,
Эркин бўлиб, ҳур бўлиб мен яшаб кўрайин.*

“Мағораларда” пьесаси гарчи узоқ ўтмиш мавзуда ёзилган бўлса ҳам, шоира замонаси билан уйғунашиб кетган ҳолда 1905–1907 йиллар инқилоби давридаги ҳаёт ҳақиқатини тараннум этди.

Леся Українка драматургиясидаги яна бир ютуқ шундан иборатки, унда бир қатор ёрқин – миллий колоритли аёллар образи яратилган. Чунончи, Ианна (“Хуса рафиқаси Ианна”), Присцилла (“Руфин ва Присцилла”), Долорес (“Тошбағир хўжайин”), Мавка (“Ўрмон қўшиғи”), Эвфrozина (“Оргия”) ва бошқалар украин адабиёти тарихидаги порлоқ юлдузлардан бўлиб қолган. Шоира бу драмаларида аёлларнинг аччиқ қисматини, уларнинг эрк ва озодликка ташна қалб изтиробларини тасвирлайди.

“Оргия” (1912) – шоиранинг сўнгги драматик поэмаси. Чет эл босқинчиларига қарши кураш, уларга бўйсунмаслик, санъаткорни ҳалқقا хизмат қилишга чорлаш пьесанинг асосий ғоясини ташкил этади. Асарда тасвирланган воқеалар қадим замонлардаги Юнонистоннинг кўхна ва бой шаҳарларидан бири – Коринфда юз беради, Коринф Рим босқинчилари томонидан забт этилган. Префект, прокурор каби Рим босқинчи ҳокимлари юон ҳалқини беаёв эзадилар, уларнинг маданиятини оёқости қиладилар, санъаткорларни ўз томонларига оғдириб оладилар, Хилол, Федон, Нериса каби юон санъаткорлари чет эл босқинчиларига сотилади.

Асарнинг бош ижобий қаҳрамони қўшиқчи ва шоир Антей эса умрининг охиригача ўз ҳалқига содик қолади. У босқинчиларга ўз ноёб таланти билан хизмат қилишни истамайди ва улар зулмига норозилигининг ифодаси сифатида ўзини-ўзи ҳалок қиласди. Босқинчиларга қарши курашда ёлғизлик қиласди,



халқдан ажраб қолади – бу унинг тақдирини фожиона тугалланишига олиб келади. Бу ўринда ёзувчи агар кимда-ким халқдан ажраб қолса, ҳалокатга учрайди, деган ғояни яна бир карра тасдиқлайди.

Леся Українка “Муқаддас кечә”, “Унинг қисмати шундай”, “Денгиз устидан”, “Бемаҳал”, “Шарпа”, “Адашиб”, “Дўстлик” каби ажойиб ҳикоялари, “Доғ” повести, “Капалак”, “Кулфат кўзни очади”, “Нилуфар” каби болалар учун ёзган мароқли эртаклари, жанговар сиёсий-публицистик асарлари, адабий-танқидий мақолалари билан ҳам шухрат қозонган. Хулоса қилиб айтганда, шоира ўлмас асарлари билан ўзига абадий ҳайкал ўрнатиб кетди.

Леся Українка 1913 йил 1 августда Грузиянинг Сурами шаҳрида вафот этади. Шоиранинг хоки Украина га келтирилиб, Киевда дафн этилади.

“Рабочая правда” (“Правда”) газетаси 1913 йилда украин халқининг буюк шоираси Леся Українканинг вафоти муносабати билан босиб чиқарган таъзияномасида унинг ижодига қўйидагича юксак баҳо берган эди: “Умуман, ижтимоий озодлик ҳаракатига, яқин туриб, ўзининг бутун кучини, ақл-идрокини, эзгулигини шу ҳаракатга бағишилади. Яхшиликнинг абадий оқилона уруғини экди. Биз унинг асарларини ўқиймиз ва унга раҳматлар айтишимиз керак”.

Леся Українка ва замонамиз

Украина адабиёти тарихида муносаб из қолдирган шоира мураккаб ижтимоий шароитда ҳаёт кечирди. Леся Українка ўз асарлари билан украин адабиёти тараққиётидагина эмас, балки жаҳон адабиёти равнақига ҳам салмоқли ҳисса қўшган улкан санъаткордир. Унинг тилдан-тилга, дилдан-дилга, элдан-элга ўтиб, эркесвар кишилар қалбидан мустаҳкам

ўрин олган ўлмас асарлари ўз қимматини сақлаган ҳолда мағур янграмоқда. Унинг уч ва тўрт жилдли асарлар тўплами, “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумига кирган биографияси аллақачонлар нашр қилинган. Шоиранинг бир қатор асарлари жаҳон ҳалқлари тилларига таржима этилган. Леся Українканинг ижоди П.Тичина, М.Рильский, М.Бажан, А.Малишко, П.Воронько сингари ёзувчилар ижодига ва ёш шоирларнинг бутун бир авлоди ижодига самарали таъсир кўрсатиб келди ва келмоқда. Шоиранинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятига бағишилаб М.Бажан, П.Воронько, М.Олейник каби атоқли ёзувчилар қатори асарлар яратдилар. Машҳур композитор А.Штогоренко “Леся Українканинг хотираси” номли сюитасида шоира образини куй ва оҳангларда гавдалантирган. Театрлар, мактаблар, кутубхоналар, кўчалар унинг номи билан юритилади. Киевда Леся Українкага ёдгорлик музейи очилган. Грузиянинг Сурами шаҳрида шоирага ҳайкал ўрнатилиб, музей очилган.

Биз юқорида Леся Українканинг Россиядаги инқилобий ҳаракатлар билан боғлиқ фаолиятига бирмунча эътибор қаратдик. Бу табиий, албатта, чунки шоира ҳаёти ва ижоди ушбу йўналишда ривожланди. Лекин яна бир ҳақиқатни қайд этиш лозим. Леся Українка ижодининг бош мотиви инқилобий кураш эмас, балки Украина мустақиллиги гоясидир. Бинобарин, адига Россияда кўтарилиган инқилобий тўфонлар унинг она Украинасига озодлик олиб келади, деб ишонган ва бу йўлда кураш олиб борган. Шутуфайли ҳам у ҳозирги мустақил Украина Республикасида катта ҳурмат ва эъзозга эга.

Леся Українка аллақачонлароқ ўзбек ҳалқининг ҳам яқин дўсти, қадрдонига айланган. Унинг кўпгин асарлари таниқли ўзбек шоирлари ва ёзувчилари: Уйғун, Миртемир, Шухрат, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Сайёр, Тўлқин,

Маъруф Жалил, Рауф Парфи, Маҳкам Маҳмудов, Абдулла Шер ва бошқалар томонидан ўзбек тилига муваффақиятли таржима қилинган.

Талантли шоир ва таржимон Эркин Воҳидов таржимасида шоиранинг “Ўтмиш эртаги” шеърлар тўплами 1961 йилда нашр этилган.Faфур Ғуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти адибанинг юз йиллик тўйига бағишилаб унинг энг гўзал асарларини ўз ичига олган бир томлигини ўзбек тилида босиб чиқарди. Тўпламга шоиранинг “Мағораларда” номли йирик драматик поэмаси ҳам киритилган. Мазкур асарни Абдулла Орипов катта маҳорат билан таржима қилган. Шунингдек, адабиётшунос, педагог олимлардан Р.Муқимов ва М.Шариповнинг қардош халқлар адабиётидан тузган дарслик-хрестоматиясида ҳам шоира асарларига анчагина ўрин ажратилган. Булар ўзбек халқининг эрк жарчиси Леся Українкага бўлган эҳтиромидир.

Леся Українканинг ғоявий-бадиий юксак асарлари ҳозир ҳам эскиликка қарши, адолатсизликка қарши кураш намунаси бўлиб қолмоқда. Унинг халқ манфаатлари йўлидаги ҳужумкор кураши ҳозирги кунда ҳам ватанга садоқат билан хизмат қилишининг ёрқин намунасидир. Шу туфайли ҳам украин адабиётининг фахри, ёрқин юлдузи Леся Українканинг маънавий мероси, ўлмас асарлари, унинг эл-юрт олдидаги буюк хизматлари жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги, шу жумладан, ўзбек китобхонлари томонидан юксак қадрланмоқда, зўр муҳаббат билан ўқилмоқда.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

ЭРК ҚУЁШИГА ИНТИЛГАН ШОИРА

Украин адабиёти тарихидаги ёрқин юлдузлардан бири Леся Украинкадир. Ҳар бир шеърида халқига, ватанига муҳаббати бўртиб турганлиги унинг тахаллусидан ҳам кўриниб турибди. 1871 йилда туғилган гўдак Ларисага табиат шеъриятга ошно қисматни раво кўрганди. Оиладаги ижобий муҳит, тинимсиз мутолаа бўлажак шоира шахсиятини тарбиялаб борди. Отаси – Петр Антонович Косач Черниговлик дворянларга мансуб, адабиётни, мусиқани, рангтасвирни жуда севган инсон эди. Онаси – Ольга Петровна Драгоманова Косач ҳам ёзувчи, “Биринчи гулчамбар” альманахининг ношири, тоғаси Михаил Драгоманов даврининг таниқли ижодкори бўлиб, машхур украин шоири Иван Франко билан ҳамфикр, қадрдон эдилар. Лариса ёшлигиданоқ рус, украин адабиёти классикларининг асарларини жиддий ўқиб ўрганди. XIX аср рус демократларининг асарларини дарслик ўрнида ўқиди. Аммо Лариса халқнинг дардни куйладиган шоира – Леся Украинка бўлиб етишгунча қўп ҳаёт синовларига дуч келади.

Украин адабиётининг фахри – “Кимнинг қалбида ватан туйғуси бўлмаса, у ўксик, нотавондир” сатрларини битган Тарас Шевченко ижодидан озиқланган шоира тинимсиз изланишлар натижасида шеъриятини камол топтира борди.



Биринчи түплами “Күшиқлар қанотида” (1893) шоиранинг юксак истеъдоди нишонаси бўлди. Илк китобидан руҳланган шоира 1884 йилдан жуда фаол ижодий ишга шўнғиб кетади.

Леся Українка ёшлигиданоқ халқ дардида, ватан қайғусида ёнарди. У холаси Елена Антоновнага бағишиланган “Умид” шеърида шундай ёзади:

*Бахтим қаро экан, толеим нигун,
Ёлғиз умид билан яшайман бугун:*

*Умидим – бир кўрсам Украинамни,
Диёrim – мунисим, жоним онамни.*

*Зангор Днепрга бир боқар бўлсам,
Армоним йўқ эди сўнг, майли, ўлсам.*

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Хурфикрлиги учун сургун қилинган холаси Елена Антоновна тилидан ёзилган бу шеър ёш Лесянинг бир умрлик куйлаган эрк ғоясини ўзида мужассам қилган дейишимиз мумкин.

Шоира “Марваридгул” шеърида фалсафий фикрлаб, марваридгулга беэътибор бўлган қиз тақдирини келажакда худди шу гул тақдирни кутаётганига ишора қиласди. Гул узган қиз:

*Қиз чарх уриб рақс тушди,
О, нақадар шод кўнгил.
Дона-дона япроқларин
Кўз ёшидек тўқди гул...*

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Бу шеърда табиатга зулм, бепарволик, беписандлик инсонга зулмдек қораланганди. Оташнафас шоиранинг шеърларидан қизил ип бўлиб ўтган бир ғоя бор-

ки, бу ватан, озодлик, эрк, күнгил хурлиги, Украина мустақиллиги ғоясидир.

*Хорғин бу эл узра қанотин
Астагина ёйди қаро тун.
Шамлар ўчган, зим-зиё ҳар ён,
Ётап шириң уйқуда жаҳон,
Тун борлиқни қамраган бутун.
Аlam чекар ким бўлса бедор!
Ухлаганлар қандай баҳтиёр!
...Тўлқин урад кўнгилда исён,
Уйғон, сени иш кутар, уйғон!
Ҳайда туннинг ғафлат уйқусин,
Ёқ тонготар машъалини сен,
Куёш чиқмай, уйғонмай жаҳон!*

(“Тонготар машъаллари”.
Эркин Воҳидов таржимаси)

“Сафга турдик” шеърида шоир ўз ижодий кредосини, курашчанлигини сатрларга чизгандек:

*Сафга турдик – ҳақдир йўлимиз,
Биламиз, ҳақ асло енгилмас.
Шу ишонч-ла қучли қўлимиз,
Шу ишонч-ла оламиз нафас.
...Ким ҳақ учун қилса фидо жон,
Бизнинг сафга турсин баробар.*

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Бу мисралардан кўринадики, шоира ҳақ йўлига жонини тиккан. Ҳақ йўли эса эрк йўлидир. Шоира ҳақни севганларни ўзига биродар диг билади, уларга кўнглини очади. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳақиқатгўй бўлган, ҳақ йўлида курашган шоиранинг биродари, қадрдонидир.

Шоира ижтимоий мавзудаги шеърларни эмас, табиат тасвирига бағишиланган шеърларда ҳам эркинлик ғоясини сингдириб кетади. “Оқшомги соатда” шеъри бунинг ёрқин намунаси:

*Қүёш оғиб уфққа ботди,
Деразамдан қумуш ой боқди.
Пирпиради осмонда юлдуз,
Атроф ухлаб... ғусса юмди күз.*

(Зулфия таржимаси)

Кўряпсизми, табиат тасвиридаги кечки уйқу шоир қалбини ўртаган ғуссани ҳам қувгандек. “Ой нурида куйлайман бирпас, бу ер қандай тоза, кенг, эркин” сатрларидан шоиранинг юраги ҳар соатда эркинлик учун урганини сезамиз. Леся Українка қандай ҳолатда бўлмасин, катта умид билан яшайди. У кўзида ёш билан кула оладиган инсонлар тоифасидан.

“Умид кутаман” шеъридаги мана бу сатрлар шоиранинг қанчалик юксак ирода эгаси эканлигини кўрсатиб туриди.

*Йўқ! Мен кўзда ёш билан кулиб,
Қайғуда ҳам қўймам куйларим,
Мен барибир умидга тўлиб,
Кўлмоқчиман, кетинг, ўйларим!*

(Зулфия таржимаси)

Леся Українка оғир хаёллардан, хасталик ғуссасидан сўнаётган ёшлик дамларидан мана шундай умидбахш руҳи билан устун келади. Шоира вайронада гул ўстирадиган, уни кўз ёшлари билан суғоришга-да тайёр некбин қалб эгаси. Бу кўзёшлар шунчаки “маҳзун кўзёшлар” эмас, музларни эритадиган. Харобаликдаги гулларни чандон очирадиган, кўклам

нафасини елдирадиган кўзёшларидир. Худди шу ғоя шоиранинг “Кўйларим” шеърида янада юқори патфосларда тараннум этилади. “Кўйларим! Бу заиф қўлларга эмас, жасур курашчига ёр бўлинг ҳар дам”.

Леся Украина хурликни баланд пардаларда куйлаган шоира сифатида ёшларга ҳам мурожаат қилиб, “Марварид ёшлар” шеърида шундай ёзади:

*Сен қайда, эй, кўкнинг юлдузи – хурлик,
Осмонингдан пастга тушмайсан нечук?
Эркни нондай кутиб бизнинг ер шўрлик
Қийналди... ва ҳамон қуюқлаши туң,
Ҳақиқат-ла яккаш риё қилас жанг,
Аҳволимиз танг!.
Бутун ҳалқ оилам, онам ва иним
Занжирда инграйди суяги қақшаб,
Украинам тани тилим ва тилим,
Яллиғланиб ёнади оловга ўхшаб.*

(Зулфия таржимаси)

Шоира ватаннинг ҳолатини, эркка бўлган ташналикни нақадар оташин мисраларда акс эттира олган.

“Украина”, “Туш”, “Эрк ҳақида қўшиқ” шеърлари ҳам теран мазмунли бўлиши билан бирга эрк шаънига айтилган мадҳиядек янграйди. Шоира юртдан олисларда туш кўряпти. Бу ҳолат зоҳирга қўчирилганда шундай берилади:

*Ёқимтой эркалаш... Украинамсан!
Ҳа, менинг севикли Украинам бу,
Ёғоч уй ва чорбоғ, яшил чаманзор,
Чакалак ортида ўт босган ҳовуз...
Бу – Украина...*

(Миртемир таржимаси)



Шу ерда “ёқимтой эркалаш” жумласига эътибор қиласлийк. Соғинч түйғулари юрагини ўртаган шоира тушида она ватанини кўради: тушида онаси уни гўё ёқимли эркалаётгандай. Ва лирик қаҳрамон бу она ватани эканини ҳис қиласди. Леся Украинканинг “Менинг йўлим” шеъри мазмунан шоиранинг ҳаётий ақидаларини акс эттирган энг бақувват шеърларидан дейиш мумкин. “Қўрқув бўлмас бир бирорвга бўлсан ҳамдам”, дея бирликка чақириш, заҳмат чекиб кўзёш тўкканга “сенинг дардинг – менинг дардим” дейиш, эрк, тенглик, қардошлиқ – “Шу уч юлдуз халқнинг умид-орзуси” юлдузи эканини такрор ва такрор таъкидлаш, “Қўшиқ билан бошлагандим йўлни илк бор, қўшиқ айтиб тугатаман уни зинҳор!” дея бир умр ўз эътиқодига, илҳом парисига содиқ қолиш – мана Леся Украинканинг руҳоний олами. Шоиранинг мана шундай руҳдаги, эрксеварлик мавзусидаги шеърлари озодлик учун курашувчиларнинг юзи бўлди. Луи Арагон: “Адабиёт мамлакат учун жуда муҳимдир, моҳиятига кўра, унинг юзи дейиш мумкин” деган сўzlари Леся Украинка ижодига жуда мос келади.

1891 йили Галицияга келган Леся Украинканинг И.Франко, М.Павлик, О.Кобилянский, А.Маковей, Н.Кобринский каби украин маданиятининг, адабиётининг етук намояндалари билан танишуви, унинг ижодий юксалишига бир замин вазифасини ўтади. Иккинчи томондан асарлари бадиий жиҳатдан тақомил касб этишида, жанрий ранг-баранг бўлишида жаҳон адабиётининг таъсири катта бўлди. Шоира Иоган Гёте, Фридрих Шиллер, Виктор Гюго, Хенрих Хейне асарларини қунт билан ўрганади. Айниқса, Жорж Байрон лирикасининг руҳи Леся қалбига яқин эди. Балким “Тошбағир хўжайин” асари Байроннинг “Дон Жуан”и таъсирида юзага келган бўлиши мумкин.

Шоирада тил ўрганишга алоҳида иқтидор, меҳр бўлган. У лотин, инглиз, немис, француз, итальян,

поляк, болгар, испан, рус тилларини теран ўрганади. Тилни яхши билган шоира Ғарб адабиётидаги машҳур ижодкорлар асарларидан она тилига аслиятдан ўгирмалар қиласди. Бу шоира талантининг ривожига бир мактаб бўлса, айни пайтда, украин адабиётини таржима асарлари билан бойитишда самарали иш бўлди. Ўз навбатида халқ ижтимоий онгига таъсирини ўтказди – жаҳон адабиётидаги ҳурлик руҳини сезган илғор фикрли украин зиёлилари тафкурининг тиниқлашишида муҳим омил бўлди. Шунинг учун ҳам шоиранинг ижоди XIX аср охири XX асрнинг бошидаги Украина ижтимоий ҳаётининг ойнаси даражасига етди. Ўша давр жамият муаммоларини таҳлил қилиш учун ҳам шоира ижоди унумли ахборот бера олади, дейишимиз мумкин. Шоиранинг ўзи юксак интеллектуал илм соҳиби (у Шарқ санъати тарихи, динлар тарихи, географияни маҳсус ўрганган, Миср, Юнонистон, Крим ва бошқа давлатларда бўлган, 1907 йили “Ойша ва Мұхаммад” драмасини ёзган), халқ дарди билан яшайдиган талантли шоира сифатида ҳам ўрнакдир. Шоиранинг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари риторикадан узоқ, теран туйфуларга ўралган эрк истаги билан жилолангандан ватансевар инсоннинг қалбидан чиққан нидолар сасидек янграйди.

Леся Українка украин болалар шеъриятига асос соглан ижодкорлардан. “Алла”, “Қиши келганды”, “Гилос”, “Күшчалар нега қувноқ” шеърлари болалар шеъриятининг яхши намуналариdir. Халқ қўшиқлари таъсирида “Болалар қўшиқлари” туркумини яратди. Болаларга бағишлиган шеърларида ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш руҳи устувор. “Күшчалар нега қувноқ” шеъри совуқда, донсиз қолган қүшчаларнинг қувноқлиги шеър сўнгига шундай таърифланади:

*Оч бўлса ҳам қушларнинг
Куйлашига сабаб бор.
Чунки улар ишонар:
Келар бир кун гулбаҳор.*

Леся Українканинг “Ўйлар ва орзулар”, “Акс садо” шеърий тўпламлари жуда машҳурэди. “Самсон”(1888), “Ой афсонаси” (1892), “Ўтмиш эртаги”(1893), “Роберт Брюс, Шотланд қироли” (1893), “Асир” (1903), “Қадимий эртак” (1893), “Бир сўз” (1903), “Миср афсонаси”(1909),“Оппоққина Изольда” (1912), “Улкан баҳодир ҳақида эртак”(1913) каби шеърий достонлар ёзган Леся Українка йирик шеърий асарлар ёзишда ҳам иқтидори баланд эканини кўрсатди. “Фикри эркин бўлмаган шоир, шоирликни қилмасин даъво” фикри шоира поэмаларининг таянчғояси дейиш мумкин.

Леся Українканинг истеъоди фақат шеърий асарларидагина қўриниб қолмади, унинг “Денгиз узра”, “Муқаддас кечা”, “Бемаҳал”, “Адашиш”, “Дўстлик”, “Хато” насрый асарлари ва драмалари фикримиз далилидир. Леся Українка украин драматургиясининг асосчиларидан бири, адабиётда драма мавқеини кўтарган ижодкор. “Мовийгул” (1896), “Телба” (1901), “Куз эртаги” (1905), “Мағораларда” (1906), “Кассандра” (1908), “Тўқайзорда” (1909), “Тошбағир хўжайин” (1912), “Бояриня” (1913) драмалари Украина адабиётида бу жанрнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Адабиётшунос Асил Рашидов ҳақли равишда: “Украин адабиёти тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган ушбу асарларнинг аксариятида турили мамлакат ва халқларнинг қадимий тарихидан ҳикоя қилувчи ёрқин манзаралар чизилади, муҳим ҳаётий муаммолар кўтариб чиқилади, миллий руҳдаги характерлар яратилади”, деб ёзганди (Леся Українка. “Шарқ” НМАК. Т., 2010. 36-бет). Драматург асар воқеасини қайси даврдан ёки миллат ҳаётидан олмасин

замон руҳи билан боғлайды, ўзининг оташин қарашларини сингдирди. Леся Украинка драматург сифатида дунё халқлари мифологиясидан, жаҳон адабиётидаги сюжетлардан, тарихий воқеалардан ўзига илҳом берган ҳар бир далилни янгича талқин ва янги ғоявий қарашлар билан бойитган ҳолда тақдим қиласди. Ҳар бир ижодкорнинг шоҳ асари бўлади. Шу маънода, Леся Украинканинг “Ўрмон қўшиғи” (1912) драмаси унинг мана шундай шоҳ асаридир. Шоира бу асарида халқ оғзаки ижоди ва афсона, мифлардан унумли фойдаланган ҳолда эзгу инсоний туйғуларни тараннум этади. Дунё занжирдек бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Мавка, Лукаш ва Килина образларида инсонга хос ижобий, салбий хусусиятларни таъсирли ифода этади. Афсона-драманинг иштирокчилари – инсонлар ва афсонавий тимсолларни шоира ўз гуманистик қарашларидан келиб чиқиб мулоқотга кириштиради. Шоира кўнглида барқ урган озодлик туйғуси асар персонажи тилидан шундай берилади:

*Во ажаб, қачондан буён Сув парилари
Сувда чўри бўлиб қолди? Мен озод қизман!
Худди сув каби озод!*

(Сирожиддин Рауф таржимаси)

Асарда инсон ва табиат уйғунлиги, жонлантириш, қиёсий тасвирлаш тамойилидан келиб чиқиб, ҳар бир одамга характеристика берилгандек дараҳтларнинг-да ўзига хослиги кўрсатилади. Ўзини борлиқдан ажратмай тасаввур қиласдиган Мавка ўрмондаги дараҳтларни шундай таърифлайдики, беихтиёр кўз олдингизга тирик инсон жонланади:

*Ажисб меҳр билан севар бир-бирин...
Мен учун дунёда қайин меҳрибон,
Опам деб атайман шунга мен уни.*

*Фақат у қўп маъюс: рангпар, боши ҳам,
 йўз дардига ўзи андармон, баъзан
 Унга боқиб тинсиз йиғлаб оламан.
 Ольха эса ҳеч ёқмас, у – бағритош,
 Ансол мени нимагадир кўрқитар.
 Чунки ўзи қўрқоқ – титраб туради.
 Эманлар-чи, иззатталаб!
 Шумтол, заранг, оқ, заранг – калондимоғ.
 Ўз хуснига бино қўйган бодрезак...*

Драмадаги “Юракка юлдуз йиқилиб тушди!”, “Жим... Юрак гапирсин...”, “Юлдузлар чамбари қора сочингда”, “Хазон бўлган баргдек чирқиллар...”, “Ҳақорат қилмагин қалбинг гулини, Кўшиқдан туғилган ахир севгимиз” каби қўйма сатрлар муаллифнинг бекиёс маҳоратидан, таржиманинг эса муваффақиятли чиққанидан далолатdir.

Леся Українка – ҳолатлар тасвири устаси де-ишишимиз мумкин. Севилган қиз Мавканинг ҳолати, севги туфайли унинг ичдан нурланиб тургани, ҳаётда биринчи маротаба бундай туйғуни ҳис қилгани жуда гўзал берилган.

Мавка:

*Эй, тун, кошки, тугай қолсайдинг тезроқ!
 Ўқинма! Мен аввал билмасдим мутлоқ,
 Ҳудди сендай хушбахт, сендай чароғон
 Кун ҳам борлигин, тунгинам, ишон!
 Сен нега паришон турибсан, қайин?
 Опажон, боқ менга, баҳтдан айтайин!
 Қўзёш тўқма сувга, она самбиттол,
 Севгилим мен билан бўлади хушқол!
 Ўрмоним, отажон, ахир, билмайман,
 Тунни қисқартирай, айтинг, қандай ман?
 Тун қисқа, айрилиқ узундир шу тоб...
 Қисматим не экан – баҳтми ё азоб?*

Мавканинг бу монологини туйғуларга лиммо-лим қалбнингnidоси дейиш мумкин.

Драмада шоиранинг донишмандлик ва нодонлик, эрк ва мутелик, эзгулик ва ёвузлик ҳақида-ги қараашлари қаҳрамонлари тилида зухур этилган. “Гўзалликнинг минбаъд енгилмаслиги” асар мағзига фалсафий тарзда сингдирилган. Асарнинг асосий ғояси руҳ эркинлигини улуғлаш, ёвузликни ёндириш, кулликни қоралашдир. Леся Українканинг “Йўқ, ти-рикман! Юрагимда барҳаёт туйғу, Шу боис ўлим йўқ менга. Яшайман мангу!” сатрлари қалбидаги эрк туйғуси, соғ муҳаббат, халқ қайғуси бўлган инсонлар мангуликка дахлдорлигига ишорадир. Мазкур драма жаҳон адабиётидаги мифлардан унумли фойдаланиб гуманистик мавзуда, инсон қалби пучмоқларини тे-ран акс эттирган асарлардан, дея оламиз. Шоиранинг ушбу драмасини иқтидорли шоир Сирожиддин Рауф биринчи маротаба ўзбек тилига муваффақиятли ра-вишда тўлиқ ўгириб, ўзбек китобхонларини ҳам Леся Українканинг маънавий оламидан кенгроқ баҳра-манд бўлишига ҳисса қўшди.

1913 йили оғир хасталикдан вафот этган шоира қисқа умри давомида қалбларга эрк ғурурини солиб ўтди. Инсонлар дилида озодлик, эрк оловини ёққани учун шоирани улуғлаб “Прометейнинг қизи” дея аташ-ганди. Леся Українка ҳаётини, ижодини она халқи-нинг озодлиги учун курашга бағишилади. У ҳам устози Т. Шевченко каби маънавий кўмакни жафокаш халқи-дан олди. Халқнинг истакларини ўзиники деб билди. Ватан қайғуси, озодликка интилиш, юртни, халқни ардоқлаш шоиранинг умр маслаги бўлиб қолди ва шу сабабли ўзи ҳам эл эъзозидаги шоира сифатида халқи-нинг қалбидан мангу жой олди.

Украин адабиёти тарихида шоира, наср устаси, драматург, таржимон, адабиётшунос, публицист, халқ оғзаки ижоди тадқиқотчиси (200 ортиқ халқ қўшиқла-

рини ёзиб олган) сифатида ёрқин из қолдирған Леся Українканинг номи Тарас Шевченко, Богдан Хмельницкийлар билан бир қаторда машхур бўлди, шуҳрат қозонди.

Шоиранинг ижоди ўзбек китобхонларига ҳам яхши таниш. Унинг 100 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланган. Миртемир, Уйғун, Зулфия, Шуҳрат, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Абдулла Шер, Носир Муҳаммад каби атоқли шоирларимиз шоира асарларидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилишган. Айни пайтда Сирожиддин Рауф каби шеъриятимизнинг кейинги авлоди вакиллари ҳам бугун Леся Українка ижоди таржимасига дадил қўл ураётгани шоира асарларига бўлган қизиқишининг давомийлигидан далолатdir.

МУНДАРИЖА

Нұғынбай Рахимжонов. Эрк фалсафаси 3

ШЕҢЛАР

<i>“Суюк диёр...” Рауф Парфи таржимаси</i>	25
<i>“Күёш ботар...” Рауф Парфи таржимаси</i>	26
<i>Табиат ҳақида. Сайёр таржимаси</i>	27
<i>Денгиз сокинлиги. Түлқин таржимаси</i>	28
<i>“Сукут аро мунис хаёлим...” Рауф Парфи таржимаси ...</i>	29
<i>Менинг йўлим. Шуҳрат таржимаси</i>	30
<i>Фолиб Шуҳрат таржимаси</i>	31
<i>“Сокин кечада...” Рауф Парфи таржимаси</i>	32
<i>“Ўз бошимга ўзим...” Сайёр таржимаси</i>	33
<i>“Сени интизор кутдим...” Жуманиёз Жабборов таржимаси</i>	34
<i>Истардимки. Абдулла Шер таржимаси</i>	35
<i>“Мени сизга ожиз деган ким...” Сайёр таржимаси</i>	36
<i>Алла. Эркин Воҳидов таржимаси</i>	37
<i>Гилос. Эркин Воҳидов таржимаси.....</i>	39
<i>Қишилганда. Эркин Воҳидов таржимаси</i>	40
<i>Қушчалар нега қувноқ. Эркин Воҳидов таржимаси</i>	41
<i>Оқшомги соатда. Зулфия таржимаси</i>	42
<i>Менда қўрқув йўқ. Эркин Воҳидов таржимаси</i>	43
<i>“Ҳар ёнда кўз ёши...” Шуҳрат таржимаси</i>	44
<i>Тонготар машъаллари. Эркин Воҳидов таржимаси</i>	45
<i>Ғалаба. Шуҳрат таржимаси</i>	46
<i>Ўртоқларимга. Сайёр таржимаси</i>	47
<i>Дўстимга эсдалик. Маъруф Жалил таржимаси</i>	48
<i>Эрк ҳақида қўшиқ. Жуманиёз Жабборов таржимаси</i>	50
<i>Куйларим. Зулфия таржимаси</i>	52
<i>Омилкор пан. Сайёр таржимаси</i>	53
<i>Бир дам маъюслик. Сайёр таржимаси</i>	54
<i>Романс. Маъруф Жалил таржимаси</i>	55
<i>Марварид ёшлар. Зулфия таржимаси</i>	56

Аччиқ кўз ёшимиз. <i>Маъруф Жалил таржимаси</i>	57
Украина, ҳасратингдан. <i>Шуҳрат таржимаси</i>	58
Қайтиш. <i>Сайёр таржимаси</i>	59
Сфинкс. <i>Маъруф Жалил таржимаси</i>	61
Нера учолмайман. <i>Маъруф Жалил таржимаси</i>	63
Топталган йўлда. <i>Маъруф Жалил таржимаси</i>	65
Фожиа. <i>Маҳкам Маҳмудов таржимаси</i>	66
Харобадаги ёзув. Эркин Воҳидов таржимаси	68
Иефай қизи. <i>Шуҳрат таржимаси</i>	70
Саҳро нафаси. <i>Шуҳрат таржимаси</i>	72
Шонли кун. <i>Маъруф Жалил таржимаси</i>	73
Улкан баҳодир ҳақида эртак. Эркин Воҳидов таржимаси	75
Бир сўз. Эркин Воҳидов таржимаси	79
Умид. Зулфия таржимаси	90
Гоҳ шундай. Зулфия таржимаси	91
Ўтган баҳор. Зулфия таржимаси	92
Куюқлашди ғам. Зулфия таржимаси	93
Ҳамиша ўйлайман. Зулфия таржимаси	94
Украина. <i>Носир Муҳаммад таржимаси.</i>	95
Сафга турдик. Эркин Воҳидов таржимаси	96
Қадимий эртак (<i>Достон</i>). Гулчехра Нуруллаева таржимаси	97
ДРАМАЛАР	
Мағораларда (<i>Драма</i>). Абдулла Орипов таржимаси	127
Ўрмон қўшиғи (<i>Драма</i>). Сироҷиддин Рауф таржимаси	152
ТАДҚИҚОТЛАР	
Асил Рашидов. Зулмат ичра зиё излаб	272
А. Алимбеков. Эрк қуёшига интилган шоира	321

Адабий-бадиий нашр

Леся УКРАИНКА

ТОНГ ОТМОҚДА

Шеърлар, достонлар, драмалар,

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*
Бадиий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Мусахҳих *Нодир Сувонов*
Саҳифаловчи *Азамат Қайимов*

84(4Укр)

У 38

У 38 Украинка, Леся.

Тонг отмоқда [Матн]: *Шеърлар, достонлар, драмалар,*
/ Л. Украинка. – Т.: «MASHHUR-PRESS» nashriyoti, 2019. – 336 б.

ISBN: 978-9943-5568-1-2

УЎК 32(575.1)(092)

КБК 84(4Укр)

«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»

Нашриёт лицензияси: № А1 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишига 2019 йил 9 апрелда руҳсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. «Cambria» гарнитураси.

Шартли босма табори 17,64. Нашриёт босма табори 21

Адади 2000 нусха. Буюртма рақами 134.

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп қилинди.

100097, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкӯчаси, 44.